

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**И.И.БЕКМИРЗАЕВ**

**МОВАРОУННАҲРДА ҚОЗИЛИК  
ҲУЖЖАТЛАРИ: ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР  
ВА ТАҲЛИЛИЙ ЁНДОШУВЛАР**

**МОНОГРАФИЯ**

«Тошкент ислом университети»  
наширёнт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2014

**УЎК:94(575)**

**86.38**

**Б49**

**Бекмирзаев И.И.**

Мовароуннахрда қозилик ҳужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндошувлар: монография / И.И.Бекмирзаев; масъул мухаррир З.Исломов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. – Тошкент: Ислом университети, 2014. 332 б.

**КБК: 86.38  
63.3(5Ў)**

Мазкур монография, X–XIII асрларда ислом ўлкалари бўлган Андалусия, Хуросон, Ирок, Шом, Миср ва Мовароуннахрда фаолият юритган қозилик маҳкамалари ва уларда амалда бўлган ҳужжатлар тарихи, уларнинг ёзишиш тартиби бўйича қимматли маълумотлар берувчи илк тадқикот саналади.

Монография учун танлаб олинган мавзу ўтган “Обод турмуш” иили билан ҳамоҳанг бўлиб, тарихда ижтимоий муносабатларнинг мухим бўғини хисобланган қозилик маҳкамалари фаолияти ҳамда унда амал килган турли тарихий-юридик ҳужжатлар ҳакида янги маълумотлар берибина колмай, мамлакатимиз тарихида X–XIII асрларда ёк ижтимоий муносабатларнинг ҳукукий асослари яратилганлиги борасидаги илмий тасаввурларимизни бойитишга хизмат қиласди.

Ушбу монографияда илгари суриган фикр ва холосалардан китобхон келгусида ўз илмий салоҳиятини кенгайтиришга ҳамда “Ислом тарихи ва манбашунослиги”, “Исломшунослик”, “Миллий давлатчилик тарихи”, “Ҳукукий назариялар тарихи”, “Нотариат ва шартномалар тарихи” билан боғлиқ соҳаларни ривожлантиришда ҳам кенг фойдаланиши мумкин.

**Масъул мухаррир ва сўз боши муаллифи:  
Зоҳиджон Исломов – филология фанлари доктори, профессор.**

**Такризчилар:**

**Аҳаджон Ҳасанов – тарих фанлари доктори, профессор.**

**Мирсадик Исҳоқов – тарих фанлари доктори, профессор.**

**Шоназар Бердиев – юридик фанлари доктори.**

Уибы монография Тошкент ислом университети Илмий кенгашининг 2013 йил 26-декабрдаги мажлисисида муҳокама қилинди ва нашрга тавсия этилган (4-сонли мажлис баённомаси).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишилари бўйича қўймитанинг 2014 йил 14 январдаги 132-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

**ISBN 978-9943-390-74-4**

© «Тошкент ислом университети»

наширёт-матбаа бирлашмаси, 2014

© Бекмирзаев Илхомжон, 2014

## СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аждодларимиз қолдириган бой, қадимий маданий мерос, маънавий қадриятларни, ўз ҳаққоний тарихимизни ўрганишга кенг имкониятлар яратилгани сир эмас. Ўзбек халқининг жаҳон афгор оммаси қаршисида яна шонли гурури ва ўзлигини баланд кўтариши учун аввало, минг асрлар синовига дош берган, эътиқод оловида тобланган бой ўтмишини қайта тикланиши биринчи галдаги вазифалардан бири эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таъкидлаганларидек: “Тарихни билмаган, тарихдан сабоқ олмаган инсон нафақат олис ва яқин аждодларни қандай яшагани, ўзи мансуб миллат қандай шакллангани, балки келажагини ҳам тасаввур қила олмайди. Шу заминдан етишиб чиққан буюк мутафаккирларимизнинг мероси билан таниш бўлмасак, келажаги буюк давлат қуришимиз мумкин эмас”.

Маълумки, халқнинг маънавий қадриятлари, дунёкарашларининг илдизлари муқаддас эътиқодимиз ислом билан туташиб кетган. Шунинг учун ҳам тарихда “икки дарё оралиғи” деб ном олган бу табаррук замин мусулмон оламига барча ислом илмларини муфассал ўрганиб, номи ва довруғи бутун дунёда машҳур бўлган алломаларни етишириб берди. Жумладан, ҳадис илмининг соҳиблари Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, мутакаллимлар Имом ал-Мотурудий, ан-Насафий, фиқҳ илмида эса Бурхонуддин ал-Марғинонийлар яратган асарлар бугунгача ҳам кўплаб ўлкаларда ислом илмини ўрганиш бўйича асосий манба сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Мовароуннаҳр ўлкасига ислом маданиятининг кириб келиши ижтимоий турмуш, сиёсий доираларда ва маданий мухитда эзгулик, поклик, адолат мезонларига хизмат қилувчи ислом ҳукуқшунослиги илми назарияси ва амалиётининг шаклланишига асос бўлди.

Мустақиллик йилларида қатор исломшунос олимлар ислом ҳукуқшунослигининг ривожланиш тарихи ва уломалар томони-

дан ёзib қолдирилган фиқхий асарларни ўрганишга астойдил бел боғладилар. Шунга қарамай бу изланишлар борасидаги асосий эътибор машхур фақиҳлар шахсияти ва асарларини аниқлашга қаратилди. Ислом ҳуқуқшунослигининг бир қисми бўлган қозилик маҳкамаларининг иш фаолияти ва улардаги хужжат тузиш анъаналигига шу пайтгача умумий муносабат билдирилиб, ўрта асрларда яратилган қозилик тизими ишига оид қўлёзма манбалар деярли тадқиқ этилмади. Муаллиф Илҳомжон Бекмирзаевнинг **“Мовароуннахрда қозилик хужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндошувлар”** номли монографияси шуниси билан аҳамиятлики, унда юритимиз ва ислом оламида мавжуд бўлган қозилик асослари, маҳкамалар ишини ташкиллаштириш ва қозилик амалиётида расмийлаштирилган ижтимоий шартномалар ҳамда маҳкама мажлиси хужжатлари ҳозирги кун тили билан айтганда нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ муҳим жиҳатлар очиб берилган. Бу борада монографиянинг биринчи ва иккинчи бобларида илмий фикр, далил ва хуласалар илгари сурилади.

Бугунгача замонавий суд-хукуқ тизими ислоҳотлари асосини биз Гарб андозалари асосида юритамиз, деган фикрларга таяниб келамиз. Бироқ ушбу монография билан яқиндан танишиш жараённида ўқувчи умуминсоний, демократик, ҳуқуқий тамойиллар ва уларнинг амалда татбиқ этиш жараёнлари Шарқда ҳам ўзига хос қўринишда илк ўрта асрларда ёқ амалда бўлганига гувоҳ бўлади. Араб халифалиги давлат бошқарувида қозилик тизимининг жорий этилиши ва унинг бошқа мусулмон ўлкаларида ҳам шаклланиши замонавий ҳуқуқий хужжатлар ва қозилик ишларининг мазкур худудларда ривожланиши, X–XIII асрларда ёқ ислом ҳукуқ тизимининг тарихий шакли ҳисобланган қозилик маҳкамаларининг мустақил фаолият юритгани ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётда муҳим аҳамият касб этганлигига амин бўлади.

Бундан ташқари монографиянинг учинчи ва тўртинчи бобларида маҳкамаларда фаолият юритувчи ходимлар, қозилик мажлислиари фаолиятини тизимли асосда олиб борилишида алоҳида ўринга эга бўлганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мазкур бобларда ўрта асрларга келиб қозилик маҳкамаларининг иерархик тизим асосида ишлаганлиги, яъни мамлакат қозиси “Қози ал-қузот” давлат бошлиғи томонидан тайин этилишига қарамай, вилоят (кура) ва ту-

ман (нохия) қозилик маҳкамаси қозилари бевосита “Қози ал-қузот” буйруғига күра тайинланғанлыги айтилади. Ушбу илмий рисоланинг асосий мақсади – қозилик маҳкамалари амалиётида тузилған шартнома ва қози амалиёти қайд этилған маҳзар (протокол), сижил (акт) ҳужжатларини юритиш қоидаларини замонавий таҳлиллар асосида ўрганиш ва шу орқали Мовароуннахрда тарихан демократик институтлар шаклланғанлыгини яна бир бор исботлашга уринишдир.

Ишончим комилки, И. Бекмирзаев томонидан ёзилған ушбу монография ислом тарихи ва манбашунослиги соҳалари билан бир қаторда ҳуқук тарихи, давлат ва жамият қурилиш назарияси фанлари учун ҳам мухим аҳамият касб этиб, исломшунослар, тарихчилар ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва илмий тадқиқотчилар, талабалар ҳамда ислом ҳуқуқига қизиқувчи барча одамлар томонидан катта қизиқиши билан қарши олинади.

**Зоҳиджон МАҲМУДОВИЧ ИСЛОМОВ**  
*Филология фанлари доктори, профессор.*

## **І БҮЛІМ Х–ХІІІ АСРЛАР ҚОЗИЛИК ХУЖЖАТЛАРИГА ОИД МАНБАЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ИЛМИЙ АҲАМИЯТИ**

### **Х–ХІІІ асрларда Мовароуннахрда ҳуқуқий хужжатларнинг шаклланиш босқичлари**

Ханафийлик мазҳабини ўрганиш ва ҳар томонлама тадқик этиш мовароуннахрликлар учун аҳамияти бағоят каттадир. Чунки мазкур мазҳаб ҳуқуқий асосларининг тадрижий ривожланиши бир неча асрлар мобайнида ислом дунёсининг турли минтақаларида давом этди. Ҳанафийлик мазҳаби Ироқнинг марказий шаҳарларида – асосан Куфа ва Бағдодда пайдо бўлиб, шаклланди. Илк даврнинг ўзидаёт икки марказ – Ироқ ва Хурсонда етакчи мазҳаб сифатида ривожланди. Сомонийлар (хукм дав. 261–389/875–999 йй.) даврида янги интеллектуал муҳит Мовароуннахрда мустаҳкамлана боради. XI–XII асрларда Яқин Шарқ минтақаларида ҳанафийлик мазҳабининг турли сабабларга кўра аҳамиятининг пасайиши, ҳатто бაъзи ерларда бутунлай йўқолиб кетилиши кузатилади. Ҳудди шу даврда Корахонийлар (хукм дав. 389 – 607/999 – 1211 йй.), Хоразмшоҳлар – Ануштегинийлар (хукм дав. 470 – 628/1077 – 1231 йй.) кўллари остидаги Мовароуннахр марказий шаҳарларида ҳанафий мазҳабининг ҳуқуқий мактаблари барқ уриб ривожланди. Улардаги интеллектуал хаёт тўлақонли ва кенгқамровли бўлиб, турли маҳаллаларда янги масалалар бўйича фатволар берилар, фақихлар мажлисларида ихтилофли масалалар баҳс этилар, имло дарсларида йўналишлар бўйича маълум ечимлар ва фатволар тартибга солинар, кўп сонли муаллифлар фиқҳ ва хужжатшунослик анъаналарининг методологик ва амалий соҳаларида кўп китоблар таълиф этар эдилар. Энг муҳими – ҳанафий мазҳаби нормалари узоқ вақт давомида маҳаллий материал – Мовароуннахр маданияти асосида Мовароуннахр уламолари томонидан ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё халқлари маданиятлари ютуқлари, анъаналари, хужжатшунослик

соҳасидаги ҳуқуқий тасаввурлари умум ислом маданияти таркибига кирди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур цивилизация намояндалари тарафидан исломни “ўз дини” сифатида қабул қилишига йўл очиб берди.

Араб дунёсида ҳанафийлик мазҳаби мактаблари инқироз ва парокандаликка юз тутган бир пайтда кучга мингган Мовароуннаҳр мактаби ушбу мазҳаб тақдирини ўз қўлига олди. Мовароуннаҳр уламолари XII асрдан бошлаб Ирок (Бағдод, Мавсил), Сурия (Дамашқ, Ҳалаб), Миср (Қохира), Рум (Кичик Осиё – Қаромон, Қонъя, Синоп), Олтин Ўрда (Хожитархон, Крим), Ҳиндистон ҳанафийлик мазҳаби марказларига янгидан асос солдилар. Кейинчалик ҳанафийлик мазҳаби Усмонийлар (хукм дав. 680 – 1342/1281 – 1924 йй.) даврида расмий мазҳаб мақомига эришган кезда, мовароуннаҳрлик классик олимлар ва уларнинг ҳуқуқий қарашлари иккиланмасдан қабул қилинадиган авторитетлар сифатида эъзозланда бошланди.

Сомонийлар давлатининг Мовароуннаҳрва Хуросон қисмларининг Қорахонийлар ва Ғазнавийлар (хукм дав. 366 – 582/977 – 1186 йй.) орасида бўлиб олиниши Мовароуннаҳрдаги жамиятнинг тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Биринчидан, Мовароуннаҳр ўзининг тарихида илк бор чукур исломлаштирилган Хуросондан сиёсий жиҳатдан ажralган ҳолда ривожлана бошлади. Иккинчидан, улкан Қорахонийлар давлати вужудга келиши натижасида Мовароуннаҳр ҳали ислом чукур кириб бормаган “Билод ат-турк” – турк ўлкалари (Сирдарёнинг ўрта ва кўйи ҳавзаси, Еттисув ва Шарқий Туркистон) билан бирга бир давлат таркибига кирди. Кўпчилик аҳоли учун ислом янги воқелик эди. Ижтимоий тафаккурда ислом тимсоли ўзлаштирилди ва ривожлантирилди<sup>1</sup>. У ҳали барқарор ҳолатга етишмаган эди. Бутун минтақа миқёсида Марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари (биринчи ўринда, Бухоро ва Самарқанд) мъянавий ва маданий марказ бўлиб қолди. Учинчидан, Қорахонийлар Сомонийларнинг марказлашган бошқарув тизими ўрнига майда аймокларга бўлиб бошқариш тузумини киритдилар. Бу тузум маҳаллий ҳокимларни ўз худудларида мустақил қилди. Бу худудларнинг марказларида шаҳар ҳаёти жадаллик билан ривожланди.

<sup>1</sup> Муминов А. К. Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII в): Дис. ... докт. ист. наук. – Т.: ТИУ, 2003. – Б. 180 (Бундан кейин. Муминов, 2003.).

Қорахонийлар даврида Бухоро ва Самарқанд билан бир қаторда Ўзганд, Ахсикат, Косон, Марғинон, Хўжанд, Кошғар, Исғижоб ва бошқа вилоят марказларида ҳам шаҳар ҳаёти тараққий этди. Мусулмон дунёсида шаҳарлар ўз-ўзини бошқариш органларига эга эмасдилар. Шаҳарлар ҳаётининг барча тарафлари, ҳаттоқи савдо-сотиқни ташкил килиш давлат органлари томонидан назорат қилинар ва бошқарилар эди. Maiший соҳадаги қулайлик давлат раҳбарининг ёки шаҳар бойларининг ҳимматига боғлиқ эди. Бундай шароитда мусулмон шаҳарларида ҳуқуқшуносларнинг роли жуда катта бўлган. Улар асосан шаҳар аҳолисининг барча табакалари билан боғланган мусулмон фақихлари ва илоҳиётчилари орасидан чикқанлар<sup>2</sup>. Мовароуннахр фақихларининг аксарияти савдо-сотиқ, хунармандчилик фаолиятини олиб борганлар. Шунинг учун улар ҳар бир ижтимоий келишувнинг ҳужжатлаштириш томонларини ҳам яхши англаганлар.

Диннинг ақидаларини ахлоқий, ҳуқуқий норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиши давлат ва унинг диний муассасаларининг эмас, балки диний нуқтаи назардан шахсий ҳукм чиқаришга (ижтиход) илмлари етарли деб тан олинган кишилар (мужтаҳид олимлар, муфтийлар ва қозилар) томонидан чиқарилар эди. Сомонийларга нисбатан исломий дунёқарашлари соддароқ бўлган Мовароуннахрнинг янги ҳокимлари – Қорахонийлар маҳаллий уламо-фақихларга катта ҳурмат билан қарадилар. Янги вазиятда фақихлар ижтимоий фикрнинг тўлиқ эгалари бўлиб қолдилар<sup>3</sup>.

Тадқиқ қилинаётган даврда ҳокимлар билан фақихлар орасидаги муносабатлар доимо ҳам бир текис бўлмай, баъзида кескин тус олган. Масалан, хоқонга номақбул маслаҳатлар бергани учун машхур фақих Шамсу-л-а'имма Мұхаммад ибн Аҳмад ас-Саражсий (ваф. 486/1093 – 94 й.) Ўзгандга сургун қилиниб, зинданбанд қилинган, 461/1069 йили Бухорода Исмо‘ил ибн Аҳмад ас-Саффор қатл этилган. Лекин кўпинча ҳукумат ва диний номаяндалар орасидаги муносабатлар тинч характерга эга бўлиб, томонлар бир-бирларининг манфаатларини хисобга олишга ҳаракат қилгандар. Марказий шаҳарлардаги ижтимоий барқарорликка путур етказиши мумкин бўлган фақихлар бошқа шаҳарларга, кўпинча Кешга сургун қилинганлар. Масалан,

<sup>2</sup> Большаков О.Г. Город в конце VIII-начале XIII в. // Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Санкт Петербург, 1973. – Б. 132-352 (Бундан кейин. Большаков, 1973).

<sup>3</sup> Большаков, 1973. – Б. 212.

Шамсу-л-а'имма ал-Халво'ий, Фахрулислом ал-Паздавийларнинг вафотларидан сўнг уларнинг жасадлари Кешдан она шаҳарларига олиб келиниб дафн этилган<sup>4</sup>.

Ҳанафий фақиҳларининг ижтимоий таркибини таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг кўпчилиги шаҳарнинг ўрта табакаларидан чиқсан эдилар. Улар шаҳар ҳаётининг турли жабҳаларида меҳнат қилдилар. Масалан, Шамсу-л-а'имма ал-Халво'ийнинг отаси шириналлар билан савдо қилган, Саффорийларнинг аждодлари мисгарлик билан шуғулланганлар. Шу билан бир вақтда фақиҳлар масжид имоми, му'аззини вазифаларини ёки мударрислик вазифаларини адо этганлар. Аввалига улар бу вазифаларни холис – маошсиз бажарганлар. Вақт ўтиши билан фақиҳ фаолият кўрсатаётган жойдаги ҳалқ унинг учун пул тўплай бошлади. Кейинчалик фиқҳ билан шуғулланишни касбга айлантириш юз берди, бу ҳақда фақиҳлар сулоласининг пайдо бўлиши гувоҳлик беради.

Ҳанафий фақиҳлари кўпинча ўзларининграсмийлавозимларининг аҳамиятига ижобий ёндашдилар. Ана шу даврдаги фақиҳларга берилган даражаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти қози ва ра'ис вазифаларини бажарганлар. Тадқиқот учун танлаб олинган даврда Мовароуннахрда фақиҳлар сулоласи кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бухорода ўрганилаётган даврда аз-Заранжарийлар (3 фақиҳ), ар-Риғдамунийлар (3 фақиҳ), ас-Саффорлар (5 фақиҳ), Ифтихор ад-дин ал-Бухорийлар (3 фақиҳ), Захир ад-дин ал-Марғинонийлар (3 фақиҳ), ас-Садрлар (8 фақиҳ), ал-Махбубийлар (4 фақиҳ) оиласари машҳур эди. Самарқандда Сайидлар (3 фақиҳ), ал-Паздавийлар (5 фақиҳ), ал-Макхулийлар (4 фақиҳ), Бурхонуддин ал-Марғинонийлар (6 фақиҳ) сулолалари машҳур бўлдилар. Бу оиласарда билим билан бир қаторда кўпинча расмий лавозимлар ҳам мерос бўлиб ўтган<sup>5</sup>. Бухорода нуфузли оиласар қариндошлиқ муносабатларини ўрнатдилар. Масалан, Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий қози Аҳмад ибн Абдураҳмон ар-Риғдамунийнинг қизи тарафидан невараси эди, Захириддин ал-Марғиноний эса, Ифтихориддин ал-Бухорийнинг тоғаси бўлган<sup>6</sup>.

<sup>4</sup> Муминов, 2003. – Б. 187.

<sup>5</sup> Муминов, 2003. – 233.

<sup>6</sup> 'Абдулхай ал-Лакнавий. Ал-Фаво'ид ал-баҳийа фи тарожим ал-ҳанафийя / Аҳмад аз-Заҳабий таҳрири остида. 1-нашри. – Байрут: Дор ал-арқам ибн ал-арқам, 1418/1998. – Б. 174 (Бундан кейин. Ал-Фаво'ид.)

Мовароуннахрда фақат икки самарқандлик фақиҳ – Абу-л-Йуср ал-Паздавий ва Ҳусайн ибн ‘Али ал-Ломиший (ваф. 522/1128 й.) “Қози ал-кузот” даражасига эга эдилар<sup>7</sup>. Бу эхтимол Қорахонийларнинг Салжуқийлардан мустакил равишда сиёsat олиб боришга уринишлари рамзи бўлса керак. Кейинги даврда мовароуннахрлик фақиҳлар орасида бундай даража учрамади.

Мовароуннахрда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўз ишларининг ислом қоидаларига тўғри келишига шубҳа пайдо бўлган пайтда одамлар назаридан обрўга эга бўлган фақиҳга бу масалани ойдинлаштириш учун мурожаат этгандар истифто<sup>8</sup> – яъни фақиҳ ўзидан олдинги уламолар қарор чиқармаган масалаларда (*воқи 'от ва навозил*) янги ҳаётий вазиятни ҳал қилиб бериши керак эди. Фақиҳнинг бу масаладаги қарори (фатвоси) бир зумда бутун атрофга машхур бўлган<sup>9</sup>. Одатда фақиҳга амалий қозилик ишининг қийин масалаларини ҳал қилишда муқаллид (мужтаҳидларга эргашувчи) қози мурожаат этарди. Кўпинча қандайдир бир масаланинг муҳокамаси кенг ижтимоий тус оларди ва бир неча кун давом этарди. Самарқандда Абу-л-Йуср ал-Паздавий даврида нуфузли кишиларнинг ечилишида манфаатлари бўлганлиги сабабли спиртли ичимликлар ҳақидаги масаланинг ҳал қилиниши сиёсий кўриниш олди. Хоннинг қўллаб-куватлашига қарамай фақиҳ шаҳарни тарқ этишга мажбур бўлди. Бошқа аҳоли пунктлардаги кишилар кўпинча обрўли фақиҳга ёзма равишда мурожаат этардилар. Мовароуннахр мактабининг нуфузи ва обрўси ошиши билан мурожаат этишнинг географик ҳудуди ҳам кенгайди. Фақиҳ ёки қози, албаттат, ҳанафий мазҳабининг обрўли манбалари ёки намояндаларининг айтган сўзларига асосланиб қарор қабул қилиши мумкин эди. Мазҳабнинг биринчи уч имомига (Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва аш-Шайбоний) асосланилганда фақиҳнинг муҳокамаси “аниқ узатиш” (зоҳир *ар-ривоїа*) ёки “ноаниқ узатиш” (гайр зоҳир *ар-ривоїа*) хисобланиши мумкин эди<sup>9</sup>. Уч имом томонидан ҳал қилинмаган масалаларда қози ёки фақиҳ мазҳабининг асосчисига асосий (*усул*) ва хусусий (*фуру'*) масалаларида зид келмаган ҳолда ўзи қарор қабул

<sup>7</sup> Ал-Фаво'ид. – Б. 123, 169.

<sup>8</sup> Murteza Bedir. Buhara Hukuk Okulu (Vakif Hukuku Bağlamında 10 – 13. Yüzyıl Orta Asya Hanefi Hukuku Üzerinde bir Inceleme). – İstanbul: Edam Akademi Kitaplığı, 2010. – Б. 56.

<sup>9</sup> Murteza Bedir. Buhara Hukuk Okulu. – Б. 78.

қилиши мумкин бўлган. Кейинги авлод фақиҳларнинг (мута’аххирун) бундай қарор чиқаришлари воқеъа ёки фатво деб аталган. Бундай қарорлар чиқарган усул ал-фикҳ билимдони бўлган фақиҳларга натижада учинчи даражага мужтаҳиди номи берилган (*мужтаҳид фи-л-масо’ил ёки фи-л-фатово*). Мовароуннахрлик қонуншунослардан Абу-л-Лайс ас-Самарқандий “Китоб ан-навозил”да биринчи бўлиб ўзидан олдинги уломалар фатволарини тўплади<sup>10</sup>.

Тошкўбизоданинг фикрича, Мовароуннахр мактаби намояндаларидан бу даражага Шамсу-л-а’имма ал-Ҳалво’ий, Шамсу-л-а’имма ас-Сарахсий, Фахрул ислом ал-Паздавий, Бурҳонул Кабир, Фахриддин Қозихон ва Ифтихор ад-дин ал-Бухорийларни киритиш мумкин<sup>11</sup>.

Мовароуннахрда қарор қабул қилишнинг кенг тарқалган усули фақиҳнинг ўзидан олдинги уламоларнинг бу масала бўйича бир нечта фикрларидан бирини танлаши эди. Бунда фақиҳ ёки қози ўзининг танлашини қўйидаги кўринишларда асослаши мумкин эди: “шогирднинг фикридан кўра, устознинг фикри афзалроқ”, “ислом ва жамиятнинг гуллаши учун”, “жамият парчаланишининг олдини олии мақсадида”, “одамлар ҳаётини енгиллаштириши учун”, “адолатни қарор топтириши учун” каби иборалар билан ўз фикрини асослаган<sup>12</sup>. Кейинги давр фақиҳ ва қозилари кўпинча бундай қарорнинг қабул қилиниш вазиятига эътибор бермай, уни қабул килган фақиҳнинг обрўсига асосландилар. Масалан, ас-Садр аш-Шаҳид болалар ўқитувчиси билан шартнома тузиш хусусида айтадики, *бу масалада мазҳаб обрўли намояндаларининг ривоятларини учратмадим. Аммо Мұхаммад ал-Исфижобийнинг (ваф. 536/1140 й.) фатвоси мавжуд ва мана шу фатво асосида ҳукм қабул қиласман*<sup>13</sup>.

Фақиҳ ва қозининг ҳар бир қарор ва ҳукми унинг касбдошлари ва фақиҳ гурухлар томонидан қунт билан ўрганилар ва назорат қилинар эди. Масалан, XII асрнинг иккинчи ярмида яшаган уч фақиҳ – Абу Шужо’, ал-Мотуридий ва ас-Сўғдийларга ҳеч ким қарши туролмаган. Шамсу-л-а’имма ал-Ҳалво’ий ва ас-Суғдий қийин масалаларда

<sup>10</sup> Муминов, 2003. – Б. 58.

<sup>11</sup> Ахмад ибн Мустафо Тошкубизода. Мифтоҳ ас-са’ода ва масобих ас-сиюда. 11 жилдли. – Кохира: Дор ал-кутуб ал-ҳадийя, 1412/1992.

<sup>12</sup> Муминов, 2003. – Б. 98.

<sup>13</sup> Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Като’иб а‘лом ал-ахйор. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 91. – В.182а (Бундан кейин. Ал-Кафавий.).

маслаҳатлашар эдилар. Маслаҳат асосида қабул қилинган фатво ва хукмлар бошқа қонуншунослар томонидан қаршиликсиз қабул қилинган. Аҳмад ибн Мансур ал-Исфижобийнинг ўлимидан кейин (ваф. 480/1087 – 88 й.) унинг Самарқанддаги уйидан бир сандик замондош қози ва фақиҳларининг хато чиқарилган фатво ва хукмларининг нусхаларини топғанлар, шу ерда уларга жавобан у ўзининг “тўғри” деб ҳисоблаган фатво ва хукмларини чиқарган. У ўзининг ҳаётлик даврида фақиҳлар орасида мавжуд бўлган вазиятни ҳисобга олиб фитнани олдини олиш мақсадида ўз фатволарини тарқатишни маъкул кўрмаган<sup>14</sup>.

Обрўли қози ва фақиҳларнинг қарорлари аҳоли орасида амалий кучга эга эди. Шамсу-л-Мулк Наср ибн Иброҳим Тамғочон (хукм дав. 460 –472/1068 – 1080) даврида Бухоронинг Искижкат қишлоғида бир бой одамнинг пулига жоме масжиди қурилган. Бироқ Бухоро фақиҳларининг кичик қишлоқларда жомеъ масжиidlари бўлмаслиги керак деган фатволарига амал қилиб, одамлар унга бормаганлар ва тез орада у қаровсиз қолиб қулаб тушган<sup>15</sup>.

Мовароуннахрлик қонуншунослар диннинг қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда халқнинг қадриятлари, одатлари, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни ҳисобга олишга мажбур бўлғанлар. Ундан ташқари қози ёки фақиҳ ўзи бирга яшаётган ва улар орасида фаолият олиб бораётган халқнинг урф, одат ва қадриятларини билиши зарур эди. Баъзида фақиҳлар қоиданинг бузилишига ён беришга мажбур бўлардилар.

Фақиҳларга одамларнинг ҳаёт шароити ўзгаришига қараб ўз қарорларини ўзгартиришга рухсат бериларди. Вазиятнинг ўзгаришига қараб эскирган қарорни муаллифнинг ўзи ўзгартириши айб ҳисобланмасди: Мовароуннахрда мужтаҳид ўндан икки ҳолатда хато килиши мумкин бўлган. Шундай воқеалар ҳам бўлардики, қози истеъфога чиқсан ёхуд фақиҳ ҳаётининг охирида “исломнинг равнаки” учун умр бўйи қатъий турган қароридан қайтиши мумкин ҳисобланган.

Одатда фақиҳ ёки қозининг қарори ёзма равишда расмийлаштирилар, имзо чекилар, муҳр босилар ва санаси қўйиларди. Кўпинча устознинг фатвоси унинг кўпсонлишогирдларитомонидан ёзиб олинар

<sup>14</sup> Муминов, 2003. – Б. 86.

<sup>15</sup> Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Т.: Шарқ баёзи, 1993. – Б. 16.

ёки ёд олинарди. Мовароуннахр фақиҳлари чиқарган фатволарнинг анчагина қисми ибодат ва муомалот масалаларига бағишиланади. Аммо уларда ҳам ўша масалаларга ёндашув Мовароуннахрга хос шарт-шароитларни акс эттирган белгилар кузатилади. Масалан, “таҳорат” бобида сув ҳавзалари ва дарёлардаги сувнинг тозалиги хусусидаги кўпгина масалалар кўрилади. Хурросондан фарқли равища Мовароуннахрда ибодат амалларини паст овозда ижро этиш қабул қилинган эди. Кўринишидан, бадавлат кишилар ҳажга, қандайдир сабабларга кўра, ўз ўринларига бошқаларни жўнатган ҳолатлари ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам мовароуннахрлик қози ва фақиҳлар, ҳаж фақат адо этган кишигагина ёзилади, деб хукм чиқарганлар<sup>16</sup>.

Мовароуннахрда чиқарилган фатволарнинг кўпчилиги савдо-сотик, пул ва мулк муносабатларига тегишлилиги билан аҳамиятлиdir. Самарқандда тарқалган ўзаро ишончга асосланган савдо *бай ‘би-ла-вафо’* каби баъзи маҳаллий савдо-сотик шаклларига руҳсат берилиши узок давом этган тортишувларга сабаб бўлган. Ёлланиш ва бошқа меҳнатга оид шартнома турлари ҳам кенг муҳокама мавзуи бўлган. Ифтихориддин ал-Бухорий таъкидлайдики, Мовароуннахрда ўғитларни далаларга олиб чиқиб ташлашнинг турли шароитлари жуда кенг тарқалган, бироқ имом Муҳаммад аш-Шайбонийда бу масалалар бўйича алоҳида бўлим бўлмаган<sup>17</sup>.

Мовароуннахрлик факиҳ ва қозилар оила-никоҳ муносабатларига кўп мурожаат этганлар. Шуниси қизиқки, улар никоҳдан кўра кўпроқ талоқ масалаларини ечишга эътибор қаратганлар. Демак, ўрганилаётган даврда факиҳ ва қозилар Мовароуннахр ижтимоий ҳаётининг турли томонлари билан чукур ва батафсил шуғулланганлар. Уларнинг қарорларида мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли қирралари ўз аксини топган. Мовароуннахрнинг X–XIII асрлардаги воқелигини акс эттирган бу қарорлар мовароуннахрлик муаллифларнинг “фиқҳ тармоқлари” – *фуру‘ ал-фиқҳ* бўйича ёзган кўп сонли асарлари таркибиغا кирган. Бу асарларнинг кўпчилиги жуда кенг тарқалди ва Мовароуннахрнинг ўзида ва ундан ташқари худудларда амалий жиҳатдан қозилик маҳкамалари иш фаолиятида кўлланма сифатида фойдаланилди.

<sup>16</sup> Christopher Melchert. The Formation of the Sunni Schools of Law, 9th-10th centuries. – New York-Köln: Brill Leiden, 1997. – Б. 77.

<sup>17</sup> Муминов, 2003. – Б. 105.

Салжуккийлар сулоласининг XI асрнинг иккинчи ярмида давлат марказий шаҳарларида расмий мансабларга шарқий вилоятлардан, шу жумладан, Мовароуннахрдан ханафий амалиётчиларни тайинлаганлар. Шамсу-л-а’имма ал-Ҳалво’ийнинг ўқувчиси ‘Али ибн ‘Убайдуллоҳ ал-Ҳатибий (ваф. 467/1074 – 75 йй.) Тўғрилбек (хукм дав. 429 – 455/1038 – 1063 йй.) томонидан Исфаҳоннинг бош қозиси этиб тайинланган. Унинг ўғиллари ва шогирдлари XII асрнинг бошлари гача у ерда қози ва раислар бўлиб ишлаб қолганлар<sup>18</sup>.

Мовароуннахр мактаби анъаналарини Кичик Осиёга биринчи бўлиб олиб келган фақих ва қози Ашраф ибн Мұҳаммад ас-Самарқандийнинг ўқувчиси – “қози билод ар-Рум” (Рум ўлкаси қозиси) даражасига эришган ‘Абдулмажид ибн Ислом‘ил ал-Ҳаравий бўлди. Унинг ўлимидан кейин Қайсарийада унинг авлодлари 250 йил давомида қози ва мударрис бўлиб қолдилар<sup>19</sup>.

Мовароуннахр қадимдан давлатчилик тамойиллари ривожланган минтақа ҳисобланади. Араблар истилосидан сўнг ушбу минтақада амал қилган давлатчилик анъаналари ислом маданиятининг ҳар бир соҳага изчил кириб борганилиги муносабати билан янгича йўналиш асосида шаклланди. Жумладан, халифалиқда давлат бошқарувининг муҳим тармоғи деб қаралган қозилик маҳкамалари ва улар юритган хужжат турлари ислом кириб борган бошқа мусулмон минтақаларида ҳам жорий этила бошланди.

Шу боисдан ўрта асрларда Мовароуннахр шаҳарларида фаолият юритган қозихоналар иш тартиби Аббосийлар давридаги (хукм дав. 132–656/750–1258 йй.) қозилик маҳкамалари иш юритиш тизими андозаларига мувофиқ келган. Иккинчи томондан, мазкур даврда минтақада ханафийлик мазҳаби ҳукмрон бўлиб, кўплаб қозилар мазҳабнинг Ироқда шаклланган таълимотига асосланиб фаолият юритар эдилар. Шунингдек, қозилик ишларини юритиш бўйича берилган кўрсатмаларнинг барчасида мазҳаб асосчилари Абу Ҳанифа, Мұҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг қарашлари, хусусан, “Зоҳир ар-ривойа”<sup>20</sup>, сўнгра “ан-Наводир”га муҳим манба сифатида таянилган.

<sup>18</sup> Агаджанов С.Г. Государство Сельджукидов и Средняя Азия в XI-XII вв. – М.: Наука, 1991. – Б. 88.

<sup>19</sup> Муминов, 2003. – Б. 242.

<sup>20</sup> Зоҳир ар-ривойа, Мұҳаммад Ҳасан аш-Шайбонийга тегишли асарлар жамланмасидир. Булар: “Ал-Мабсут”, “ас-Сийар ас-сағир”, “ас-Сийар ал-қабир”, “Жоми‘ ас-сағир”, “Жоми‘ ал-қабир”, “Зийодот”, асарлари дирир.

Ханафийлик мазҳабида бизгача етиб келган илк қозилик девони ҳужжатларига оид асар Абу Жа‘фар Мұхаммад ибн Ахмад ибн Сала-ма ибн ‘Абдулмалик ал-Аздий ат-Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) “ал-Жоми‘ ал-қабир фи-ш-шурут” ва “ал-Жоми‘ ас-сағири фи-ш-шурут” асарлари эканлиги маълум бўлди.

Мовароуннаҳр ва хуросонлик Шамсу-л-Ай’мма ас-Сарахсий<sup>21</sup>, ал-Ҳоким Абу Наср Ахмад ибн Мұхаммад ас-Самарқандий (ваф. 550/1155. й.), Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий (ваф. 616/1219 й.), Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид (ваф. 536/1141 й.), Мұхаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшаний (ваф. 637/1240 й.) каби олимларнинг қозилик девони ҳужжатларига доир асарлари бизгача етиб келган (Бундан кейин шартнома ҳужжатлари шурут илми остида келади.).

Ҳиндистондан ташқарида “Фатовоий ҳиндийя” номи билан танилган “Фатовоий Оламгирӣ” Бобурийлар сулоласининг ҳукмдори Аврангзеб Оламгир буйруғига биноан бир гурух фақиҳлар томонидан ёзилиб, унинг назорати остида тутатилган. Ушбу фатволар мажмуаси, ҳиндистонлик фақиҳ Бурхонпурлиқ Шайх Низомиддин (ваф. 1090/1679 й.) бошчилигига ва унинг тўрт ёрдамчиси – Шайх Важийхуддин, Шайх Жалолуддин Мұхаммад, Қози Мұхаммад Ҳусайн ва Мулла Ҳамиддиндан иборат 24 кишилик<sup>22</sup> фақиҳлар жамоасининг биргаликдаги фаолияти билан 1664-1672-йиллар орасида ёзилган. Ушбу асар ҳанафий фақиҳларни шурут илмига оид қарашларини ўзида жамлаганлиги билан ҳам аҳамиятлидир<sup>23</sup>.

“Фатовоий ҳиндийя” асарини жамлашда фақиҳлар ҳанафий мазҳабига оид юзга яқин манбалардан фойдаланганлар. Бизни қизиктирган жиҳати эса, ушбу манбаларнинг 64 таси айнан, Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларида яшаб ижод қиласи алломалар томонидан яратилганлигидадир. Мисол тариқасида баъзи рақамларни келтирадиган бўлсан, биргина “Фатовоий қозихон”дан 2786 ўринда, “Фатовоий татархонийя”дан 1150 ўринда, “Хулюсатул фатово”дан 1291 ўринда, “Фатовоий заҳирийя”дан 1181 ўринда, ас-Садр аш-Шаҳид фатволаридан 680 ўринда, “Фатовоий аттобийя”, “Фатовоий

<sup>21</sup> Шамсу-л-’Аимма ас-Сарахсий. Ал-Мабсүт. 28 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийя, 1993. XVI. – Б. 94 - 118.

<sup>22</sup> Қаранг: Islam Ansiklopedisi. Vol. XXI). – Istanbul: Hanefi Mezhebi-Haya, 1997. – 123 b.

<sup>23</sup> Қаранг: Ал-Фатово ал-ҳиндийя. 6 жилдли / ‘Абдуллоҳ Низомуддин таҳрири остида. – Байрут: Дор ихъо ат-турос ал-‘арабий, 1406/1986. – 6-жилд. Фиҳрист бўлими; Imam Fakhr ad-din Hasan b. Mansur al-Uzjandi al-Fargani. Fatowo al-Qadihan. ed. Moulvy Wilayat Husein Vol. 1-2. – New Delhi: Kitob Bhavan, 1994/1986). – 343 p, 408 p.

сирожиййа”, “Фатовойи гиёсиййа”, “Фатовойи гароиб”, “Фатовойи бурхониййа”, “Фатовойи валволижиййа”, “Фатовойи сайрафиййа”, “Натф фил фатово” каби фатво асарларидан келтирилган фатволарни 2034 ўринда келтириб ўтади. Ушбу фатво тўпламларининг барчаси Мовароуннаҳр минтақасига хосдир.

Шунингдек, “Фатовойи хиндиййа”да Мовароуннаҳрда яратилган фуру‘ ал-Фиқҳга оид манбалардан кенг фойдаланилган. Мисол тариқасида “ал-Мухит”дан 4421 ўринда, “Мухит ас-Саҳахий”дан 2108 ўринда, “аз-Захира”дан 1748 ўринда, “Хидоя” асаридан 700 ўринда, “Бадои“ ас-Саной””дан 826 ўринда, “Ховий қудсий”дан 570 ўринда иқтибослар келтирилганини кўриш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўрганилаётган даврда факихлар Мовароуннаҳр ижтимоий ҳаётининг барча муаммоларини чукур ва батафсил таҳлил этдилар. Уларнинг қарорларида мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли қирралари ўз аксини топган. Мовароуннаҳрнинг X–XIII асрлардаги воқелигини акс эттирган бу қарорлар, расмий хужжатлар мовароуннаҳрлик муаллифларнинг “фиқҳ тармоқлари” (фуру‘ ал-Фиқҳ) бўйича ёзган кўп сонли асарлари таркибиға кирган. Бу асарларнинг кўпчилиги дунёда машҳур бўлди. Ушбу даврларда яратилган манбалар Мовароуннаҳрнинг ўзида ва ундан ташқари худудларда амалий ишлар билан шуғулланган қозилик девонларида маҳкама жараёнларида қўлланма сифатида фойдаланилди. Шунингдек, Мовароуннаҳр факихлари ва қозиларининг Яқин Шарқ ўқув муассасаларидағи етакчи мударрислик мансабларига ва шаҳар ва вилоят қозилик лавозимлариға таклиф қилиниши ҳамда уларнинг у ерда муваффакиятли фоалият олиб боришлари Мовароуннаҳр диёрининг илм соҳаларидағи обрўсининг баланд бўлгани ва Мовароуннаҳр факихларининг бир неча авлоди томонидан тўпланган юкори илмий салоҳиятга эга эканлиги сабаблидир.

### **Фиқҳий мазҳабларда ёзилган қозилик хужжатларига оид манбаларнинг тарихий-хуқуқий аҳамияти**

Маълумки, X–XIII асрлар исломдаги мавжуд мазҳаблар фатволарининг жамланиши, қозилик маҳкамалари фаолиятида ташкилий ва назарий асосларнинг шаклланиши ҳамда ислом хукуқида хужжатшунослик илми ва унинг асосларига туртки бўлган хукуқий хужжатларнинг яратилиши билан алоҳида ўрин тутади. Ушбулардан келиб чиқиб мазкур даврни ислом илм дунёсидаги олтин давр сифатида эътироф этиш мумкин. Шу боисдан ислом хужжатшунослиги

соҳасида самарали ижод қилиб, мазкур даврларда яшаб ўтган бошқа мусулмон ўлка алломалари Ибн ‘Аттор ал-Андалусий (ваф. 399/1009 й.), Аҳмад ибн Муғит ат-Тулайтулий ал-Моликий (ваф. 459/1067 й.), Ибн Ҳабиб ал-Халабий (ваф. 536/1142 й.), Мустансир Биллоҳ (хукм дав. 427–487/1035–1094 й.) томонидан ёзилган асарларни ўрганиш муҳим аҳамият қасб этади.

Уларнинг асарлари кўплаб мусулмон мамлакатларида тан олинган. Шунингдек, ушбу факиҳлар томонидан тузилган кўлланмалар минтақага хос бўлган маҳаллий шарт-шароит ва урф-одатлардан келиб чиқиб яратилгани билан ҳам ажралиб туради.

Моликийлар шурут илмига “Илм ал-васои’к” деб ном берганлар. Моликийлик мазҳабининг маркази ҳисобланган Андалус фикҳ мактаби фаолияти ҳам ислом тарихида ўзига хос ўринга эга. Бу борада Кардова қозиси бўлган Абу ал-Асбағ Исо Ибн Саҳл ал-Асадий ат-Тустарийнинг (ваф. 486/1093 й.) “ал-Аҳком ал-кубро” асари Андалус қозилари ҳақида маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Ибн Саҳл ўз асари орқали Кордовада бўлиб ўтган элликта қозилик ишларидан намуналар келтиради. Ибн Саҳл ушбу қозилик ишларida шахсан ўзи иштирок этганлиги боис у кўрилган ишларни бир манбага тўплаган. Кўрилган элликта маҳкамама иши 456/1064 – 467/1072 йилларга оидdir<sup>24</sup>. Ибн Саҳл “ал-Аҳком ал-кубро” асарида шунингдек, олти юзта моликий мазҳабига асосланган қозилик фаолиятига оид фатволарни келтиради. Ибн Саҳл мисол тариқасида келтирган элликта ишнинг 25 таси маҳкамама қозиси томонидан ва 25 таси ҳисба<sup>25</sup>

<sup>24</sup> Christian Muller. Judging with God’s law on Earth: Judicial powers of the Qadi al-Jama‘a of Cordoba in the fifth/eleventh century. Jurnal, Islamic Law and Society, Vol. III. (Leiden, E.J.Brill, 2000). – Б. 158 - 186 (Бундан кейин Christian Muller); Manuela Marin. Law and Piety: A Cordovan fatwā. The Journal Information for Bulletin (British Society for Middle Eastern Studies), Vol.17. N.2. (1990). – Б. 129 - 136.

<sup>25</sup> Давлат аппаратининг жадал турда фаоллашуви яна бир орган – ал-ҳисба (الحسبة – жамият азволарини назорат қилиш) маҳкамасини келтириб чиқарди. Мовардийнинг фикрича, бу маҳкамама ‘Умар ибн ал-Хаттоб даврида иш бошлаган бўлсада, ал-ҳисба истилохи аббосий халифа ал-Маҳдий (775 – 785 й.) даврида пайдо бўлди. Бу муассасаса мутасаддилари бозорлардаги тоштарози, фукаролар ўзаро иктисадий, мулкий муносабатлари, аҳлоқ нормаларини риоя килишлари ва ҳоказоларни назорат остига олди. Маълумот учун қаранг: Мовардий Абу-л-Ҳасан. Ал-Аҳком ас-султониййа. – Қоҳира: Матба‘а Мустафо ал-Бобий ал-Халабий, 1386/1966. – 436 б. – Б. 61–82.

маҳкамаси вакили *муҳтасиб* – яъни ҳуқук назоратчиси тарафидан кўрилган<sup>26</sup>.

Демак, фақиҳнинг асари, моликий мазҳаби қозиларига фатво бе-ришни амалий ва назарий жиҳатларини ўргатувчи қўлланма бўлган. Андалус қозилари бошқа ислом ўлкаларидан фарқли ўлароқ бош қозини қози (*қузот*) ал-жамо‘а деб атаганлар.

Андалус қозилари тарихи ҳақида маълумот берувчи яна бир муҳим манба Абу ‘Абдулоҳ Муҳаммад ибн ‘Ийоднинг (ваф. 575/1179 й.) “Мазаҳиб ал-хуккам фий навазил ал-аҳкам” асаридир<sup>27</sup>. Ушбу асар ҳозирги Испаниянинг Марокаш билан чегарадош ҳудудларида фаолият юритган қозилик маҳкамалари фаолияти ҳақида маълумот берувчи манба ҳисобланади.

Маълумки, Андалусда моликий мазҳаби тарқалган бўлиб, уларда *шурут* асарларининг ёзилиши, асосан, 399/1009 йилдан то 767/1365 йилларгача Андалусия давлатининг йирик шаҳарлари бўлган Кардова ва Гранада қозилари томонидан амалга оширилган. Моликийлик мазҳабида ёзилган *шурут* илмига доир биринчи қўлланма Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-‘Атторнинг (ваф. 399/1009 й.) “ал-Васо’ик ва-с-сижиллот” асаридир. Ундан сўнг Аҳмад ибн Мугит ат-Тулайтулий (ваф. 459/1067 й.) ҳам “ал-Муқни‘ фи ‘ilm aш-шурут” асарини ёzáди. Шурутга оид сўнгги асар “ал-‘Иқд ал-мунazzam ли-л-хуккам” бўлиб, уни Андалусиянинг Гранада шаҳрида яшаган Абу Муҳаммад ‘Абдулоҳ ибн ‘Абдулоҳ ибн ‘Али ибн Салмун ал-Кин’они (ваф. 767/1365 й.) таълиф этган.

Демак, Андалус ҳужжатшунослик мактаби тажрибаларини ўрганиш кўп миллатли ўзбек жамияти манфаатларидан келиб чиқади. Бу борада Ибн ‘Аттор ал-Андалусийнинг “Китоб ал-васо’қ ва-с-сижиллот” асарини илмий-киёсий тахлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу асарнинг бир қанча қўллэзма нусхалари бизгача етиб келган. Жумладан, испаниялик тадқиқотчилар Педро Чалмета (*Pedro Chalmeta*) ва Федрико Карриенте (*Fedrico Carriente*) томонидан ўрганилган марокаш ва испан қўллэзма нусхалари 1983 йили нашрга тайёрланган<sup>28</sup>.

<sup>26</sup> Christian Muller. – Б. 162.

<sup>27</sup> Josef F. O’Callaghan. a History of Medieval Spain. USA, Cornell University, 1975. – Б. 163.

<sup>28</sup> Испан тадқиқотчилари асарнинг Мадрид шаҳрида жойлашган Мигел Асин номидаги институт қўллэзмалар фонди (*Instituto Miguel Asin de Madrid*) да сакланаётган №11 инвентар рақам остидаги қўллэзма нусхаси, Марокаш пойтахти Работ шаҳар

Фақиҳнинг тўлиқ исми Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ‘Убайдуллоҳ ибн Са‘ид ал-Умавий ал-Андалусий бўлиб, тарихда Ибн ‘Аттор номи билан танилган. Фақиҳнинг илмий фаолиятини ўрганган испан тадқиқотчиси Педро Чалмета фикрича, Ибн ‘Аттор Моликий мазҳабида *шурут* илмига асос солган фақиҳлардан саналади<sup>29</sup>.

“Китоб ал-васои’ қ ва-с-сижиллот” асари 29 та мавзуда формуляр тузиш қоидаларини ўргатади<sup>30</sup>.

Андалусияда ислом моликий мазҳабига асосланганлиги ва христиан дунёсига яқин бўлганлиги боис бу ерда ривожланган хужжатшунослик мактаби баъзи жиҳатлари билан Мовароуннаҳр хужжатшунослик мактаби тажрибаларидан фарқ қиласди.

Хозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган *салам* – маҳсулот етказиб беришни хужжатлаштириш Ибн ‘Атторнинг “Китоб ал-васои’ қ ва-с-сижиллот” асарида атрофлича берилганини кўриш мумкин. Мовароуннаҳр мактаби вакили Абу Наср ас-Самарқандийнинг “Китоб аш-шурут ва-л-васои’ қ” асарида келган *салам* шартномалари

---

кутубхонаси (Biblioteca de Rabat) да №1671, №11590/1, №11590/2 инвентар ракамлар остида сакланаётган кўлёзмаларидан фойдаланганлар. Каранг: Chalmeta P; Carriente F. Formulario notarial Hispano-Arabe (por el alfaqui y notario cordobes Ibn al-Attar(sX) Madrid: Academia Matritense del Notariado Instituto Hispano-Arabe De Cultura, 1983. – Б. 26 (Бундан кейин. Ibn al-Attar. Madrid).

<sup>29</sup> Ibn al-Attar. Madrid – Б. 11.

<sup>30</sup> Ибн ‘Атторнинг “Китоб ал-васои’ қ ва-с-сижиллот” асарида келган 29 та мавзу куйидагилардан иборат: никоҳ (نكاح) – никоҳ, талоқ (طلاق) – талоқ, буйу‘ (بيع) – савдолар, салам (سلم) – маҳсулот етказиб бериш, салаф (سلف) – олдиндан қарз бериш, аванс тўлаш, му‘аваза (معاوضة) – зарар ўринини тўлдириш, товон, бадал, мусолаха – мصالحة – тинчлик битимларини тузиш, кисма (قسمة) – тақсимлаш, шарика (شريك) – шериклик савдо, акрия (أكريبة) – ижарага бериш, ижааро – ижаара шартлари, кобала (قبالة) кафолат, кафиллик, жавобгарлик, мастьулият, музора‘а (مزارعة) – чоракорлик, дехкончилик, масако (مساقاة) – арик, зовурлардан фойдаланиш, муғораса (مغارسة) – ободонлаштириш, дараҳт ва кўчатлар экиши, жаи‘ха (جائحة) – турли оғат ва касалликлар, кироз (فراص) – ўзаро қарз бериш, хаваала (حوالة) – карзини бирорга ўтказиш ёки пул маблағлари жўнатиши, вадий‘а (واديءة) – омонатларни саклаш, ‘орийя (عرية) – бирор мулк ёки нарсанни текинга фойдаланиш учун бериш, хубс (حس) – хайрия мақсадларида васият ёки вақф килиб қолдирилган мулк, садака (صدقة) – садака, эҳсон, хиба (جباة) – совға, ҳадя, атқ (عتق) – озодлик бериш, тадмиия (تدميۃ) – жароҳат етказищдан келган зарарни қоплаш, маварийс (مواريٹ) – мөррос ҳуқуқи, истира‘а (استراء) – бокишини талаб қилиш, тавкийл (توکیل) – ишониб топшириш, ваколат бериш, тасжийл (تسجیل) – ёзib олиш ёки хужжатлаштириш. Маълумот учун қаранг: Edward William Lane. Arabic-English lexicon. 8 Volumes. – Beirut, 1968.

фақат ҳинта (حِنْطَة) – бүгдой ва құтн (فَطْنَة) – пахта ҳосилини етказиб бериш бўйича тузилган<sup>31</sup>.

Андалусда етказиб бериладиган маҳсулотларнинг кўплаб турлари келтирилади. Буларга *фулфул* (فُلْفُل) – қалампир, *роқиқ ал-абайаз* (جُوز) – оқ танли чўрилар, *ҳарир* (حَرِير) – ипак матолар, *жавз* (جَازْ) – ёнгок, *лавз* (لَوْز) – бодом, *қастал* (قَسْطَل) – каштан дарахти, *забиб* (زَبِيب) – майиз, *забиб ароқий* (زَبِيب عَرْقِي) – майиздан тайёрланган шароб, *зайт* (زَيْت) – зайдун меваси, *тийн* (تَيْن) – анжир каби маҳсулотларни киритиш мумкин<sup>32</sup>.

Бундан келиб чиқадики, Мовароуннахрда *салам* савдосининг кенг ривож топмаганлиги минтақанинг географик жойлашуви билан боғлиқ. Ўрта асрларда мавжуд бўлган Андалусиянинг жойлашган худуди ҳозирги Испания давлати ерларига тўғри келади. Мазкур тарихий ўлка икки маданият – ғарб-шарқ маданияти тўқнашган худудда жойлашганлиги боис ҳам ўзаро савдо алоқалари кўп тармоқларда ривожланган. Шу сабабли Андалусияда салам ва шу турдаги савдо алоқалари кенг тараққий этган.

Икки маданиятнинг тўқнашуви бу ердаги формулярларда ҳам ўз аксини топади. Ибн ‘Аттор ўз асаридаги алоҳида бўлимни *тадмийя* (تَدْمِيَة) – “жароҳат етказишдан келган зарарни қоплаш бўлими” деб номлаган бўлиб, мазкур жуъздан мақсад, христиан дини билан ёнмаён ривожланган исломдаги адолат меъёrlарини кўрсатиб қўйиш бўлган:

أشهد فلان بن فلان نصراني و به جرح فى رأسه أو فى موضع كذا من  
بدنـه، ان مصيبة بذلك فلان بن فلان من أهل موضع كذا على الخطأ منه، لا  
على العمد.

**Таржимаси:** Фалончи ибн фалончи насронийни боши ёки танасининг бирор қисми жароҳатланганлигига гувоҳлик бердиilar. Унга шундай шикаст етказган фалон жойлик фалон ибн фалончи хато қилиб қасдашмаган холида буни қилган<sup>33</sup>.

<sup>31</sup> Абу Наср ас-Самаркандий. Китоб аш-шурут ва-л-васо’ик / Мухаммад Жасим ал-Хадисий таҳрири остида. – Багдод: Визарат ас-сақофа ва-л-‘lam, Дор аш-шу’ун ас-сақағийа ал-‘амма, оғоқ ‘арабийя, 1998. – Б. 169.

<sup>32</sup> Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 47-59.

<sup>33</sup> Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 298.

Матнинг қўйида гувоҳ ҳақида гап боради:

شہد علی إشهاد فلان بن فلان بما ذكر عنه في هذا الكتاب من عرفة و  
سمعه منه و هو بالحالة الموصوفة. و ذلك في شهر كذا من سنة كذا<sup>34</sup>.

**Таржимаси:** Фалончи ибн фалончи бўлиб ўтган ишини тафсилотини эшишганлиги ва билгани учун ушибу хужжатда кўрилган иши бўйича гувоҳликка ўтди. Бу иши шу йилнинг шу ойида бўлиб ўтди.

Кейинги қаторда ишнинг бошқача тус олиши ҳам мумкинлиги ҳақида гапирилади:

و ذكرت ذلك في العقد فإن توفي هذا المدمى قبل ان تظهر إفاقته، اقسم اثنان  
من أوليائه فصاعدا خمسين يمينا ان من ضربه المذكور مات و ان فلانا  
ضربه و يستحقون الدية على العائلة<sup>35</sup>.

**Таржимаси:** Шунингдек, ушибу келишиувга кўра шикастланувчи хушига келмасдан туриб, вафот этса, яқин тугшишган қариндошлиаридан иккитаси қасам ичиб ва эллик киши мархум ушибу жавобгарнинг зарбидан ўлди, зарб урган киши ҳақиқатда фалончи деб қасамни тасдиқласалар, оқил жавобгар киши учун даъвогар томонга дийа<sup>36</sup> тўлаши шарт бўлади.

Ибн ‘Аттор ҳар бир кўрилган ишни қандай ёзиб қўйиш намунасини келтириб, ўз фикрини моликий мазҳабида билдирилган фатволар билан асослаб қўяди. Ислом хужжатшунослигидаги бундай услугуб факат Андалус мактабига хос эканлигини кўриш мумкин.

Ибн ‘Аттор юқоридаги формуляр бўйича қўйидагиларни қўшиб қўяди: “Андалус диёрларида дийанинг миқдори минг андалус диноридир. Бу хукмга андалус фақихлари Шом ўлкаларидағи дийа миқдорига қараб ижмоъ қилганлар. Чунки андалус диёрлари шомлик умавий султонлари томонидан исломлаштирилган. Бизнинг уларга эргашишимиз афзалдир. Ироқ ва хурросонликлар дийанинг миқдорини ўн икки минг дирҳам деб баҳолаганлар. Хижозликлар эса бир дийани

<sup>34</sup> Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 298.

<sup>35</sup> Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 298.

<sup>36</sup> Дийа – ўлдирилган томон оиласига ислом хукуқида белгиланган бадал товон тўлаш.

юзта түяниң баробарида белгилаганлар”. Фақиҳ Андалус ўлкасидағи мусулмонларнинг насронийларга яқинлигини эътиборга олиб, дийани тўсатдан ўлдириб кўйган жавобгарнинг оиласи, қабиласи ёки файри дин бўлса, истиқомат қилаётган давлати ёки зиммийлик мақомини берган мусулмон мамлакати бериши ҳам мумкин, деб ҳисоблаган.<sup>37</sup>

Андалус мактабига хос яна бир услуб, гувоҳликка ўтадиган кишининг адолатли кўрсатмасини қозилик маҳкамаси томонидан ҳужжатлаштириб қўйиш бўлган. Чунки биз ўрганаётган Мовароуннахр диёрларида янги сайланган қози адолатли гувоҳларни ахли илм ва художўй одамлар ичидан қидирган. Андалусда эса бу иш ҳам расмийлаштирилган. Ибн ‘Атторнинг қуйидаги намунасидан ҳам буни билиш мумкин:

يَشَهُدُ مِنْ تَسْمِيٍ فِي هَذَا الْكِتَابِ مِنَ الشَّهِدَاءِ أَنَّهُمْ يَعْرُفُونَ فَلَانَ بْنَ  
فَلَانَ بْنِ عَيْنَهِ وَ اسْمَهُ عَدْلًا فِي أَحْوَالِهِ رَضِيَ فِي شَهَادَتِهِ وَ قَوْلِهِ، مَمَنْ  
يَجْبُ أَنْ تَجُوزَ شَهَادَتُهُ وَ يَقْضِي بِقَوْلِهِ وَ لَا يَعْلَمُونَهُ رَجْعٌ عَنْ هَذِهِ  
الْحَالِ إِلَى حِينٍ إِيقَاعُهُمْ شَهَادَاتِهِمْ فِي هَذَا الْكِتَابِ. وَ كَانَ إِيقَاعُهُمْ لَهَا  
فِي شَهْرٍ كَذَا مِنْ سَنَةٍ كَذَا<sup>38</sup>.

**Таржимаси:** Ушбу китобда номлари зикр этилган гувоҳлар, фалончи ибн фалончининг ўзини, исмини ва ҳолатини билишиликка гувоҳ бўлдилар. Ва унинг сўзи ва гувоҳлигининг ўтишига розилик билдирилар. Шундан келиб чиқиб, унинг гувоҳлиги ва сўзига қараб ҳукм чиқаришни жсоиз деб топилди. Ушбу ҳужжжат тузилиб, уларнинг гувоҳлиги қабул қилинаётган пайтда гувоҳликни қайтариб олиш ҳолати содир бўлмади. Уларнинг фалончига нисбатан гувоҳликка ўтишлари фалон йилнинг фалон ойида бўлиб ўтди.

Ибн ‘Аттор ушбу формулярни келтирас экан, гувоҳ берган кўрсатманинг қози томонидан расмийлаштириб қўйилиши гувоҳликка ўтиш борасидаги адолат меъёрларини мустахкамлаб, масъулиятни кучайтиради, деб ҳисоблаган. Шунингдек, у Куртубода бир гувоҳнинг кўрсатмасини тасдиқлаш борасида ками иккита, кўпі эса чекланмаган тартибида солиҳ кишиларнинг гувоҳликларини эшлишиш ва қайд этиб қўйиш кераклигини таъкидлайди.<sup>39</sup> Адолатли ва солиҳ гувоҳларни

<sup>37</sup> Каранг: Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 299-300.

<sup>38</sup> Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 329.

<sup>39</sup> Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 330.

қидириб топиш қози маҳкамаси хизматчиси музаккий томонидан амалга оширилган. Бўлажак гувоҳ ҳақидаги сўровларни қози ошкора ёки маҳфий тарзда амалга ошириш мумкин бўлган.

Ибн ‘Аттор бошқа дин вакиллари учун алоҳида формулярларни намуна сифатида келтирар экан, бу билан олим исломдаги бағрикенглик масаласини амалда кўрсатиб ўтишни мақсад қиласди. Фақих мусулмонликни қабул қилган христиан, яхудий ва мажусийларни исломни қабул қилганликларини расмийлаштириб қўйишиликка ҳам алоҳида аҳамият қаратади. Ислом хужжатшунослигидаги мазкур анъана айнан Андалусия ўлкасига хос бўлиб, бу минтақанинг географик жойлашуви ва этнографик қатламига бориб тақалади:

أشهد فلان بن فلان هذا الكتاب في صحته و جواز أمره و ثبات  
ذهنه و عقله أنه نبذ دين النصرانية، رغبة عنه، و دخل في دين  
الإسلام رغبة فيه، و اغتسل لإسلامه و صلى و كان إسلامه طائعا  
اما و لا مكره، و كان إسلامه على يدي فلان الفلاني و إن كان  
صاحب حكومة قلت «على يدي فلان قاضى الجماعة بقرطبة، او  
قاضى كورة كذا، او صاحب أحكام الشرطة او المدينة او السوق  
بقرطبة» شهد على إشهاد فلان بن فلان الإسلامي على نفسه بما  
ذكر عنه في هذا الكتاب، ثم تكتب «و ذلك في شهر كذا من سنة  
كذا، و الكتاب نسخان»، او «على نسخ»، و إن كانت واحدة عند  
ثقة فهو حسن، و الإكثار منها أقوى و أفضل. و ان لم يعرف اسم  
أبيه، أو كان من أسماء العجم الثقيلة الكريهة تكتب في الكتاب  
«فلان بن عبد الله»<sup>40</sup>

**Таржимаси:** Уибу ҳужжатда у ўзининг саломат ҳолатида ва рухсат этилган иш, мустаҳкам идрок ва ақли билан ўз хоҳишига кўра насроний динидан қайтганлиги ва ислом динига кирганлигига фалончи ибн фалончини гувоҳ қилди. У мусулмон бўлиши билан гул қилди ва намоз ўқиди. У **мажбурланмай**, ҳолос итоат этган ҳолда мусулмон бўлди. Унинг мусулмон бўлиши фалоний фалон қўл остида бўлди. **Агар фалончи ҳукумат эгаси бўлса, шундай дедим:** “Кардова жамоат қозиси фалончи ёки ушибу вилоят қозиси, ёки Кардовадаги бозор,

<sup>40</sup> Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 405-406.

*шаҳар, ёки миришаблик хизмати бошлиги қўл остида мусулмон бўлди*”. Ушибу ҳужжатда зикр этилган фалончи ибн фалончи исломийининг шаҳодатига гувоҳлик бердилар. Сўнгра ҳужжатда: “ушибу воқеа фалон йилнинг фалон ойида бўлди ва ҳужжат икки нусхада ёки бир неча нусхада тайёрланди”, деб ёзилади. Ушибу нусханинг бири, бир ишиончли одам қўлида бўлса, яхши, агар кўпроқ ишиончли одамлар қўлида бўлса, афзалдир. Мусулмон бўлганнинг отасини бирор танимаса, ёки ҳунук, оғир ажам исмларидан бири бўлса, ҳужжатда: “Фалончи ибн Абдуллоҳ” деб ёзилади.

Ибн ‘Аттор бу турдаги формулярлардан намуналарни яхудий, мажусий динидагиларга нисбатан ҳам келтиради. Факиҳ агар мусулмон бўлган кишининг аёли хур христиан ёки яхудий бўлса, никоҳ ақди ўз кучида қолади, агар христиан ёки яхудий чўриси бўлса, никоҳ ақди бузилади, чунки, мусулмон фақат хур гайри динга уйланишилиги жоиз, деб ҳисоблайди.

Андалус ҳужжатшунослик мактабининг яна бир вакили Абу Жа‘фар Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Муғит ат-Тулайтулий бўлиб, Гранададан 55 км узоқликда ва шаҳарнинг шимолий-шарқида жойлашган Тулайтуй (Toledo) қишлоғида 406/1015 йилда туғилган. Абу Жа‘фар ат-Тулайтулий Андалусияда қозилик қилган Бану Муғит моликий факиҳлари оиласи вакилидир<sup>41</sup>. Унинг отаси Абу Бақр Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Муғит ас-Садафий 444/1052 йилга кадар Тулайтуй (Toledo) қозиси бўлган<sup>42</sup>. Абу Жа‘фар ат-Тулайтулий 459/1067 йилда Тулайтуйда (Toledo) вафот этган<sup>43</sup>.

Абу Жа‘фар ат-Тулайтулийнинг ислом ҳужжатшунослигидаги муҳим асари “ал-Муқни‘ фи ‘ilm аш-шурут” асари бўлиб, кўлёзма нусхаси испан тадқиқотчиси Франсиско Хавъер Аквиери Садаба (Francisco Javier Aguirre Sadaba) томонидан нашрга тайёрланган<sup>44</sup>.

<sup>41</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli (m. 459/1067). Al-Muqni‘ fi ‘ilm al-Šurut (formulario notarial). ed. Francisco Javier Aguirre Sadaba Madrid, 1994. – Б. 16 (Бундан кейин. Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli).

<sup>42</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 18.

<sup>43</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 21.

<sup>44</sup> Испан тадқиқотчиси нашрга тайёрлашда асарнинг Мадриддаги Тарих Академияси (Academia de la Historia) кўлёзмалар фондининг № 11 инвентар ракам остида ва Испан миллий кутубхонаси (Biblioteca Nacional), кўлёзмалар фонди № 5452 инвентар ракам остида сакланаётган кўлёзма нусхаларига таянган. Қаранг: Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 45.

Олимнинг “ал-Муқни” фи ‘илм аш-шурут” асари мухтасар тартибда битилган. Бу ҳакда факиҳнинг ўзи асар мукаддимасида куйидагиларни баён этади:

و رسمت ذلك على ستة فصول، كلّ فصل منها مفصل ليكون  
(ذلك) أقرب تناولاً. تضمن الفصل الأول بيان سير المؤثّقين و  
حسن طريقتهم بين المسلمين، و تضمن الفصل الثاني وثائق النكاح  
و ما جانسها، و تضمن الفصل الثالث وثائق البيوع و معانيها، و  
تضمن الفصل الرابع وثائق الأقضية و أحكامها، و تضمن الفصل  
الخامس وثائق العتق وما شاكلها، و تضمن الفصل السادس وثائق  
الدماء و معانى أسبابها. و شرحت ما في ذلك من النوازل بالحجج  
و الدلائل، و جلبت عليها من أقوال المتأخّرين وما أخذته عن  
شيوخى المعروفيـن بالعلم به و الدين<sup>45</sup>.

**Таржимаси:** Китобни олти фаслга бўлиб, ҳар бири муфассал-тушинарли бўлишилиги учун унга яқин бўлган масалаларни ҳам фасллар ичига жойладим. Биринчи фасл ҳужжатшуносларнинг ҳаёт йўли ва уларнинг мусулмонлар орасидаги эзгу фаолиятлари баёни; иккинчи фасл никоҳ ҳужжатлари ва унга боғлиқ масалалар; учинчи фасл савдо ҳужжатлари ва унинг аҳамиятига боғлиқ масалалар; тўртинчи фасл қози қарорлари ва улар билан боғлиқ ҳукмлари; бешинчи фасл ҳуррият бериси ҳужжатлари ва уларнинг шакллари; олтинчи фасл зарар етказиши ва унинг сабаблари баёни хусусидаги масалаларни ўз ичига олади. Ушибу мавжуд бўлган масалаларни далил ва ҳужжатлар асосида шарҳладим. Китобга илм ва диёнатда танилган шайхларимдан олган фикрларни ва мута'ххир олимларнинг сўзларини жалб қилдим.

Абу Жа‘фар ат-Тулайтулий ўрганган фасллардан шуни англаш мумкинки, факих Ибн ‘Аттордан фарқли равишда ўрта асрларда Андалус жамиятида кўп учрайдиган оила, савдо ва қулчиликка оид масалаларнигина расмийлаштиришга алоҳида эътибор каратади.

Асарни ўрганиш жараёнидаги мавжуд формулярлардан бири алоҳида дикқатни тортади. Яъни куйида келтириладиган ҳужжат тури Андалус ўлкасида мустақил таълим олиш учун муаллим ёллашни расмийлаштириш масаласига боғлиқ;

<sup>45</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 8.

استاجر فلان بن فلان بن فلان المعلم ليعلم ابنه فلانا القران والسنّة، الأدب، الفقه، الشعر، يدفع إليه (فلان) كل شهر ما ينبو به منها، و ذلك كذا (و كذا)، و شرع فلان المعلم في تعليم فلان المذكور، شهد، و تمضي إلى التاريخ الفلان<sup>46</sup>.

**Таржимаси:** Фалончи ибн фалончи, фалончи ибн фалончи муаллимни фалончи ўглига Куръон, ҳадис, одоб, фиқх, шеъриятдан таълим бершилиги учун ёллади. Муаллимга ҳар ой келишилган тартибда ҳақ тўланади. Фалончи муаллим ушбу фалончига таълимни бошлиди. Гувоҳ бўлдилар ва фалон кунга имзоладилар.

Демак, ҳозирги кун тили билан айтганда *репетитор* – яъни бирор дарс ёки предметдан ўқувчига уйда ёки ўқув масканида мустақил ёрдам кўрсатувчи ўқитувчининг таълим фаолияти XI асрлардаёқ ислом дунёсида расмийлаштирилиб қўйилганини кўриш мумкин.

Абу Жа‘фар ат-Тулайтулий ушбу формулярни келтириш асосида шартномада иштирок этаётган томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама шарҳлаб ўтишга эътибор қаратади. Унинг фикрича, таълим олаётган ўқувчи вафот этган тақдирда хам таълимнинг тўхтатилиши шартномада белгиланган тартиб асосида содир бўлади. Яъни келишувга мувофиқ таълим учун тўланадиган ҳақ кунма-кун тартибда белгиланган бўлса, муаллимнинг ҳаққи ҳам шу ерда тугайди. Бироқ тўлов шартлари ойма-ой белгиланган тартибда боланинг вафоти содир бўлган кундан бошлаб ойнинг якунигача бўлган кунларнинг ҳаққи тўланиши шарт. Чунки боланинг вафоти муаллим ва унинг хуқукига дахлсиз ҳолатда содир бўлган. Келишув эса, ўз навбатида, хукукий аҳамиятга эга<sup>47</sup>.

Агар болада *балода* (بلادة) – яъни аҳмоқлик ва бефаҳмлик кучли бўлса, муаллим уч ойдан олти ойгача шартномани сақлаб қолиши мумкин. Таълим фойда бермаса, шартнома бекор қилинади<sup>48</sup>.

Агар таълим оловчи бола *мамлук* (مملوك) – яъни бошқанинг қўл остидаги кул бўлса, лекин ҳазоқа (حذاقة) – яъни илмга иқтидори бўлса, муаллим қарори билан қози мамлукнинг хожасидан ҳақ ундириб беради. Хожа қатъий ҳақ тўламасликка қарор берган тақдирда, қози

<sup>46</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 199.

<sup>47</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 199.

<sup>48</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 199.

мамлукни *байту-л қаср*, яъни давлат таълим масканига ўтказиб, муаллимга давлатдан ужра ҳақ таъйин этган<sup>49</sup>.

Андалусияда қози томонидан ужра *мислиүи* – яъни барча муаллимлар учун уларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, бир хил ҳақ тўлаш жорий қилинган. Агар муаллим шартномада кўрсатилган предмет қолиб, бошқа мавзуларни ўтган тақдирда ва бунга гувоҳлар бўлгани ҳолда қози, келтирилган зарарни муаллимдан ундириб берган. Муаллимнинг маоши кунига 10–12 дирҳам ёки 2–3 динор қилиб белгиланган<sup>50</sup>.

Ўрта асрларга келиб Миср диёрида Фотимиylар ва Мамлуклар сулоласи хукмронликни қўлга олдилар. Айтиш мумкинки, мазкур сулолалар даврида минтақада ислом хужжатшунослигига оид қатор нодир манбалар яратилди. XI асрда Мисрда таълиф этилган “ас-Сижиллот ал-Мустансирийа” асари ҳам шиаликнинг исмоилийа мазҳабига эътиқод қилган Фотимиylар давлатининг расмий дипломатик муносабатларини ўзида акс эттиради. Ушбу асарда Мисрда хукмронлик килган Фотимиylарнинг машхур халифалари ал-Мустансир Биллоҳ (хукм дав. 427/487–1035/1094 й.) ва унинг ўғли ал-Муста‘ли Биллоҳ (хукм дав. 487/495 – 1094/1101 й.) ларнинг турли мавзулардаги расмий ёзишмалари жамланган. Мазкур манба мисрлик тадқиқотчи ‘Абд ал-Мун‘им Мажид томонидан ўрганилган<sup>51</sup> бўлиб, олим ўз изланишларини асарнинг Лондон шаҳридаги шарқ манбалари кутубхонасида 27155 инвентар рақам остида сақланувчи кўлёзма нусхасига таяниб олиб борган<sup>52</sup>. Асар 175 варақ ҳажмда бўлиб, насх хатида кўчирилган<sup>53</sup>.

Ушбу асарнинг аҳамиятли томони шундаки, у Фотимиylар давлат девонида юритилган давлат ишларининг қирқ тўрт йиллик тажрибасини кўз ўнгимизда жонлантиради. Асарда кўрилган расмий ишлар юзасидан келтирилган мухим хукукий хужжатлар девоннинг котиблар жамоаси томонидан кўчирилган. Манбада асосан,

<sup>49</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 199.

<sup>50</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli. – Б. 201.

<sup>51</sup> Ал-Мустансир Биллоҳ. Ас-сижиллот ал-мустансирийа / ‘Абд ал-Мун‘им Мажид таҳкики остида. – Кохира: Дор ал-Фикр ал-‘арабий, 1373/1954. – 234 б (Бундан кейин. ‘Абд ал-Мун‘им Мажид таҳкики).

<sup>52</sup> ‘Абд ал-Мун‘им Мажид. – Б. 11.

<sup>53</sup> ‘Абд ал-Мун‘им Мажид. – Б. 28.

Фотимиilor даврида Яманда ҳукмронлик қилган Сулайхилар<sup>54</sup> давлати ва Миср ўртасидаги диний-сиёсий алоқалар бўйича тузилган хужжатлар акс этган. Маълумки, Фотимиий халифалар эътиқодда шиалик йўналишига мансуб бўлиб, исломдаги суннийлик йўналиши ҳукмрон бўлган давлатлар уларнинг диний-сиёсий ислоҳотларини кўллаб қувватламаганлар. Асарда айнан, Ямандаги Сулайхилар давлати билан бўлган дипломатик алоқаларнинг акс эттирилиши, уларнинг шиаликдаги исмоилий мазҳабида бўлганлигидан дарак беради.

Қўллэзмада жами 66 та турли дипломатик муносабатларга доир сижил хужжатлари акс этган<sup>55</sup>. Ушбу хужжатларнинг баъзиларини араб тарихчиси ал-Қалқашандий (ваф. /1418) ўзининг “Субҳ ал-а’ша” номли асарида ўрганган<sup>56</sup>.

“Ас-сижиллот ал-Мустансирийа” асарида келган хужжатлар ислом дунёсига хос бўлган умумий қоида *басмала ва ҳамду сано* билан бошланган.

Фотимиilor давлатида тузилган хужжатлар қозилар қўл остида фаолият юритган котиблар томонидан ёзилган. Шунга қарамай, уларнинг тузилиши ва расмийлаштирилиши жараённида бошқа мусулмон ўлкаларида тузиладиган хужжатларга нисбатан қатор ўзига хосликларни кузатиш мумкин. Яъни нафақат сиёсий ёхуд давлат аҳамиятига молик масалалар, балки кундалик ижтимоий муаммолар юзасидан кўрилган ишлар ва улар асосида тузилган расмий хужжатларда ҳам контекст бошида *бихотти-л-халийфа* (بخط الخليفة) – “халифанинг дасхати билан” деган иборанинг киритилиши шарт ҳисобланган. Бу ўз навбатида мамлакатда фаолият юритган ҳар қандай маҳкама, инчунун, расмий давлат девонидан алоҳида ажратилиб, ижтимоий ҳайётнинг муҳим ва мустақил тармоғи сифатида иш юритиши лозим топилган қозилик маҳкамалари ҳам сиёсий таъсир ва босим остида бўлганлигидан дарак беради.

<sup>54</sup> Ямандаги ушбу давлатнинг асосчиси ‘Али ибн Муҳаммад ас-Сулайхий (ваф. 447/1055 й.) бўлиб, Фотимиilor давлатининг иттифоқчиларидан бири бўлган. ‘Али ибн Муҳаммад ас-Сулайхий вафотидан сўнг унинг рафиқаси малика Саййида Хурра (ваф. 478/1085 й.) Фотимиilor давлати билан алоқаларни янада мустахкамлайди. Сулайхилар давлати, Фотимиilor рахнамолигида жанубий Арабистон яримороли ва Ҳинд океанига ҳукмронлик қиласидилар.

<sup>55</sup> ‘Абд ал-Мун‘им Мажид. – Б. 23.

<sup>56</sup> Абу Аббос Аҳмад ал-Қалқашандий. Субҳ ал-а’ша фи китабати ал-инша. 14 жилдли. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрийя, 2008. – Ж.1. – Б.45.

Ҳар қандай расмийлаштирилган ҳужжатда дастлаб, халифанинг тўлиқ исми ёзилган, сўнг шиаликдаги буюк имомларга дуо ва ҳамду сано келтирилган<sup>57</sup>. Ундан кейингина ҳужжатда кўрилган масала юзасидан баёнотлар битилган.

“Ас-сижиллот ал-мустансирийа” асарида келган ҳужжатлар мазмун-моҳиятига кўра қуидаги мавзуларни ўз ичига олади: икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар, шу ўринда Сулайхилар талаб қилган масалаларга нисбатан Фотимиј халифаларнинг жавоблари, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати, Фотимиј халифаларнинг дин ва расм-руслар бўйича қилган ислоҳотлари, халифа томонидан мансаб бериш ёки мансабидан озод этиш ва тақдирлашга доир масалалар, Ҳужжатларнинг якунида умуний қоида бўйича ой, кун ва сана кўрсатиб ўтилган.

Немис исломшуноси Моника Гронке (Monika Gronke) томонидан XII–XIII асрлардаги ҳозирги Эрон ҳудудида жойлашган Ардабил шаҳри<sup>58</sup> қози ҳужжатлари тадқиқ этилган бўлиб, ушбу ҳужжатлар асли хоразмлик қозилар томонидан тузилган.

Ушбу ҳужжатларнинг ўзбек тадқиқотчилари учун аҳамиятли томони шундаки, улар орасида Мовароуннаҳр ўлкасининг марказий шаҳарлари ҳисобланган Бухоро ва Самарқанд савдогарлари билан Хуросон ва Ардабил савдогарлари ўртасида тузилган савдо битимларидан ҳам намуналар келтирилган<sup>59</sup>.

Ардабил ҳужжатларида Мовароуннаҳрдан бориб ўрнашган қози фақиҳларнинг номлари ҳам зикр қилинади. Маълумки, Чингизхон 616/1219 йилнинг кузида Хоразмшоҳлар салтанатига қарши юриш бошлади. Мўғуллар қўшини Мовароуннаҳрга айнан, баҳор фаслида

<sup>57</sup> Ҳар бир ҳужжатда халифа Мутансир Билоҳ, Али ибн Мухаммад ас-Сулайхийга ўз саломини билдиради. Сўнгра Мўминлар амири сенга Ундан бошқа илоҳ йўқ бўлган Аллоҳнинг ҳамдини йўллайди ва яна Аллоҳнинг кули пайғамбарларнинг сўнгиси, Аллоҳ элчиларининг сайиди бўлган Мухаммадга ва унинг покиза хона-дон ахлларига ва хидоятда бўлган имомларга салом йўллашингни сўрайди. Деб, хитоб қиласиди. Ушбу услуб барча намуна сифатида келган ҳужжатларда учрайди. Қаранг: ‘Абд ал-Мун’им Мажид. – Б. 45.

<sup>58</sup> Ардабил ёки Ардабил вилояти, маркази Ардабил шаҳри (аҳолиси 650 минг кишини ташкил этади. 92% озарбайжонлар) – ҳозирги кунда Эроннинг шимолий-ғарбидаги Озарбайжон билан чегарадош ҳудудида жойлашган.

<sup>59</sup> Monika Gronke. Arabische und Persische Privaturkunden des 12. und 13. Jahrhunderts aus Ardabil (Aserbeidschan). – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1982. – 550 б (Бундан кейин. Monika Gronke. Ardabil).

кириб келгани боис, экинзор ва бөг-роғларни юз минглаб аскарларнинг от-уловлари пайхон этди. Халқнинг энг муҳим ҳаёт манбаи бўлган дехқончилик ва бөгдорчилик касот бўлгач, турмуш жуда оғирлашди. Илм-фаннынг ривожига ҳам путур етди: аксар масжид ва мадрасалар ёқиб юборилган, мавжуд масжид ва мадрасалардаги илмий фаолият тўхтатилган эди. Чунки илм толиблари халқдан тушадиган вақф маблағига кун кечирап ва кўплаб олимлар истило боисидан ватанни тарк этиб, бошқа шарқ мамлакатларига кетиб қолган эди<sup>60</sup>.

Ардабил хужжатларидаги мўғул босқини туфайли Табризга бориб ўрнашган, келиб чиқиши хоразмлик бўлган фақиҳ Муҳаммад ‘Иззуддин ал-Хоразмий (ваф. 648/1250 й) номи кўп ўринларда зикр этилади. Хужжатлардан аниқланишича, фақиҳ Табризда ўз фаолиятини давом эттириб, шаҳарнинг раиси ва қози ал-кузоти мартабасига кўтарилган. Муҳаммад Иззуддин ал-Хоразмийнинг оиласи қарийб юз йилдан ошиқ Табризда раислик ва қозилик лавозимларини эгаллаб келганлар. Жумладан, олимнинг вафотидан сўнг шаҳарнинг қози ал-кузоти этиб ўғли Муҳиддин Абу-л-Ҳасан (ваф. 697/1298 й) тайинланади. Муҳаммад ‘Иззуддин ал-Хоразмийнинг яна бир ўғли Қивомуддин Абу-л-Мажд (ваф. 701/1301 й.) бўлиб, у ҳам шурут илмини яхши билган, қози лавозимида фаолият юритган фақиҳлардан саналган. Муҳаммад ‘Иззуддин ал-Хоразмийнинг амакиси Носириддин ибн Муҳаммад ал-Хоразмий (ваф. 706/1306 й.) 694–704/1295–1304-йиллар орасида Табриз ва Дамашқда қозилик лавозимларida ишлаган. Унинг Шомга келиши Шом ҳокими Илҳан Фазан (ваф. 704/1304 й.) таклифи билан бўлган<sup>61</sup>.

Айтиш мумкинки, фақиҳлик ва қозилик фаолияти Муҳаммад ‘Иззуддин ал-Хоразмий мансуб бўлган оила учун ҳақиқий маънода анъана даражасига кўтарилган. Чунки олимнинг нафақат ўз авлодлари, балки оға-инилари ҳам айнан мана шу анъанага мувофиқ тарзда яшаб ўтдилар. Жумладан, Муҳаммад ‘Иззуддин ал-Хоразмийнинг акаси Алайддин Абу ‘Али Му‘айяд (ваф. 640/1243 й.) ва унинг ўғли

<sup>60</sup> Каранг: Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 760 с.

<sup>61</sup> Monika Gronke. Ardabil. – Б. 442–445.

Шиҳобуддин Абу-л-Фатх (ваф. 677/1278 й.), Шиҳобиддин Абу-л-Фатхнинг ўғиллари Имодуддин ибн Шиҳобуддин (ваф. 729/1329 й.) ва Абдулҳамид ибн Шиҳобуддинлар (ваф. 737/1336 й.) ҳам Табриз ва Хуросонда қозилик фаолиятини олиб борганлар<sup>62</sup>.

Ардабил қози хужжатлари 650/735 – 1252/1334-йиллар орасида тузилган бўлиб, ҳозирда ушбу хужжатларнинг мавжуд саккиз юзта асл нусхаси Эрон миллий давлат кутубхонаси архивида сақланади. 1970 йилда ушбу хужжатларни тадқиқ этган немис исломшуноси Готфриид Ҳерман (Gottfried Herrmann) улардан 26 тасининг фото нусхаларини Германиянинг Фрайбург университетига олиб келган<sup>63</sup>.

Хужжатларнинг йигирма иккитаси араб тилида ва тўрттаси форс тилида ёзилган<sup>64</sup>. Готфриид Ҳерман фикрича, айнан фото нусхалари олинган 26 та хужжат энг қадимиylари бўлиб, қолганлари XVI–XVIII асрларга тааллуклидир<sup>65</sup>.

Хужжатларнинг кўп қисми савдо-сотиқка оидdir. Ардабил хужжатлари уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўлим инвокация – ҳамду санолар, оятлар, ҳадислар ёки диний муқаддас калималарни ўз ичига олади. Масалан, *бихи аста‘ийн ва ‘алаихи атаваккалу* (ундан ёрдам сўрайман ва унга таваккал қиласман) ёки *бисми ман ҳува маалик ал-мулук* (мулклар эгаси бўлган зот номи билан) каби иборалар шулар жумласидандир. Хужжатларнинг инвокация қисми амма ба ‘д (ундан кейин) ибораси билан тугайди.

Хужжатларнинг асосий матн қисми ҳаза ма иштаро..... – ушбу сотиб олинаётган нарса деб бошланади. Ардабил хужжатлари шартлашаётган томонларнинг битимини холислик билан расмийлаштираётган шахс томонидан тузилганлиги боис ҳам хужжатлардаги маъно учинчи шахсга далолат қиласди<sup>66</sup>. Ардабил хужжатларида сотувчи *муқиррун* – яъни сотган молини тан олувчи

<sup>62</sup> Monika Gronke. Ardabil. – Б. 442-445.

<sup>63</sup> Herrmann Gotfried. Persische Urkunden der Mongolen zeit. – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1974. – 625 р.

<sup>64</sup> Ушбу хужжатларнинг фото нусхалари 2007-2008-йилларда Фрайбург университетида тадқиқот олиб бориш жараёнида ўрганилган.

<sup>65</sup> Herrmann Gotfried. Persische Urkunden der Mongolen zeit. – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 1974. – Б. 249-252.

<sup>66</sup> Monika Gronke. Ardabil. – Б. 19.

ва сотиб олувчи, *муқаррун лаҳу* – яъни молни сотиб олганлигини эътироф этган кўринишида расмийлаштирилган<sup>67</sup>.

Ислом дунёсида яратилган ҳужжатларга хос яна бир жиҳат уларда аниқ пул бирлигини кўрсатиб кетилишидир. X–XIII асрларда кишилар ўртасидаги ўзаро муомала воситаси сифатида уч хил жинслик пул бирликлари ишлатилган. Булар: тилладан ясалган – *динор тангалар*, кумушдан ясалган – *дирҳам тангалар*, мисдан ясалган – *фулус тангалар*.

Ардабил шаҳри шарқий Озарбайжон ва Эроннинг шимолий ҳудудларида жойлашган бўлиб, бу ҳудудда озар сultonи Бишкидлар сулоласи вакили Ширвоншоҳ (хукм. дав. 587–608/1191–1211 йй.) номига зарб этилган динор тангалар – *ақча*, шунингдек, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлатида зарб қилинган динор ва кумуш тангалар ҳам муомалада бўлғанлигини ҳужжатлар тасдиқлайди<sup>68</sup>.

Хужжатлар сўнгидаги қози, *иттафақа ‘алайҳи ал-‘улама ва-л-а’имма* – унга уламолар ва имомлар иттифоқ қилдилар, деб, ушбу ибора устига ўз муҳрини қўйган. Бу ҳолат ҳужжатнинг юридик қийматини оширган<sup>69</sup>. Ҳужжатда *ал-қабз ва-л-иқбаз фи-с-саман ва-т-таслим ва-т-тасаллум фи-с-саман* – “нархни ушлаб туриш ёки тушириш ва маҳсулотни етказиб бериш ва қабул қилиб олиш” қоидалари ҳам тартиб этилган бўлиб, ушбу олтин қоида Ардабил ҳужжатларига хосdir. Бу каби қоидаларнинг ҳужжатларда кўрсатиб ўтилиши савдолашаётган томонларнинг бир-бирларига бўлган ишончларидан келиб чиқади.

Ҳужжат якуни инний анфазтуҳу – дарҳақиқат мен уни ижро этдим, аҳкамтуҳу – уни ҳукм қилдим, амдоитуҳу – уни имзоладим, аиҳадту алаӣҳи – унга гувоҳ қилдим каби умумий маъно касб этувчи иборалар билан якунланган<sup>70</sup>.

Демак, Мўғуллар истилосидан сўнг кўплаб фақиҳларнинг мусулмон ўлкаларига кўчиб ўтишлари Мовароуннахрда шаклланган ҳужжатчилик анъаналарини бошқа ўлка ҳужжатшунослик тажрибалари билан қоришиб яхлит умум қоида ва методларни шаклланишига сабаб бўлди.

<sup>67</sup> Monika Gronke. Ardabil. – Б. 21.

<sup>68</sup> Monika Gronke. Ardabil. – Б. 31.

<sup>69</sup> Monika Gronke. Ardabil. – Б. 41.

<sup>70</sup> Monika Gronke. Ardabil. – Б. 63.

Тадқиқот жараёни шуни қўрсатдики, биз ўрганаётган даврда ҳанбалий мазҳабига оид ислом хужжатшунослиги асарлари яратилмаган. Боиси мазкур даврда кўплаб бошқа мазҳаб вакиллари бу мазҳабни фикҳий мактаб сифатида тан олмадилар. Ислом тарихчиси ва фақиҳи Ибн Жарир ат-Табарий (ваф. 311/923 й.) Аҳмад ибн Ҳанбални фақиҳлар қаторида эмас, муҳаддислар қаторида бериб, ушбу мазҳабни фикҳий мактаб сифатида тан олмайди<sup>71</sup>. Фарб тадқиқчилари Ҳенри Лаоуст (Henri Laoust) ва Георге Мақдиси (George Makdisi) фикрига кўра, ҳанбалийлик ислом хукуқининг *ибодот* (*усул ад-дин*)<sup>72</sup> ва қисман ‘үқубот<sup>73</sup> йўналишларида X–XI асрларга келиб, ўзининг мустақил фатово асарларига эга бўла бошлади. Лекин *муомолот*<sup>74</sup> йўналишида кўпгина ижтимоий масалалар ўз ечимини топмади. Сабаби ҳанбалийларнинг аҳли ҳадис<sup>75</sup> бўлганликлари ва фикҳда консерватив йўлни танлаганлигидир<sup>76</sup>.

XI–XIV асрларда яшаб ўтган ҳанбалийлик мазҳаби фақиҳлари асарларида шурут, маҳзар, сижил тузиш қоидалари алоҳида бўлим ёки мавзу қилиб ўрганилмаган. Мавзуга доир масалалар, асосан, савдо, никоҳ, талоқ ва кулчиликка оид бўлимларда таҳлил этиб кетилган.

Ҳанбалийлик мазҳаби фақиҳлари Муваффақ ад-дин ибн Кудома (ваф. 619/1223 й.), Шамсаддин ибн Кудома (ваф. 682/1284 й.), Ибн Аби Я‘ло (ваф. 525/1131 й.), Ибн Таймийялар (ваф. 728/1328 й.) ўз фатволарида *ла бай ‘би-шарт* (*келишилган савдо савдо эмас*) деган фикрни бериб, икки томоннинг келишиб шартнома тузишида ва томонларнинг олди бердисида *рибо* аломати бор деб, ҳисоблаганлар.

<sup>71</sup> Ат-Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулук: 8 жилдли. – Қохира, 1982. Ж.2. – Б.77.

<sup>72</sup> Ибодот – бу ислом хукуқида ибодатлар ва уларга тегишли мажбуриятларни ўрганадиган қисм.

<sup>73</sup> ‘Уқубот – бу ислом хукуқида жиноят ва жазо масалаларини ўрганадиган қисм.

<sup>74</sup> Муомолот – бу ислом хукуқида фуқаролик хукуки муносабатларини ўрганадиган қисмини ўз ичига олади.

<sup>75</sup> Умавийлар даврида суннитлик мазҳаблари орасида, фикҳий масалаларни ечишда манбалардан фойдаланиш бўйича иккита фикрий йўналиш юзага келди. Биринчи йўналиш “аҳли ҳадис”, яъни ҳадис тарафдорларидан иборат эди. Ушбу йўналишнинг асосчиси Молик ибн Анас бўлиб, Имом Шофиий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Суфён Саврий, Довуд Зоҳирий ва Абдураҳмон Авзоъий унинг йирик намояндлари бўлганлар. Улар кўпроқ оят ва ҳадислар матнига таяниб, раъй ва қиёсга кўп аҳамият бермаганлар.

<sup>76</sup> George Makdisi. The Juridical Theology of Shafi’i: Origins and Significance of Usul al-Fiqh. Jurnal, Studia Islamica, № 59. (1984), Б. 5-47.

Ҳанбалийлар исломдаги ҳужжат тузиш формулялари масаласида ҳанафийлар каби ижтиход құлмаганлар<sup>77</sup>.

Демек, ҳозирги қунимизга қадар ҳанбалийлик ёки мазҳабсизлик тарқалған араб-мусулмон диёрларида консерватив фикр ва фатволар-нинг жамиятга таъсири бу ўлкаларда исломни ҳаёт тарзига айлантириди. Натижада араб-мусулмон диёрларида ислом таълимотларининг сиёсийлаштирилиши мусулмонларнинг равнақи йўлида эмас, балки бир гурӯҳ консерватор мусулмон тоифанинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Ахли ра’й ёхуд ҳар бир ижтимоий муаммони ижтиход ва ақл билан ечиш ҳамда ислом манбаларидан инсоният тараққиёти йўлида фойдаланишни ривожлантирган ўлкаларда, жумладан, Марказий Осиёда ислом, ҳалқнинг ҳаёт тарзига эмас. балки минтақа ҳалқларининг асрлар давомида бойитиб келган қадриятига айланди.

Хижрий IV асрнинг бошларидан шофи‘ийлик мазҳабининг кенгайиши натижасида бу мазҳаб олимлари ҳам шурут илми бўйича асарлар таълиф эта бошладилар. Мазҳабнинг етакчи уламолари Абу Иброҳим Исмо‘ил ибн Иброҳим ал-Музаний (ваф. 264/878 й.) “Китоб аш-шурут ва-л-васо’ик”, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ал-Марвазий (ваф. 282/895 й.) “Китоб аш-шурут ва-л-васо’ик”, Абу Са‘ид аш-Шофи‘ий ал-Истаҳрий (ваф. 328/940 й.) “Китоб аш-шурут ва-л-васо’ик ва-л маҳозир ва-с-сизиллот” номли асарини айнан, “шурут” илмига бағишиладилар<sup>78</sup>. Лекин бу асарлар ҳам бизгача етиб келмаган.

Шофи‘ийлик мазҳаби ҳужжатшунослик мактабининг яна бир ёрқин вакили Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн Мухаммад ибн Ҳабиб Мовардий ал-Басрий ал-Бағдодий аш-Шофи‘ийдир (ваф. 450/1058 й). Мовардий бир неча шаҳарларда “Волий ал-қазо” (Вилоят қозиси, қозилик маҳкамасининг бошлиғи) лавозимларида фаолият юритган. Мовардий Бағдодда Аббосийлар давлатининг қози ал-қузоти ва шофи‘ий мазҳабининг Аббосийлар давлатидаги бош муфтийси лавозимида ҳам ишлаган.

Мовардий 429/1038 йилда, 65 ёшида Бағдод қозилигидаги энг олий мақом “Ақзо ал-қузот” (биринчи рақамли хукм қилувчи қози) мансабига тайинланган.

<sup>77</sup> Arabi Oussama. Contract stipulations (Shurut) in Islamic Law: the Ottoman majalla and ibn Taymiyya. International Journal of Middle East Studies, London: vol. 30. 1998. – Б. 29-50.

<sup>78</sup> Dispensing Justice in Islam. – Б. 264.

Мовардий ижтимоий-сиёсий, хуқуқий соҳаларда кенг қамровли асарлар ёзди. Булар: “ал-Аҳком ас-султонийа ва-л-валоёт ад-динийа” (Султонликка оид хукмлар ва диний бошқарувлар), “Қавониниң ал-визорати ва сиёсати ал-мулук” (Султонлар сиёсати ва вазирлик қонунлари), “Ал-визорат” (вазирлик), “Китоб та‘жил аз-зафар фи ахлоқ ал-малак ва сиёсат ал-мулук” (Султонлар сиёсати ва султонлик одобида мувоффакиятга эришиш китоби), “Китоб насиҳат ал-мулук” (Султонларга насиҳат), “Сиёсат ал-мулук” (Султонлар сиёсати). “Тұхфат ал-мулуккайа фи ал-одоб ас-сиёсийа” (Сиёсий одоб бўйича султонлик тұхфаси), “Адаб ал-вазир” (Вазирнинг одоблари), “Адаб ал-қози” (Қозининг одоблари), “Китоб ар-рутба фи талаб ал-ҳисбә” (Мұхтасибликни талаб қилиш бўйича құмматлы китоб) асарлари<sup>79</sup>.

Мовардийнинг “ал-Аҳком ас-султонийа” асарида давлатни бошқариш усууллари 20 та боб ва 109 та бўлимда баён этилган. У *истинбот, истислоҳ, ислоҳот*<sup>80</sup> асосида тадқиқотлар ўтказиб ўз асари ни яратишга муваффақ бўлган.

Демак, келгусида Мовардий меросини илмий-киёсий ўрганиш Ўзбекистонда миллий давлатчилик тамойилларини ривожлантиришда мухимдир. Шунингдек, Мовардий қараашларини илмий тадқиқ этиш, ўрта асрлар Шарқ мусулмон ўлкаларида давлат тузуми, сиёсий этикаси, бошқарув тизими, давлат маъмурий муассасаларининг шаклланиш босқичлари, султон, вазир, қози, волий, амир, муфтий, нақиб ва мұхтасиб каби амалдорларнинг зиммасига юкланган вазифа ва мажбуриятлар, уларнинг иш фаолиятини ҳали жамоатчиликка маълум бўлмаган қирраларини очиб беришга хизмат қиласи.

Хозиргача сақланиб келаётган шофи‘ийлик мазҳабига оид ягона иирик *шурут* асари Бадруддин Ҳасан ибн ‘Умар ибн Ҳасан ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий (ваф.536/1142 й.) қаламига мансуб бўлган, 698/1299 йилда Дамашқда Мұхаммад ибн ‘Али ибн Иброҳим томонидан насх ҳатида араб тилида кўчирилган “*Китоб аш-шурут ва-л-васо’иқ*” номли

<sup>79</sup> Ali Safak. Ebu'l-Hasan Habib el-Maverdi. El-Ahkamu's-Sultaniye. – Istanbul, 1994. – Б. 45.

<sup>80</sup> Истинбот – бирор мұаммони ҳал этишда Куръони Карим ва Ҳадиси шарифдан ва бошка услублар бўйича ечимини топиш, истислоҳ –урфдан колган бошқарув на-зарияларига янгилик киритишни талаб қилиш, ислоҳот – мавжуд сиёсий тузумга ижобий ўзгартиришлар киритиш.

асаридир<sup>81</sup>. Асар боб ал-буйу' (савдо сотиқлар) бўйича тузиладиган шартнома қоидаларидан бошланиб, боб ал-истихъоқ (хақдорлик) бўлими билан якунланади<sup>82</sup>.

Ислом хужжатшунослигига оид ушбу асарнинг мазкур туркумга оид бошқа асарлардан бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туришлиги кўзга ташланади. Жумладан, асардаги боб ал-жуа'ала (باب الجعلة) – иш ҳаки бериш, боб ал-фуруз (باب الفروض) – мажбуриятлар, боб ал-мажалис ал-хўммийа (باب المجالس الحكمية) – қози хукмлари билан боғлиқ мажлислар, боб ал-истихъоқ (باب الاستحقاق) – хақдорлик каби бўлимлар ушбу асарга хос жиҳатлар саналади.

<sup>81</sup> Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий Бадруддин Ҳасан ибн 'Умар ибн Ҳасан. Китоб аш-шурут ва-л-васа'ик. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Сулаймония қўлёзмалар бўлими // Кўлёзма № 00559. – 175 в // Ушбу қўлёзма диссертант томонидан 2008 йил 9-апрелда Сулаймония кутубхонасида ўрганилган ва тадкилот учун тўлиқ микрофильм нусхаси кўчириб олинган (Бундан кейин. Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий).

<sup>82</sup> Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабийнинг "Китоб аш-шурут ва-л-васа'ик" асарида келган бўлимлар қўйидагилардан иборат: боб ал-буйу' (باب البيوع) – савдо сотиқлар, боб ат-та'вииз (باب التعويض) – мол айрибошлаш, боб ал-манаакила (باب المناقلة) – ўзаро мол-мулк ўтказмалар, боб ас-салам (باب السلام) – мол етказиб бериш ёхуд салам савдоси, боб ар-роҳи (باب الرهن) – гаровга олинган моллар, боб ат-тафлиис (باب التفليس) – банкротлик холати, боб ас-сулҳ (باب المصلح) – келишув, боб ал-ҳавола (باب الحالة) – зиммасидаги қарзни бирорнинг номига ўтказиш, боб ад-дамон ва-л-кафала (باب الشركة) – таъминот ва кафолат, боб аш-шарика (باب الوكلة) – шериклик, боб ал-вакола (باب الاقرار) – тан олиш ёхуд эътироф этиш, боб ал-ибрә' (باب الإبراء) – карздан воз кечиш, боб ал-'орийа (باب العارية) – бирор бир мулк ёки нарсани фойдани кўзламаган холда карзга бериб туриш, боб аш-шуф'а (باب الشفعة) – имтиёзли сотиб олиш хукуки, боб ал-қироз ва хува ли-л-музораба (باب المضاربة) – музораба шартномаси учун ўзаро қарз олди берди килиш, боб ал-ижаро (باب الإجارة) – бирор нарсанни ижарага олиш, боб ал-масақо ва-л-музорба'а (باب المساقاة و المزارعة) – сугориша деҳқончилик килиш, боб ал-манасиба (باب المناسبة) – иш ҳаки бериш, боб ал-жуа'ала (باب الجعلة) – мажбуриятлар, боб ал-вакф (باب الوقف) – вакф, боб ал-васийя (باب الوصية) – васият, боб ал-вадий'а (باب الوديعة) – омонат қолдиришиб, боб ан-никоҳ (باب النكاح) – никоҳ, боб ал-хул' ва-т-талок ва-р-рож'а (باب الخلع و الطلاق و الرجعة) – аёл ўзини хул' қилиши, талоқ ва кайтариб олиши имкони бўлган талоқ, боб ан-нафақот (باب الحضانة) – нафақалар, боб ал-хидона (باب الخدمة) – бирор норасидани ўз қарамогига олиш, боб ал-қисма (باب القسمة) – мулкни бўлиб олиш, боб ал-'атк (باب العتق) – хуррият бериш, боб ат-тадбир (باب التدبیر) – хожанинг ўлими билан қулнинг озод бўлиши, боб ал-китоба (باب الفروض) – ёзма келишув асосида қулни озод килиш, боб ал-фуруз (باب الكتابة) – мажбуриятлар, боб ат-тафвииз ва-л-иснод ва-л-изн (باب التفويض و الاستناد و الاذن) – ваколат бериш, кўллаб кувватлаш, розилик, боб ал-маҳозир (باب المحاضر) – қози қарорлари, боб ал-мажалис ал-хўммийа (باب المجالس الحكمية) – қози хукмлари билан боғлиқ мажлислар, боб ас-сижиллот (باب السجلات) – қози қарорларини рўйхатга олиш, боб ал-истихъоқ (باب الاستحقاق) – хақдорлик. Маълумот учун қаранг: Edward William Lane. Arabic-English lexicon. 8 Volumes. – Beirut, 1968.

Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий меҳнатидан фойдаланган кишининг иш хақини расмийлаштириб қўйиш бўйича иккита мисол келтиради. Уларнинг биринчisi кийим бош тикиб бериш ва иккинчisi уйнинг деворини қўтариб бериш бўйичадир:

الترم فلان بن فلان البناء بدمشق ان يبني له بالمكان الفلانى  
بيتا مشتملا على اربعة جدران و على كذا و كذا و يذكر طول  
كل جدار و ارتفاعه بالذراع، يبني ذلك بالحجارة او بالطوب او  
باللبن بناء سالمًا من العيوب باجرة مبلغها كذا دفعها اليه فقبضها  
منه قبضا شرعاً سلفاً و تعجيلاً و عليه الشروع في العمل ما ذكر  
على الحكم المعين رضيا بذلك و اتفقا عليه و اشهدوا عليها بذلك في  
تاريخ كذا و شهر كذا و سنة كذا<sup>83</sup>.

**Таржимаси:** Фалончи ибн фалончи шу кундан шу кунгача бўлган муддатда тўрт девор билан ўраладиган уйни Дамашқда фалонийнинг уйида қуриб беришини ўз зиммасига олди. Шартномада ҳар бир деворнинг узунлиги ва зиро' ўлчовидаги баландлиги ҳамда ушибу уйни айбу нуқсонлардан холи қилиб тош ёки пиширилган гишт ёки гувала билан қуриб бериши кўрсатиб ўтилди. Берилши лозим бўлган иш ҳақи шунчадир. Фалончи устага ҳаққини тўлади. Уста фалончидаги қонуний ҳаққини олдиндан нақд олди. Ишни бошлиши эслаб ўтилганидек, иккала томон келишизуви ва розилигига кўра белгиланган муддатдан бошланади. Бу шартномага ушибу йил, ой, кунда гувоҳ бўлдилар.

Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий боб ал-фурууз (باب الفروض) – мажбуриятлар бўлимида ижтимоий ҳимоя масалаларига оид шартномалардан мисоллар келтиради. Биринчи масала эри уйида йўқ бўлган аёлнинг ўз эрининг молидан ўзи ва фарзандлари эҳтиёжи учун фойдаланиш ҳукуки. Ушбу масала бўйича қозининг расмий қарори чикқач, хатто эрнинг яқин қариндошлари бўлган ота-она, aka-ука ва опа-сингиллар ҳам бу қарорни бекор қила олмаган<sup>84</sup>. Кейинги шартнома узоқдан келиб мадрасада дарс берадиган муаллим учун мадраса ва вакф қилиб берилган мулклардан фойдаланиш ҳукуқини берувчи қарордир.

<sup>83</sup> Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий. – В. 82a – 82б.

<sup>84</sup> Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий. – В. 124б.

Қозининг ушбу қарорига кўра ҳеч ким мударриснинг мадрасада ётишига ва у ерда овқатланишига, кийим-бош кийишига, маошидан ушлаб қолишга монелик қилмайди<sup>85</sup>.

Иbn Ҳабиб ал-Ҳалабий бобал-маҳсолис ал-хўкмийиа (باب المجالس الحكيمية) – қози хукмлари билан боғлиқ мажлислар бўлимида асосан, Дамашқ қозилик маҳкамасидаги даъволи ишлардан мисоллар келтирилган. Ушбу бўлимда кўрилган биринчи масала бир одамнинг зўравонлик билан бир уйни эгаллаб олиши ёки кўча, ариқ ва ҳоказо мулкларга ноконуний эга чиқиши ва унга нисбатан даъволарни қози томонидан ўрганилиши ҳамда гувоҳлар ҳолати текширилишидан келиб чиқиб даъвогарнинг фойдасига ҳал бўлган ишнинг қароридир<sup>86</sup>. Шунингдек, ушбу бўлимда ўғирланган уй ҳайвонлари, вақф мулкини назорат қилиш, имтиёзли сотиб олиш, қарз олди-бердиси бўйича даъволар ва уларни ҳал этилганлиги юзасидан қози қарорларидан намуналар келтирилған<sup>87</sup>.

Мовароуннаҳр, Ироқ ва Андалус мактабларида даъволи масалалар *маҳозир ал-қози* (қози баённомалари) бўлимида умумий тарзда берилганлигини кузатиш мумкин. Иbn Ҳабиб ал-Ҳалабийнинг даъволи масалаларни *маҳозир ал-қози* (қози баённомалари)дан айри ҳолда бериши эса Шом ҳужжатшунослик мактабининг ўзига хос услубидан ва ўша даврда Дамашқ қозихоналари бу масалага кўп мурожаат қилганликларидан далолатдир. Иккинчи томондан *фатово* жанрида ёзилган Мовароуннаҳр ўлкасига оид асарларда қози баённомаларини тузиш “*Китоб ал-маҳозир ва-с-сижилот*” бўлимида берилган бўлса, Иbn Ҳабиб ал-Ҳалабий бу бўлимнинг ўзини уч қисмга ажратган ҳолда *ал-хўкмийиа*, *ал-маҳозир*, *сижилот* бўлимлари тарзida таълиф этган.

*Боб ал-истиҳқоқ* (باب الاستحقاق) – ҳақдорлик бўлими ушбу асарга хос бўлиб, унда ўлган шахс билан боғлиқ масалалар келтирилган. Жумладан, ўлгандан кейин майитнинг қарзи, мероси, ортидан қолган кўчмас мулклари, кўп хотинлилик юзасидан фарзандлар ўртасидаги

<sup>85</sup> Иbn Ҳабиб ал-Ҳалабий. – В. 125a.

<sup>86</sup> Иbn Ҳабиб ал-Ҳалабий. – В. 141b.

<sup>87</sup> Иbn Ҳабиб ал-Ҳалабий. – В. 141b – 151a.

ихтилофларни ҳал этиш бўйича қози қарорларидан намуналар келтирилган<sup>88</sup>.

Ушбу бўлимга хulosса қилиб айтиш мумкинки, исломдаги хужжатшунослик анъаналари барча мазҳаб ва йўналишларга хос тушунча бўлиб, бу масала кўпроқ ислом ҳукуқининг *муомалот* – фуқаролик ҳукуқи муносабатларини ўрганадиган бўлимидан ўрин олган.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, исломдаги мазҳаб ва йўналишларда хужжат тузиш анъаналари бир-биридан кескин фарқ қилмаган. Барча мазҳаб уламолари адолат меъёрларини биринчи ўринга қўйган. Ҳар бир хужжат даъволашаётган ёки шартлашаётган икки томон ўртасидаги муносабатларда динийликдан кўра кўпроқ дунёвий масалаларни адолатли ҳал этиш устун турғанлигидан далолат қиласди. Шу боис мазҳаблардаги хужжат тузиш қоидлари бир-бирига яқин бўлган.

Шофи‘ийлик, моликийлик ва шия мазҳаби олимлари ҳанафийлардан фарқли ўлароқ, қози томонидан тузилган нотариал шартномалар ҳақидаги шурут ва қозилик маҳкамаси қарорлари ҳақидаги маҳзар ва сижил илмларини бир-биридан ажратмаган ҳолда ўргангандар. Бу ҳолатни улар ёзган китобларнинг номланишидан ҳам билиш мумкин. Ҳанафий олимлари эса “шурут” ва “ал-маҳозир ва-с-сижиллот”га оид масалаларни алоҳида ҳолда ўргангандар. Бунинг боисини ҳанафийлик мазҳабининг асосан, *ажам* диёрларида тарқалганлиги, мазҳаб уламоларининг ҳукм чиқаришда кўпроқ *ra’й* (фикр) га таянганлиги ва кўплаб ҳанафий олимларининг ўрта асрларда қозилик лавозимларида ишлаб, бу соҳада кўп тажрибага эга бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

### **Қозилик хужжатларини ўрганишга оид замонавий тадқиқотлар ва уларнинг қиёсий таҳлили**

Ислом ҳукуқининг бир қисми хисобланган қози маҳкамалари фаолияти ўрта асрлардаги Шарқ цивилизациясининг оламшумул ҳодисаси хисобланади. Бу ҳукукий тизим араб халифалиги доирасида вужудга келиб, расмийлашган ва аста-секин бутун шарқ мусулмон ўлкаларига тарқалган.

<sup>88</sup> Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий. – В. 166а – 171а.

Диний тизим сифатида исломни ўрганишда мусулмон конунларининг тизимга солинган мажмуаси – ислом хукуки асосларини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Хукуқий нормаларни у ёки бу диний эътиқод билан асослаш барча замонларга хос бўлган ва анча кенг тарқалган ҳодисадир. Ислом хукуқшунослиги ҳам бундан мустасно эмас. Ислом хукуки тадқиқотчилари одатда унинг қуидаги икки ўзига хос ва ўзаро боғланган хусусиятига эътиборни қаратадилар:

- диний келиб чиқиши – илоҳий табиити;
- юридик қоидалари, ислом илоҳиёти, ахлоқ қоидалари, урф-одатлари ва ислом диний меъёрлари билан узвий боғлиқлиги.

Дастлаб, ислом хукукининг “шурут” жанрида ёзилган манбаларни тадқиқ қилишни йўлга қўйган германиялик олим Йозеф Шахтдир (Joseph Schacht). У Европа ва Америка исломшунослик мактабининг йирик вакили ҳисобланади. Йозеф Шахт 1902 йилнинг 15 марта Германиянинг Ратибор (Ratibor) шаҳрида таваллуд топган<sup>89</sup>. Йозеф Шахт 21 ёшидаёқ йирик немис исломшунос олими Готхелф Бергштрассе (ваф. 1933 й.) (Gotthelf Bergsträsser) раҳбарлиги қўл остида “Хассоффинг “Китоб ал-ҳийал” асарининг ислом ҳукуқшунослигига тутмаган ўрни” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қиласди<sup>90</sup> ва олимнинг номи Германия тарихида энг ёш профессор сифатида муҳрланди. Йозеф Шахт исломшуносликнинг ислом хукуки ва ислом ақидаси йўналишида йирик тадқиқотларни амалга оширди.

Демак, шу ўринда Йозеф Шахт илмий фаолиятини ислом хукуки борасида йирик илмий тадқиқотлар олиб борган Европанинг класик давр исломшунослари Кристиан Сноук Хургоние (ваф. 1936 й.) (Christiaan Snouck Hurgronje), Игнас Голциер (ваф. 1921 й.) (Ignas Goldziher) илмий фаолиятига тенгглаштириш мумкин. Йозеф Шахт юздан ортиқ ислом хукуки ва теологиясига оид тадқиқотларни амалга ошириб, гарб исломшунослик мактабининг йирик вакилига айланди. Йозеф Шахт 1969 йилда вафот этди. Келгусида унинг тадқиқотлари доирасида илмий ва қиёсий таҳлилга асосланган тадқиқотлар олиб бориш ўзбек исломшунослиги равнақи йўлида яратилаётган тадқиқотларнинг ҳалқаро савиясини янада ошишига хизмат қилиши шубҳасизdir.

<sup>89</sup> Ҳозирда ушбу шаҳар, Полша Республикасида жойлашган бўлиб, Расиборц (Raciborz) деб аталади.

<sup>90</sup> Schacht Joseph. Das kitab al-hiyal fi'l-fiqh. Deutschland, Hannover: Lafaire, 1923. – 322 p (Бундан кейин. Schacht Joseph. Das kitab al-hiyal fi'l-fiqh).

Йозеф Шаҳт Ғарб дунёсида исломдаги формулялар тузиш қоидалари ва хужжатшунослик анъаналари ҳақида илк мустақил тадқиқотлар олиб борган олимдир<sup>91</sup>. У ҳанафий мазҳаби таълимотини ривожлантирган фақихлардан бири Абу Жа‘фар ат-Таҳовийнинг шурутга бағишланган “Жоме‘ ал-қабир фи-ш-шурут” асарининг баъзи бўлимларини нашрга ҳам тайёрлаган<sup>92</sup>.

Ислом хукуқидаги формулялар тузиш қоидаларига бағишланган ишлар ва ушбу соҳа бўйича илк таърифларни Йозеф Шаҳт амалга оширганлиги учун кейинги даврга келиб ғарблик мутахассислар ушбу мавзуга оид ишларнинг барчаси учун унинг фикрларини асос қилиб белгиладилар. Шу ўринда Йозеф Шаҳтнинг баъзи фикрларига муносабат билдириб кетишини ўринли деб топдик. Унинг фикрича, ислом хукуқида ҳийал – ҳийлайи шаръий асосий манбалар ҳисобланган Қуръон ва ҳадисга зид келган ўринларда амалга оширилади. Шунга қарамай, олим ҳар қандай эзгу мақсад ва фикр йўлида исломда ҳийлайи шаръий ишлатишни жоиз деб ҳисоблайди<sup>93</sup>. Бирок у ҳийлайи шаръийга кенг йўл очиб берилиши сабабидан баъзи исломий мамлакатларда дин сиёсий кучлар томонидан қатор манфаатларни амалга оширишга буриб юборилган, деган хulosани ҳам илгари суради<sup>94</sup>.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, юқоридаги фикр ўзини тўлақонли оқламайди. Исломда конуний ҳийлалар назариёт билан амалиётни бир-бирига боғлаш учун қилинган ҳаракат бўлган, яъни назарий томондан имконият йўқ бўлган ҳолатда факих ёки қози ақлли тадбир

<sup>91</sup> Schacht Joseph. The Origins of Muhammađan Jurisprudence. Oxford: Clarendon, 1950. – 412 p; Шу муаллиф. Sociological Aspects of Islamic Law. USA, California: Center for the Study of Law and Society, University of California, 1963. – 210 p; Шу муаллиф. The Legacy of Islam. Oxford: Clarendon, 1972. – 378 p; Шу муаллиф. Die arabische hiyal – literatur. Ein Beitrag zur Erforschung der islamischen Rechtspraxis. Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orients) Band 15. Berlin: Walter de gruyter & co. 1926. – pp. 211 – 223; Шу муаллиф. Zur sociologischen Betrachtung des islamischen Rechts. Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orients) Band 22. Berlin: Walter de gruyter & co. 1935. – pp. 207 – 238.

<sup>92</sup> Schacht Joseph. Das kitab aš-Šuf'a aus dem al-gami‘ al-Kabir fiš-Šurut des Abu Ga’far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. Heidelberg: Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1930. – 58 p; Шу муаллиф. Das kitab adkar al-huqq war-ruhun aus dem al-gami‘ al-Kabir fiš-Šurut des Abu Ga’far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. Heidelberg: Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1927. – 38 p.

<sup>93</sup> Schacht Joseph. Das kitab al-hiyal fi'l-fiqh. – Б. 55.

<sup>94</sup> Schacht Joseph. Das kitab al-hiyal fi'l-fiqh. – Б. 57.

қўллашга мажбур бўлган. Бу ерда мақсад боши берк кўчага кириб қолган масаланинг ечимини топиб беришдир. Масалан: *Бир киши фалон кишидан кийим сотиб олмайман, деб гувоҳлар олдида онт ичса, сўнгра қасамини бузмасдан ундан либос сотиб олиши зарурати пайдо бўлса, бундай ҳолатда у бошқа бир кишини вакил қилиб, у орқали ундан либос сотиб олиши мумкин. Ушибу ҳолатда у қасамини бузган ҳисобланмайди. Чунки олди-сотди шартномаси тузилаётганда вакилнинг номи ёзилади*<sup>95</sup>.

Исломдаги қонуний хийлалар факат ҳанафий мазҳабига хос бўлиб, бошқа фикҳ мактаблари хийлайи шаръийни тан олмаганлар. Ҳанафий фақихларининг бошқа мазҳаб вакиллари томонидан танқид қилинишининг бир сабаби ҳам айнан ҳанафийлар хийлайи шаръийга иккиласми манба сифатида қараганлигидир.

Ислом хужжатшунослигини ўргангандан яна бир олим Жиинетте Вакин (Jeanette Wakin) бўлиб, у 1928 йилда АҚШнинг Коннектикут (Connecticut) штатида туғилди. 1963 йилда Колумбия университетида (Columbia University) “Ислом хуқуқида хужжатларнинг юритилиши (Абу Жа‘фар Ат-Таховийнинг “Китоб аш-шурут ал-кабир” асарининг савдо сотиқ бўлими мисолида)” номли докторлик ишини ҳимоя қилди<sup>96</sup>. Харвард университети (Harvard University) қошидаги ислом қонунчилигига оид тадқиқотлар лойиҳаси раҳбари (Director, Islamic Legal Studies Program) Франк Фогел (Frank Vogel) фикрича, Жиинетте Вакиннинг ушбу иши уни фарб исломшунослари орасида ушбу соҳанинг мутахассиси сифатида тан олинишига сабаб бўлди<sup>97</sup>. олим 1965 йилдан Колумбия университетининг араб тили ва исломшунослик фанлари бўйича профессори ва 1998 йилдан вафотига қадар АҚШнинг Колумбия университетида ислом тадқиқотлари маркази (Center of Islamic studies) директори лавозимида ишлаган. Шу билан бир қаторда Голландияда жойлашган Leiden E.J. Brill

<sup>95</sup> Маълумот учун қаранг: Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Мухиту-л-бүрхоний.. – Тошкент: ЎЗРФА ШИ // Қўлёзма № 5835. – В. 432a (كتاب الحيل) – Китоб ал-хийал бўлими).

<sup>96</sup> Қаранг: Jeanette A. Wakin. The Function of Documents in Islamic Law: The Chapters on Sales from Tahawi’s Kitab al-Shurut al-Kabir. State University of New York Press Albany, 1972. – Б. 203 (Бундан кейин. Wakin).

<sup>97</sup> Frank E. Vogel. The Contract Law of Islam and of the Arab Middle East, in International Encyclopedia of Comparative Law // Edited by K. Zweigert, U. Drobnig, Vol. VII, Chapter 7. Leiden: E.J. Brill, 2006. – Б 7–155.

нашриётига қарашли “Ислом ҳуқуқи ва жамияти” (Islamic Law and Society) ва “Америка шарқшунослик жамияти журнали” (The Journal of the American Oriental Society) номли илмий журналларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида фаолият юритади.

Жиннетте Вакиннинг исломда нотариал ҳужжатлар тарихи борасида билдирган баъзи фикрларини таҳлил этиб кетиш мақсадга мувофиқдир. Унинг фикрича, ислом динининг Миср, Юнонистон, Рим империяси чегараларига томон кенгайиши, исломдаги ҳужжат тутиш шаклларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Исломдаги формуллярлар тузишда фойдаланилган стилистик қоидалар ва уни ҳуқукий жиҳатдан расмийлаштириш қадимги Мисрдаги кобт (қибтий) ҳужжат тузиш анъаналари ва Византия, Юнон-Римдаги ҳужжат тузиш тажри-баларидан ўзлаштирилди<sup>98</sup>.

Ушбу фикрга аниқлик киритиб, айтиш мумкинки, христиан ва бошқа диний қонунчилик тизимларидан ислом ҳуқуқининг асосий фарқи, Миср<sup>99</sup>, Юнон<sup>100</sup>, Рим<sup>101</sup>даги диний қонунчилик ва судлов ти-

<sup>98</sup> Wakin. – Б. 2.

<sup>99</sup> Мисрликларда кенг таркалган ғояларга кўра, барча ҳақиқат, адолат, одил судлов – Маат худо томонидан бошқарилган. Шунинг учун Судъялар Маат тасвири туширилган туморларни такиб юрганлар. Мисрдаги сиёсий-ҳуқукий таълимотлар асосан подшоҳлар ёки юқори табака вакилларининг ҳуқуқларини химоя қилишдан келиб чиқкан. Хаттоти, расмий ҳужжатларда ҳам тарафкашлик сезилиб турган. Милоддан аввалиг 1750 йилда содир бўлган қадимги Мисрдаги йирик ҳалқ қўзғолони ҳакидаги хикояда сиёсий-ҳуқукий ғоялар берилган. Мисрдаги бу воқеалар ўша вактда яратилган «Ипусер сўзлари» номли ёдгорлиқда ўз ифодасини топган. Бу ёдгорлик муаллифи йирик мансабдор шахс бўлгани боис у ҳалқ оммасига нафрат билан қарайди. Маълумот учун қаранг: Нерсесянц В.С. История политических и правовых учений. Москва: Норма-Инфра, 1997. – Б. 17.

<sup>100</sup> Юнонистондаги жамият қадимги ва илк христианлик даврида ҳам синфий тузумга асосланган. Натижада ахолининг ижтимоий табакаланиши кескин ва зидди-ятли бўлган. Бу даврда сиёсий ва ҳуқукий тасаввурларнинг мифологиядан озод бўла бошлашини, рационаллашувини кузатиш мумкин. бу жараён Гомер, Гесиод ва машҳур “етти донишманлар” Пифагор, Гераклит, Демокрит, Суқрот, Платон, Арасту, Эпикур қарашларида ўз ифодасини топган. Маълумот учун қаранг: Нерсесянц В.С. История политических и правовых учений. Москва: Норма-Инфра, 1997. – Б. 60 – 67.

<sup>101</sup> Рим ҳуқуки ҳам бошқа ҳуқук тизимлари каби, давлат ва ижтимоий муносабатларни ўзида қамраб олган қадимги ҳуқукий тизимлардан бири саналади. Рим ҳуқук тизими, мулк ҳуқуки, бошқа шахсларнинг мулкига бўлган ҳуқук, ашёларга бўлган ҳуқук, шартномалар ва мажбуриятлар ҳакидаги таълимот, оила ҳуқуки, ворислик ҳуқуки каби соҳаларни ўрганади. Рим ҳуқуки ислом ҳуқуқидан фарқли равишида турли даврлarda яшаб ўтган гарблик олимлар ва ҳуқуқшунослар томонидан яратилган, инсоният кашфиётидир. Рим ҳуқук тизимининг ривожланиш босқичлари

зимлари асрлар мобайнида шаклини ўзгартириб келган бўлса-да, ҳеч қаҷон бир пайтда амал қилган дунёвий ҳуқуқий нормалар ўрнини тўлиқ босмаган. Ислом дунёсида эса ислом дини вужудга келган пайтдан XIX аср охиригача ижтимоий муаммоларнинг барчаси ислом ҳуқуқи нормалари асосида тартибга солиб борилган. Исломдан бошқа ҳуқуқий-дунёвий тизимлар тарихда ўтган машхур шахслар томонидан шакллантирилган. Ҳуқуқий манбалар эса қонунлар ва урф-одатлардан иборат бўлган. Аммо ислом ҳуқуқи дунёвийликни ўзида акс эттиргани ҳолда ўзининг сарчаашмасини илоҳий манбалардан олади. Ижтиход, яъни фикрга ёки урфга таяниб иш кўрилганда ҳам ишнинг қанчалик тўғри ҳал қилингандиги, илоҳий манбалар орқали асослаб қўйилган. Бу эса ислом ҳуқуқининг ажралмас қисми ҳисобланган ҳужжат тузиш қоидаларида ҳам ўз аксини топиб, исломдаги ҳужжатлар бошқа қонунчилик мактабларидан ўзлаштириш ҳисобига эмас, балки ислом ҳуқуқи анъаналари асосида шакллантирилган деган, хулосани беради.

Жиинетте Вакин фикрича, Римда мавжуд бўлган **Legisaksion process**<sup>102</sup> – суд жараёни бўлиб, унда даъвогар ва жавобгар ўртасидаги низолар ҳал қилинган. Исломда факиҳлар томонидан илгари сурилган *маҳзар* – маҳкама амалиётининг бориши ҳақидаги баённома айнан

---

тўрт йирик даврни ўз ичига олади. Биринчи давр қадимги, мил.ав. 753-357-йилларни, иккинчи давр, классик, мил.ав. 357-17-йилларни, учинчи давр постклассик, мил.ав 17 ва мил. 527 йилларни, тўртинчи давр юстиниан, 527-565-йилларни ўз ичига олади. Маълумот учун қаранг: Isxakov S., Topildiyev V., Raxmanov A. Rim huquqi. Toshkent: O’zbekiston Respublikasi Ichki Ishlar Vazirligi, 2012. – Б. 10 (224b) (Бундан кейин. Rim huquqi).

<sup>102</sup> Legisaksion process – легисаксион процесс Римда энг кўп қўлланилган универсал характерли суд процесси бўлган. Легисаксион процесс қадимги фукаролик процесслиридан бири бўлиб, икки босқич, яъни (*in yure*) (*in juditsio*) босқичларидан бири бўлган. Биринчи босқичда ҳуқуқи бузилган шахс судда иш қўзғатиш ҳақида магистратга арз қиласди. Сўнгра шикоят қилган шахснинг аризаси билан даъвосини судда кўриш мумкин ёки мумкин эмаслиги кўриб чиқилади. Легисаксион жараён – ариза талабларини кўриб чиқишнинг турли шакллари бўлиб, улар куйидагилардан ташкил топган: 1) процессда иштирок этувчи даъвогар ва жавобгарни аниклаш; 2) Судья тайинлашни талаб қилиш; 3) маълум пул микдори ва нарсаларни талаб қилиш, гаровга қўйиш ёки магистратга топшириб қўйиш. Легисаксион жараён асосан оғзаки тарзда амалга оширилган. Маълумот учун қаранг: Rim huquqi. – Б. 40-42.

**Legisaksion process** – суд жараёни тажрибаларидан таъсирланган<sup>103</sup>. Ислом хукукидаги *шурут* – шартнома формулярларини тузиш эса, айнан Рим хукукидаги **Formular process**<sup>104</sup> бўлиб, унда даъвогар ўз даъвосини ёзма тартибда ифодалаган<sup>105</sup>.

Исломдаги шурут жанрида ёзилган асарларда кўрилган масалалар ҳам Рим хукуқ тизимида қайд этилган вербал (verbal)<sup>106</sup>, литерал (literal)<sup>107</sup>, реал (real)<sup>108</sup>, консенсуал (konsensual)<sup>109</sup>, анклиер

<sup>103</sup> Wakin. – Б. 4.

<sup>104</sup> Formular process – формуляр процессда даъвогарнинг жавобгар устидан ўз аризасини ёзма равиша бериши сабаб бўлган. Бу “қоғоз” судья учун шартли белги ёки “формуляр” деб аталган. Милодий асрнинг бошларидан гарб судларида формуляр суд процесси вужудга келган. Судга раислик килаётган магистрат куйидагиларни амалга оширган: 1) даъвогарнинг даъвосини тасдиқлаган; 2) жавобгарнинг эътирозини формулярга киритган; 3) судьяни тайинлаган; 4) ишни кўриб чикиш учун судьяга йўлланма берган. Формуляр уч қисмдан иборат бўлган булар: intensiya (даъвогарнинг широкотини ва жавобгарнинг айбини аниқлаш), ekssepsiya (даъвони бекор килиш ёки унинг муддатини чўзиш), kondemnatsiya (хулоса қисми қарор ёки хукм чиқариш билан боғлиқ ҳолат). Маълумот учун қаранг: Rim huquqi. – Б. 42-44.

<sup>105</sup> Wakin. – Б. 4.

<sup>106</sup> Verbal – вербал шартномаси, одатда оғзаки келишув кўринишида бўлиб, белгиланган сўзларни ифодалаш йўли билан хукукий кучга эга бўлган. Ушбу шартнома савол-жавоб тарзида тузилган (М: “Агар уйни белгиланган муддатда бўшатмасанг 100 рим сестерсийси (sestersiy) берасанми?” ҳа бераман. шаклида) агар иккинчи томон мажбуриятни бўйнига олмай йўқ бермайман деса, вербал шартномаси юридик кучга эга бўлмаган. Маълумот учун қаранг: Rim huquqi. – Б. 144.

<sup>107</sup> Literal – литерал шартнома вербал шартномадан фарқ қилиб, факат ёзма шаклда бўлган. Римда республика тугатилиб, империяга айланган даврда литерал шартномалар давлатнинг кирим-чиқими шаклидаги журнал кўринишида бўлган. Бу турдаги шартномалар кейинчалик фоиз хисобига қарз олди-бердисига оид ёзма хужжатларни ташкил этди (М: Мен Марк Антонидан 100 сестерсий қарзман шаклида). Маълумот учун қаранг: Rim huquqi. – Б. 145.

<sup>108</sup> Real – реал шартномалар асосан маҳсулот олди-сотдиси жараёнида вужудга келган шартномалар хисобланган. Ушбу шартнома турига яна қарз, ссуда, омонат саклаш, гаровга олиш бўйича тузилган шартномалар ҳам кирган. Бу турдаги шартномаларда миқдор, вазн ва ўлчов жихатидан бир хил хусусиятга эга бўлган маҳсулотлар қарзга берилган. Шартномада белгиланган муддат тугагач, қарздор қарзини фоизи билан айнан қарзга олган маҳсулоти кўринишида ёки бир хил хусусиятга эга маҳсулот кўринишида қайташи шарт бўлган. Акс ҳолда қарздорнинг мол мулкидан ҳақдорга фоиз билан кўшиб ундириб берилган. Маълумот учун қаранг: Rim huquqi. – Б. 146.

<sup>109</sup> Consensual – консенсуал шартномалар томонларнинг оддий келишуви натижасида вужудга келган. Бундай шартномаларга олди-сотди, пудрат, мулк ижараси, шериклик каби шартнома турлари кирган. Бу шартнома турини фарқли томони, унда маҳсулот ва унинг нақд тўлов нархи акс этган. Rim huquqi. – Б. 149 – 156.

(unclear) – номсиз шартномалар<sup>110</sup> ва пактлар<sup>111</sup> билан бир хил характерга эга.

Ушбу хуносани ўз даврида Йозеф Шахт ҳам илгари сурган<sup>112</sup>.

Жиинетте Вакин Рим ва Исломдаги маҳкама жараёни ва ундағи расмий ҳужжатларни қиёсий таҳлил этиб, улар орасидаги ўхшаш жиҳатларга асосий эътиборни қаратади. Шу ўринда улар орасидаги баъзи фарқли ўринларни ҳам билдириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар қуидагиларда кўринади.

– Рим империясидаги жамият мустаҳкам илдиз отган қулдорлик жамияти бўлиб, ҳуқуқ нормалари ва тузилаётган расмий шартномалар дастлаб юкори табақа вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилишини бош мақсад қилиб олган. Шунга кўра у ерда ҳусусий ҳуқуқ нормалари ва оммавий ҳуқуқ нормалари вужудга келган. Ислом ҳуқуқ тизимида эса қуллар, чўрилар ва барча ижтимоий табақа вакилларининг ҳуқуқ-мажбуриятлари аниқ низом ва тартибга солинган.

– Рим ҳуқуқ тизими асосан урф-одат ва қонунлар асосида ривожланниб борди. Ислом ҳуқуқ тизими эса ислом динининг асосий манбалари хисобланган Куръон, ҳадис, ижмоъ ва қиёс асосида ривожлантириб борилган;

– Рим ҳуқуқ тизими мақсад ва моҳиятга кўра тўлиқ дунёвий характерга эгадир. Ислом ҳуқуқ тизимида эса диний ва дунёвий нормалар уйғун ҳолда муайян ҳуқуқий тизимга солинган;

– Олди-сотди, қарз, ссуда билан боғлиқ шартномаларда рим ҳуқуқида фоиз миқдори аниқ кўрсатиб кетилган бўлиб, исломда эса, фоиз олиш *рибо* – судхўрлик ўрнида кўрилиб танқид остига олинган;

<sup>110</sup> Unclear – анклиер – яъни номсиз мавхум шартномалар. Бу турдаги шартномалар ҳеч қандай ном билан аталмаган. Юстиниан кодификациясига асосан тўрт ҳаракат билан боғлиқ бўлган: 1) Мен бераман сен ҳам беришинг керак (*do ut des*), 2) Мен бераман сен ҳаракат қилишинг керак (*do ut fatsias*), 3) Мен ҳаракатни амалга ошираман сен уни беришинг керак (*fatsio ut des*), 4) Мен ҳаракатни ижро эта-ман сен ҳам ҳаракат қилишинг керак (*fatsio ut fatsias*). Бу ердаги бераман мулкни ўтказаман ёки фойдаланиш ихтиёрини бераман, ҳаракат эса, хизмат турини англа-тади. Маълумот учун қарант: Rim huquqi. – Б. 156-158

<sup>111</sup> Packta – пактлар норасмий келишув бўлиб, икки кўринишга ялангоч – ҳимоя даъвоси билан таъминланмаган ва кийинган – ҳимоя даъвоси билан таъминланган пактларга бўлинган. Кийинган пактларга иператордан олинган ҳимоя даъвоси пактлари ҳам кирган.

<sup>112</sup> Schacht Joseph. Foreign Elements in Ancient Islamic Law. Journal of Comparative Legislation and International Law. Vol. 32, Leiden BRILL, 1950. – Б. 7 – 32.

– Рим ҳуқуқидаги *магистрат* (magistrat) – суд жараёнига раслил қилувчи, *Премтор* (Pretor) – кўриладиган иш бўйича маълумотларни тўплаб, расмийлаштириб уни судга тақдим қилувчи, *судьялар* фаолияти ихтисослашганлиги ва суд қарорини чиқаришда шошмаслик ва маълум бир муддат талаб қилиш билан ажралиб туради. Ислом ҳуқуқидаги қозилик маҳкамаларининг ривожланиши жараёнида қозилар ҳам суд қилиш, ҳам инсонлар ўртасида тузиладиган ҳар қандай битим-қарорларни тез ва қисқа муддатда қайд этиш ваколатига эга бўлганлар. Рим ҳуқуқидан фарқли оила-никоҳ шартномалари ҳам қозилар томонидан расмийлаштирилган. Худди шунингдек, талоқ масаласи ҳам қози маҳкамалари орқали ҳал этилган.

Франциялик исломшунос Шафик Чехата (Chafik Chehata) ҳанафий мазҳабидаги келишув қоидаларини акс эттирувчи комплекс тадқиқотни амалга оширган<sup>113</sup>. У асосан ҳанафийлик мазҳабида ёзилган фикҳий масалаларга доир машхур асарларни тасниф ва таҳлил этади<sup>114</sup>. Шунингдек, у шофи‘ийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик мазҳабларидағи машхур фикҳий асарларнинг ҳам рўйхатини келтириб ўтади. Шафик Чехата бошқа ғарб тадқиқотчиларидан фарқли ҳанафий мазҳабида машхур санаған асарларда учраган ‘уқубот ва муомолот масалаларига оид бўлимларда келган келишув ва шартномаларни таҳлил этиб ўтади.

Шафик Чехата ижтимоий масалаларнинг барча турлари бўйича келтирилган келишувларни бир ном билан, яъни *De L'obligation en Droit Musulman* – мусулмон ҳуқуқининг имтиёзли ҳужжатлари деб атайди<sup>115</sup>. Бу ўринда айтиш мумкинки, исломдаги келишув ақдларни фикҳдаги барча бўлимлар доирасида умумий тарзда ўрганиш бу соҳадаги кўпгина муаммоларни ечим топмаслигига олиб келади. Лекин Шафик Чехата ўз тадқиқотида кўпгина ҳанафий мазҳабига оид манбаларни қиёсий таҳлил этиб, фақихлар жорий қилган ҳуқуқий методларни бир-биридан фарқларини очиб берган. Қиёсий таҳлил этилган манбаларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳр ўлкасида X–XIII

<sup>113</sup> Chehata T. Chafik Theorie Generale de l'obligation en Droit Musulman, les sujets de l'obligation avec une bibliographie, une methodologie et un tableau general de la theorie de l'obligation en droit Hanefite. Le Caire: Imp. F.E. Noury & Fils, 1936. – Б. 367 (Бундан кейин. Chehata T. Chafik).

<sup>114</sup> Chehata T. Chafik. – Б. 4-15.

<sup>115</sup> Chehata T. Chafik. – Б. 62.

асарларда ёзилган манбалар бўлиб, келгусида ушбу тадқиқот устида илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Француз тадқиқотчиси Эмиле Тян (Emile Tyan)<sup>116</sup> ўзининг “Le Notariat” номли тадқиқотини тўлиқ “шурут”, “маҳзар”, “сижилл”, “васиқа”, “сукук”, “хўкмий китоб”, “хўжэжса”, “мажалла” каби хўжжатларни ёзишиш тартиблари ва бир-биридан фарқларини таҳлил этишга бағишлигарн<sup>117</sup>. Эмиле Тян тадқиқоти Абу Жа‘фар ат-Таҳовийнинг шуругта бағишлиланган “Жоме‘ ал-кабир фи-ш-шурут” асари ва 1664–1672-йиллар орасида Ҳиндистонда ёзилган “Фатовори ҳиндийя” асарининг “Китоб ашишурут”, “Китоб ал-маҳозир ва-с-сижиллом” бўлимларига таянади.

Моликий мазҳабидаги формулярлар тузишга оид манбаларни нашрга тайёрлаш бўйича испан тадқиқотчилари Педро Чалмета ва Федрико Карриенте<sup>118</sup>, Франсиско Хавъер Аквиери Садаба<sup>119</sup>, Жулиано Риберта<sup>120</sup>лар самарали фаолият олиб бордилар. Уларнинг тадқиқотлари олдинги бўлимларда таҳлил этилди.

Жулиано Риберта Моликий мазҳабидаги формулярларни ўрганар экан, қуйидаги хулосага келади. Испанияга арабларнинг кўучиб келиши ва давлатчилик ишларини юритиши замон талаби эди. Андалусияда ривожланган хўжжатшунослик анъаналари фақат ислом ва мусулмонлар жамияти учун хос бўлиб, фарб христиан маданияти ва бошқарувидан тубдан фарқ қилган. Мусулмонларнинг Испаниядан кетиши ва бу ерда христиан жамиятининг ўзига хос нормаларининг устунлиги араб-мусулмон хўжжатшунослик анъаналарини Ғарбда барҳам топишига сабаб бўлди<sup>121</sup>.

<sup>116</sup> Қаранг: Tyan Emile. Le Notariat et le regime de la prevue par écrit dans la pratique du Droit Musulman. Lyon: Universite de Lyon, 1945. – Б. 99; Шу муаллиф. Histoire de L’organisation Judiciaire en Pays D’Islam. Leiden: E.J.Brill, 1960. – Б. 673.

<sup>117</sup> Tyan Emile. – Б. 4-8.

<sup>118</sup> Chalmeta P; Carriente F. Formularo notarial Hispano-Arabe(por elalfaqui y notario cordobes Ibn al-Attar(sX) Madrid: Academia Matritense del Notariado Instituto Hispano-Arabe De Cultura, 1983. – Б. 675.

<sup>119</sup> Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli (m.459/1067). Al-Muqni‘ fi ‘ilm al-Šurut (formulario notarial).ed. Francisco Javier Aguirre Sadaba Madrid, 1994. – Б. 405.

<sup>120</sup> Riberta J., Asin M. Este formulario ha sido objeto de la tesis doctoral de dona Asuncion Ferreras Sanchez. – Paris: Universidad Complutense, 1991. – Б. 256 (Бундан кейин. Riberta J., Asin M. Este formulario).

<sup>121</sup> Riberta J., Asin M. Este formulario. Б – 238.

Ушбу фикрга аниқлик киритиб айтиш мумкинки, ўрта асрларда Фарбда католик черкови хукмронлиги остида вужудга келган инквизиция судлари<sup>122</sup>нинг муросасиз фаолияти Андалусиядаги араб-мусулмон маданиятига салбий таъсир кўрсатиб, уни Фарб жамиятидан сиқиб чиқарилишига сабаб бўлди. Чунки инквизиция ўзининг энг кучли таъсирини Испанияда кўрсатди ва мазкур таъсиrlар бу давлатда узоқ давом этди. Испанияда инквизициянинг ташкил топишидаги асосий сабаб этник ва диний озчиликни ташкил қилган яхудий ва мусулмонларга нисбатан муросасиз сиёsat эди. Бу сиёsat иқтисодий қийинчиликлар сабабли ерлик аҳолининг мусулмон араблар ва катта капитал эгалари бўлган яхудийларга нисбатан ҳасадини ошириб юборди. Инквизиция судлари дастлаб факат *конвертолар* (христиан динидан қайтганлар) билан шуғулланган бўлса, кейинчалик мусулмон ва яхудийлар учун бир босим воситасига айланди. 1492 йилдан бошлаб христиан бўлмаганлар *вафтиз* (чўқинтириш) ёки сургун бўлишнинг бирини танлашга мажбур бўлганлар. XVII асрга келиб Испания факат христианлар яшай оладиган бир давлатга айлантирилди. 1609–1614-йиллар мобайнида Испаниядан 327000 мусулмон Шимолий Африка мусулмон ўлкаларига сургун қилинди<sup>123</sup>. Андалусда яратилган хужжатшуносликка оид ёзма мерос инквизиция судлари томонидан ёкиб юборилди, қолган қисми дунёning турли ўлкаларига тарқалиб кетди.

Франсиско Прадо-Вилар (Francisco Prado-Vilar) тадқиқот хулосаларига кўра, Андалусияда халифа Ҳакам II (хукм дав. 350–376/961–976 йй.) даврида гарб фойдасига ижтимоий соҳада кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу даврга келиб гарбликлар

<sup>122</sup> Инквизиция судлари христианликдан узоқлашган ёки диний асосларга зид ҳаракат қилган кишиларни жазолаш мақсадида ташкил этилган католик черкови маҳкамалари бўлиб, “бездирувчи, тазиқли тергов ва сўрок” маъносини билдиради. Бу сўз жанубий-гарбий Европада XIII асрдан қўлланила бошланган. Айниқса, христианликдан қайтган, диний талабларга бош кўтарган кишиларни ва мусулмон-яхудий жамоаларни йўқотиш мақсадида қурилган, XIX аср ўрталаригача ўз таъсирини саклаб қолган. Инквизиция судлари фаолиятига оид хужжатлар 4500 пакетдан иборат. 1810 йилда Напалеон Бонопарт томонидан Париж давлат музеига олиб келинган. Қарант: Williams M. E. “Catholicism”. New Catholic Encyclopedia. Washington, 2005. – Vol. III. – Б. 301-321.

<sup>123</sup> Williams M. E. “Catholicism”. New Catholic Encyclopedia. Washington, 2005. – Vol. III. – Б. 301-321.

мусулмонлардан меъморчилик, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш соҳаларида кўплаб тажрибаларни ўзлаштирилар. Ҳукукий соҳада савдо-сотик алоқаларини аниқ бир ҳукукий тартибга солдилар. Жумладан, гарбликлар мусулмонлардан маҳсулотни етказиб бериш, имтиёзли сотиб олиш ҳукуки, ижара шартномаларини тузиш, гаров молларини тақсимлаш каби ҳукукий қоидаларни ўргандилар<sup>124</sup>.

Ғарбда исломдаги ҳукукий масалалар ва XI–XIII асрларда мусулмон ўлкаларида ёзилган формулярлар тузишга оид манбаларни атрофлича тадқиқ этган яна бир олим Ваел Ҳаллақ (Wael B. Hallaq) бўлиб, у 1955 йил Истроил давлатининг Назарет<sup>125</sup> шаҳрида яшовчи христиан араб оиласида таваллуд топган. Ваел Ҳаллақ 1985 йили АҚШнинг Вашингтон Университетида “*Considerations on the Function and Character of Sunni Legal Theory*” (Суннийлик ҳукуқ таълимотининг ўзига хос ҳусусиятлари ва вазифалари таҳлили) номи остида докторлик ишини химоя килди<sup>126</sup>. У 1985 йилдан Канаданинг Квебек вилояти, Монреал шаҳрида жойлашган (Canada, Quebec province, Montreal city) McGill университетига қарашли исломшунослик институтида (Institute of Islamic studies) илмий фаолият юритиб келади. 1995 йилдан профессор ва 2004 йилдан тўлиқ (full) профессор даражасига эга бўлди.

2012 йили АҚШнинг Колумбия университети “Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва Африкани ўрганиш” бўлими (Department of Middle Eastern, South Asian and African Studies) Ваел Ҳаллақни Ғарб дунёсида

<sup>124</sup> Francisco Prado-Vilar. Circular Visions of Fertility and Punishment: Caliphal Ivory Caskets from al-Andalus. Journal Information for Muqarnas, Vol.14. 1997. – Б. 19-41; Christian Muller. Judging with God’s law on Earth: Judicial powers of the Qadi al-Jama‘a of Cordoba in the fifth/eleventh century. Jurnal, Islamic Law and Society, Vol. III. (Leiden, E.J. Brill, 2000). – Б. 158-186; Manuela Marin. Law and Piety: A Cordovan fatwā. The Journal Information for Bulletin (British Society for Middle Eastern Studies), Vol. 17. N. 2. (1990). – Б. 129-136;

<sup>125</sup> Назарет (Nazareth) араб тилида – الناصرة (ан-насира), иброний тилда – нацерет ёки нацрат деб аталиб, ушбу шаҳар ҳозирда Истроил давлатининг шимолида жойлашган. Ушбу шаҳarda Исо Масих туғилгани боис, христиан дунёси учун мукаддас шаҳар хисобланади.

<sup>126</sup> Маълумот учун қаранг: Wael B. Hallaq. A History of Islamic Legal Theories: An Introduction to Sunni Usul al-Fiqh. Cambridge: Cambridge University Press, 1997. – 294 pages; Шу муаллиф. Considerations on the Function and Character of Sunni Legal Theory, Journal of the American Oriental Society, Vol. IV. New Haven: For American Oriental Society, 1984. – Б. 679-89.

ислом ҳуқуқ тизими билан боғлиқ соҳаларни биладиган биринчи рақамли профессор сифатида тан олди<sup>127</sup>.

Ваэл Ҳаллақ шу кунгача юздан ортиқ ислом ҳуқуқ тизимининг турли соҳаларига оид тадқиқотларини, асосан, инглиз, араб, индонез, иброний, япон, форс ва турк тилларида нашр этган (Ваэл Ҳаллақ томонидан эълон қилинган илмий ишлар билан танишиш учун 1-иловага қаранг).

Ваэл Ҳаллақ 80-йилларгача ислом ҳуқуқ тизими ва нотариал ҳужжатлар тарихига оид манбаларни ўрганган Йозеф Шахт, Жиннетте Вакин, Эмиле Тян, Шафиқ Чехата каби тадқиқотчиларнинг хulosаларини янгилашиб, глобаллашув шароитида ислом ҳуқуқ тизими ва замонавий ислом тушунчалари бўйича янгича ёндошув ва илмий фаразларни илгари сурмокда<sup>128</sup>.

Жумладан, У Йозеф Шахтнинг “исломда ижтиход, ислом динининг дастлабки уч асли даврида пайдо бўлди ва ривожланди. Кейинги асрларда исломда ижтиход эшиклари ёпилиб, бу дин тобора догматик кўриниш касб эта бошлади<sup>129</sup>, деган хulosасини янгилашиб, исломдаги ижтиход эшиклари очиқ ва у замонга мослашувчан дин деган хulosани илгари сурди<sup>130</sup>. Ушбу фикри билан у консерватив руҳдаги мусулмон тадқиқотчиларининг ҳам танқидига учради. Жумладан, Байрутдаги Америка университетида ҳанбалий фикҳ мактаби бўйича тадқиқот олиб бораётган Усома Арабий ижтиход масаласига тўхталаркан, исломнинг классик ривожланиш даврида ижтимоий соҳадаги барча масалалар ўз ечимини топган ва ижтиходга ўрин қолдирилмаган. Ҳозирги кунга келиб, исломдаги бирор масалани ечимини топишда янги ижтиходий фикр яратиш шарт эмас, балки алга қараб ҳукм чиқариш кифоя, деган хulosани илгари суради<sup>131</sup>.

<sup>127</sup> Columbia University at the Department of Middle Eastern, South Asian, and African Studies. сайтига қаранг.

<sup>128</sup> Маълумот учун қаранг: Wael B. Hallaq. “Was the Gate of Ijtihad Closed?” International Journal of Middle East Studies, Vol. XVI, Leiden, E.J.Brill, 1984. – Б 3-41.

<sup>129</sup> Schacht Joseph. Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orient) Band 21. Berlin: Walter de gruyter & co. 1933. – Б. 286-291.

<sup>130</sup> Wael B. Hallaq. “Was the Gate of Ijtihad Closed?”. – Б. 35.

<sup>131</sup> Маълумот учун қаранг: Oussama Arabi Early Muslim Legal Philosophy: Identity and difference in Islamic Jurisprudence. USA, Los Angeles: G E von Grunebaum Center for Near Eastern Studies, 1999. – 78 p.

Демак, хулоса қилиш мүмкінки, Ваел Ҳаллақ бу ерда ижтиход деганда, айнан, исломдаги манбалардан четта чиқиб, ўзича дин номидан бирор нарса ихтиро қилиш эмас, балки исломда ҳам ҳар бир әътиқод құлувчи, ислом таълимотлари доирасыда ўзининг мустақил фикрига эга бўлиши ва вазиятдан келиб чиқиб әътиқодга зиён етмайдиган ижтиход қила олиш кўнимкасини шакллантириши керак, деб тушунган.

Ваел Ҳаллақ тадқиқ этилаётган исломдаги формуляр тузиш қоидаларига оид манбаларни ўрганиб, ушбу соҳада янги илмий хулосаларини илгари сурди. У ушбу соҳада илмий рисола ҳам эълон қилди<sup>132</sup>. Ваел Ҳаллақ ўзидан олдин ўтган гарб исломшуносларининг фикрига қўшилиб, “Исломда формулярлар тузиш қоидаларини ишлаб чиқилиши инсоният учун янгилик бўлмади. Чунки бу соҳа қадимги Юонон, Миср, Византия, Рим давлатчилиги тарихида ҳам мавжуд бўлган”, деган хулосани беради.

Ваел Ҳаллақ фикрича, исломда формулярлар тузиш қоидаларига дастлаб Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари асос солдилар. Улар дастлаб мулкчилик ва савдо-сотик муносабатларини йўлга қўйишини бош мақсад қилдилар. Ҳанафийлар бу турдаги формуляр тузиш қоидаларини Рим ёки Форс империяси тажрибаларидан эмас, исломнинг биринчи манбаси Куръон кўрсатмасидан олдилар<sup>133</sup>.

Унинг хулоасасига кўра, кейинчалик ислом динининг кенгайиши давлат, кулчилик, оила муносабатлари, йирик қўчмас мулкларга эгалик қилиш, дехқончиликка доир масалаларда ҳам формулярлар тузиш әҳтиёжини келтириб чиқарди. Мана шу турдаги формулярларни такомиллаштиришда факихлар ерлик урф-одатлар ва давлат тажрибаларини әътиборга олдилар<sup>134</sup>.

Исломдаги формулярлартузиши, суджараёнини қонунийлаштириш ва баённомаларини тузиш қоидаларини ишлаб чиқишида қозиларга нисбат бериш нотўғри қараш бўлиб, қозилик маҳкамалари иш

<sup>132</sup> Wael B. Hallaq. Model Shurut Works and the Dialectic of Doctrine and Practice. Jurnal, Islamic Law and Society, Vol. II. Leiden, E.J.Brill, 1995. – Б.109 – 134 (Бундан кейин. Wael B. Hallaq. Model Shurut Works).

<sup>133</sup> Wael B. Hallaq. Model Shurut Works. – Б. 10., Ваел Ҳаллақ бу ерда Куръони карим, Бакара сурасининг энг узун 282-оятида келган савдо-сотик ва карз олди-бердиси-ни расмийлаштириб қўйиш ҳукмини назарда тулади.

<sup>134</sup> Wael B. Hallaq. Model Shurut Works. – Б. 110-111.

фаолиятининг назарий асослари X–XIII асрларда тўлиқ фақиҳлар томонидан ишлаб чиқилди<sup>135</sup>. Натижада фақиҳлар томонидан илгари сурилган шурут қоидалари фуру‘ ал-фиқҳ ва адаб ал-қози йўналишида ёзилган асарларнинг ажралмас қисми бўлди. Шурут исломда хукукий таълимот билан амалиёт ўргасида кўпприк вазифасини ўтади.

Шу ўринда Ваел Ҳаллақ фикрини тўлдириб айтиш мумкинки, X–XIII асрларда шурут қоидаларига оид бўлимни мустакил ёки ўз асарига киритган фақиҳларнинг аксарияти қозилик маҳкамалари фаолиятидан хабари ва ушбу соҳада тажрибага эга бўлганлар.

Ваел Ҳаллақ шурутга оид адабиётларни ислом дунёсида пайдо бўлиш сабабларини қўйидагича изоҳлайди: “Мусулмон хукукшунослари шурутга оид асарларини ҳужжат тузиш қоидаларини яхши билмаган, тажрибага эга бўлмаган қозилар ва фақиҳлар учун ёзганлар”. Шурут бўлими фуру‘ ал-фиқҳнинг воқеъликка яқин бўлими бўлиб, муомолот ва ‘уқубот доирасида фақиҳлар томонидан билдирилган фатволарнинг амалий ифодасидир. Замонавий тил билан айтганда эса, шурут бу назария эмас балки фавтоларни амалиётда кўллаш дастуридир<sup>136</sup>.

Ваел Ҳаллақ фикрини яна қўйидагилар билан тўлдириш мумкин. X–XIII асрларда ислом дунёсида шурутга оид асарларни ёзилиши анъанага айланди. Ҳанафий фақиҳлари ислом илмларининг барча соҳаларида қалам юргизиб, кўп жилдлик асарлар ёзишдан мақсадни фақат мансаб эгаларининг фойдасини кўзлашда эмас, балки кўпманфаатли аҳамиятга эга бўлган билимларини ўзидан кейинги авлодга эслатма ёки ёзма мерос қилиб қолдиришда кўрганлар.

Ваел Ҳаллақ Ҳиндистонда ёзилган “Фатовои ҳиндийя” асарида келган шурутга оид қоидалар Мовароуннахрда ёзилган уч йирик фуру‘ ал-фиқҳга оид асарларда келган фатволардан олинган, деб хулоса берган. Мазкур манбалар: Мухаммад ибн Аҳмад ал-Ҳанафийнинг “Фатово аз-захирийя”, ибн Мозанинг “Захира” ва ал-Уструшанийнинг “Фусул” асарларидир<sup>137</sup>.

Шу ўринда олимнинг манбалар масаласидаги чалкаш фикрларини изоҳлаб ўтиш жоиз. Ваел Ҳаллақ манба сифатида эътироф этган биринчи асар “Фатово аз-захирийя” Мухаммад ибн Аҳмад ал-

<sup>135</sup> Wael B. Hallaq. Model Shurut Works. – Б. 111.

<sup>136</sup> Wael B. Hallaq. Model Shurut Works. – Б. 115-132.

<sup>137</sup> Wael B. Hallaq. Model Shurut Works. – Б. 122.

Ханафийнинг эмас, балки Абу Бакр Захируддин ал-Маргинонийнинг (ваф. 619/1222 й.) қаламига мансубдир ва асарнинг тўлиқ номи “ал-Фатово аз-захирийа”дир<sup>138</sup>. Келтирилган иккинчи манба “Захира”нинг муаллифи олим таъкидлаганидек Бурхонуддин Маҳмуд ибн Аҳмад ас-Садр ас-Са‘ид ибн Моза ал-Бухорий (ваф. 616/1219 й.) ҳисобланади. Бироқ фақиҳнинг шурутга оид қарашлари унинг “Захира” асарида эмас, балки “Ал-Муҳиту-л-бурхоний” асарида келтирилган<sup>139</sup>. Ва ниҳоят олим келтирган учинчи манба муаллифи ҳақиқатан Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Маждууддин ал-Уструшаний (ваф. 637/1240 й.) бўлиб, асарнинг тўлиқ номланиши “Китоб ал-фусул” дир<sup>140</sup>.

Ваел Ҳаллақ исломдаги формуляр тузиш қоидаларидан ташқари X–XIII асрлардаги қозилик маҳкамалари иш фаолиятини ҳам атрофлича тадқиқ қилган<sup>141</sup>. Унинг фикрича, ислом дунёсидағи қози маҳкамалари мустақил институт сифатида шаклланиб, сиёсий ва давлат ишларидан кўра кўпроқ ижтимоий муаммоларни ҳал этди. Ғарбда суд идоралари алоҳида бино ва ҳуқуқий статусга эга бўлиб, тўлиқ давлат назоратида бўлди. XVI асрдан Усмонийлар империясининг кучайиши ва ғарб қонунларини трансформация<sup>142</sup> қилиниши натижасида қози маҳкамаларининг ижтимоий статуси пасайиб, унда давлатнинг таъсири кучайиб борди<sup>143</sup>. Ваел Ҳаллақ қози маҳкамасидаги суд жараёнини суд (*court*) деб аташдан *мажлис* (*assembly*) деб номлашни маъқул кўради. Чунки гарбдаги суд жараёни кўпроқ тақдим этилган далил-хужжатларга таянса, ундан фарқли равишда қози маҳкамаларида кўпчилик қисми муфтий ва фақиҳлардан иборат бўлган маслаҳат-кенгаши ҳам мухим ўрин тутган<sup>144</sup>.

<sup>138</sup> Захируддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ‘Умар ал-Бухорий ал-Маргиноний. Ал-фатово аз-захирийа. – Бағдод: Ироқ давлат кўләзмалар музейи // Кўләзма № 009654, жами 692 варак.

<sup>139</sup> Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурхоний. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти. – Кўләзмалар асосий фонди (Бундан кейин: ЎзР ФА ШИ) // Кўләзма № 2861. – 1241 варак.

<sup>140</sup> Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Маждууддин ал-Уструшаний. Китоб ал-фусул. ЎзР ФА ШИ. // Кўләзма № 3245, жами 338 варак.

<sup>141</sup> Wael B. Hallaq. The qadi’s diwan (sijill) before the Ottomans. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol.61, No 3. (1998). – Б. 415 – 436 (Бундан кейин: Wael B. Hallaq. The qadi’s diwan (sijill)).

<sup>142</sup> Трансформация – Бу, бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтиш деганидир.

<sup>143</sup> Wael B. Hallaq. The qadi’s diwan (sijill). – Б. 418.

<sup>144</sup> Wael B. Hallaq. The qadi’s diwan (sijill). – Б. 421.

Ваел Ҳаллақ тадқиқотларини келгусида комплекс, қиёсий ва методологик нуқтаи назардан тадқиқ қилиш ўзбек исломшунослигида янгича ёндошув ва хулосаларни ривожланишига хизмат қилади.

Фарбда ислом қозихоналари фаолияти тарихи бўйича ҳам бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Бунга Давид Паувер (David S. Powers, Cornell University, USA)<sup>145</sup>, Роналд Женнингс (Ronald Jennings, Urbana, Illinois University, USA)<sup>146</sup>, Амнон Кохен (Amnon Cohen, Pennsylvania University, USA)<sup>147</sup>, Богач Эрген (Boğaç A. Ergene, University of Vermont, USA)<sup>148</sup>, Вилфред Маделунг (Wilferd Madelung, University of Oxford, England)<sup>149</sup>, Бабер Йоҳансен (Baber Johansen, Germany)<sup>150</sup> Делфина Серрано (Delfina Serrano, Freiburg University, Germany)<sup>151</sup>, Кристиан Миоллер (Christian Muller, Berlin Freie University, Germany)<sup>152</sup>, Оливия Ремии (Olivia Remie, France)<sup>153</sup> Ирит Билигх Абрамский (Irit Bligh-Abramski, Jerusalem University, Israel)<sup>154</sup> Аарон

---

<sup>145</sup> Muhammad Khalid Masud, Rudolph Peters and David S. Powers (eds.). *Dispensing Justice in Islam: Qadis and their judgments.* – Boston: E. J. Brill, 2006. – 591 p.

<sup>146</sup> Ronald C. Jennings. Kadi, Court, and Legal Procedure in 17th C. Ottoman Kayseri: The Kadi and the Legal System. *The Journal Studia Islamica.* Vol: №48. Paris, 1978, pp. 133-172.

<sup>147</sup> Amnon Cohen. *Jewish Life as Reflected in Muslim Court Documents from the Sijill of Jerusalem (XVIth Century),* 2 vols., Philadelphia: The Center for Judaic Studies, University of Pennsylvania, 1994. Vol. I: pp. 212., Vol. 2: pp.375.

<sup>148</sup> Boğaç A. Ergene. Evidence in Ottoman Courts: Oral and Written Documentation in Early – Modern Courts of Islamic Law. *Journal of the American Oriental Society,* Vol. 124., № 3. USA, 2004. – pp. 471-491.

<sup>149</sup> Madelung W. The Early Murji'a and the Spread of Hanafism // *Der Islam*, 43 (1982), pp. 32-39.

<sup>150</sup> Baber Johansen. Eigentum, familie und obrigkeit im Hanafitischen strafrecht. *Die Welt des Islams*, Vol.19, Issue 1/4. Leiden, E.J. Brill, 1979. – pp. 1-73.

<sup>151</sup> Delfina Serrano. Legal Practice in an Andalusī – Maghribī source from the twelfth century ce: The madhāhib al-hukkām fi nawāzil al-ahkām. *The Journal, Islamic Law and Society*, Vol. II. Leiden, E.J. Brill, 2000. – pp. 188-234.

<sup>152</sup> Christian Muller. Judging with God's law on Earth: Judicial powers of the Qadi al-Jama'a of Cordoba in the fifth/eleventh century. *Jurnal, Islamic Law and Society*, Vol. III. Leiden, E.J.Brill, 2000. – pp. 158-186.

<sup>153</sup> Olivia Remie. Cross – Cultural Contracts: Sales of Land between Christians and Muslims in 12th – Century Palermo. *Studia Islamica*, Vol. 85. Paris: Maisonneuve & Larose, 1997. – pp. 67-84.

<sup>154</sup> Irit Bligh – Abramski. The judiciary (qādiīs) as a governmental – administrative tool in early Islam. *Journal of the Economic and Social History of the Orient*, Vol. 35, № 1. (1992), pp. 40-71.

Лайиш, Авшалом Шмуэл (Aharon Layish, Avshalom Shmueli, Hebrew University of Jerusalem)<sup>155</sup> каби исломшунос олимларнинг ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Юқоридаги замонавий тадқиқотлардан ғарбда X–XV асрларда ислом дунёсида шаклланган, қозилик маҳкамалари ва хужжатшунослик анъаналарига қизиқиш катта бўлганлигини кўриш мумкин. Андалусия ва Усмонли туркларнинг давлатчилик анъаналари ва тарихи ғарб давлатлари тарихи билан боғлиқ бўлганлиги, ғарбда андалус ва усмонли турклар тарихига қизиқиш катта бўлганлиги боис, исломдаги хужжатшунослик анъаналарини ушбу ҳудудлар билан боғлаб ўрганиш анъанага айланиб қолганлигини кузатиш мумкин.

Усмонийлар давлатида ислом ҳужжатшунослик анъаналарининг мустаҳкамланиши жараёнига X–XIII асрларда Мовароуннахрдан етишиб чиққан ҳанафий фақихларининг бой илмий тажрибалари ва колдирган мерослари катта хисса қўшди. Бу эса ўз навбатида ўлкамиз тарихида асос солинган давлатчилик анъаналарининг нафақат шарқнинг бошқа минтақаларига, балки ғарбга томон трансформация қилинишига сабаб бўлди. Мазкур ва яна кўплаб илмий хуросаларни эътиборга олган ҳолда юқоридаги тарихий жараёнлар ва манбаларни ўрганиш нафақат ўлкамиз ҳужжатчилик тарихи жаҳон ҳалқлари ҳуқуқий нормативлари ва асосларининг юзага келиш, ривожланиш босқичларини ўрганишда ҳам жуда муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шарқ мусулмон давлатларида қозилик маҳкамалари тарихига оид кўплаб китоблар ёзилган ва манбалар нашрга тайёрланган. Ушбу соҳада Суриялик олим Ваҳба Зухайли йирик тадқиқотларни амалга оширган. Ваҳба Зухайли қозилик тарихи бўйича кўпгина маълумотларни берган. У шофи‘ий мазҳабида бўлганлиги боис, ўз асарларида шофи‘ий мазҳабида ўтган козиларга кўп аҳамият беради<sup>156</sup>.

Ироқлик олимлар томонидан ҳам қозилик маҳкамалари тарихи ва расмий ҳужжатларга оид кўплаб кўллэзма манбалар нашрга тайёрланган. Масалан, Махий Ҳилол Сархон *адаб ал-қози* йўналишида

<sup>155</sup> Aharon Layish, Avshalom Shmueli. Custom and Sharī‘a in the Bedouin Family according to legal documents from the judaean desert. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol. 42, № 1 (1979) – pp. 29-45.

<sup>156</sup> Мұхаммад аз-Зухайли. Тарих ал-қазо фи-л-ислам. – Дамашк: Дор ал-Фикр, 1416/1995. – 590 б; Шу муаллиф. Қазо ал-мазолим фи-л-Фикр ал-исламий. – Дамашк: Дор ал-Мактабий, 1419/1998. – 151 б; Шу муаллиф. Ал-Қазо фи-л-ислам. – Дамашк: Дор ал-Мактабий, 1419/1998. – 110 б.

ёзилган асарларнинг машҳурларини нашрга тайёрлади Муҳаммад Жасим ал-Ҳадисий Абу Наср ас-Самарқандий томонидан ёзилган формуляр тузиш қоидаларига оид асарларни таҳқиқ қилган.

Собиқ иттифоқ даврида мустамлакачилик манфаатидан келиб чиқиб, ўлканинг бошқаруви йўлида тарихий хужжатларни илмий асосда ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Бу ўз навбатида соҳани ривожлантиришда хуқукий ва иқтисодий асос яратилишига олиб келди. Ўзбекистондаги барча архив, музей ва кутубхоналар эшиги шўро тадқиқотчилари учун очиб қўйилди. Натижада ўтган асрнинг 20-йиллариданоқ тарихий хужжатлар, вакфномалар, васиқалар, ёрликлар бўйича, В.В. Бартольд, В.Л. Вяткин, О.Г. Большаков, М. Сайджонов, А.А. Семёнов ва бошқалар йирик тадқиқотларни амалга ошириллар<sup>157</sup>.

Рус тадқиқотчиси О.Д. Чехович эса XIV–XVIII асрларга тааллуқли Бухоро қозилик маҳкамаси хужжатларини тадқиқ этиб, шаҳар қозихоналари тарихига оид энг қадимги вакф хужжати сифатида Оли Моза оиласининг сўнги вакили Абу-л-Макарим Муҳаммад ибн Абу-л-Маҳасин ал-Ҳасан ибн ал-Маҳамид ибн Муҳаммадга (ваф. 726/1326 й.) оид Бухоро четидаги ер мулки ҳақидаги расмий қофозни кўрсатган. О.Д. Чехович тадқиқотлари XIV-XVIII асрларда Бухоро тарихига оид оила ва мулкчилик билан боғлиқ вакф ва қози хужжатлари ҳақида маълумот беришлиги билан аҳамиятлидир<sup>158</sup>.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан Б.А. Казаков, О.Д. Чехович тадқиқотларини тўлдириб, мўгуллар истилосидан сўнг то Чор Россияси истилосигача бўлган даврда ёзилган ҳозирги Бухоро вилояти кутубхонаси ва музейи, Ўзбекистон давлат архиви қушбеги бўлимида сақланадиган Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларида қатор масала-

<sup>157</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 760 с; Большаков О.Г. Средневековый город Ближнего Востока: VII-середина XIII вв.: Социально-экономические отношения. – М.: Восточная литература, 2001. – 344 с; Шу муаллиф. Два вакфа Ибрагима Тамгач-хана в Самарканде по хронологии и генеалогии / Пер с англ. и примеч. П.А. Грязневича. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1971. – 135 с.

<sup>158</sup> Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Выпуск 1. Акты феодальной собственности на землю XVII-XIX вв. – Т.: Наука, 1954. – 268 с; Шу муаллиф. Бухарские документы XIV века. – Т.: Наука, 1965. – 332 с. – Б. 135, 136, 142, 186, 190, 206; Шу муаллиф. Черты экономической жизни Мавераннахра в сочинениях по фикху и шуруту, Ближний и Средний Восток Товарно-денежные отношения при феодализме. М.: Наука, 1980. – 227 с.

лар юзасидан тузилган расмий хужжатларни ўрганган. Бироқ мазкур тадқиқотга жалб этилган қози актлари, катор норматив хукукий хужжатлар турли давр ва соҳаларга оид бўлганлиги боис, изла нишда улар муайян даврлар ёки соҳалар бўйича алоҳида тартибда кўрилмаган. Балки илмий ишда юқоридаги расмий қайдномаларнинг ёзилиш тарихи ва соҳалари ҳақидагина маълумот бериш билан чекланилган<sup>159</sup>.

Ф. Каримов, П. Сартори, Ш. Зиёдовлар томонидан 1822 йилдан 1922 йилгача бўлган Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид хужжатлар ўрганилди. Ушбу хужжатлар Тошкент шаҳар қозиси Ҳакимхожа Эшон ва унинг ўғли Себзор даҳаси қозиси бўлган Муҳаммад Муҳиддинхожа фаолияти билан боғлиқдир<sup>160</sup>.

Россия ва Ўзбекистонда тарихий хужжатлар устида йирик тадқиқотлар олиб бориш ва янги нашрлар тайёрлаш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланди. 1943 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошида Шарқ қўлэзмалари (Шарқшунослик) институтининг ташкил этилиши, Бухоро, Хива, Кўкон хонликлари худудида мавжуд бўлган расмий хужжатлар ва манбаларни бир жойга тўпланиши, комплекс тадқиқотларни пайдо бўлишига замин яратди.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, юқоридаги тадқиқотлар монография максад ва вазифаларидан фарқ қилиб, уларда келтирилган хужжатшунослик анъаналари аниқ хужжат турлари га бағишлиланганилиги ва асосан, хонликлар даврида тузилган қози хужжатларини ўзида акс эттирганлиги билан ажralиб туради. Маълумки, рус боскини даврида жамиятнинг етакчи вакиллари диний арбоблар ва шариат пешволари ҳисобланган ва оддий халқ уларга катта ишонч билдирган. Тоталитар тузум Марказий Осиёда ўз боскинчилик сиёсатини мустаҳкамлаш ва диний арбоблар, шариат пешволарининг кучини халқ орасида заифлаштиришни, Марказий Осиёдаги давлат бошқарувига хос тарихий анъаналарнинг нозик жиҳатларини аниқлаш ва шу йўл билан халқ жипслигини йўқотишни муҳим мақсад килиб белгилаган эди. Шу нуқтаи назардан собиқ иттифоқ даврида илмий фаолият олиб борган тадқиқотчилар сиёsat тақозоси сабабли

<sup>159</sup> Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1987. – Б. 87; Bahadir Kazakov. Bukharan documents: the collection in the District Library, Bukhara // Translated from the Russian by Jürgen Paul. Journal ANOR №9. Halle: Institut für Orientalistik, 2001. – 103 р.

<sup>160</sup> Ф. Каримов, П. Сартори, Ш. Зиёдов. Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид хужжатлар. Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 176 б.

асосий эътиборни хонлик давлатларининг муҳим бошқарув тизими бўлган қози маҳкамаларининг иш тажрибалари ва аниқ воқеълиқдаги хужжатларни атрофлича таҳлил этишга қаратди. Лекин ҳозирги кунда демократик тамойилларга таянувчи ривожланган давлатлар томонидан илгари сурилаётган “инсон ҳукуклари”, “адолатли жамият”, “эркин фуқаролик жамияти”, “юксак даражадаги ижтимоий муносабатлар”, “адолатли судлов” каби принциплар дастлаб ғарбда эмас балки ислом ўлкаларининг илм маърифат ўчоклари ҳисобланган Мовароуннахр, Шом, Ироқ, Миср ва Андалусия фақиҳлари томонидан XI асрдаёқ ишлаб чиқилиб, қонуний мустаҳкамланди. Ана шу жиҳатдан X–XIII асрларда шарқда ёзилган ҳужжатлар тузиш илмига оид манбалар кўплаб ғарб тадқиқотчиларини ўзига жалб қилиб келди ва келмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихининг ёритилмаган қисмларини бирламчи манбалар асосида ўрганиш натижалари Ўзбекистонда ҳужжатлар тузиш қоидалари ва анъаналари ўз олтин даврини X–XIII асрлардан бошлаганига ва юридик ҳужжатлар фақиҳларимиз томонидан ягона бир тизимга солинганига гувоҳлик беради.

\* \* \*

Мовароуннахрлик қонуншунослар диннинг қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ҳалқнинг қадриятлари, одатлари, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни ҳисобга олишга мажбур бўлғанлар. Ундан ташқари қози ёки фақиҳ ўзи бирга яшаётган ва улар орасида фаолият олиб бораётган ҳалқнинг урф, одат ва қадриятларини билиши зарур эди. Баъзида фақиҳлар қоиданинг бузилишига ён беришга мажбур бўлғанлар. Мовароуннахрда карор қабул қилишнинг кенг тарқалган усули фақиҳнинг ўзидан олдинги уламоларнинг бу масала бўйича бир нечта фикрларидан бирини танлаши эди. Бунда фақиҳ ёки қози ўзининг танлашини қўйидаги қўринишларда асослаши мумкин эди: “шогирднинг фикридан кўра, устознинг фикри афзалроқ”, “ислом ва жамиятнинг гуллаши учун”, “жамият парчаланишининг олдини олии мақсадида”, “одамлар ҳаётини енгиллаштириши учун”, “адолатни қарор топтириши учун” каби иборалар билан ўз фикрини асослаган.

Одатда фақиҳ ёки қозининг қарори ёзма равища расмийлаштирилар, имзо чекилар, муҳр босилар ва санаси қўйиларди. Кўпинча устознинг фатвоси унинг кўп сонли шогирдлари томонидан ёзib олинар ёки ёд олинарди. Мовароуннахр фақиҳлари чиқарган фатволарнинганчагина қисми ибодат ва муомалот масалаларига бағиши-

ланади. Аммо уларда ҳам ўша масалаларга ёндашув Мовароуннахрга хос шарт-шароитларни акс эттирган белгилар кузатилади.

Мовароуннахрда чиқарылган фатволарнинг кўпчилиги савдо-сотик, пул ва мулк муносабатларига тегишилиги билан аҳамиятлидир. Самарқандда тарқалган ўзаро ишончга асосланган савдо *бай* ‘*би-вафо*’ каби баъзи маҳаллий савдо-сотик шаклларига рухсат берилиши узоқ давом этган тортишувларга сабаб бўлган. Ёлланиш ва бошқа меҳнатга оид шартнома турлари ҳам кенг муҳокама мавзуи бўлган.

Х–XIII асрлар исломдаги мавжуд мазҳаблар фатволарининг жамланиши, қозилик маҳкамалари фаолиятида ташкилий ва назарий асосларнинг шаклланиши ҳамда ислом ҳуқуқида ҳужжатшунослик илми ва унинг асосларини яратилиши билан алоҳида ўрин тутади. Ушбулардан келиб чиқиб мазкур даврни ислом илм дунёсидаги олтин давр сифатида эътироф этиш мумкин. Шунинг натижасида X–XIII асрларга келиб исломдаги ҳужжатшунослик соҳасини ривожланиши натижасида, бир-биридан мустақил олтида йирик мактаб Мовароуннахр, Хурросон, Ироқ, Шом Миср Андалусия мактаблари вужудга келди. Ушбу мактабларда фаолият юритган фақихларнинг асарлари кўплаб мусулмон мамлакатларида тан олинган. Шунингдек, улар томонидан тузилган кўлланмалар минтақага хос бўлган маҳаллий шарт-шароит ва урф-одатлардан келиб чиқиб яратилган. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, исломдаги мазҳаб ва йўналишларда ҳужжат тузиш анъаналари бир-биридан кескин фарқ қилмаган. Барча мазҳаб уламолариadolat меъёрларини биринчи ўринга кўйган. Ҳар бир ҳужжат даъволашаётган ёки шартлашаётган икки томон ўртасидаги муносабатларда динийликдан кўра кўпроқ дунёвий масалаларни адолатли ҳал этиш устун турганлигидан далолат қилади.

Қози маҳкамалари фаолияти ўрта асрлардаги Шарқ цивилизациясининг оламшумул ходисаси хисобланади. Бу ҳуқукий тизим араб халифалиги доирасида вужудга келиб, расмийлашган ва аста-секин бутун шарқ мусулмон ўлкаларига тарқалган. Шунинг учун ғарбда X–XV асрларда ислом дунёсида шаклланган, қозилик маҳкамалари ва ҳужжатшунослик анъаналарига қизиқиш катта эканлигини кўриш мумкин. Андалусия ва Усмонли туркларнинг давлатчилик анъаналири ва тарихи ғарб давлатлари тарихи билан боғлиқ бўлганлиги боис, ғарб тадқиқотчиларининг исломдаги ҳужжатшунослик анъаналарини ушбу худудлар билан боғлаб ўрганиши анъанага айланиб қолган.

## П БҮЛİM МОВАРОУННАХР ҚОЗИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИГА ОИД МАНБАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ТАХЛИЛИ

**Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг “аш-Шурут ал-қабир”,  
“аш-Шурут ас-сағи्र” асарларида қозиликка  
оид масалалар**

Ҳанафий олимлари ўз асарларида “шурут” ва “ал-маҳозир ва-с-сижилпот” бўлимларини алоҳида ҳолда ўрганишган. Бунга сабаб кўплаб ҳанафий олимларининг ўрта асрларда қозилик лавозимларида ишлаб, бу соҳада кўпроқ тажрибага эга бўлганлигидадир.

Ҳанафийлик мазҳабида бизгача етиб келган илк “шурут” китоби Абу Жа‘фар Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Салама ибн ‘Абдулмалик ал-Аздий ат-Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) “ал-Жоми‘ ал-қабир фи-ш-шурут” ва “ал-Жоми‘ ас-сағири фи-ш-шурут” асарлариdir (Бундан кейин. Ат-Таҳовий номи остида келади). Ат-Таҳовий юкори Мисрнинг Тоҳо шаҳрида 239/853 йилда таваллуд топган<sup>161</sup>. Ат-Таҳовийнинг таваллуд санаси табакот асарларда турлича берилганлигини кузатиш мумкин, яъни фәқиҳнинг таваллуд саналари қилиб, 229/844, 230/845, 239/853-йиллар берилган<sup>162</sup>. Ат-Таҳовий асарларида таваллуд сана 239/853 эканлиги эътиборга олинди<sup>163</sup>. Ат-Таҳовий дастлаб Шофи‘ий фикҳини ўрганади. Шофи‘ийлик мазҳабининг йирик вакили бўлган Музаний (ваф. 264/878 й.) ат-Таҳовийнинг тоғаси бўлган<sup>164</sup>. Фақиҳ ўз тоғаси ҳақида шундай дейди: “Тоғам ҳанафий таълимотларини яхши билгани ҳолда Мұхаммад Шофи‘ийнинг энг ишончли шогирди ва мазҳаб устуни эди”<sup>165</sup>.

<sup>161</sup> Абу Жа‘фар ат-Таҳовий. Аш-Шурут ас-сағири. 2 жилди / Рухий Ўзажан таҳрири остида. – Бағдод: Матба‘а ал-‘они, 1974 (Ушбу нашр Ироқдаги Мосул марказий кутубхонасидаги 2 жилди № 212266 рақамли кўлёзма нусхаси асосида тайёрланган). – Б. 5 (Бундан кейин. Ат-Таҳовий. Шурут).

<sup>162</sup> Ат-Таҳовий. Шурут. – Б. 6.

<sup>163</sup> Ат-Таҳовий. Шурут. – Б. 6.

<sup>164</sup> Ат-Таҳовий. Шурут. – Б. 12; Қаранг: Jeanette A. Wakin. The Function of Documents in Islamic Law: The Chapters on Sales from Tahawi’s Kitab al-Shurut al-Kabir. New York: State University of Press Albany, 1972. – Б.10 (Бундан кейин. Wakin ).

<sup>165</sup> Ат-Таҳовий. Шурут. – Б. 13; Wakin. – Б. 12.

Ат-Таҳовий ўспиринлик пайтида ёк унинг тоғаси вафот этади. Тоғаси вафотидан тўрт йил ўтгач, фақих Куддус, Фазза ва Асқалон орқали Дамашққа келади. Дамашқда қозилик қилиб турган басралий ханафий фақихи Абу Ҳазим Абдулҳамид ибн Абдулазиздан (ваф. 292/904 й.) 272/886 йилга қадар ҳанафий фикҳи ва ислом ҳужжатшунослигига доир илмларни ўрганиб, Карх, Бағдод, Куфа орқали яна Мисрга қайтади. Абу Ҳазим қозилик ҳужжатларини яхши тушунган фақихлардан бўлган. Унинг “Китоб ал-Маҳозир ва-с-сижиллот”, “Китоб адаб ал-қози”, “Китоб ал-фароиз” асарлари ҳақида Ибн Надим маълумот бериб ўтади. Лекин фақихнинг асарлари замонамизгача етиб келмаган<sup>166</sup>. Ҳожи Халифа Абу Ҳазимни математика фанларини ҳам яхши билган олимлар қаторига киритади<sup>167</sup>.

Фақихнинг Мисрда ат-Таҳовий номи билан танилишида қози Абу Бакр (ёки Абу Бакра) Баккар ибн Кутайбанинг (ваф. 270/883 й.) хизматлари катта<sup>168</sup>. Баккар Басрада 182/798 йилда туғилган.

Демак, Баккарнинг фиқҳий қарашларida ҳанафий мазҳабининг таъсири кучли бўлган. Баккар 246/860-йиллари Мисрга келади. Мисрда қозилик лавозимиға тайинланади ва Фустот шахрида яшаб қолади. Мисрда ҳанафий мазҳабининг ривожи ва ҳанафий фақихларининг шаклланишига хизмат қиласди. Ўша даврда Мисрда катта таъсирга эга бўлган шофи‘ий мазҳаби тарафдорларига ҳанафий мазҳабининг кучли жиҳатларини кўрсатиш мақсадида радиялар ёзади. Баккарнинг “Китоб ан-нақд ‘ала аш-Шофи‘ий” (Шофи‘ийларни танқид қилиши китоби) номли асарини айнан шофи‘ийлик мазҳаби хукмрон бўлган минтақа Мисрда ёзганлиги унинг ҳанафий мазҳабига бўлган юксак эҳтиромидан далолатдир. Мисрлик шофи‘ий фақихлари Ироқдан келган ҳанафий фақихларни ғурабо (ғарублар) деб атардилар<sup>169</sup>. Ана шундай фақихлар ичida Сулаймон ибн Шу‘айб ва унинг отаси Аҳмад ибн

<sup>166</sup> Мұхаммад ибн Исҳоқ ан-Надим (ваф. 387/997 й.). Ал-Фихрист / Мустафо аш-Шавимий таҳқиқи остида. Тунис: Дор ат-тунисийя ли-н-нашр, 1405/1985. – Б. 251-262 (Бундан кейин. Ан-Надим).

<sup>167</sup> Қаранг: Мустафо ибн ‘Абдуллоҳ ар-Румий ал-ханафий аш-шахир би-Ҳожи Халифа. Каşф аз-зунун ‘ан асмо’ ал-кутуб ва-л-фунун. 2 жилдли. – Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. Ж.2. – Б. 1143 (Бундан кейин. Каşф аз-зунун).

<sup>168</sup> Захабий Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Үсмон ибн Қоймоз (673 – 748 й.). Сиyr а‘лом ан-нубало. 23 жилдли / Шу‘айб ал-Арноут ва Мұхаммад На‘им ал-Арқсусий таҳрири остида. – Байрут: Мавсү‘а ар-рисола, 1992. Ж. 3. – Б. 28.

<sup>169</sup> Ат-Таҳовий. Шурут. – Б. 23; Wakin. – Б. 34.

Аби Имрон ва Иброҳим ибн Марзуқ, Язид ибн Синан каби ҳанафий фақиҳлари ҳам бор эди. Булар орасига кейинчалик ат-Таҳовий ҳам кўшилди.

Ибн Надим келтирган маълумотга кўра, Баккар ислом хужжатшунослигига оид учта асар ёзган ва уларни “*Китоб ал-Маҳозир ва-с-сижиллот*”, “*Китоб ал-васоу'к ва-л-'үкуд*” ҳамда “*Китоб аш-шурут*” деб номлаган. Лекин бу асарлар тўлиқ замонамизгача етиб келмаган. Баккар фатволаридан ат-Таҳовий унумли фойдаланган. Ат-Таҳовий Баккарнинг хос котиби бўлиб, ундан хужжатшуносликка оид кўпгина илмларни ўрганади ва устози вафотидан кейин унинг ўрнига кози этиб тайинланади.

Ат-Таҳовий 321 – 322/933 – 934 йилда Фустот шахрида вафот этди<sup>170</sup>.

Хулоса қилиш мумкинки, ат-Таҳовийгача ҳанафийлик мазҳабида ислом хужжатшунослигига оид кўплаб асарлар ёзилган. Лекин улар давримизгача сақланиб қолмаган.

Ат-Таҳовий ўзидан илгари ёзиб қолдирилган хужжатшуносликка оид асарларни чуқур ўрганиб чиққан алломадир. Шунингдек, унинг ўзи томонидан шу йўналишда яратилган қўлланмалар кейинги давр ҳанафий фақиҳлари учун асос сифатида хизмат қилиш билан бирга Мовароуннаҳр фикҳ мактаби ривожида муҳим ўрин тутган ва замонавий исломшунослик фани тараққиёти учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Фақиҳ асосан, ҳанафий фикҳи ва қисман ақида илми ривожига катта ҳисса кўшди.

Милодий XIII асрдан кейин яшаган ҳанафий олимлари шуругта оид асарларни яратишда ат-Таҳовий қўлланмаларидан бирламчи манба сифатида фойдалангандар<sup>171</sup>.

Табакот асарларни ўрганиш хулосаларига кўра фикҳ:

<sup>170</sup> Ан-Надим. – Б. 254.

<sup>171</sup> Қаранг: Ал-Фатово ал-ҳиндийя. 6 жилдли / ‘Абдуллоҳ Низомуддин таҳрири остида. – Байрут: Дор ихъо ат-туроҳ ал-‘арабий, 1986. Ж.6. – Б. 248 – 389 (Бундан кейин. Ал-Фатово ал-ҳиндийя); Жалолуддин ибн Муҳаммад ал-Фатхободий ал-‘Имодий. Гурап аш-шурут ва дурар ас-сумут. – Сулаймония кутубхонаси, Асад Афанди бўлими // Кўлёзма № 722. – 254 варак; Мустафо ибн Шайх Муҳаммад. Равзат ал-қузот фи-л маҳозир ва-с-сижиллот. – Истанбул: Баладийя кутубхонаси. – Муаллим Жавдат бўлими // Кўлёзма № 265 – 157 варак; Зайнуддин ибн Нуҷайм ал-Мисрий. Рисола фи-л макотиб ва-с-сижиллот. Истанбул университети марказий кутубхонаси. // Кўлёзма. Мазкур нусха – 3 варакдан иборат; Махмуд ибн Исмо‘ил ибн Қози Симовеҳ ал-Ҳанафий. Китоб ал-ғусулайн. 2 жилдли. Қоҳира: Ал-Азхарийя, 1897.

1. “Китоб ал-маҳозир ва-с-сижиллот”.
2. “Китоб ашишурут ал-кабир” ёки “ал- Жоми‘ ал-кабир фи-ишишурут”.
3. “Китоб ашишурут ал-авсат” ёки “Китоб ашишурут ас-согир”.
4. “Китоб ашишурут ва-л-варақа”.
5. “Ақида ат-Таҳовий” каби асарларни яратгани маълумдир<sup>172</sup>.

Ат-Таҳовийнинг ислом хужжатшунослигига бағишлиланган иккита шоҳ асари “ал-Жоми‘ ал-кабир фи-ш-шурут”нинг кўплаб қўлёзма нусхалари мавжуд. Улар бир қатор ғарблик исломшунослар томонидан ўрганилган. Дастрраб, немис исломшуноси Йозеф Шахт “ал-Жоми‘ ал-кабир фи-ш-шурут” асарининг “Азкор ал-хуқуқ ва-р-рухун” (гаровлар ва хаққлар бўйича эслатма)<sup>173</sup> ва “аш-Шуф‘а” (имтиёзли сотиб олиш хуқуқи)<sup>174</sup> бўлимларини тадқиқ этган<sup>175</sup>. “Ал-Жоми‘ ал-кабир фи-ш-шурут” асарининг “бай”(савдо) бўлими 1972 йилда New York Давлат университети босмахонасида Жиннетте Вакин томонидан инглиз тилига ўтирилиб, бўлимнинг арабча матни билан бирга нашр этилган (Асарда келган бўлимлар билан танишиш учун 2-иловага қаранг)<sup>176</sup>. 1996 йилда Амстердам университети исломшуноси Михайил Тунг<sup>177</sup> асарининг “Азкор ал-хуқуқ ва-р-рухун” бўлими бўйича докторлик ишини ҳимоя қилган<sup>178</sup>. Ат-Таҳовийнинг шу мавзудаги бошқа бир аса-

<sup>172</sup> Ах-Надим. – Б. 251 – 262.

<sup>173</sup> Schacht Joseph. Das kitab adkar al-huquq war-ruhun aus dem al-gami‘ al-Kabir fi-Šurut des Abu Ga’far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. Heidelberg. Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1927. – Б. 38.

<sup>174</sup> Schacht Joseph. Das kitab al-Shuf‘a aus dem al-gami‘ al-Kabir fi-l-Shurut des Abu Ga’far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. Heidelberg. Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1930. – Б. 58.

<sup>175</sup> Шахт Йозеф тадқиқот жараённida асарнинг Қоҳира, Мактаба ал-Хидивийя ал-мисрийия кутубхонасининг ҳанафий фикҳи бўлимида сакланаётган № 140 ракамли қўлёзма нусхасига таянган. Ал-Хидивийя ал-мисрийия кутубхонаси ҳозирги кунда ал-Азҳар университети кутубхонасига бириклирлган.

<sup>176</sup> Wakin. – Б. 203.

<sup>177</sup> Thung Michael. H. Written obligations from the 2nd\8th to the 4th\10th century. Amsterdam. Amsterdam University press.1997. 135 pp, Michael. H. Thung. Written obligations from the 2nd \ 8th to the 4th \ 10th century. The Journal, Islamic Law and Society, Vol. III.Leiden: E.J.Brill, 1996. – Б. 3-13.

<sup>178</sup> Михайил Тунг тадқиқот жараённida асарнинг Австрия пойтахти Вена шаҳри халқ кутубхонасида сакланаётган қўлёзмасига таянган.

ри “ал-Жоми‘ ас-сағир фи-ш-шурут”нинг тўлиқ икки жилди Бағдодда нашр этилган<sup>179</sup>.

Мухаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/922 й.) ат-Таҳовийнинг хужжатшуносликка оид асарларига баҳо бериб шундай дейди: “Абу Жа‘фар ат-Таҳовий Мұхаммад Шоғи‘ий фикрларини ўғирлаб, унинг асарларида келган фикрларни ҳанафий мазҳаби қоидаларига мослаштирган”<sup>180</sup>.

Табарий фикрлари бироз мунозарали бўлиб, кейинги тадқиқотларда ноаниқликлар келтириб чиқариши мумкин. Чунки ат-Таҳовий асарни ёзишда дастлаб ўзидан олдин ўтган Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Мұхаммад аш-Шайбоний, Имом Зуфар, Мұхаммад ибн Саммо‘а, Абу Ҳазим, Баккар ибн Қутайба каби классик ҳанафий фақиҳлари фикрларини бериб ўтади. Қиёс борасидагина бошқа мазҳаббошилар асосан, Имом Шоғи‘ий фикрига таянади. Табарийнинг фикри ноаниқлигига яна бир далил фақиҳнинг ушбу туркумдаги асарлари ҳанафий дунёсида хусусан, ҳанафий таълимоти бешиги ҳисобланган Мовароуннаҳрда ҳам тан олиниб, кўплаб фатово жанрида ижод қилган фақиҳлар ат-Таҳовий фатволарини мазҳаб асосчилари бўлган фақиҳлар фатволаридан кейинга кўядилар.

Тадқиқот олиб бориш жараённада шу нарса маълум бўлдики, “ал-Жоми‘ ас-сағир фи-ш-шурут” асари бўйича Руҳий Ўзажан тадқиқотини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу асар “ал-Жоми‘ ал-қабир фи-ш-шурут” асарининг мухтасари бўлиб, унда асосан, хужжат тузиш турлари ва қоидалари ҳакида фикр юритилади<sup>181</sup>.

Ироқлик тадқиқотчи Руҳий Ўзажан бу асарни тўлиқ тадқиқ қилган. У асарнинг ёзилиш услубига тўхталар экан, бу борада у куйидаги икки фаразни илгари суради. Ё асар фақиҳнинг ўзи томонидан қўлланма сифатида таълиф этилган. Ёхуд фақиҳ вафотидан кейин хаттотлар томонидан ўқувчиларга қулай ва мухтасар бўлишилиги учун қисқартириб қўчирилган.

<sup>179</sup> Абу Жа‘фар ат-Таҳовий. Аш-Шурут ас-сағир. 2 жилдли / Руҳий Ўзажан таҳрири остида. – Бағдод: Матба‘а ал-‘они, 1974, 823б. Ушбу нашр Ироқдаги Мосул марказий кутубхонасидаги 2 жилдли № 212266 рақамли қўлёзма нусхаси асосида чоп этилган.

<sup>180</sup> ат-Табарий. Тарих ал-умам ва-л-мулук: 8 жилдли. – Қохира, 1982. Ж.5. – Б.89.

<sup>181</sup> Карапнг: Абу Жа‘фар ат-Таҳовий. Аш-Шурут ас-сағир. 2 жилдли / Руҳий Ўзажан таҳрири остида. – Бағдод: Матба‘а ал-‘они, 1974. – 823 б (Ушбу нашр Ироқдаги Мосул марказий кутубхонасидаги 2 жилдли № 212266 рақамли қўлёзма нусхаси асосида тайёрланган).

“Ал-Жоми‘ ас-сағир фи-ш-шурут”да күрилган масалаларнинг тўлиқ матни берилмаган. Балки қисқа формулярлар келтириш билан кифояланган<sup>182</sup>.

“Ал-Жоми‘ал-кабир фи-ш-шурут” эса ат-Таҳовийнинг ислом ҳужжатшунослигига бағишиланган йирик асари бўлиб, унда ҳужжат тузиш қоидалари билан бир қаторда ўша давр учун хос бўлган турли мулкчиликка оид ҳужжат турларидан ҳам намуналар келтирилган.

Асар ўттиз икки бобдан иборатdir. Унинг муқаддимаси шурут илмининг шартлари ва унга берилган таъриф билан бошлиданади. Биринчи катта бўлим имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи (шуф‘а)<sup>183</sup> юзасидан юритиладиган ҳужжатларни тузиш қоидаларига бағишиланади. Иккинчи бўлим ижара<sup>184</sup> савдоси бўйича тузиладиган битимларни юритишга оидdir. Кейинги бўлимлар: қарз ва гаров эвазига мол талаб қилиши боби – азкор ал-ҳуқуқ ва-л-руҳун<sup>185</sup>, тан олиши – ақорир<sup>186</sup>, мажбуриятдан соқит бўлиш – баро’а, вакил тайинлаш ёки вакилликдан бўшатиш – вакала, ‘азл ‘ан вакала, мулкни тақсимлаш ва ундан фойдаланиши – қисма ва муҳайя’а, васиятлар – васоё, совғалар – ҳиба,

<sup>182</sup> Қаранг: Ат-Таҳовий. Шурут. – Б. 798 (Фихрист бўлими).

<sup>183</sup> Шуф‘а – араб тилида кўшиш, жуфтлаш ёки кўшиб олиш деган маъноларни англатади. Фикҳий истилоҳда эса, шуф‘а ҳуқуқи деб, ҳовли-жой ва ер ёки кўчмас мулкни имтиёзга эга бўлиш – шафи‘ликни даъво қилиб ўз мулкига кўшиб олишидир. Шафи‘лик ҳуқуқидан энг аввал сотиленган ҳовли ёки ер ичидаги сотувчига ёнма-ён шерик бўлган одам фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, бир ҳовли ичидаги киши яшаса бири ўзига тааллуклик бўлган қисмини сотмоқчи бўлса, иккинчи яшаётган одам шуф‘а, яъни имтиёз билан сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

<sup>184</sup> Ижара – араб тилида савоб, мукофот ва ажр маъноларини беради. Фикҳий истилоҳда эса, ижара савдо битими ёки келишувни англатиб, бўлиб-бўлиб тўлаш эвазига аниқ бир муддат тайин қилиб аҳднома тузмоқdir.

<sup>185</sup> Роҳн ёки руҳун – араб тилида бир нарсани турли сабаблар билан ушлаб қолишга ёки туришга айтилади. Фикҳий истилоҳда эса, гаров мол эвазига (қайтариб олиш шарти билан) қарз олишга айтилади. Бунга Бақара сураси 283-оят ҳужжат қилиб олинган (Оят таржимаси: Агар сафарда бўлиб, котиб топа олмасангиз, (карз эвазига) нақд гаров (берингиз)! Агар бир-бирингизга омонат кўйсангиз, омонат кўйилган киши омонатни қайтарсин ва Робби бўлмиш Аллоҳдан кўрксин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким уни яширса, бас, унинг қалби осий (гуноҳкор)dir. Аллоҳ килаётган ишларингизни яхши билиб турувчидир) Каранг: Куръон: 2: 283-оят.

<sup>186</sup> Икрор ёки ақорир – лугатда карор топиш, сабит бўлиш, таскин топиш, икрор бўлиш деган маъноларни англатиб, фикҳий истилоҳда эса, икрор дил ва тил билан тан олишга айтилиб, бир одамнинг фойдасига ва ўзининг зарарига гарданида ҳақ борлигини ўз тили билан айтиб маълум қилмоқdir.

савоб умидида васият қилинган ёки садақа қилинган мол-мулк – *садақот ал-мамлукат, ал-мавқұфат*, қулни озод этиш билан боғлиқ масалалар – ‘имоқ, қулнинг озод бўлишини унинг ўлимига боғлаш – тадбір, маълум тўлов шарти билан қулни озод қилиш ҳақида у билан тузилган шартнома – мукомтаба, савдо қилишга рухсат берилганлар – маъзун лаҳу, озод қилган кишининг химоясида қолиш ёки мусулмон бўлмаган кул савдоси бўйича тузиладиган шартнома ва келишувлар – мувалот, никоҳ ва талоққа боғлиқ шартномалар – никоҳ ва талоқ, савдодаги музораба келишуви ва шерикчилик – музораба<sup>187</sup> ва шарикот<sup>188</sup>, турли маънавий ва моддий жиноятлар – жинойот, тошиб олинган ёки ташлаб кетилган моллар баёни – луқата, мулқдан вақтинча фойдаланиб туриш ҳуқуқи – ‘аворий, омонатлар – аманат, ярашув асосида низони ҳал қилиш – сулҳ, ҳакамлик қилиш – таҳқима ҳақидаги масалаларга бағишлиланган. Шунингдек, асарнинг сўнгида ат-Таҳовий қози ва унинг ёрдамчиси томонидан қозихонада кўрилган қатор мавзуларга оид маҳзар ва сижил ҳужжатларидан намуналар келтиради.

Ат-Таҳовийнинг “ал-Жоми‘ал-кабир фи-ш-шурут” асари ўз даврида Миср факихлари томонидан эътироф этилмади<sup>189</sup>. Лекин XI-XIII асрларга келиб Марказий Осиёнинг йирик шаҳарларида ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир жабҳаси учун ҳанафий мазҳабининг назарий асосларини яратиш эҳтиёжи туғилди. Айтиш мумкинки, ат-Таҳовийнинг мазкур асари Бухоро ва Самарқандда ҳанафий мазҳаби билимдонларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга аралашуви жараёнидаги ҳуқуқий билимларини шакллантиришда муҳим дастурлардан бири бўлиб хизмат қилди. Албатта, ўлқадаги ижтимоий ҳаётни тартибига солиши борасида Ироқ, Шом, мисрлик алломалар яратган бир қатор ҳанафий мазҳабига оид асарлар ҳам катта аҳамият касб этган<sup>190</sup>.

<sup>187</sup> Музораба – араб тилида ер юзида савдо қилиш, кезиши деган маъноларни англатиб, фикхий истилоҳда эса, икки томон аҳдлашуви, яъни бир томондан молиявий имконият илгари сурилади, иккинчи томондан эса, хизмат, бажариладиган тижкорат режаси таклиф этилади. Тушган фойда эса келишувга асосан бўлишиб олинади. Кўрилган зарар эса, мол ёки пул эгасига бўлади. Ишчи эса, қилган меҳнатидан зарар кўради.

<sup>188</sup> Ширкат ёки шарикот – луғатда аралашиб кетиш ёки муштарак алоқа деган маъноларни англатиб, фикхий истилоҳда эса, пул кўйилма ёки фойда масаласида шерик бўлганлар орасида тузиладиган келишувдир.

<sup>189</sup> Wakin. – Б. 44.

<sup>190</sup> Madelung W. The Early Murji'a and the Spread of Hanafism / Der Islam, 43 (1982), – Б. 32-39.

Демак, бу фикр XI-XIII асрларда Мовароуннахр ўлкасининг сиёсий ва ижтимоий бошқарувида ислом хукуқшунослари (факиҳлар) асосий ижрочи вазифасини бажарганлар, деган хulosани беради. Мовароуннахрдаги хукмрон сулолалар ҳисобланган Сомоний, Корахоний, Фазнавий ва Салжуқий султонлари халқни ўз сиёсатларига бўйсундиришда ислом хукуқшуносларидан самарали фойдаланиб келдилар. Ат-Таҳовийнинг ислом хужжатшунослигига доир фикр-мулоҳазаларидан ўлкада яшаб ижод қилган деярли барча ҳанафий факиҳларининг асарларида кенг фойдаланилади. Жумладан, Шамсул-а'имма Саражсий, Баҳоуддин Али ибн Мухаммад ибн Исмоил ал-Исфижобий ас-Самарқандий, Мухаммад ибн Аҳмад ал-Хўжандий ал-Исфижобий, Абу Наср Аҳмад ибн Мухаммад ибн Маҳмуд Вабарийлар олимнинг фикхий асарларига турли шарҳлар битдилар<sup>191</sup>.

XVII асрда Бобурий Аврангзеб томонидан ҳанафийлик мазҳабидаги фатво тўпламларидан бири “ал-Фатово ал-ҳиндиййа” ёки “ал-Фатово ал-оламгириййа”<sup>192</sup>да ҳам фақиҳнинг фатволарига катта ўрин ажратилган.

“Ал-Фатово ал-ҳиндиййа” муаллифлари ат-Таҳовий фатволарини билвосита келтириб ўтадилар. Яъни асрда учрайдиган ат-Таҳовий фатволари унинг ўзи яратган манбалардан эмас, балки мовароуннахрлик фақиҳларнинг олим асарларига бағишлаган шарҳларидан олинган. Қуйида келтирилган таржима фикримизни исботлайди:

و يجوز صرفها الى الاب المعسر و ان كان ابنه موسرا كذا في شرح  
الطحاوى.

**Таржимаси:** Агар фарзанд ўта бадавлат бўлса, закотининг бир қисмини узоқдаги қийналган отасига берса жоиз бўлади. Ушбу фатво Ат-Таҳовийнинг шарҳида баён этилган<sup>193</sup>.

Демак, Мовароуннахр фақиҳлари томонидан ҳанафий мазҳабининг назарий асосларини ишлаб чиқилиши ва унда ат-Таҳовий фатволаридан кенг фойдаланилганлиги факих қарашларини Мовароуннахрда ёзилган фикхий асарлар орқали ўрганиш имконини беради.

<sup>191</sup> Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Bd.I. – Leiden, E.J. Brill. 1967. – Б. 441 (Бундан кейин. Sezgin F.).

<sup>192</sup> Ал-Фатово ал-ҳиндиййа. Ж.6. – Б 279.

<sup>193</sup> Ал-Фатово ал-ҳиндиййа. Ж.1. – Б 189.

Ат-Таҳовий қарашларининг мовароуннахрлик олимлар томонидан кадрланишига яна бир сабаб фақиҳ ўз асарларида Абу Бакр Аҳмад ибн ‘Амр Ҳассофнинг (ваф. 261/875 й.) ислом хужжатшунослигига оид фикрларидан кенг фойдаланганлигидир. Чунки айнан Ҳассоф яратган “*Китоб аҳқом ал-вақғ*”, “*Китоб адаб ал-қози*” ва “*Китоб ан-нафақот*” асарлари Мовароуннахр ўлкасида кенг ўрганилган ва ерлик фақиҳлар томонидан мазкур қўлланмаларга қўплаб шарҳлар битилган. Ўлкада кенг оммалашган шарҳлардан бири ас-Садр аш-Шаҳид ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз ибн Мозага тегишилдири<sup>194</sup>.

Усмонийлар салтанатида ат-Таҳовий каби классик ҳанафий фақиҳлари томонидан ривожлантирилган ислом хужжатшунослиги қоидалари XX аср бошларига қадар амалиётда қўлланиб келинган.

Ҳиндистон ўлкаси Англия мустамлакасига айлантирилгач, мамлакатнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти тадқиқоти силсиласида исломга оид қатор соҳалар айнан, инглиз олимлари томонидан ўрганила бошланди. Жумладан, ислом хужжатшунослигига кенг қўлланиладиган баъзи йирик мулкчиликка оид хужжатлар инглиз тилига ҳам таржима қилинган, ҳанафий ва моликий мазҳабига оид сукук ва васиқа тузиш қоидалари китоб тартибида жамланиб, нашр этилган.

Кўриниб турибдики, Осиё ва Шимолий Африкадаги мусулмон давлатларини мустамлакага айлантирган империялар мазкур ўлкалардаги расмий суд ишларини юритишда маҳаллий ислом хуқуки анъаналаридан кенг фойдаланганлар. Йозеф Шахт ўз тадқиқотларида Ҳиндистоннинг Саҳаранапур шаҳридаги “Мазоҳир ал-‘улум”, Рампур шаҳридаги “Ридо”, Патна шаҳридаги “Худо Бахш” кутубхоналари ва Ражпутана шаҳридаги “Са‘идийй” араб қўлёзмалар фондида жаъми 42 та ҳанафий ва моликий мазҳабларида ёзилган хужжат тузиш қоидаларига оид мажма‘ (тўплам) лар сақланаётганлиги ҳақида маълумот беради<sup>195</sup>. Бобурийлар даврига келиб Патна шаҳридаги “Худо Бахш” кутубхонасида Марказий Осиё алломалари томонидан яратилган қатор ноёб фикҳий манбалар тўпланган. Мазкур манбаларни чукур ўрганиб, ушбу соҳада янги илмий тадқиқотлар олиб бориш келгусида тарихимизни янги илмий хulosалар билан бойишига хизмат қиласди.

<sup>194</sup> Sezgin F. – Б. 437-438.

<sup>195</sup> Schacht Joseph. Das kitab adkar al-huquq war-ruhun aus dem al-gami‘ al-Kabir fiš-Šurut des Abu Ga’far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. Heidelberg. Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1927. – Б. 5.

“Ал-Жоми ‘ал-кабир фи-и-шурут’” асарида келган ва ислом хужжатшунослигига умумий қоидалар асосида тузиладиган мулкчиликка оид хужжаттарни күйидаги қисмларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

1) *Формулярлар тузишдаги келишув қоидалари*. Фақиҳлар томонидан илгари сурилаётган формулярларнинг умумий ўхшаш жиҳати улардаги асосий иш ҳаракат ўтган замонда берилганинидири:

قال أبو جعفر و اذا اشتري رجل من دورة فلن كانت مجتمعة في مكان واحد يحيط بها و يجمعها و يشتمل عليها حدود أربعة كتبت هذا ما اشتري فلان بن فلان بن فلان بن فلان الفلانى اشتري منه صفة واحدة جميع الكذا كذا الدار المتلاصقات الالاتي في مدينة كذا في الموضع الكذا منها و يحيط بهذه الدار الكذا كذا المسمايات في هذا الكتاب.

**Таржимаси:** Абу Жа ‘фар деди: Агар бир киши бир кишидан тўлиқ уй сотиб олмоқчи бўлса, ҳамда бу уйлар бир маконда жойлашган бўлса, унга кирадиган ва қарашили нарсаларни ва тўрттала томонини ҳисобга олиб, келишув шундай ёзилади. Фулон бин Фулон бин Фулон ал-Фулоний, Фулон бин Фулон бин Фулон ал-Фулонийдан дастлабки келишувдаёқ ушибу мавзе ва шаҳарда жойлашган, бир-бирига ёнмаён бўлган ушибу ер ҳовлиларнинг барчасини сотиб олди. Ушибу ҳовлижой келишувда кўрсатилган, ...деб номланадиган ишиоотлар билан ўралган<sup>196</sup>.

Ушибу матнда асосий иш ҳаракат сотиб олди – иштаро (аштри) ўтган замон феълида берилмоқда. Шу ўринда ат-Таҳовий сотиб олмоқчи бўлса, сотиб олади деган келаси замонда бажариладиган феъл замонларини ишлатмаган. Мана шу услугубарча шурут асарлари ёзган фақиҳлар учун умумий қоидадир.

2) *Формуляр тузишдаги қўлланган услугуб ва нуқтаи назарлар*. Ат-Таҳовий ва бошқа ҳанафий фақиҳлар формуляр тузишда икки томон манфаатларига дикқат қилгандар. Масалан, мулкчиликка оид бўлган масалада икки томон келишуви сотдим ва сотиб олдимга ўхшаш. Ат-Таҳовийнинг бу масалада ўзига хос услугиб бўлиб, у формулярларни тузиш борасида бошқа мазҳаб фақиҳлари ёки ҳанафийлик мазҳаби

<sup>196</sup> Wakin. – Б. 49а.

асосчилари билдирган фатволарни келтириб қиёслашдан кўра кўпроқ ўзида мавжуд тажрибаларга таянган<sup>197</sup>. Мана шу жиҳат олим асарларининг ўз даври ва ундан кейинги даврларда яшаган ҳанафий фақиҳлари ва қозилари томонидан юксак қадрланишига сабаб бўлган.

Демак, кўриниб турганидек XIII асрларгача яратилган ислом хужжатшунослигига оид асарларда асосий эътибор бирор мавзуда келтирилган фатволарни далиллашга эмас, балки аниқ бир мақсадга йўналтирилган масаланинг объектив ва субъектив жиҳатларини тўла ёритиб ўтишга қаратилган. Шунинг учун тузилган кўпгина формулярларда аниқ мақсад ва бирон-бир шахснинг ўзигагина боғлиқ бўлган масалалар кўрсатиб ўтилган.

Қадимги Вавилон нотариал хужжатлари ва ислом хужжатшунослигини бир-бирига қиёслаб ўрганган олим Йозеф Шаҳт фикрича, исломда тузилган формулярлар икки томон манфаатларига бирдек мурожаат қилинганлиги билан қадимги Вавилонда яратилган хужжатлардан устунликка эгадир. Чунки қадимги Вавилон хужжатларида *сотувчи ва сотилаётган* мулк аниқ келтирилса-да, сотиб олаётган томон ва мулкнинг қай кўринишда сотилаётгани ҳақидаги маълумотлар етишмайди<sup>198</sup>.

Исройллик тадқиқотчи Моше Гил фикрича, қадимги Оссурия ва Вавилонда яратилган савдо битимлари икки томонлама бўлишига қарамай, матнда фақат бир томон, яъни олий табака вакили манфаатлари устун кўйилган. Араб-ислом хужжатларида эса *сотиб олдим ва сотдим* иборалари аниқ кўрсатилиб, томонларнинг субъектив ва объектив жиҳатларига алоҳида ахамият қаратилган, деган фикрни беради<sup>199</sup>.

Шунингдек, ат-Таховий шартномалар тузиш илмига оид битимларни янада такомиллаштириб, *ىڭولا* (إقالة) – яъни меҳнат кучидан фойдаланиш бўйича битимни ёки савдо шартномасини бекор қилиш юзасидан тузиладиган шартномаларни тузиш шартларини ҳам ўргатмоқчи бўлади. Бу турдаги тузилаётган шартномаларга хос хусусият:

هذا ما شهد عليه الشهود أو هذا ما إستقال

<sup>197</sup> Wakin. – Б. 486.

<sup>198</sup> Schacht Joseph. Das kitab al-Shuf'a aus dem al-gami' al-Kabir fi-l-Shurut des Abu Ga'far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. Heidelberg. Carl Winter's Universitätsbuchhandlung, 1930. – Б. 8.

<sup>199</sup> Moshe Gil. Institutions and events of the eleventh century mirrored in Geniza Letters (Part I), Tel Aviv University Press, 1981. – Б. 158.

**Таржимаси:** “Уибұ шартномага күра унға қарши гувоҳлик бердилар ёки уибұ шартномага күра ишдан бўшатишларини сўради”, каби иборалар билан бошланишидир. Шундан сўнг ат-Таҳовий битимни бекор қилиш ёки ишдан бўшатиш сабабларини кўрсатиб ўтади. Ат-Таҳовийнинг бундай услубни кўллаши шартномаларнинг қонунийлик статусини ошириш мақсадида бўлиши мумкин. Ат-Таҳовий шартномани бекор қилишда ҳар икки томонни бир хил жавобгар деб ҳисоблайди ҳамда кўпроқ шартномани бекор қилиш муқъилик мажбуриятини савдо битими тузилаётганда сотаётган томон ёки иш билан таъминлаётган томонга бериб, иқрор бўлишиликни шарт деб ҳисоблайди.

Хулоса қилиш мумкинки, тузилаётган шартномада уч томон соҳиб ли-л- иқола (битимни бекор қилувчи шахс), соҳиб ли-л-икрор (битим тўғри тузилаётганини тан олиб, иккинчи томонда турган шахс), соҳиб ли-л-қазо ёки ақд (қозилик қилиб турган ёки келишувни назорат қилиб турган шахс) иштирок этган.

Шартнома юридик қийматга эга бўлиши учун иқрор мухим ҳисобланади. Икки томон тасдиқ этгандан сўнг (уибұ ёзма ҳужжат фалончиники, унға уибұ ҳужжатни фалончи ёзиб берди) деб расмийлаштириб кўйилган.

Ат-Таҳовий битимларни тузишда тилшуносликдаги тавтология<sup>200</sup> услубидан кенг фойдаланганлигини кўриш мумкин. Бу услуб кейинги давр ҳанафий факихлари асарларида ўзгармас метод сифатида қабул қилинган.

Ислом ҳужжатшунослигига оид асарларни ўрганиш хулосалари шуни кўрсатадики, шартномалар тузиш қоидаларини ўрганган факихлар асосий эътиборни мулкчилик муносабатларига қаратганлар. Ат-Таҳовий кўллаган мулкчиликка оид қоидалар ҳам кейинги давр факихлари асарига ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, ат-Таҳовий уч турдаги мулк савдосини қатъий таъкиқлагани боис ундан кейинги манбаларда ҳам ушбу турдаги мулк савдоси бўйича тузилган битимларни юридик қиймати йўқ, деб ҳисоблаганлар. Булар, طرق (*turuq*) – йўллар, (maso ’il) – сув йўллари ёки каналлар, مراافق (*marofiq*) – умумфойдаланиш жойлари ёки коммунал хизматлар. Бу уч турдаги мулклар назоратини ат-Таҳовий қозилар ихтиёрига топширишни жоиз

<sup>200</sup> Тавтология бу – бир фикрни бошқа сўзлар билан такрорлаш деган маънони беради.

хисобламаган. Балки уни давлат томонидан назорат қилинишилигини шарт деб билган<sup>201</sup>.

Хозирги кунимизга қадар кўплаб шарқ-мусулмон мамлакатларида жумладан, Ўзбекистонда ҳам юкоридаги учала мулк турларининг давлат томонидан назорат қилинишини тарихий жараён деб баҳолаш мумкин бўлади. Чунки бундай турдаги умумманфаат қасб этадиган мулк турларининг бир шахс назоратига олиниши унинг бу мулклардан фойдаланишда тарафкашликка йўл қўйишига олиб келади.

Шунинг учун кўчмас мулк бўйича тузилаётган шартномаларда ат-Таҳовий, албатта, йўлдан ёки каналдан бошқа деб, таъкидлаб ўтади. Масалан:

قال ابو جعفر و اذا اشتري رجل من دارا إلا طریقا

**Таржимаси:** Абу Жа'фар деди. Агар бир киши бир кишидан ҳовли-жой сотиб олса, йўлсиз сотиб олсин<sup>202</sup>.

Ушбу ҳолатда ат-Таҳовий ۱۰ (илла) юкламаси орқали умум фойдаланиш мумкин бўлган йўлни хусусийлаштиришни юридик жиҳатдан таъкидлаб қўйган.

Қадимги қонунчилик тизимини ўргангандарблик тадқиқотчи Михаил Тунг (*archaic law*) да хужжатлар фақат бир томон доирасида қонунийлаштирилган. Шунга кўра, бу турдаги хужжатларни *unilateral* (бир томонлама аҳамиятга эга) кўринишдаги хужжатлар деб аташ мумкин<sup>203</sup>, деган фикрни беради. Лекин асли бундай эмас, тадқиқ этилаётган манбаларда намуна сифатида келтираётган хужжатлар фақат қози томонидан расмийлаштирилган бўлса-да, асли бу хужжатларга *bilateral* (икки томонлама аҳамиятга эга) бўлган хужжатлар деб таъриф бериш тўғри бўлади. Чунки қози формуларда икки томон қизиқишиларини бир хил баён этган. Ат-Таҳовийнинг куйида келтирган мисолида ҳам буни билиш мумкин:

...و اذا اشتري رجل من دار بطيقه فيها كتبت هذا  
ما اشتري فلان بن فلان من فلان بن فلان اشتري منه جميع البيت  
الذى من الدار التى بمدينة كذا ثم تحدّد الدار ثم تصف موضع البيت

<sup>201</sup> Wakin. – Б. 83.

<sup>202</sup> Wakin. – Б. 51a.

<sup>203</sup> Michael. H. Thung. Written obligations from the 2nd \8th to the 4th\10th century. The Journal, Islamic Law and Society, Vol. III. – Leiden: E.J. Brill, 1996. – Б. 3-13.

منها و تحّده ثم تكتب بحدود جميع ما وقع عليه هذا البيع المسمى  
في هذا الكتاب وأرضه و بنائه و مرافقه في حقوقه و طرقه التي  
هي له في هذه الدار التي هو منها المحدودة في هذا الكتاب.

**Таржимаси:** Агар бир киши бир кишидан йўлаги билан қўшиб ҳовлилик бир уй сотиб олса, ушбу уй-жой савдоси қўйидаги расмийлаштирилган. Яъни Фулон ибн Фулон, Фулон ибн Фулондан ушибу расмийлаштирилаётган уйни сотиб олди. Сотувчидан ушибу шаҳарда жойлашган ҳовли ва ундаги барча уйни сотиб олди. Сўнгра ҳовлининг чегараси кўрсатилган, сўнгра ҳовлида жойлашган уйning ўрни кўрсатилиб, чегаралаб берилган. Сўнгра ҳовлида жойлашган барча обьектлар аниқ кўрсатилиб, ушибу ҳужжатда ...деб номланган савдо тури ёзиб қўйилган. Шунингдек, уйning майдони, қурилганлиги, уйдаги мавжуд қулайликлардан фойдаланиши ҳуқуқлари, ушибу ҳовлига кирувчи йўллар ва уларнинг чегаралари ҳам ҳужжатга киритилган<sup>204</sup>.

Юқоридаги тадқиқотчилар изланишлари ва хуносалари формулялар тузиш ислом келгунга қадар ҳам қадимги Рим, Миср, Месопатамия, Вавилон ва Оссурияда ривожланганлигини кўрсатади. Лекин жамиятда қулчилик муносабатлари, кулдорлик қаттиқ илдиз отганлиги боис паст табака вакиллари формуляларда акс этмаган. Ислом келиши билан қулчилик анъаналари сакланиб қолган бўлсада, кейинчалик исломнинг ёйилиши қулчилик анъаналарининг заифлашувига олиб келди ва дин ишларида жамиятда ўзаро тенглик масалалари ривожланиб борди.

### **Абу Наср ас-Самарқандий асарларида қозилик маҳкамаларининг иш юритиш тажрибалари баёни**

Мовароуннахр қозилик маҳкамаларида амалда бўлган ҳужжатларсиз ўзбек давлатчилик тарихини тасаввур этиб бўлмайди. Чунки ҳужжатчилик иши – давлатчилик тарихи билан чамбарчас боғлиқидир. Ҳар бир давлат ўз ҳудудида иш юритиш қоғозлари ҳамда бошқарув ишлари, колаверса, ёндош эллар билан қўшничилик алоқаларини ҳуқуқий ҳужжатларсиз амалга ошира олмайди. Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳам ҳужжатчилик ишлари юкори савияда йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин.

---

<sup>204</sup> Wakin. – Б. 536.

Мовароуннахрлик факиҳлар азалдан ўзаро ҳуқуқий муносабатларини қайд этиб боришга алоҳида эътибор берганлар. Шу боис ўтмиш ёзма меросимизнинг анчайин катта қисмини расмий матнлар, васиқалар ва хужжатшуносликка оид бўлган асарлар ташкил этади.

“Аш-Шурут ва ‘улум ас-сукук” ҳамда “Илм аш-шурут ва-л-васо-иқ”, “Русум ал-Кузот” Мовароуннахр хужжатшунослиги тарихини очиб берувчи муҳим манбалар сирасига кириб, ушбу асарларнинг муаллифи Ҳоким ал-Имом Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Самарқандийдир (Бундан кейин. Абу Наср ас-Самарқандий). Қураший келтирган маълумотларгага қараганда аллома 486/1093 йилда Самарқандда таваллуд топган ва 550/1155 йилда шу шаҳарда вафот этган<sup>205</sup>.

Хожи Халифанинг фикрича Абу Наср ас-Самарқандий, “Имом ал-худа”, “ал-Фақиҳ” номлари, “Абу-л-Лайс” куняси билан машҳур бўлган Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандийни (ваф. 375/985) ўзига устоз санаб, унинг асарларидан талабаларга дарс беради<sup>206</sup>. Йирик табақот асари ёзган алломалардан бири Умар Ризо Абу Наср ас-Самарқандийни “ал-Ҳоким” куняси билан атайди<sup>207</sup>. Қураший эса “ал-Ҳоким” куняси ўрнига “ал-Ибрисмий” кунясини беради. Қурашийнинг факиҳга нисбатан айнан юқоридаги куняни истифода этиши Абу Наср ас-Самарқандийнинг араб бўлмаганлиги ҳамда ерлик факиҳлардан эканлигига далолат қиласди.

Абу Наср ас-Самарқандий фатволаридан кейинги даврларда яратилган асарларда кўп фойдаланганликларини кўриш мумкин. Масалан, Абу Бакр Захириддин ал-Марғинонийнинг (ваф. 619/1222 й.) “ал-Фатово аз-захирийа” асарида Абу Наср ас-Самарқандий шахсияти ва яратган асарларига юқори баҳо берилади<sup>208</sup>. Маълумки, Захириддин ал-Марғиноний ва Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Исмо‘ил ас-Саффор (ваф. 534/1139 й.) оиласидан этишиб чиққан факиҳлар

<sup>205</sup> Қураший Абу Муҳаммад ‘Абдулқодир ибн Абильвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавохир ал-музий‘а фи табақот ал-ҳанафийя. 5 жилдли / ‘Абдулғаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв таҳрири остида. – Коҳира: Ҳижр, 1993. Ж.1. – Б. 215 (Бундан кейин. Ал-Қураший).

<sup>206</sup> Каشف аз-зунун. Ж. II. – Б. 1046.

<sup>207</sup> Каҳҳола Умар Ризо. Муъжам ал-муаллифин. 15 жилдли. – Байрут: Дор ихё ат-турис ал-арабий, 1980. Ж. 2. – Б. 109.

<sup>208</sup> Захириддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ‘Умар ал-Бухорий ал-Марғиноний. Ал-Фатово аз-захирийа. – Бағдод: Ироқ давлат қўллётмалар музейи // Қўллётма № 009654, жами 692 варак. 162, 176, 177, 182 вараклар.

Марвдан кўчиб келиб, Бухорода ҳокимлик қилган Оли Моза оиласи (хукм. дав. 495-636/1101-02-1238 й.) фақиҳларига муҳолифда бўлғанлар. Абу Наср ас-Самарқандий ҳам Оли Моза оиласига муҳолифда бўлган маҳаллий уламолар билан ҳамфикр бўлган (Оли Моза оиласидан етишиб чиқкан фақиҳлар ва ҳокимлар шажарасини билиш учун 3-иловага қаранг).

Ёкут Ҳамавий (ваф. 626/1229 й.) ўзининг “Му‘жаму-л-булдон” асарида Абу Наср ас-Самарқандийни Самарқанд ҳокимлари қаторида беради<sup>209</sup>.

Турк тадқиқотчиси Умар Сонар Ҳункан берган маълумотга қараганда, Абу Наср ас-Самарқандий Қорахоний сultonларидан Арслонхон Мұхаммад ибн Сулаймон (хукм дав. 495–524/1102–1130 й.) даврида Самарқандда қозилик ва ҳокимлик лавозимларида ишлаган<sup>210</sup>.

Кўриниб турибдики, Абу Наср ас-Самарқандий “ал-Ҳоким” куняси билан танилиб, Самарқандда ҳакамлик ва қозилик вазифасини ҳам ижро этган. Арабий истилоҳда “ал-Ҳоким”нинг иккинчи маъноси “ҳакамлик қилувчи қози” демакдир<sup>211</sup>. Бундан ташқари, қозилик ишларини юритишга оид йирик ҳажмдаги асарларни яратиш учун олим нафакат юксак билим ва кўниkmaga, балки кўп йиллик бой тажрибага ҳам эга бўлиши зарурдир.

Абу Наср ас-Самарқандий ҳаёти ва илмий мероси ва унинг XI-XIII асрлар Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида айтарли катта тадқиқотлар амалга оширилмаган. Аллома илмий меросини тўлиқ ўрганиш ва ўзбек давлатчилик мактаби тажрибаларини янги илмий хуносалар билан тўлдириш замонавий исломшунослар олдида турган масъулиятли ҳамда шарафли вазифалардан биридир.

Абу Наср ас-Самарқандий ҳанафий фақиҳи бўлишига қарамасдан бизгача унинг асосан, қозилик ишларини юритишга доир асарларигина етиб келган. Бундан ташқари фақиҳнинг ибодат, муомалот, жиноят ишларига оид фатволари ҳам мавжуд бўлиб, “ал-Фатово ал-Ҳиндийя” асарида бу ҳақидаги маълумотлар ва айнан фатволардан

<sup>209</sup> Ҳамавий Ёкут. (ваф. 626/1229). Му‘жамул-булдон. 5 жилдли. – Байрут. Дор ал-ғикр, 1980. – Ж. 2. Б. 67 (Бундан кейин. Му‘жамул-булдон).

<sup>210</sup> Ömer Soner Hunkan. Türk Hakanlığı (Karahanlılar) Kuruluş-Gelişme-Çöküş (766–1212). – İstanbul: Tanıtım Hizmetleri Ticaret Limited Şirketi, 2007. – 523 b.

<sup>211</sup> Маълумот учун қаранг: Edward William Lane. Arabic-English lexicon. – Beirut, 1968. Vol. 6. – B. 576.

намуналар келтирилган<sup>212</sup>. Демак, фақиҳ илмий меросини ўрганишда унинг фатово жанрида ёзилган бошқа туркум асарларини излаб то-пиш ушбу йўналишдаги янги тадқиқотларни амалга оширишга имкон яратади.

Абу Наср ас-Самарқандий шахсияти баъзи ҳолларда Абу-л Қосим Исломил ибн Мухаммад ал-Ҳаким ас-Самарқандий (ваф. 342/953 й.) шахсияти билан чалкаштириб юборилади. Ал-Ҳаким ас-Самарқандий Абу Ҳафс ал-Кабирдан фикҳ илмини ўрганганд. Унинг “ас-Су’ал ал-аъзам” деган асари мавжуд. Мазкур аллома ҳаёти ва ижоди бўйича ҳам кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Немис исломшуноси Карл Брокельман кўплаб марказий осиё-лик фақиҳлар илмий мероси билан танишиб, улар ҳақда изланишлар олиб борганига қарамай, ўз тадқиқотларида Абу Наср ас-Самарқандий шахсига тўхталиб ўтмаган<sup>213</sup>. Демак, фақиҳнинг халқаро фондларда сақланаётган кўлёзма нусхалари ҳақидаги маълумотлар ҳам мавхум бўлиб, уларни аниқлаш ва тадқиқ этиш юртдош исломшунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти кўлёзмалар фондида ҳам фақиҳ яратган асарларнинг кўлёзма нусхалари аниқланмади.

Фақиҳнинг ҳаёти ва илмий меросига оид фикрлар кам бўлишига қарамай, канадалик исломшунос Ваел Ҳаллақ Абу Наср ас-Самарқандийнинг қозилик маҳкамалари фаолияти бўйича билдириган фикрларини юқори баҳолайди. Ваел Ҳаллақ ўзининг иккита мақоласида фақиҳ фикрларини таҳлил этади<sup>214</sup>.

Ваел Ҳаллақ Абу Наср ас-Самарқандийнинг “Русум ал-қузот” асарида келган қозилик маҳкамасига доир ҳужжатларни ўн қисмга бўлиб ўрганади.

Фикҳий истилоҳда қози ҳужжатлари сақланадиган девон قمطرة القاضي (қиматра ал-қози) деб аталиб, биринчи бўлимда

<sup>212</sup> Ал-Фатово ал-хиндийя. Ж.1. – Б. 162, 176, 177, 182, Ж.3. – Б. 34, Ж.6. – 316, 317, 375, 384, 387 бетлар.

<sup>213</sup> Қаранг: Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. 3 жилдли. – Weimar-Berlin: Хай’а ал-мисрийя, 1898-1993(Бундан кейин Brockelmann. GAL).

<sup>214</sup> Hallaq Wael.B. Model Shurut Works and the Dialectic of Doctrine and Practice // Jurnal, Islamic Law and Society, Vol. II. (Leiden: E.J.Brill, 1995). – Б. 109-134; Шу муаллиф. the qadi’s diwan(sijill) before the Ottomans // Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London. Vol.61, – № 3.(1998). – Б. 415-436.

гувоҳлар берган кўрсатмалар билан боғлиқ тарихий хужжатлар, яъни қозининг муҳри билан тасдиқланган маҳзар – протокол хужжатлар сақланган. Иккинчи бўлимда гувоҳларнинг кўрсатмалари қун ва ойи тасдиқланган ҳолда сақланган. Учинчи бўлимда маҳбуслар ва уларнинг жиноятлари билан боғлиқ ишларига доир хужжатлар, тўртинчи бўлимда аёл жиноятчилар ва уларнинг иши билан боғлиқ хужжатлар, бешинчисида вақф мулклари ва улар жойлашган манзилга оид хужжатлар, олтинчисида вақф мулкларига масъул шахслар ҳакидаги маълумотлар ва ҳар бир вақф мулкларининг молиявий кирим-чиқимларига оид хужжатлар бўлган.

Еттинчи бўлим вақф мулклари бўйича масъул шахслар томонидан қозига тақдим этиб борилган ҳисоботлар, саккизинчи бўлим қозилик девони амалда бўлиб турган шаҳар ёки вилоятда яшайдиган ва яшаган қозилар, факихлар, сultonлар, амирлар, пайғамбар авлодлари, вазирлар, ҳарбий саркардалар ва бошқа давлат идоралари вакилларига қарашли маълумотлар билан тўлдирилган. Тўққизинчи бўлимда қозилик маҳкамаси назоратидаги вакилларга оид хужжатлар ва ўнинчи бўлимда ҳар бир шаҳардаги вакиллар олиб бораётган ишлар ҳисоботи сақланган.

Абу Наср ас-Самарқандий ишлаб чиқкан ушбу ўнта девон таснифи бутун Мовароуннахр марказий шаҳарлари ва вилоятлари учун умумий ва муҳим дастак вазифасини ўтаган<sup>215</sup>.

Ваел Ҳаллақ хуносасидан шуни англаш мумкинки, Абу Наср ас-Самарқандий ижтиҳод методига таянган ҳолда ўрта аср Мовароуннахр марказий шаҳарларида иш юритувчи қозилик маҳкамаларини тубдан ислоҳ қилиб, янгича услуг ва методларга асосланган “аш-Шурут ва ‘улум ас-сукук”, “Илм аш-шурут ва-л-васо’иқ”, “Русум ал-қузот” каби нодир асарларни яратган (Абу Наср ас-Самарқандийнинг ушбу асарларида кўрилган масалалар билан танишиш учун 4-иловага қаранг).

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, Абу Наср ас-Самарқандий яшаган даврда Мовароуннахр қозилик маҳкамалари фаолиятини тартибга солувчи асосий қўлланма сифатида таълиф этилган асарлар кўпроқ Ироқ ҳанафий мактабида яратилган, Аҳмад ибн ‘Умар ибн Мухир аш-Шайбоний ал-Хассоғ (ваф. 261/875 й.), Абу

<sup>215</sup> Қаранг: Hallaq Wael.B. the qadi’s diwan(sijill) before the Ottomans // Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London. Vol.61, – № 3.(1998). – Б. 415-436.

Жа‘фар Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Салама ибн ‘Абдулмалик ал-Аздий ат-Таховий (ваф. 321/933 й.), Абу Бақр Аҳмад ибн Али ал-Ханафий ар-Розий ал-Жассослар (ваф. 370/981 й.) томонидан ёзилган “Адаб ал-қози” туркумидаги асарларга ёзилган шархлар күренишида бўлган. Бунга мисол тариқасида Шамсу-л А’имма даражасига етишган ас-Сарахсий, ал-Ҳалвоийлар ва Фахруддин Қозихон<sup>216</sup>, Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шахид, Захириддин ал-Марғиноний<sup>217</sup>лар томонидан битилган шархларни келтириш мумкин. Иккинчидан, фатово жанрида яратилган асарларда қозилик маҳкамаларининг иш юритиш тартиблари фуру‘ ал-фикҳга оид йирик қўлланмаларнинг бир бўлими сифатида кўриб ўтилган.

Абу Наср ас-Самарқандий мазкур фақихлардан фарқли ўларок, қозилик маҳкамалари иш юритиш тартибларини алоҳида ва йирик қўлламда ўрганадиган учта мустакил асар яратган.

Алломанинг “аш-Шурут ва ‘улум ас-сукук”, “Илм аш-шурут ва-л-васо’ик”, “Русумал-қузот” кабинодирасарлари Ироқдавлатқўлёзмалар музейи фондида сақланади. Ироқлик тадқиқотчи Мұхаммад Жасим ал-Ҳадисий мазкур манбалар устида изланишлар олиб бориб, 1985 – 1988-йиллар оралиғида уларни нашрга тайёрлаган<sup>218</sup>.

Мұхаммад Жасим ал-Ҳадисий Абу Наср ас-Самарқандийнинг юқоридаги уч асарини бир инвентар рақам, яъни 5739 рақам остида келтириб ўтган. Бундан маълум бўладики, тадқиқотчи нашрга тайёрлаган уч асар асли битта қўлёзма сирасида жамлаб қўчирилган бўлиб, тадқиқотчи уни алоҳида тарзда учга бўлиб ўрганган.

<sup>215</sup> Imam Fakhr ad-din Hasan b. Mansur al-Uzjandi al-Fargani. Fatawa al-Qadihan. ed. Moulvy Wilayat Husein Vol. 1-2. – New Delhi: Kitob Bhavan, 1994/1986). – 343 p, 408 p.

<sup>217</sup> Захируддин ал-Марғиноний. Ал-фатово аз-захирийя. – Бағдод: Ирок давлат кутубхонаси // Кўлёзма № 009654. – 692 в. – В. 1а-2б.

<sup>218</sup> Абу Наср ас-Самарқандий. Русум ал-қузот / Мұхаммад Жасим ал-Ҳадисий таҳрири остида. – Бағдод: Дор ал-хурийя ли-т-тиба‘а, 1985. – 450 б (Бундан кейин. Самарқандий. Русум ал-қузот); Абу Наср ас-Самарқандий. Китоб аш-шурут ва-‘улум ас-сукук / Мұхаммад Жасим ал-Ҳадисий таҳрири остида. – Бағдод: Визарат ас-сақофа ва-л-и‘лам, Дор аш-шу’ун ас-сақафийя ал-‘амма, оғоқ ‘арабийя, 1987. – 620 б (Бундан кейин. Самарқандий. Шурут ва-с-сукук); Абу Наср ас-Самарқандий. Китоб аш-шурут ва-л-васо’ик / Мұхаммад Жасим ал-Ҳадисий таҳрири остида. – Бағдод: Визарат ас-сақофа ва-л-и‘лам, Дор аш-шу’ун ас-сақафийя ал-‘амма, оғоқ ‘арабийя, 1988. – Б. 226 (Бундан кейин. Самарқандий. Шурут ва-л-васо’ик).

Абу Наср ас-Самарқандийнинг мазкур асари 509/1116 йилда ‘Умар ибн Абу Ҳасан ат-Тамимий томонидан сулс араб хатида кўчирилган. Ушбу нодир манба Ироқ давлат қўлёзмалар музейига асли марвлик бўлган ва Ироққа 1889 йилда кўчиб келган Абдулмажид ас-Санавий оиласи томонидан ҳада этилган.

Мухаммад Жасим ал-Хадисий келтирган маълумотга қараганда, юқоридаги қўлёзмалар музейида Абу Наср ас-Самарқандийнинг Абу Бақр Аҳмад ал-Жассос (ваф. 370/ 981 й.) томонидан таълиф этилган “Адаб ал-қози” асарига ёзган шарҳи ҳам сақланади.<sup>219</sup>

Шу ўринда келтириб ўтиш жоизки, Абу Наср ас-Самарқандий асарларининг бир қатор ҳалқаро фонdlарда сақланаётган яна бошқа қўлёзма нусхаларини излаб топиш ва уларни манбашунослик ва тарихнавислик нуктаи назаридан илмий тадқиқ этиш керак.

Немис тадқиқотчиси Улрих Ребшток берган илмий хulosаларга кўра, Абу Бақр Аҳмад ал-Жассос йирик ҳанафий факиҳи бўлишига қарамай, унинг фатволари Ироқ ва Шом ҳанафий мактабларига хос бўлган. Мовароуннахрлик факиҳлар эса ал-Жассосдан кўра ал-Хассофнинг “Адаб ал-қози” асарига шарҳлар ёзишни афзал кўришган.<sup>220</sup>

Шу борада аниқ илмий хulosага келишга “Адаб ал-қози” турқумида битилган қатор шарҳлар билан бир қаторда Абу Наср ас-Самарқандий томонидан Абу Бақр Аҳмад ал-Жассос (ваф. 370/ 981 й.) яратган “Адаб ал-қози” асарига ёзилган шарҳни аниқлаш, уни чуқур илмий тахлил этиш орқалигина эришиш мумкин.

Абу Наср ас-Самарқандий қозилик маҳкамаларида иш юртиш тартибларини ислоҳ қилишдан кўзлаган мақсадини қуидагича баён этади:

هُدُفُ الْكِتَابِ هُوَ أَعْظَمُهَا طَاعَةُ اللَّهِ تَعَالَى، وَ طَاعَةُ رَسُولِهِ، فَإِنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ فِي الْأَمْرِ بِهَا أَطْوَلَ آيَةً هِيَ قَوْلُهُ عَزَّ وَ جَلَّ: يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَائِنْتُمْ بِذَيْنِ إِلَى أَجْلٍ مُّسَمٍ فَاکْتُبُوهُ<sup>221</sup>

<sup>219</sup> Самарқандий. Шурут ва-л-васо’ик. – Б. 22.

<sup>220</sup> Қаранг: Ulrich Rebstock. Abwägen als Entscheidungshilfe in den usûl al-fiqh: Die anfänge der targîh-Methode bei al-Gassos // Der Islam (zeitschrift für geschichte und kultur des Islamischen orients) // 2003. – № 80. – Walter de Gruyter. Berlin. – Б. 110-122.

<sup>221</sup> Куръон. 2:282 (бу ерда ва бундан кейин Куръон оятларининг таржимаси қуидаги нашр бўйича берилади: Мансуров А. Куръони карим маъноларининг таржимаси

**Таржимаси:** Китобни ёзишидан асосий мақсад Аллоҳ таоло ва унинг расулига итоат этишидир. Буюклик ва қудрат соҳиби бўлмиши Аллоҳ таоло энг узун ояти каримасида қўйидаги амр-буйруқни нозил этди: “Эй иймон келтирганлар, бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз беришсангиз, уни ёзиб қўйинглар!”

Козилик маҳкамалари фаолиятини ўрганиб чиқкан бир қатор фақиҳлар каби Абу Наср ас-Самарқандий ҳам ўзаро ижтимоий-хукукий муносабатларни расмийлаштириб қўйиш жоизлигига биринчи далил сифатида Бақара сурасининг 282 оягини келтиради<sup>222</sup>. Абу Жа‘фар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг (ваф. 310/922 й.) фикрича, оядаги دَيْأَيْتُمْ – ўзаро қарз мумаласи қўлсангиз деган маънони تَبَاعِثُمْ – ўзаро савдо-сотиқ қўлсангиз ёки إِشْرَيْتُمْ – харид қилиб олсангиз деб ҳам тушуниш тўғри бўлади<sup>223</sup>.

Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, ушбу оятнинг нузули буғдой олди-сотдиси сабаблидир<sup>224</sup>.

---

ва тафсири. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. Куръон сўзидан кейинги биринчи ракам – сура, иккинчиси эса – оятнинг тартиб ракамини билдиради); Самарқандий. Русум ал-кузот. – Б. 19.

<sup>222</sup> Ушбу оятнинг тўлиқ таржимаси қўйидагича: Эй иймон келтирганлар, бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз беришсангиз, уни ёзиб қўйинглар! Ўрталарингизда бир котиб адолат билан ёссин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдиргандек ёзишдан бош тортмасин, албатта, ёссин! Зиммасида қарзи бўлган киши айтиб турсин, Робби – Аллоҳдан кўркксин ва ундан бирор нарсани камайтириб ёзмасин! Агар гарданида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш ёки ўта кекса) бўлса, ёки (кар, соковлиги ё тил билмаслиги туфайли айтиб) ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳоммий-вакили адолат билан айтиб турсин! Сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан иккаки ёркак кишини гувоҳ килинглар. Агар иккаки ёркак топилмаса, бир ёркак билан икки аёлдир – бири (унутиб) адашганда, иккинчиси эслатади. Гувоҳлар чакирилганда, (келиб гувоҳлик беришдан) бош тортмасинлар! Ҳоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддатигача ёзib қўйишдан эринманглар. Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа килмаслика яқинроқ (хукм)дир. Лекин ўрталарингиздаги айланма нақд савдо бўлса, уни ёзмаслигингизда сизларга гуноҳ йўқдир. Ўзаро савдо-сотиқ қилганда ҳам гувоҳ келтиринг! Котиб ҳам, гувоҳ ҳам заарланмасин. Агар шундай қилсангиз (зарарлантирангиз), бу сизнинг фосиклигингиздир. Аллоҳдан кўркингиз! Аллоҳ сизларга (шундай) таълим беради. Аллоҳ ҳамма нарсани билувчидир. (Изоҳ: Бу ердаги буйруқ катъий эмас, балки мандуб – ихтиёрийдир. Олди-сотдини гувоҳлар хузурида қилишлик ҳар эҳтимолга қарши тавсия этилади).

<sup>223</sup> Абу Жа‘фар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тафсир ат-Табарий / Ахмад Мұхаммад Шокир ва Маҳмуд Мұхаммад Шокир таҳрири остида. 15 жилдли. – Қоҳира: Мактаба ибн Таймийя, 2006. Ж.6. – Б. 43-93.

<sup>224</sup> Абу Жа‘фар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тафсир ат-Табарий / Ахмад Мұхаммад Шокир ва Маҳмуд Мұхаммад Шокир таҳрири остида. 15 жилдли. – Қоҳира: Мактаба ибн Таймийя, 2006. Ж.6. – Б. 52.

Қози ҳужжатларининг назарий асосларини илм даражасига олиб чиққан фақиҳлар учун ушбу оятнинг дақиқ жиҳати ундаги – فَأَكْتُبْهُ – дарров олди-бердини ёзib қўйинглар, деган маъно берувчи калимадир. Ҳужжатшунослик қоидаларини ўрганган фақиҳлар ушбу калимадан “ёзib қўйиш” феъли англатган маънодан ташқари ҳар қандай ўзаро келишилган мол айрибошлишни ҳуқукий расмийлаштириб қўйиш лозим, деган мазмундаги амални тушунганлар ва уни ҳаётга татбиқ килгандар. Натижада усул ал-фикҳда қуидаги қоида юзага келган:

– فَمَنْ إِذَا نَذَرَنَا فَلَيَكتَبْ، وَ مَنْ بَاعَ فَلَيُشْهِدْ – кимки қарз олди-берди қилса, ёзib қўйисин, кимки олди-сотди қилган бўлса, гувоҳ келтирсин<sup>225</sup>.

Абу Наср ас-Самарқандий иккинчи ўринда қуидаги ҳадисни далил қилиб келтиради:

عَنْ عَبْدِ الْمُجِيدِ بْنِ وَهْبٍ قَالَ لِي الْعَدَاءَ بْنَ خَالِدَ بْنَ هُوَذَةَ  
أَلَا أَقْرَئُكَ كِتَابًا كَتَبَهُ لِي رَسُولُ اللَّهِ (ص.ع.و.) قَلَتْ: بَلِي، فَأَخْرَجَ  
لِي كِتَابًا هَذَا مَا اشْتَرَى الْعَدَاءُ بْنُ خَالِدٍ بْنُ هُوَذَةَ مِنْ مُحَمَّدٍ رَسُولِ  
اللَّهِ اشْتَرَى مِنْهُ عَبْدًا أَوْ أُمَّةً لَا دَاءَ وَ لَا غَائِلَةَ وَ لَا خَبَثَ بَيْعَ الْمُسْلِمِ  
الْمُسْلَمَ .<sup>226</sup>

**Таржимаси:** Абдулмажид ибн Ваҳбдан ривоят қилинган: “Менга Адда ибн Холид ибн Ҳавза (р.а.): “Сенга Расулуллоҳ (с.а.в.) менга ёздириб берган хатларини ўқиб берайми?” – деди. ”

“Ҳа”, – дедим. У менга бир ёзма мактуб чиқарди. Унда шундай дейилган эди:

“Ушибу Адда ибн Холид ибн Ҳавза Мұхаммад Расулуллоҳдан сотиб олган нарса: мусулмоннинг мусулмонга сотган савдосидир. Ундан бир күл (ёки жсория) сотиб олди. Касаллиги йўқ, ёмонлиги йўқ, ифлослиги йўқ” деб ёзилган эди<sup>227</sup>.

<sup>225</sup> Абу ‘Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Фархун ал-Йагмарий. Табсира ал-хуккам фи-л-усул ал-ақзийя ва манаҳиж ал-аҳкам. 2 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийя, 1415/1995. Ж.2. – Б. 75.

<sup>226</sup> Самарқандий. Русум ал-кузот. – Б. 19.

<sup>227</sup> Абу Наср ас-Самарқандий мисол килиб келтирган ҳадисни. Имом ат-Термизий ўзининг “Сунан” асарида келтириб ўтган. Имом Бухорий ушбу ҳадисни бироз тўлдирилган шаклда, яъни “..... – الغائِلَةُ الرَّبَّا وَ السُّرْقَةُ وَ الْإِبَاقُ .....” ёмонликдан мурод – зино, ўғирлик ва қочиб кетиш” деган қисмини ҳам қўшиб ўтади.

Фақиҳнинг ушбу ҳадисни келтириб ўтишидан мақсад ислом хукукида ҳужжатлар ва битимлар тузишни хукукий асослаб қўйишидир.

Ушбу ҳадис мазмунини амалиётда кўллаш масаласи ўрта асрларда яшаган фақиҳлар илмий ижодида кенг ўринда ёритиб ўтилган.

Яъни қозилик ҳужжатларини юритиш бўйича асарлар яратган алломалар юқоридаги оят ва ҳадисларни асос қилган ҳолатда, ислом ҳужжатшунослигига бир қатор ўзгартиришларни олиб киргандар. Жумладан:

– икътисодий олди-бердиларни ҳужжатлаштириб қўйиш, гувоҳларни ёзиб қўйишини ҳужжат тузиш шартларидан бири этиб белгилаш;

– хукукий ҳужжатларида олдин оддий ҳалқ вакили бўлган фуқаронинг исмини ёзиг, кейинги ўринда катта ва мартабаси улуғ одамнинг исмини ёзиш (масалан: Пайғамбар (а.с.), султон, волий, қози ал-қузот ва ҳқз);

– ҳужжат сифатида тузилган қайдномаларга машхур бўлмаган одамнинг исмидан ташқари, унинг отаси ва бобосининг исми ҳам ёзилишини шарт қилиш (чунки шахснинг исминигина ёзиш ёки исми ва отасининг исмини ёзиш ҳужжат эгасини унга исмдош киши билан адаштирилишига олиб келиши мумкин. Лекин ўзи, отаси ва бобосининг исми бир бўлган шахсларни учратиш деярли камёб ҳолат бўлганлиги боис, уч исмнинг бир пайтда ёзилиши унинг ўзга шахс билан адаштириб юбормасликнинг кафолати сифатида қаралган.);

– ҳужжатда наسابни ёзиш ихтиёрий бўлиши;

– савдо пайтида молнинг баҳоси, сифати, микдори, камчилигини ёзишини шарт қилиш;

– сотилаётган предметнинг айблардан ҳоли эканлигини ёзиш (юқоридаги ҳадисда келтирилгани каби, яъни қулнинг дардманд эмаслиги, ёмон эмаслиги, покизалиги унинг айблардан ҳоли эканига далолат қиласди);

– ҳужжатни қози муҳри билан тасдиқлаб қўйиш каби жиҳатлар шулар жумласидандир.

Абу Наср ас-Самарқандий қозилик ҳужжатларини юритишга оид асарларни тузишдан кўзлаган мақсадини қуидагича баён этади:

نَفِيَ الْفَسَادُ عَنِ الْعَقْدِ، وَ إِصْلَاحُ ذَلِكَ إِنْ وَقَعَ عِنْدَ الْعَقْدِ، وَ قَدْ  
أَعْظَمَ اللَّهُ تَعَالَى مَحْلَ الْكِتَابَةِ، حِيثُ جَعَلَ لَكَاتِبَ الشَّرُوطِ مَحْلَ

**التعليم من جهته مضافا اليه فقال: (أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلِمَهُ اللَّهُ<sup>228</sup>)**

ثم رأيت العمل بموجب هذه الوثائق و حمل المكتوب له و المكتوب عليه على حكمها، عند امتلاع أحدهما إلى الحكم و القضاة. فسألت فقصدت كتبة نسخ إرتضاهما علماء زمانى، و إجتمعت كلمتهم على صحتها، و إنقاء الخل عنها فنسخت و الله تعالى الموفق للسداد و الصواب.

**Таржимаси:** Келишув пайтида содир бўладиган камчиликни бартараф этишида Аллоҳ таоло ёзиб қўйши ўринларини белгилаб берди ва котиблик шартларига киритди. Шунга қўшимча “Худди Аллоҳ ўргатганидек ёзисин” деди. Сўнгра уишибу ҳужжатлар зарур эканлигини тушуниб етдим ҳамда зидди ва фойдасига ҳукм қилинган ҳужжатлардаги қози ва ҳокимларга боғлиқ бўлмаган масалаларни кўтардим. Замонам олимлари маъқуллаб кўчирган ёзма ҳужжатларни сўраб ўрганишига ҳаракат қилдим. Савоб, дўзахдан парда, Аллоҳ таолонинг ризоси учун ва дўзахдан парда ва савоб бўлсин деб, улардаги фикрларнинг энг тўғриларини тўпладим ва уларнинг фикрларида учраган баъзи камчиликларни тўғрилаб ёздим<sup>229</sup>.

Абу Наср ас-Самарқандийнинг “аш-Шурут ва ‘улум ас-сукук”, “Илм аш-шурут ва-л-васоик”, “Русум ал-кузот” каби нодир асаларида асосан, ўрта асрларда Мовароуннахрда амалга оширилган савдо-сотиқка оид ҳужжат тузиш шартлари кўриб чиқилган.

Факихнинг “аш-Шурут ва ‘улум ас-сукук” асари ўттиз бобни ўз ичига олади.

“Аш-Шурут ва ‘улум ас-сукуك” асарида берилган масалаларни қуидаги тартибда тақсимлаб чиқиш мумкин.

Дастлаб, Абу Наср ас-Самарқандий мутлақ савдо битимларининг умумий шартлари ҳақида фикр юритади. Жумладан, савдо битимида энг аввал *мубай‘а ‘a –*<sup>230</sup> (مبایعه مبایعات) ҳужжатда кўрсатилган мол *нақд* – ёки ўрнини босувчи маҳсулот ‘иваз – عَوَضٌ – аниқ кўрсатилади<sup>231</sup>. Сўнгра иккинчи даражали ёки кейин пайдо бўлган келишув шартлари

<sup>228</sup> Қуръон: 2:282.

<sup>229</sup> Самарқандий. Русум ал-кузот. – Б. 19.

<sup>230</sup> *мубай‘а ‘a –* (مبایعه مبایعات) – олди-сотди ҳақида келишиб олиш ёки мол-мулкни сотиб олганлик ва унга эгалик ҳақидаги расмий ҳужжат.

<sup>231</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 21.

*ash-shuрут الْشُرُوطُ اللَّوَاجُقُ* – қайд қилинган. Мазкур ҳолатда күшимишча шартлар битимнинг ҳақиқий эканлигига таъсири ўтказмаслиги шарт бўлган. Абу Наср ас-Самарқандий бу борада фақиҳларнинг ихтилофини ҳам бериб ўтади<sup>232</sup>.

Абу Наср ас-Самарқандий кейинги ўринда битимлашаётган томонлар масаласига ўтиб, тузилаётган битимда томонларнинг исми ва насаби зикр этилиши шарт деб, хисоблади. Бу ерда насабдан мурод шуки, агар битим тузяётганлар таниқли бўлсалар ота ва бобосининг исми кифоя қилган. Мабодо оддий фуқаро бўлсалар ота ва бобоси исмидан ташқари қабиласи ва вилояти, қайси музофотга тегишли фуқаро эканлиги кўрсатилган. Агар бу шартлар топилмаган тақдирда икки солих кишининг гувоҳлиги битимда кўрсатилиши шарт бўлган. Сўнгра умумий гувоҳлар ва битим имзоланаётган сана қайд этилган.

Ўрнига ўрин тўлаш ‘иваз – عَوَضٌ бorasida муайян бир чегара мухим бўлиб, Миср ёки Ироқ маҳсулотларини Бухоро маҳсулотларига ‘иваз қилинмаган. Мовароуннарх марказий шаҳарларидаги ‘иваз келишувида Абу Наср ас-Самарқандий Абу Исҳок Иброҳим ибн Исмо‘ил ас-Саффор (ваф. 534/1139 й.) нинг “Ўрнига ўрин тўлаш масаласида маҳсулотнинг қаерда ишилаб чиқилгани, қиймати, тури ва иккала маҳсулотнинг нархи бир-бирига қанчалик мувофиқ келишилигига эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир ишилаб чиқилган маҳсулот жойи 300 фарсах<sup>233</sup>дан ошмаслиги керак ва маҳсулот айрибошлишда қўл-қўлни таниши ва гувоҳлар олдида икки томоннинг розилиги шарт” деган фикрига таянади<sup>234</sup>. Ҳамда ушбу қоидани келтиради:

... وَ أَمَا الْعَوْضُ: إِنْ كَانَ نَقْدًا فَتَعْرِيفُهُ بِبَيَانِ جَنْسِهِ، دَرَاهِمُ، أَوْ  
دَنَانِيرُ. وَ بَيَانُ نَوْعِهِ: عَدْلِيَةُ، هَرْوِيَّةُ، أَوْ نِيسَابُورِيَّةُ، غَطْرِفِيَّةُ.  
وَ بَيَانُ صَفَّتِهِ: جَيَادٌ، أَوْ زَيْوَفٌ، وَزْنُ خَمْسَةٍ، أَوْ وَزْنُ سَبْعَةٍ، أَوْ  
مَثَاقِيلُ بَوْزَنِ مَكَّةَ، أَوْ وَزْنُ غَزْنَةَ.

<sup>232</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 25.

<sup>233</sup> Фарсах (الْفَرْسَخ) – уни фарсанг ёки парсанг шаклида ҳам учратиш мумкин. У 3 мийл (хозирда ҳар бир мийл – 1848 метрга teng) ёки ўртача ташланган 12 000 қадам бўлиб, хозирда бир фарсах 5544 метрга тенгdir.

<sup>234</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 67.

**Таржимаси:** Ўзаро мол айрибоилашга келсак, агар у нақд тўлланадиган пул бўлса, пулнинг шакли: дирҳам<sup>235</sup> ёки динор<sup>236</sup> эканлиги, пулнинг тури: ‘адлиййа<sup>237</sup>, ҳиравиййа<sup>238</sup>, найсабуриййа<sup>239</sup>, ғитрифиййа<sup>240</sup> эканлиги, пулнинг сифати: аъло даражада – жийад, ёки қалбаки – зуйуф, беш вазнлик, етти вазнлик, макка мисқолида, газна ўлчовида эканлигини кўрсатиб ўтиши лозим<sup>241</sup>.

فإن كان مكيلًا، أو موزونًا، غير الذهب والفضة، فيبيان جنسه:  
حُنْطَة، أو شعيرًا. و بيان النوع: بخارية، أو نسفية. و بيان الصفة:  
سمراء، أو بياض، جيدة، أو رديئة، أو وسط، سقية، أو بخسية، و  
بيان الكيل: كيل معروفة من أهل البلد.

<sup>235</sup> Дирхам, дирхум (кўп. дароҳим) – – деб аталиб асли фореча сўздан олинган. Дастроб бу пул бирликлари Сосонийлар давлатида зарб этилган. Умар ибн Хаттоб уни Мадина давлатининг пул бирлигига айлантирган. Шунингдек, халифа Умар ибн Хаттоб хар ўнта дирхам пулни етти мисқолдан зарб қилинишини йўлга кўйган. “дирҳами шаръий” дейилганда айнан мана шу вазн назарда тутилади. У кумуш танга бўлиб, ҳажм ўлчови, хар хил вазнда бўлган, жумладан, хар ўнтаси беш мискол (бир мискол – 3,6 граммдан 4,8 граммгана хисобланган), хар тўқизтаси, хар олтитаси, хар бештаси беш мисқолдан кам бўлган. Ундан ташкари Дамашк дирхами – 3, 086 гр, Ироқ дирхами – 3, 125 гр, Сурия дирхами – 3, 14 грамларни ташкил этган. Қаранг: Сайд Мухаммад Муртазо ал-Хусайний аз-Забидий. Тож ал-арус мин жавахир ал-қомус. 40 жилдли. – Кувайт, 1994. – Ж. 35. – Б. 92.

<sup>236</sup> Динор ёки даннор (кўп. данонир) – – динар (دنانير) – – қийрот, қиртос сўзлари каби асли қадимги форс тилидан араб тилига кирган. Динор бир мискол оғирлигига зарб қилинган тилла тангадир. Ҳозирги кун хисоб-китобларга кўра 4, 25 граммга teng. Динор олти-еттита кумуш дирҳамга teng бўлган. Кейинчалик қиймати кумушга нисбатан 1:20 бўлган. Динорнинг оғирлигини 4, 235 граммга teng қилиб ҳам ўлчашган. Қаранг: Тож ал-арус мин жавахир ал-қомус. 40 жилдли. – Кувайт, 1994. – Ж. 35. – Б. 102.

<sup>237</sup> ‘Адлийя – Сомонийлар даврида Бухорода зарб қилинган, қизил мисдан ясалган пул бирлиги бўлиб, Мўтуллар боскинига қадар Фарғона водийси ва Шарқий Туркистоннинг асосий муомаладаги пул бирлиги саналган. Қаранг: Му‘жамул-булдон. – Ж. 4. Б. 244; Monika Gronke. The Arabic Yarkand documents. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol. 49, № 3. (1986), pp.454-507.

<sup>238</sup> Дирҳам ал-ҳиравиййа – Хурросон ўлқасининг йирик шахарларидан хисобланган Ҳиротда зарб этилган кумуш танга. Қаранг: Mu‘jamul-buldon. – Ж. 4. Б. 245.

<sup>239</sup> Дирҳам найсабуриййа – Нишопурда зарб этилган кумуш танга. Қаранг: Mu‘jamul-buldon. – Ж. 4. Б. 246.

<sup>240</sup> Ғитрифий – Хурросон амири Ғитриф ибн Ато’ томонидан 185/801 – 02 йили зарб эттирилган танга. Қаранг: Mu‘ин ал-фуқаро. Тарихи Муллазода. / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изохлар муаллифи Ш. Воҳидов, Б. Аминов. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. 95-изоҳ.

<sup>241</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 78.

**Таржимаси:** Агар тортадиган ёки ўлчанадиган бўлса ва кумуш ҳамда олтиндан бошқа жинсда бўлса, масалан: бугдой ёки арпа эканлиги ва унинг нави, Бухороники ёки Насафники эканлиги ва маҳсулот сифати, оқ ёки олий навлик бугдой эканлиги, яхши, ёмон, ўрта, нам ҳолда сақланганлиги ёки арzon эканлиги, ўлка аҳли орасида тан олинган ўлчов бирлиги кўрсатилиши лозим<sup>242</sup>.

Ушбу асарда Абу Наср ас-Самарқандий кўчмас мулклар бўйича тузиладиган ҳужжат турлари *سَكْ* – الصَّك ҳақида ҳам тўхталиб ўтиб, шу билан бир қаторда куйидаги кўчмас мулк турларини бериб ўтади:

Чорбог – Зой ‘а (النخل), хурмозор – нахл (الضيغة), ҳовли – дор (دار), дарсхона – михда (المخدع), *раст* – راستا, дўкон – ҳонут (الحانوت), тегирмон – تاھخونا (الطحانة), ҳаммом – حمام, узумзор – карм (الكرم), бўйстон, каптархона – бурж ал-ҳамам (برج الحمام), яроқлик ер – арз (الأرض), аҳоли яшайдиган жой – қорийя (القرية), тегирмон уй – тохуна (الطحونة), саҳнасиз иморатлардан иборат бўлган жой ёки арклар ва кетма-кет солинган пештоқлар – دار аллати لاخا سباق (الدار التي لها سباق), иморатлар солинган уйнинг ярими – نصف الدار (نصف الدار), иморатлар солинган уйдан фақат битта уй – ал-байт мин ад-дар (البيت من الدار) уйнинг ёки ҳовлиниг тўри – العلو (علو), ерсиз фақат (البناء دون الأرض) иморатнинг ўзига эгалик қилиши – بينا' دувна-ل-ارز (بينا' دувنا-ل-ارز) каби кўчмас мулкларни келтириб ўтади<sup>243</sup>.

Бундан шуни холоса қилиш мумкинки, Абу Наср ас-Самарқандий давридаги тузилиши шарт қилиб қўйилган савдо битимлари юқорида кўриб ўтилган мулкларни келтириб ўтади.

Шунингдек, Абу Наср ас-Самарқандий баъзи асбоб-ускуналар бўйича ҳам битимлар тузилганлигини эслатиб ўтади. Буларга: хунармандчилик, дехқончилик ва нефть булоқлари учун керакли бўлган жиҳозлар ҳамда кемачилик, чорвачиликка оид ускуналар бўйича битимларни киритиш мумкин.

Шундан сўнг Абу Наср ас-Самарқандий иморатлар, деворлар, ҳовлига-ҳовлини алмаштириш, булоқ сувини сотиб олиш, нефть булоқларини сотиб олиш, туз конларига эгалик қилиш, канални назорат қилиш, ер олди-сотдиси, кема савдоси, қул ва чўри савдоси, уй ҳайвонлари савдоси ҳақидағи битимларни мисол қилиб келтиради.

<sup>242</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 80.

<sup>243</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 82.

Кейинги бўлимларда Абу Наср ас-Самарқандий имтиёзли со-тиб олиш *шуф‘а* ҳакида тўхталиб, унга шериклик қилиш ёки эгалик қилиш, вакил орқали ёки тўғридан-тўғри эгалик қилиш, қози ёрдамида ёки ёрдамисиз эгалик қилиш ҳакида фикр юритади.

Кейинги бўлимларда маҳсулот етказиб бериш – *салам савдоси, ижара, муомала, музораба, муроҳаба* шерикчилиги, етказилган зарарга икрор бўлиш, мерос қолган молга эгалик чиқиш, кафиллик, молнинг қийматини тўлашни бошқа шахс зиммасига юклаш – ҳавола, молни тақсимлаш – қисма, хул<sup>‘</sup> ва талоққа оид масалалар, ҳиба *ва садақа* бериш шартлари, кул озод этиш – ‘*итоқ* ва васиятларга доир битимларни хужжатлаштириш шартлари таҳлил этилган.

Абу Наср ас-Самарқандийнинг “Илм аш-шурут ва-л-васо’ик” асарида эса жами эллик беш бобда хужжат тузиш шартлари кўрсатиб ўтилган (Ушбу боблар билан танишиш учун 4-иловага каранг). Фақиҳнинг мазкур асарини “аш-Шурут ва ‘улум ас-сукук” нинг давоми дейиш мумкин.

Абу Наср ас-Самарқандийнинг ушбу асари ўзида тўлиқ X–XIII асрларда Мовароуннаҳр марказий шаҳарларида амалда бўлган мулкчилик муносабатларини қамраб олади. Демак, “Илм аш-шурут ва-л-васо’ик” асари X–XIII асрларда Мовароуннаҳр марказий шаҳарларида тузиленган савдо битимлари ҳакида қимматли маълумотлар берувчи манба саналади.

Асар мол олди-сотди битимиш расмийлаштириш қоидаси билан бошланади:

...أقر فلان بن فلان الفلاني، في صحة بدنـه و عقلـه، و جواز أمرـه،  
طائعاً غير مكرـه، ولا مجـبر عليهـ.

**Таржимаси.** Фалон ибн фалон ал-фалоний жисмонан ва ақлан соглом бўлганда ва руҳсат этилган иш билан зўрлашсиз ва мажбурланмаган ҳолда икрор бўлди<sup>244</sup>.

Абу Наср ас-Самарқандий савдо битимиш расмийлаштиришда зўрлашсиз ва мажбурланмаган ҳолда қабилидаги сўзларни қоида сифатида киритиши Мовароуннаҳр тарихида хужжатшунослик қоидаларини тузишда икки томоннинг эркин ҳаракат қилиши муҳим бўлганлигини кўрсатади.

<sup>244</sup> Самарқандий. Шурут ва-л-васо’ик. – Б. 35.

Мовароуннахр ҳужжатшунослик тарихида савдо битимини имзолаётган томонларга танлаш имконияти ҳам берилганигини кўриш мумкин. Бундай ҳолатда Абу Наср ас-Самарқандий танлаш имкониятининг уч кундан ошмаслигини кўйидагича таъкидлаб ўтади:

شَرَأَ صَحِيحاً جَائزًا : عَلَى أَنْ فَلَانَا فِي حُمَّى مَا اشْتَرَى مَا سَمِّى وَوَصَفَ فِيهِ بِالْخَيَارِ، ثَلَاثَةُ أَيَّامٍ، اخْرَهَا غَرْبُ الشَّمْسِ مِنْ يَوْمٍ كَذَا، مِنْ شَهْرٍ كَذَا، مِنْ سَنَةٍ كَذَا.

وَعَلَى هَذَا، لَوْ كَانَ الشَّرْطُ: إِنْ لَمْ يَنْقِدِهِ الثَّمَنُ إِلَى ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ، فَلَا بَيْعَ بَيْنَهُمَا فِي هَذِهِ الدَّارِ،

وَعَلَى هَذَا، لَوْ كَانَ الشَّرْطُ: إِنْ رَدَ عَلَيْهِ الثَّمَنُ، إِلَى ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ، فَلَا بَيْعَ بَيْنَهُمَا.

**Таржимаси.** Танлаши савдоси тўғри бўлади: бироқ фалончи ...деб номланган мулкни сотиб олди ва унда танлаши имконияти бор, олиши-олмаслик муддати уч кун, сўнги муддат ушибу йил, ушибу ой, ушибу куннинг қуёш ботгунига қадар деб ёзиб қўйилади. Битимга мувофиқ яна шарт шуки, агар уч кун ичida тўлов шартини амалга оширмаса, томонлар ўртасидаги ушибу уй-жой бўйича қилинган савдо битими юридик кучга эга бўлмайди. Яна шарт шуки, уч кун муддатга қадар олган қийматини қайтариб берса, томонлар ўртасидаги савдо битими ҳақиқий бўлмайди<sup>245</sup>.

Абу Наср ас-Самарқандий ўша даврда битим тузәётган томонлар вакилларининг ташки белгилари, юз ва шакли-шамойилига ҳам алоҳида аҳамият беришни уқтирган:

أَقْرَأَ فَلَانٌ وَهُوَ شَابٌ أَدْمٌ، مَدِيدٌ الْقَامَةُ، كَثُرَ الْلَّحِيَّةُ، أَقْرَنُ، وَاسِعُ الْجَبَنُ، أَدْعَجُ، أَقْتَنُ، أَشَدُّقُ.

**Таржимаси:** Навқирон, узун бўйли, қалин соқолли, туташ қошли, кенг пешионали, қора кўз, қирра бурунли, катта оғизли фалончи иқрор бўлди<sup>246</sup>.

Абу Наср ас-Самарқандий ўрта асрлар Мовароуннахр марказий шаҳарларида амалда бўлган мулкчилик муносабатларини тартибида солиш бўйича бир қатор ҳужжат тузиш тартибини келтиради:

<sup>245</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 114.

<sup>246</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 118.

هذا كتاب فيه ذكر ما اشتري فلان بن فلان ، اشتري منه جماعة الدار التي موقعها بكوره سمرقند، في محله چار گوزر، اشتري فلان بن من فلان بن فلان جماعة هذه الدار المبين موقعها و حدودها في هذا الكتاب بحدودها و حقوقها و جميع مرافقها و طرقها و مجاري و مساليل مائتها و كل حق هو لها داخل فيها، و خارج منها، من علو و سفل و لين و اجر و قصب و خشب و أبواب و أغلاق و غير ذلك من حقوقها، بكل ذكرها شراء صحيحا جائز ابتناء، لا شرط فيه ولا خيار ولا مثنوية ولا تلجمة ولا وثيقة بمال. و قبض فلان من فلان جميع هذا الثمن المذكور في هذا الكتاب، و سلم إليه جميع ما باعه منه، و هو ما ذكر في هذا الكتاب شراءه، فسلم منه و نظر إليه و رضي به.

**Таржимаси:** Ушбу ҳужжатда эслаб ўтилишича фалончи ибн фалончи Самарқанд шаҳрида, Чор гузар маҳалласида жойлашган ҳовли жойни тўлалигича сотиб олди. Фалон ибн фалончи, фалончи ибн фалончидан ушбу уйни ошкора тўлалигича, унинг жойлашган ўрни ва сарҳадлари билан сотиб олди. Шунингдек, ҳовли-жойнинг ҳудудларидан, мулк билан боғлиқ ҳуқуқлардан ва барча имкониятларидан, йўлларидан, оқар ариқларидан ва сув йўлларидан фойдаланиши ҳамда ҳар бир уй ичкариси ва ташқариси билан боғлиқ ҳуқуқлар борки, ушбу ҳужжатга киритилди. Шунингдек, уйнинг тена ва пастки қисмлари, ҳом ва пиширилган гиштлари, қамишилари, ёғочи, эшиклари, қулф-калитлари ва боишқа шунга ўхшаши нарсалардан фойдаланиши ҳуқуқлари ҳам ҳужжатга киритилиб, шунчага шу турдаги дирҳамга узил-кесил саҳиҳ савдо амалга оширилди. Ҳужжатда боишқа шарт ва ихтиёр, икки томонлама келишиув, бошпана ва мулкка эгалик қилиши йўқ. Фалончи, фалончидан мулкни ушбу ёзма ҳужжатда кўрсатилган мазкур нарх асосида қабул қилиб олди. Харидорга сотовучи барча нарсасини топширганлиги унинг сотган мулкни харидор қабул қилиб олгани ва мулкни кўздан кечириб чиққани ва ундан қониқиши хосил қилгани ушбу ёзма ҳужжатда эслатиб ўтилди<sup>247</sup>

Аждодларимизнинг ҳуқуқий тафаккури тўғрисида немис шарқшуноси Ле Кокнинг фикрини келтириш ўринли бўлади. У

---

<sup>247</sup> Самарқандий. Шурут ва-с-сукук. – Б. 123 – 24.

шундай дейди: “Расмий ёзмаларнинг салмоқли бўлагида олди-берди муносабатига киришаётган кишилардан бири шахсан, ўз қўли билан ҳужжатни тузганлиги очиқ кўрсатилган. Ҳужжатларни тузини жараёнини бирор-бир ҳуқуқшунос ёки нотариус назорат қилгани расмий матнинг ҳеч қаерида қайд этилмайди. Бундан келиб чиқадиган муҳим хулоса шуки, ҳужжат тузишнинг йўл-йўриклири ва унда қўлланилувчи ҳуқуқий формуллярлар жасамиятнинг барча қатлами кишилари томонидан ўзлаштирилган кўринади”.

Ле Кок, иккинчи томондан гарб ҳужжатшунослигидаги *dossier* (досье)<sup>248</sup> ҳужжатлар айнан, ислом ҳужжатшунослиги анаъналаридан таъсирангандигини тан олади. Ле Кок бу ўринда Ўрта асрларда ислом дунёсидаги қозилик маҳкамаларида музаккийлик<sup>249</sup> лавозимидағи шахснинг қўлида айнан маҳкамага жалб қилинаётганларнинг шахсияти билан боғлиқ тўпланган маълумотларни тўпланиши, гарбдаги досье ҳужжатларига мувофиқ келади, деган фикрни илгари суради.

Ушбу бўлимга хулоса ясад айтиш мумкинки, Абу Наср ас-Самарқандий яшаган давр Мовароуннахрда ҳужжатлаштириш ишларининг такомиллашиб босқичига, Европадаги салб юришларидан олдинги ва кейинги даврга тўғри келади. Демак, ўша кезларда ёқ мовароуннахрлик олимлар ҳам расмий ҳужжатларни камчиликларсиз рисоладагидек расмийлаштириш лаёкатига эга бўлганлар. Бу эса диёрларимизда ҳуқуқий саводхонлик гарбга қараганда анча эрта бошланганига ва ҳар жиҳатдан устун бўлганига далолат қилмоқда.

Абу Наср ас-Самарқандийнинг Мовароуннахр ҳужжатшунослигига бағишлиланган асарларини тадқиқ этиш соҳасида тўпланган тажрибаларни қўллаган ҳолда, манбаларда битилган расмий ёзмаларнинг барини мужассамлаштириб, бир тадқиқот доирасида жамлаб жамоатчиликка етказиш даври келди. Чунки мана шу йўлгина ўрта асрлардаги ўзбек давлатчилигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, қонунчилик тизимининг шаклланиши, ўлкамизда мулкчилик муносабатларининг юзага келиш тарихини ўрганишда, шунингдек, аждодларимиз бунёд этган давлатларда юқорида таҳлил этилган назарий ҳужжат тузиш коидалари қанчалар муҳим ўрин тутганлигини тўғри тушуниб этиш имконини беради.

<sup>248</sup> dossier ёки рус тилида досье ҳужжатлари бирор иш, масала ёки шахсга доир ҳужжатлар тўплами, шахсий иш ҳужжатларини ўз ичига олади.

<sup>249</sup> Қозилик маҳкамаларида фаолият юритган “музаккий”, яъни кишиларнинг гувохлиқда адолатли эканликларини текширувчи шахс бўлиб, айнан досье ҳужжатлари билан шуғулланган.

## **Хусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид ва унинг “Шарҳ адаб ал-қози ли-л-Хассоғ” асарида қозилик ишларининг юритилиш тартиби ҳақида**

Оли Моза оиласи фақиҳлари қолдирган илмий-маънавий меросни ўрганиш ҳозирги кунда тадқиқотчилар олдида турган мухим вазифалардан биридир. Ушбу бўлимда Хусомуддин ас-Садр аш-Шаҳиддинг асарлари ва илмий меросига тўхталиш аноссида баъзи бир хорижий тадқиқотчилар изланишларида фақиҳ шахсияти ва ижоди борасида йўл қўйилган бир неча чалкашликларга ойдинлик киритиш ҳам лозим топилди.

Хусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид 473/1090 йилда Марв шаҳрида таваллуд топган<sup>250</sup>. Унинг тўлиқ исми Хусомуддин Умар ибн Абдул-азиз ибн Умар ибн Моза Бухорийдир. Кафавийнинг фикрича, у ўз даврининг етук фақиҳ ва қозиларида дарс берган. Курашийнинг фикрича, Хусомуддин вафотига қадар Бухорода яшаб ижод этган ва мазкур шаҳарда “Моза” ёки “Бану Моза” (Моза фарзандлари) номи билан танилган оила вакили ҳисобланган. (ушбу оила вакиллари билан танишиш учун З-иловага қаранг)<sup>251</sup>. Ас-садр аш-шахид нисбаси эса фақиҳга вафотидан кейин берилган. Ас-садр аш-шахид йигирма йил давомида, яъни 512/1118 – 19 йилдан 536/1141 йилгача, яъни умрининг охиригacha Бухоро раиси лавозимида фаолият юритган<sup>252</sup>. Садрлик мартағаси унга Султон Санжар томонидан берилган<sup>253</sup>. Хусомиддин ас-Садир аш-Шаҳиддинг *шаҳид* сифати билан ном қозониши 536/1141 йилда Султон Санжар қўшинлари билан Қорахитойлар ўртасида бўлиб ўтган жангда ҳалок бўлиши билан боғлиқдир.

<sup>250</sup> Хусомуддин ас-садр аш-шахид. Шарҳ адаб ал-қози ли-л-Хассоғ. 4 жилдли / Махий Хилол ас-Сархон таҳрири остида. – Бағдод: Дор ал-‘араб, 1977-78. Ж.1. – Б. 47. (Бундан кейин. Шарҳ адаб ал-қози); Brockelmann. GAL. Ж.1. – Б. 640.

<sup>251</sup> Ал-Кураший. Ж.2. – Б. 74.

<sup>252</sup> Хусомуддин Моза фарзандлари ичida энг кўп раислик килгани учун ҳам фақиҳ ҳакида маълумот берувчи манбалар унга “садр” нисбасини қўшадилар. “Садр” (араф тилида олд, кўкрак деган маънони беради) – мусулмон мамлакатларидағи турли мансабдор шахсларга бериладиган унвон ҳамдир. Бу унвон баъзан дин пешволарига ҳам берилиб, уларга бутун давлатнинг ёки бирор вилоятнинг вакф ишларини бошариш вазифаси юклатилган. (Қаранг: Ислом энциклопедияси. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2004. – Б. 204).

<sup>253</sup> Мухаммад ‘Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фаво’ид ал-баҳийа фи тарожим ал-ҳанафийя / Аҳмад аз-Захабий таҳрири остида. I-нашри. – Байрут: Дор ал-арқам ибн ал-арқам, 1418/1998. – Б. 98.

Араб тадқиқотчиси Маҳий Ҳилол Сархон Қурашийнинг фикрига таяниб, фақиҳнинг икки ўғли бор, бири Тожиддин Аҳмад ас-Садр ас-Са‘иддир ва у Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг отаси бўлган, деган хulosага келади<sup>254</sup>. Бу фикр аниқлик талаб этади. Ҳанафий фақиҳлари ҳакида маълумот берувчи бошқа табақот асарларда Тожиддин Аҳмад ас-Садр ас-Са‘ид, ас-Садр аш-Шаҳиднинг ўғли эмас, балки укаси эканлиги маълум бўлди. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ҳам ўз асарларида ас-Садр аш-Шаҳидни бобоси эмас, балки амакиси сифатида эслаб, куйидагиларни таъкидлайди:

و لم يزل العلم موروثا من الأول للآخر و منقولا من الأكابر حتى انتهى  
إلى صدورى و اسلفى السعداء' الشهداء تغمدهم الله بالرحمة و الرضوان  
فكليم رضوان الله عليهم اجمعين شرحا ما بقى من الفقه مجھولا' و فتحوا  
ما ترك مقفلا' فمصنفاتهم متداولة بين الورى يستعان بها عند اتقان الفتوى'  
وقد وقع فى رأىي ان اشتبه بهم بتاليف أصل جليل يجمع فيه اجل الحوادث  
الحكمية و النوازل الشرعية ليكون عونا لى حال حياتى' و أثرا حسنا لى  
بعد وفاتى. . . .<sup>255</sup>

**Таржимаси:** “Илм аввалгилардан кейингиларга доимо мерос бўлиб, катталардан нақл бўлишида давом этди ва ниҳоят менинг шаҳид ва са‘ид садрларим ва ота-боболаримга (Аллоҳ уларни раҳмат ва розилиги билан ўрасин) етиб келди. Уларнинг ҳар бири (улардан Аллоҳ рози бўлсин) фиқҳда ноаниқ қолган жойларни шарҳлашибди, ёпиқ қолган жойларни очиб беришибди. Уларнинг ёзган китоблари одамлар орасида кенг тарқалган бўлиб, фатвони мукаммал чиқарииша мурожсаат қилинган. Ҳаёлимга ўзида шаръий масалаларни, ҳукмий ҳодисаларнинг асосийларини жамлаган, буюк манба ёзуб, ўзимни уларга ўхшатиш фикри туғилди. Токи бу нарса менга ҳозирги ҳаётимда ёрдам ва вафотимдан сўнг гўзал бир мерос бўлиб қолсин”.

Бу ерда Бурхонуддин Маҳмуд “менинг шаҳид ва са‘ид садрларим” деганда ўз отаси Тожиддин Аҳмад ас-Садр ас-Са‘ид ва амакиси ас-Садр аш-Шаҳидни назарда тутган бўлиши керак. Демак кейинги

<sup>254</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 29.

<sup>255</sup> Ал-Мухит. Дор ал-кутуб нусхаси. – В.7а; Ал-Мухит. Ал-Азҳар нусхаси. – В. 5б; Маҳмуд ибн Тожиддин Аҳмад ибн Моза. Ал-Мухиту-л-бурхоний. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5945. – В. 116 .

тадқиқотларда ас-Садр аш-Шаҳидни Бурхонуддин Маҳмуднинг амакиси ўрнида беришлик мақсадга мувофиқдир.

Ас-Садр аш-Шаҳид дастлабки илмни ўз отаси Абдулазиз ибн Моздан олади<sup>256</sup>.

Ханафий фақиҳлари ҳакида хабар берувчи табақот асарларда ас-Садр аш-Шаҳиднинг ўлимига сабаб бўлган Қатавон жангига ҳакида гапирилади<sup>257</sup>.

Озарбайжон тарихчиси С.Г. Агаджанов ва бир қатор туркиялик тарихчилар Султон Санжар ва Қорахитойлар хукмдори Ел Юй Даши (яъни Гўрхон) ўртасида бўлиб ўтган Қатавон воқеасини ўрганганлар<sup>258</sup>. Қатавон жангига 536\1141 йил 3 сентябрда бошланган ва Шарқий Салжуқий Султонлигининг маглубияти билан якунланган.

Қатавон даштида ҳалок бўлган мусулмон жангчиларининг сони манбаларда 30 минг<sup>259</sup>, 70 минг<sup>260</sup> ва ҳатто баъзи ўринларда 100 минг<sup>261</sup> деб кўрсатилади. Уларнинг барчаси шаҳидлар деб эълон қилинган ва Самарқанднинг шарқий даштига кўмилган<sup>262</sup>.

Қатавондаги ғалабасидан сўнг қорахитой Гўрхон Бухорони эгаллайди. Шаҳарнинг раиси ас-Садр аш-Шаҳид ҳам Қатавонда шаҳид бўлади<sup>263</sup>.

“Табақот ал-ҳанафийя” асарларидаги маълумотларни изчил ўрганиб чиқиш хulosаларига кўра, ас-Садр аш-Шаҳиднинг қўйидаги асарлари борлиги аниқланди:

“Ал-Усул ал-Ҳусомийя” ёки “Усул ас-Садр аш-Шаҳид” усул ал-ғифқҳа оид асардир. Мазкур асар ҳакида Карл Брокельман маълумот беради<sup>264</sup>.

<sup>256</sup> Ал-Кураший. Ж. 2. – Б. 312, 364 бетлар.

<sup>257</sup> Ал-Кафавий. – В. 986 – 1556.

<sup>258</sup> Агаджанов С.Г. Государство Селджукидов и Средняя Азия в XI-XII вв. – М.: Наука, 1991. – Б. 177 (Бундан кейин. Агаджанов С.Г.).

<sup>259</sup> Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 371.

<sup>260</sup> Садруддин Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн Носир ал-Ҳусайнин. Зубда ат-таворих: Ахбору-л-’умаро ва-л-мулук ас-салжукийя. – Байрут: Дор икра’, 1985. – Б. 99 (Бундан кейин. Ал-Ҳусайнин).

<sup>261</sup> Reşat Genç. Karahanlı Devlet Teşkilatı(XI-XII.Yüzyıl). – İstanbul: Kültür Bakanlığı Yayınları, 1981. – Б. 83 (Бундан кейин. Reşat Genç).

<sup>262</sup> Агаджанов С.Г. – Б.180; Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 371.

<sup>263</sup> Агаджанов С.Г. – Б.181; Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 371.

<sup>264</sup> Brockelmann. GAL. Ж.1. – Б. 374.

“Шарҳ ал-жоми‘ ас-сағир” асари Абу Ҳанифанинг шогирдларидан бўлган Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “ал-Жоми‘ ас-сағир” асарига битилган шарҳ ҳисобланиб, “Мифтаҳ ас-са‘ода” асари муаллифи бу шарҳ “ал-Жоми‘ ас-сағир” асарига ёзилган етти йирик шарҳларнинг биридир, деган фикрни айтиб ўтган. Карл Брокельман бу шарҳнинг Америка Барстон университети араб кўлёзмалари фондида сақланаётган иккита нусхаси ҳақида маълумот беради<sup>265</sup>. Шунингдек, унинг Ироқдаги Мосул халқ кутубхонаси ва Искандария миллий кутубхонасида ҳам биттадан нусхалари мавжуд<sup>266</sup>. Шарҳнинг ҳозирда Ҳиндистоннинг Сахаранапур шаҳридаги “Деобанд” мадрасасида сақланаётган нусхаси 1310/1892-93 йилда Муҳаммад ибн ‘Абдулҳай ал-Лакнавий ал-Хиндий томонидан тадқиқ этилган<sup>267</sup>. Изланиш натижасида асарнинг, шунингдек, “ал-Жоми‘ ас-сағир фи-л-фуру” ёки “Жоми‘ ас-Садр аш-Шаҳид” номлари билан ҳам танилганлиги маълум бўлди. Ҳозирда унинг Тошкент нусхаси ЎзРФА ШИ асосий фондида 5815 рақам остида сақланади<sup>268</sup>.

Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳиднинг мазкур асарига ўз даврининг етакчи фақиҳлари томонидан кўплаб шарҳлар битилган. Жумладан, “Шарҳ Бадруддин ал-Варсакий”, “Шарҳ Аби Наср Аҳмад ал-Исбижобий”, “Шарҳ ‘Алоуддин ас-Самарқандий” кабилар шулавар жумласига киради. Бундан ташқари “Шарҳ ал-жоми‘ ас-сағир” нинг Багдод халқ кутубхонасида еттита, Истанбул Давлат Музейида тўртта, Ироқдаги “Ҳасан Пошшо ал-Жалилий китоблари” хазинасида битта, Истанбулдаги “ал-Фотих” масжиди кутубхонасида иккита, Бағдоддаги Ироқ Давлат музейида учта, ал-Азҳар, Искандарийя ва Қоҳирадаги Дор ал-кутуб ал-мисрийя кутубхоналарида ўн битта кўлёзма нусхалари сақланмоқда<sup>269</sup>.

“Шарҳ ал-жоми‘ ал-қабир”. Мазкур асар Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “ал-Жоми‘ ал-қабир”ига ёзилган шарҳdir. Ҳозиргача бу шарҳнинг бирор қўлёзма нусхаси мавжуд эканлиги номаълум. Лекин “ал-Фатово ал-хиндийя”да ундан кўплаб иқтибослар келтирилиши шундай асар бўлганига далилдир.

<sup>265</sup> Brockelmann. GAL. Ж.1. – Б. 589.

<sup>266</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 56.

<sup>267</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 56-59.

<sup>268</sup> Ушбу нусха насхатида ёзилган бўлиб, 302 варакдан иборат.

<sup>269</sup> Шарҳ адаб ал-қози. – Б. 52-57.

“Умдат ал-муфтий ва-л-мустафай” (Фатво берувчи ва сўровчига кўлланма). Карл Брокельман бу асарнинг Берлин миллий кутубхонаси, Қоҳирадаги Дор ал-кутуб ал-мисрийя ва ал-Азҳар университети кутубхоналарида нусхалари ҳакида маълумот бериб ўтади<sup>270</sup>.

“Ал-Фатово ас-сугро” ёки “Фатово ас-Садр аш-Шаҳид”. Мазкур кўлланма XII асргача бўлган Мовароуннахр ва Хурасондаги ҳанафий ва шофи‘ийликдаги фатволарни ўзида жамлаган. Ҳозирда унинг Ироқдаги Мосул миллий кутубхонасида ва Қоҳирада Дор ал-кутуб ал-мисрийя кутубхонасида икки нусхаси борлиги аниқланган<sup>271</sup>. Асарнинг Тошкент нусхаси ЎзР ФА ШИда 5934 рақам остида сақланади<sup>272</sup>.

“Ал-Фатово ал-кубро” асари ноёб қўлёзмалар туркумига кириб, асарнинг Дублиндаги *The Chester Beatty* (Ирландия) кутубхонасида хориждаги ягона нусхаси мавжуд. Асарнинг иккинчи нусхаси Тошкентда бўлиб, ЎзР ФА ШИда 7857 рақам остида сақланади<sup>273</sup>.

“Ал-Воқе‘от ал-хусомийя фи мазҳаб ал-ҳанафийя”. Ҳожи Ҳалифа бу асарнинг иккинчи номини “ал-Ажнос” деб атайди<sup>274</sup>. Унинг Истанбулдаги ал-Фотих кутубхонасида тўртта, Берлин миллий кутубхонасида битта, Истанбул Давлат музейида иккита қўлёзма нусхаси сақланади<sup>275</sup>. Ҳожи Ҳалифа “ал-Хидойа” ва “ал-Фатово аз-захирийя” асарлари “ал-Воқе‘от ал-хусомийя” асосида яратилганлигини айтади. Асарнинг Тошкент нусхаси ЎзР ФА ШИда 7756 рақам остида сақланади<sup>276</sup>.

Турк исломшунос олими Муртазо Бедир “Бухоро ҳуқуқ мактаби” номли асарида ас-садр аш-шахидни фикҳ илмида “Воқе‘от”(воқеалар) жанрига асос солган ва ривожлантирган факих деб тарифлайди<sup>277</sup>. Ас-садр аш-шахиднинг ушбу асари ўзидан олдин Мовароуннахрда *фатово* жанрида ёзилган тўртта машҳур асарнинг тўпламасидир. Булар араб алифбоси тартибида берилиб, биринчиси, “нун” ҳарфи

<sup>270</sup> Brockelmann, GAL. Ж.1. – Б. 591.

<sup>271</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 56.

<sup>272</sup> Ушбу нусха насҳа хатида ёзилган бўлиб, 221 варакдан иборат.

<sup>273</sup> Мазкур нусха насталиқ хатида ёзилган бўлиб, 529 варакдан иборат.

<sup>274</sup> Кашф аз-зунун. Ж.1. – Б. 46.

<sup>275</sup> Кашф аз-зунун. Ж.1. – Б. 63.

<sup>276</sup> Асарнинг мазкур нусхаси ҳам насҳа хатида ёзилган бўлиб, 273 варакдан иборат.

<sup>277</sup> Қаранг: Murteza Bedir. Buhara Hukuk Okulu (Vakif Hukuku Bağlamında 10 – 13.

Yüzyıl Orta Asya Hanefi Hukuku Üzerinde bir Inceleme). – İstanbul: Edam Akademi Kitaplığı, 2010. – 196 b (Sadrüşşehid'in el-Vakiat'ı ve Vakiat Edebiyatı. В – 71).

остида Абу Лайс ас-Самарқандийнинг “Навозил” асарида келган фатволар, “вов” ҳарфи остида Нотифийнинг “ал-Воқеъот” асарида келган фатволар, “бे” ҳарфи билан Абу Бақр Мұхаммад ибн Фазлнинг “ал-Фатово” асарида келган фатволар ва ниҳоят “син” ҳарфи остида Алоуддин ас-Самарқандийнинг фатволари жамланғандир<sup>278</sup>.

Бундан шуны хуоса қилиш мүмкінки, ас-Садр аш-Шаҳид Мовароуннахрнинг иккі йирик фиқх мактаби ҳисобланған Бухоро ва Смарқанд фиқх мактабларининг күп йиллик анъаналарини бир жойга жамлаган. Келгусида ушбу асар доирасида янги тадқиқотлар олиб бориш Мовароуннахрға хос фиқх илми анъаналарининг янги қирраларини очиб бериши шубҳасиздир.

Муртазо Бедир ва ўзбек шарқшуноси Одил Қориев ўз тадқиқотларыда хоразмлик факих Нажмиддин Абур-Ражо Мұхтор ибн Махмуд аз-Зоҳидий ал-Ғазминийнинг (ваф. 658/1260 й) мұғуллар истилоси даврида ёзған “Қинят ал-мунйа ли-татмим ал-ғунйа” асарида келган күрсатмалар ҳақида маълумот беріб үтадилар. Уларнинг фикрича, ушбу асарнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири, унда қўлёзма манбаларда исмлар ва адабиётлар кўрсаткичини тузиш ва иқтиbosлар келтиришни илк бор Нажмиддин ал-Ғазминий ўз асарида қўллаган<sup>279</sup>.

Тадқиқот хуосалари кўрсатиб турганидек, бундай услуг Мовароуннахрда Нажмиддин ал-Ғазминий таваллудидан қарийиб юз йил илгари ас-Садр аш-Шаҳид томонидан илгари сурилган ва бу илмий мушоҳада қатор манбалар орқали ўз тасдигини топди. Ас-Садр аш-Шаҳид даврида илм аҳллари орасида оммалашган бундай услуг кенг куляйликларга эга ҳисобланған. Яъни бу турдаги манбалардан олим ва толиблар фатво эгаси ва манбасини тез ҳамда осон йўл билан аниклай олганлар. Бу шундан далолат қиласи, давримиздан ўн аср илгари аждодларимиз ҳозирги замонавий тил билан айтганда сноска<sup>280</sup> ҳавола қоидасига асос согланлар. Демак, гарб тили билан айтиладиган *footnote* (*сноска*) қоидаларига дастлаб, гарбда ёки бошқа мусулмон шарқ диёрларида эмас, балки айнан юртимизда асос солинганлиги ўз исботини топмоқда.

<sup>278</sup> Murteza Bedir. Buhara Hukuk Okulu. – B. 71.

<sup>279</sup> Каранг: Murteza Bedir. Buhara Hukuk Okulu. – B. 78; Ш. Зиёдов, О. Қориев, И. Бекмирзаев. Мовароуннахр ислом илмлари ривожида ҳанафий таълимоти. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. – Б. 117.

<sup>280</sup> Сноска – бу ўзбек тилида сахифа остидаги изоҳ тарзидаги ёзув, изоҳ ёки ҳавола демакдир.

Тадқиқотчи Ҳамидулла Аминов фикрича, бу белгиларни “кўрсаткич” деб тушуниш ўрнига “шартли қисқартмалар” деб англаш мақсад-га мувофиқ бўлади<sup>281</sup>.

Мовароуннахрда ёзилган фикҳга оид манбаларнинг ҳар бирида ўзига хос маҳсус рамз ва истилоҳлари мавжуд. Бироқ баъзи бир асарларда бундай маҳсус истилоҳ ва шартли қисқартма ишоралар кўпроқ. Таъкидлаш жоизки, бу каби қисқартма ва ишоралар шархловчи ва тадқиқотчилар учун асар муаллифи фикри ва мақсадини англаб олишда калит вазифасини ўтаган.

Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг “ат-Тажнис ва-л-мазид” (ўхшатиш ва қўшиш), Абу Фазл Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ибн Маждиддин ал-Мавсилийнинг (ваф. 683/1284 й.) “Китоб ал-Муҳтор”(танланган китоб), Абу-л-Баракот ан-Насафийнинг (ваф. 710/1310 й.) “Китоб ал-Воғий фи-л-фуру”(Фуру‘ ал-фиқҳда вафо қилувчи), Тоҳир ибн Салом ибн Қосим ибн Аҳмад ал-Ансорий ал-Хоразмийнинг (ваф. 771/1370 й.) “Жавоҳир ал-фиқҳ” (Фиқҳ жавоҳирлари), Бадриддин Маҳмуд ибн Исройл ибн Абдулазиз ал-Ҳанафийнинг (ваф. 823/1420 й.) “Жоми‘ ал-фусулайн” (Икки “Фусул” тўплами) асарларида<sup>282</sup> фойдаланилган ва иқтибос олган асарлар номи, шунингдек, баъзи қисқартирилган иборалар қисқартма, кўрсаткич-фиҳрист тарзида келтириб ўтилган. Бу каби қисқартма-кўрсаткичлар юкорида келтирилган асарларда ё муқаддимадан олдин ё хотимадан кейин келтирилган.

Кўриниб турибдики, араб алифбоси тартибида қисқартмаларни бериш дастлаб, ас-садр аш-шахид томонидан йўлга қўйилган бўлса, Нажмиддин ал-Газминий бошлиқ юкорида номлари ва асарлари зикр қилинган фақихлар кўрсаткич ва қисқартмаларни алоҳида бир тизимга солиш асосида асарларда қисқартма-кўрсаткич келтириш қоидасини мукаммаллаштирганлар. (Манбаларда келган шартли қисқартмалар билан танишиш учун 5-иловага қаранг).

Ас-садр аш-шахид илмий меросини ўрганган ироқлик тадқиқотчи Маҳий Ҳилол Сарҳон олимнинг фикҳга бағищланган “Китоб ан-

<sup>281</sup> Аминов Х. А. Ҳанафийлик мазҳабига кириш. – Т.: “”, 2012. – Б. 146.

<sup>282</sup> Бадриддин Маҳмуд ибн Исройл ибн Абдулазиз ал-Ҳанафий (ваф. 823/1420 й.)нинг “Жоми‘ ал-фусулайн” (Икки “Фусул” тўплами) асарини Мухаммад ибн маҳмуд ал-Уструшанийнинг “Фусули Уструшаний” асари ҳамда Имодиддин Абу-л-Фатҳ Абдураҳим ас-Самарқандий (ваф. 651/1254 й.)нинг “Фусули Имодий” асарлари асосида яратган. Мазкур икки асарда такрор келган ўринларни қисқартирган.

нафақот”, “Китоб ат-таклима”, “Китоб ал-мунтақо”, “Китоб масо’ил да‘во ал-хийтон ва-т-туруқ ва масо’ил ал-мо”, “Китоб ал-мабсут фи-л-хилофийот”, “Китоб хират ал-фуқаҳо”, “Китоб ал-вакф” асарлари ҳақида ҳам маълумот беради<sup>283</sup>.

Тахминимизча, Маҳий Ҳилол Сархон хабар берган ушбу асарлар мустақил асар сифатида ёзилмаган. Чунки бу асарларнинг нусхалари ҳақида бошқа манбаларда аниқ бир маълумот учрамайди.

Баъзи тадқиқотчилар орасида ас-Садр аш-Шаҳид ва Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий томонидан ёзилган асарлар чалкаштириб юборилган. Буни кўпроқ араб тадқиқотчилари ишларида учратиш мумкин. Масалан, ливанлик ‘Абдуллоҳ Мустафо ал-Марога “аз-Захирату-л-бурхониййа”ни ас-Садр аш-Шаҳид ёзган, деб таъкидлайди<sup>284</sup>.

Хассофнинг (ваф. 261/874-75 й.) “Адаб ал-қози” асарига жуда кўп ҳанафий уламолар шарҳ битганлари маълум. Мисрлик тадқиқотчи Тоҳо Аҳмад Мағозий, Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “Шарҳ адаб ал-қози ли-л-Хассоф” номли асари бор, деган фикрни билдирган ва “аз-Захирату-л-бурхониййа”, “ал-Муҳит” асарининг муҳтасар шакли деб ҳисоблаган<sup>285</sup>. Бу фикр кўп жиҳатдан мунозарали бўлиб, шу мавзудаги тадқиқотларда чалкашликларни келтириб чиқаради. Чунки Хассоф асарига битилган шарҳ Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийга тааллуқли бўлмай, балки ас-Садр аш-Шаҳид томонидан ёзилган. Асар 1977 йилда бағдодлик Маҳий Ҳилол Сархон томонидан тўлиқ илмий тадқиқ этилган.

Оли Моза оиласининг Бухорода машхур бўлишида ас-Садр аш-Шаҳид муҳим роль ўйнаган. Буни кўплаб фақихларнинг унинг фатволарига бўлган муносабатидан ҳам билиш мумкин. Жумладан, Нажмиддин Юсуф Ҳосий аллома фатволарини тўплаб ўзининг “ал-Фатово ал-кубро” асарини ёзган. Шунингдек, бу асар яна “Тажнис ал-воке‘от” номи билан ҳам машхур<sup>286</sup>. ал-Ҳосий 16 роби’ ас-соний 607/ 6 октябрь 1210 йилда ас-Садр аш-Шаҳиднинг “Фатово ас-суғро” асарини китоб шаклига келтирган<sup>287</sup>. Бурхонуддин ал- Марғиноний

<sup>283</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 64.

<sup>284</sup> ‘Абдуллоҳ Мустафо ал-Марога. Ал-Фатҳ ал-мубийн фи табакот ал-усулийин. З жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘ilmийя, 1974. Ж. 1. – Б. 79.

<sup>285</sup> Тоҳо. “Ал-Муҳит”. – Б. 34.

<sup>286</sup> Islam Ansiklopedisi. Vol.XVI. – Istanbul: Hanefi Mezhebi-Haya, 1997. – Б. 23.

<sup>287</sup> Islam Ansiklopedisi. Vol.XVI. – Б. 23 – 24.

(ваф. 593/1197 й.) ас-Садр аш-Шаҳид фатволарини “Китоб ат-тажнис ва-л-мазид” номли асарида тўплаган. Захируддин ‘Абд ал-Макарим Абу-л-Фатҳ Исҳоқ ибн Аби Бақр ал-Валвалижи (ваф. 540/1145-46 й.) ўзининг “Фатово ал-валвалижи” асарида кўпроқ “Фатово аҳли Самарқанд” китоби ва ас-Садр аш-Шаҳиднинг фатволаридан фойдаланганини кўриш мумкин<sup>288</sup>.

Ас-Садр аш-Шаҳиднинг “Шарҳ адаб ал-қози ли-л-Хассоғ”<sup>289</sup> асари 1978 йилда ироқлик манбашунос Маҳий Ҳилол Сархон томонидан муфассал илмий таҳлил қилинганд. Тадқиқот учун танлаб олинган ушбу манба қозилик масалаларини ўзида тўлиқ қамраб олганлиги учун ҳам муҳимdir.

“Адаб ал-қози” туркумида илк асар ёзган ҳанафий фақихлари Абу Юсуф (ваф. 182/798 й) ҳамда Мухаммад ибн Саммо‘а (ваф. 233/848 й) дир. Бироқ улар таълиф этган асарлар бизгача етиб келмаган. Мазкур жанрда ёзилиб, бизгача етиб келган илк манба Абу Бақр Аҳмад ибн Умар Хассоғ (ваф. 261/875 й) қаламига мансуб<sup>290</sup> “Адаб ал-қози” асариdir.

Хассоғнинг бу асари ҳанафий фақихлари орасида жуда машҳур бўлиб, жами тўққизта машҳур шарҳлар шу манба тафсирига бағишлаб ёзилганлиги маълум бўлди<sup>291</sup>. Ушбу шарҳларнинг олтиласи Мовароуннаҳр ўлкасида яратилди.

Ас-Садр аш-Шаҳиднинг “Шарҳ адаб ал-қози ли-л-Хассоғ” асари куйидаги хусусиятлари билан бошқаларидан ажралиб туради:

Фақих ўз шарҳини 120 бобга ажратади (асарда келган боблар рўйхати билан танишиш учун 6-иловага қаранг). Ҳар бир масалани Хассоғ фикри билан бошлайди. Сўнгра ушбу масалага аниқлик киритиб, ўз мулоҳазаларини ҳам келтиради. Масалан:

<sup>288</sup> Islam Ansiklopedisi. Vol.XVI. – Б. 23 – 24.

<sup>289</sup> Islam Ansiklopedisi. Vol.XVI. – Б. 52 – 58.

<sup>290</sup> Кашф аз-зунун. Ж.1. – Б. 46.

<sup>291</sup> Бу шарҳлар куйидаги фақихлар томонидан ёзилган: Абу Бақр Жассос (ваф. 370/980 й), Абу Жа‘фар Мухаммад ибн ‘Абдуллоҳ ал-Хиндувоний (ваф. 362/973 й), Абу Ҳусайн Аҳмад ибн Мухаммад ал-Қудурий (ваф. 438/1046 й), Али ибн ал-Ҳусайн ас-Суғдий (ваф. 461/1069 й), Шамсу-л А’имма Мухаммад ибн Аҳмад ас-Сараҳсий (ваф. 483/1090 й), Шамсу-л А’имма Абдулазиз Аҳмад ал-Ҳалвоний (ваф. 456/1064 й), Абу Бақр Мухаммад Хоҳарзода (ваф. 483/1090 й), Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид (ваф. 536/1141 й), Фахруддин ал-Ҳасан ибн Мансур ал-Ўзжандий ал-Қозихон (ваф. 592/1196 й).

**و قال الخصاف: فان القاضى مأمور بالقضاء بالحق**

**Таржимаси:** *Хассоф деди: Дарҳақиқат қози адолат билан ҳукм қилишига буюрилган*<sup>292</sup>.

**و جعل الخصاف رحمة الله العدالة شرط الاولوية فان الأولى أن يكون القاضى عدلا، كما أن الأولى أن القاضى لا يقضى بشهادة الفاسق، و مع هذا اذا قضى بشهادة الفاسق ينفذ قضاوه.**

**Таржимаси:** *Хассоф (Аллоҳ уни раҳматига олсин) адолатни бирламчи (асосий) шарт қылиб қўйди. Авваламбор қозининг нотўғри гувоҳлик бериб ҳукм қўлмаслиги учун адолати бўлиши керак, гарчи ушбу қози нотўғри гувоҳлик билан ҳукм қўлса ҳам, унинг ҳукми ижро бўлади*<sup>293</sup>.

Шарҳнинг биринчи бобидан то ўн тўртингчи бобигача берилган бўллимларда қозилик мансаби ва қозихона фаолиятига оид аҳамиятли заруратлар билан боғлиқ масалалар ёритилган. Булар қозига хос хулқатвор ва мансабдорлик масъулияти, қозилик мансабида ман бўлган ва рухсат этилган ҳолатлар, қозининг ижтиходи, қози девони, қози маҳкамаси, даъво турлари, қозилик кенгашлари, қозининг психологик ҳолати, қозининг пора ёки ҳадя олиши борасидаги масалалар ёритилган<sup>294</sup>.

Манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мовароуннахрлик қозилар машварат ва ижтиход, яъни ақлга таяниб ҳукм қилишини афзал кўрганлар ва уни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаганлар. Ас-Садр аш-Шаҳид шу ўринда қуйидаги қоидани келтиради:

**المشورة تفتح العقول و لا يعتبر كبر السن، و لا كثرة العدد.**

**Таржимаси:** *Кенгашиб маслаҳат қилиши ақлларни чархлайди. Ёшининг катталиги ва соннинг кўплиги бу ерда муҳим эмас*<sup>295</sup>.

<sup>292</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 128., ас-Садр аш-Шаҳид Хассоф номини “соҳиб ал-қитоб” деб ҳам беради. Хассоф қозининг адолати борасида сунянган далили Куръони каримнинг “Сод” сурасида келган 26-оятдир. Қаранг: Куръон. 38:26 (Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзила халиф қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавоий нафсга эргашма! Яна у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштириласин. Албатта Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга унунтгандарга учун хисоб кунида шиддатли азоб бордир).

<sup>293</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 129.

<sup>294</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. 519 б., Ж. 2. – 2-66 бетлар.

<sup>295</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 193.

Шу ўринда ас-Садр аш-Шаҳид, Абу Муса ал-Аш'арийнинг Куфа ва Басрага қози бўлиб тайинлангандан сўнг халифа Умар ибн Ҳаттобдан ҳар бир ишда доимо маслаҳат олиб турганлигини далил қилиб келтиради<sup>296</sup>.

Ас-Садр аш-Шаҳид ёш ўспиринларни қозиликка муносиб кўрмаган. Унинг наздида ўспирин йигит шаҳват сабабидан аёл-қиз хусуматчиларга ён бериб қўйиши эҳтимолга яқиндир.

Ҳанафий мазҳабидаги мўътабар фикҳий манбаларни айнан Мовароуннаҳрда ёзилишига ва қозилик ишларини такомиллашишига сабаб бўлган асосий омиллардан яна бири мовароуннаҳрлик факиҳларнинг ижтиҳод масаласига кенг йўл очиб берганликлари дадир. Ас-Садр аш-Шаҳид шу ўринда ушбу фикрни кувватлаб, шундай дейди:

...وَ إِنَّمَا كَانَ فِي زَمَانِهِمْ، فَإِنَّهُ كَانَ فِي الْمُجْتَهِدِينَ كَثُرَةً، فَلَاذَا امْتَنَعَ عَنِ الْإِجْتِهَادِ وَاحِدًا لَا يُضِيِّعُ حُكْمَ اللَّهِ تَعَالَى. وَ إِنَّمَا فِي زَمَانِنَا فِي الْمُجْتَهِدِينَ قَلْةٌ، فَلَاذَا امْتَنَعَ هَذَا فَلَا يُوجَدُ مِنْ يَجْتَهِدُ، فَيُؤَدِّي إِلَى ضِيَاعِ حُكْمِ مِنْ أَحْكَامِ اللَّهِ تَعَالَى.

**Таржимаси:** Саодат асли замонида мужстаҳидлар кўп эди. Бир ижтиҳоддан воз кечишилик билан Аллоҳ таолонинг ҳукми йўқ бўлиб кетмаган. Лекин биз яшаётган замонга келиб, мужстаҳид олимлар камайиб кетди. Агар кимдир ижтиҳод қилишидан ман қилса, ижтиҳод қилувчи топилмайди ва бу ҳолат Аллоҳ таолонинг ҳукмларидан бирини йўқолиб кетишига сабаб бўлади<sup>297</sup>.

Ас-Садр аш-Шаҳиднинг фикридан шуни хulosса қилиш мумкинки, мусулмон олими исломнинг асосий манбаларига таянишлиги билан бирга адолатни қарор топтиришда ўзининг мустакил фикрини ҳам бера олиши керак. Мазкур анъана айнан Мовароуннаҳр ўлкаси факиҳларига хосдир. Чунки бу қарашга қарши ўлароқ салафийлик ва ҳанбалийлик мазҳабига эргашувчи мусулмон ўлкаларида ислом жамияти фақат Куръон ва ҳадисга асосланиб тузилмоғи керак, деган мафкура хозиргача ҳукмрондир.

Бундан ташқари Ироқ, Хурросон ва Мовароуннаҳр ўлкалари иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароити Арабистон ярим ороли ва

<sup>296</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 183.

<sup>297</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 1. – Б. 206.

бошқа араб давлатлари ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароитидан табиий равища кескин фарқ қиласы. Ўлка халқлари турмуш жараённанда турли-туман иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳодисалар мунтазам равища юз бериб турарди. Улар мазкур ҳодисаларни шариат ўлчовлари ва ислом қоидалари билан мослаштиришга мажбур бўлганлар. Жумладан, Ирок, Хурросон ва Мовароуннарда жўшқин дарёлар, кенг экинзорлар мавжуд бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва савдо-сотикнинг ривожлангани учун ўлка ижтимоий ҳаётида мустаҳкам молиявий қонунларга зарурат сезиларди. Мазкур ўзгарувчан шароитни янги ислом қонуниятларига мослаштириш жараёнини фақат раъи ва қиёс орқали, ижтиҳодга таянган ҳолда амалга ошириш мумкин эди.

Ас-Садр аш-Шаҳиднинг билдиришича, ўрта асрларга келиб Ирокда шанба, Шомда душанба, Бухоро ва Самарқандда сешанба кунлари қозининг дам олиш куни сифатида белгиланган<sup>298</sup>. Шунингдек, бошқа минтақалардан фарқли ўлароқ, фақатгина Самарқанд ва Бухорода қозининг дам олган кунидаги иш ҳаққи тўлиқ сақланган. Мовароуннар минтақасидаги давлатларда давлат арбоблари “уммал ас-султон” (عَمَلُ السُّلْطَانِ) учун дам олиш куни этиб белгиланган. Минтақа қозилари ихтиёрида дам олиш кунини ўз иш жадвалларига қараб мустақил белгилаш имкони ҳам бор эди. Шунга қарамай, кўплаб қозилар сешанбада ишдан ҳордик чиқаришни маъқул кўрганлар<sup>299</sup>.

Қози маҳкамаларида фаолият юритаётган ҳар бир қози ўз амалиётида “Китоб ал-маҳбусин” (маҳбуслар китоби) юритиши лозим бўлиб, унга ҳибс этилган кимсанинг тўлиқ исми, отасининг, бобосининг исми, ҳибс этилиш сабаби ва ҳибс этилган сана қайд этиб борилган. Янги тайинланган қозилар мазкур китобдан бир нусха кўчиритириб, ўзининг янги тузган девонига киритиб қўйганлар. Ас-Садр аш-Шаҳиднинг фикрича, кўчирилган маҳбуслар китоби истеъфога чиқаётган қози томонидан тасдиқлатиб олиниши шарт ҳисобланган<sup>300</sup>. Бундан ташқари, янги қози мазкур китобни расмийлаштиришдан аввал маҳбуслар билан бирма-бир суҳбат ўтказиши, агар улар орасида зулм туфайли ноҳақ қамалганлар бўлса, ишни қайта кўриб чиқилиши жоиз топилган. Унинг учун маҳбус ўз айбизлигини исботловчи икки гувоҳ келтириши лозим бўлган.

<sup>298</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 278.

<sup>299</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 250.

<sup>300</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 1. – Б. 256.

Ас-Садр аш-Шаҳид қози султон белгилаб берган жойда ҳукм чиқариши керак, деб хисоблаб, қозининг ўз уйида мажлис ўтказиши масаласида қуидаги эҳтимолларни келтиради:

- Биринчидан, қози дам олиб турган пайтда хусуматчи томонларнинг арзини малол олиши мумкин;
- Иккинчидан, уйда мажлис ўтказиш қозига нисбатан ҳалқнинг шубҳаси ортишлиги (қозидан порахўрликда шубҳаланиш)га олиб келади;
- Учинчидан, бундай ўринларда қозининг хусуматчи томонларга ён бериб қўйиш эҳтимоли бўлади<sup>301</sup>.

Ас-Садр аш-Шаҳид порахўрлик масаласига ҳам алоҳида боб ажратади. Демак, бу ҳолат Мовароуннаҳрда мазкур масала долзарб бўлғанлигини қўрсатади. Ас-Садр аш-Шаҳид қозига пора беришда тўртта манфаат бор, дейди, булар:

- Инсон ўзидан хавфни бартараф этиш учун пора беради;
- Инсон мансаб илинжида пора беради;
- Инсон қозига ўзининг фойдасига ҳукм чиқариши учун пора беради;
- Инсон юқори доирадаги мансабдорлар (М: Султон, вазир, бош қози) га ўз дардини етказиш учун пора беради.

Ас-Садр аш-Шаҳид биринчи учта сабабни қатъий ман қилиб, тўртинчи сабабга Шамсу-л А’имма Ҳалвонийнинг қуидаги фатвосини келтиради:

ينظر، ان كان فعلاً لو استأجره على ذلك استحق الاجر، بأنْ أعطاه لتبلیغ  
الرسالة، بأنَّ بعثه رسولًا الى الحاكم، فلماً بلغ الرسالة أعطاه شيئاً، و أهدى  
إليه شيئاً، يحل له الاخذ.

**Таржимаси:** Аслига қаралади, агар ҳақ олувчи ёлланган бўлса у ҳақ олишига лойиқ, чунки, ҳокимга элчи қилиб жўнатгани ва хабарни етказгани учун унга ҳақ беради. Қачонки, хабар этиб борсагина унга бир нарса берииш ва ҳадя қилиши жсоиздир. Олувчининг олгани бу ерда пора бўлмайди<sup>302</sup>.

Ас-Садр аш-Шаҳиднинг ал-Ҳалвоний фатвосини келтириши ва унга нисбатан эътиroz ёки фикр билдиргмагани мовароуннаҳрлик фақиҳлар ушбу фатвога ижмо қилганликларини англатади.

<sup>301</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 1. – Б. 156.

<sup>302</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 2. – Б. 29.

Ас-Садр аш-Шаҳид ўз шархининг ўн бешинчи бобидан то ўттизинчи бобигача қозилик маҳкамасида бўладиган маҳкама жараёнини ёритиб ўтган. Жумладан, мазкур бобларда хусуматчилар ва уларга кўйиладиган талаблар, қасам ичиш, қасам ичириш, жиноятни бўйнига кўйиш, қасамдан қайтиш, кафил бўлиш ва ўрта асрларда қозилик маҳкамаларида кўрилган дъаво турларига оид масалалар киритилган<sup>303</sup>.

Мовароуннахрик фақиҳлар қозининг ҳар бир ҳаракатини назардан четда қолдирмаганлар ҳамда юксак одоб намуналарига мисоллар келтириб ўтганлар. Биргина қозининг саломлашув одоби борасида турли фақиҳлар турли фикрларни билдирадилар. Ас-Садр аш-Шаҳиднинг бу масаладаги мулоҳазаси қуйидагича: Маҳкамада қозига салом берилса-ю, қози алик олмаса, бунинг гунохга сабаб бўладиган томони йўқ. Чунки қози мажлисда ҳак билан ботилни ажратишдек мухим масала билан банд бўлади. Аслида эса ўқувчилари билан ўтирган устоз ҳузурига кирилганда, масжида зикр билан машғул бўлганларга ҳамда маҳкамада ўтирган ёки кириб келаётган қозига салом бериш одобсизлик ҳисобланади.<sup>304</sup>

Ас-Садр аш-Шаҳид Мовароуннахр маҳкамаларида мусулмон бўлмаган жавобгарга жиноятни аниқлаш мақсадида қасам ичириш масаласига кенг фикрлилик нуқтаи назари билан ёндашади. Ўз-ўзидан маълум бўладики, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилаётган динларро тотувлик ва диний бағрикенглик тушунчаси халқимиз онгида ўз-ўзидан шаклланмаган, балки бундан ўн аср илгари аждодларимиз толерантлик тушунчасини хукукий асосда мустаҳкамлаб кўйганлар. Ас-Садр аш-Шаҳид ўз асарининг *аҳли зиммага* қасам ичириш бобида яхудий, насроний ва зардуштийлик динига эътиқод қилувчининг қасами борасида қуйидаги фикрларни баён этади:

فِي حَلْفِ الْيَهُودِ: بِاللّٰهِ الَّذِي لَا إِلٰهَ إِلَّا هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ التُّورَةَ عَلَى مُوسَىٰ لَمْ يَرَهُ الْيَهُودِيُّونَ بِنَبْوَةِ مُوسَىٰ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ، وَيَعْتَقِدُ الْحَرْمَةُ فِيهِ.

وَيَحْلِفُ النَّصَارَانِ: بِاللّٰهِ الَّذِي لَا إِلٰهَ إِلَّا هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ الْإِنْجِيلَ عَلَى عِيسَىٰ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ. لَمْ يَرَهُ النَّصَارَانِ بِنَبْوَةِ عِيسَىٰ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ، وَيَعْتَقِدُ الْحَرْمَةُ فِيهِ.

<sup>303</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 2. – 66-337 бетлар.

<sup>304</sup> Каранг: Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 2. – Б. 69.

## و يَحْلِفُ الْمَجْوُسِيْ: بِاللّٰهِ الَّذِي خَلَقَ النَّارَ

**Таржимаси:** Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган, Тавротни Мусога нозил қилган Аллоҳ номи билан деб яхудий қасам ичади. Чунки, яхудий Мусо (а.с.)нинг пайгамбарлигини тан олади ва уни ҳурмат қиласди.

Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган, Инжилни Иисога нозил қилган Аллоҳ номи билан деб насроний қасам ичади. Чунки, насроний Иисо (а.с.)нинг пайгамбарлигини тан олади ва уни ҳурмат қиласди.

Оловни яратган Худо номи билан деб, Мажусий ҳам қасам ичади<sup>305</sup>.

Ушбу қоидалар таърифи борасида шуларни айта оламизки, Ўрта асрларда Мовароуннахр диёрида яшаган буюк боболаримиз инсоний-ликнинг юксак намуналарини кўрсатиб, бошқа дин вакилларига ва уларнинг эътиқодига нисбатан ҳурмат ва адолатда бўлганлар.

Мовароуннахр қозилик маҳкамаларида кафиллик масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ас-Садр аш-Шахид юритган мулоҳазага мувофиқ, жавобгар энг кам муддат билан уч кунгача ёки қози кўрилаётган даъво юзасидан ўз ҳукмини эълон қиласидиган кунгача бир химоячини ўзига кафил қилиб олишга хақлидир. Бирок кафил олишнинг ҳам ўзига яраша қоидалари бўлган. Яъни қасос, мулкчилик, оила масаласида кўрилаётган иш юзасидан даъвогар келтираётган далил заиф ёки шубҳали кўринган ҳолатдагина жавобгарга кафилликка химоячи олиши рухсати берилади. Агар жавобгарнинг Куръон ва суннатда жазолари кўрсатиб қўйилган жиноятни содир этганлиги аниқланса, бу ўринда кафиллик фойда бермайди. Масалан: кафил олган бўлишига қарамай, айби тасдикланган зинокорга юз дарра, маст қилувчи ичимлик ичганликда саксон даррагача урилади. Ас-Садр аш-Шахид фикрича, агар жавобгар ўғирлик қиласидиганда айбланаётган бўлса, у ҳолда уч кунгача ўзига химоячи олишга хақли ҳисобланади<sup>306</sup>. Ўрта аср Мовароуннахр қозилик маҳкамаларида кафил этиб танланиш муҳим ҳуқуқий мақом саналган. Шу боисдан ҳам кафилликнинг бекор бўлиши фақатгина химоячи талаб қиласан шахс матлуб – қабил (химоячи)нинг – қабил (химоячи)нинг – вафоти билангина амалга ошган.

Қозилик маҳкамасида кўзгатилган даъво юзасидан олиб борилган мажлисда ҳам даъвогар ҳам жавобгар бир пайтнинг ўзида қатнашмоғи

<sup>305</sup> Қаранг: Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 2. – Б. 200.

<sup>306</sup> Қаранг: Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 2. – Б. 284.

шарт ҳисобланган. Бирок қози мажлисига бесабаб келмаган жавобгарга нисбатан бир қатор чора ва тадбирлар амалга оширилган. Агар гувоҳлар келтирган далилга кўра жавобгарнинг уйда ёки бошқа бир маконда эканлиги аниқланса, қози жавобгар турган манзилга қўриқчи юборган. Ва жавобгар ўша манзилда қулфда сақланган. Буни биз замонавий тил билан “уй қамоги” деб айтамиз. Қачонки, даъвогарнинг далиллари ўз исботини топиб, жавобгарнинг айбдор эканлиги ошкор бўлса, жавобгар маҳкамага хибс қилинган ҳолатда келтирилган. Жавобгарнинг айбосизлиги исботланган ҳолатда у уй қамогидан озод этилган. Ас-Садр аш-Шаҳид бу каби чоралар фақатгина оғир жиноят билан айбланаётган жавобгарга нисбатан кўлланилганлигини таъкидлайди. Агар кўтарилилган даъвода жавобгарнинг жиноят содир этгани гумон қилинса ва жиноят иши оғир бўлмаган ҳолатда, қози айбланаётган шахснинг уйига икки гувоҳ ҳамроҳлигига ўз элчисини юборган. Элчи гувоҳлар олдида уч маротаба, *эй фалончи фалончи ўғли* сени қози фалончи фалончи ўғли сен билан хусуматлашаётган фалончи, *фалончи ўғли* билан бирга қози маҳкамасига келишингни буюрди, деб айтади. Элчи учун бу хитобни айнан, айбланаётган шахсга етказиш шарт ҳисобланмаган. Яъни элчининг хабарига жавобгарнинг бирор кариндоши, яқини жавоб қайтаришининг ўзи ҳам кифоя қилган. Элчи уч кунгача жавобгар яшаётган уйга гувоҳлар ҳамроҳлигига келиб, уни ёки яқинларини огоҳлантирган (баъзилар бир кунда уч маротаба деб ҳам айтадилар). Уч кун ичida жавобгар қозининг олдига келмаса ва вазиятни аниқлаштирумаса, айбланаётган шахс яшайдиган маҳалла ёки қишлоқ катталаридан бирининг вакиллигига қози кўтарилилган даъво юзасидан ўз ҳукмини эълон қилган.

Ас-Садр аш-Шаҳид юкоридаги масала юзасидан бир қатор мовароуннаҳрлик факихларнинг ихтилофли фикрларини ҳам келтириб ўтган. Жумладан, Хассоф бу ерда қози жавобгар келмагунча, гоибнинг устидан ҳукм чиқариши мумкин эмас, деб ҳисоблаган. Абу Али ан-Насафийнинг фикрича, қози жавобгар билан мулоқотга чиқа олмагач, вакил билан ҳисоблашади ва унинг розилиги билан ҳукмни эълон қилиши жоиздир. Шамсу-л Аи’мма ал-Ҳалвоийнинг фикрига қарайдиган бўлсак, факих қози ҳукмни эълон қилиш жараёнида албатта, жавобгарнинг уйига борган элчи ва гувоҳларнинг исмларини ҳам келтириб ўтиши керак, деб таъкидлаган<sup>307</sup>.

---

<sup>307</sup> Қаранг: Шарх адаб ал-қози. Ж. 2. – Б. 330.

Аасарни ўрганиш жараёнида кўрилаётган масала юзасидан билдирилаётган ҳар бир ечим ўзига хос ва адолатли эканлигини ойдинлашади. Бу ўз-ўзидан ҳозирги гарб дунёсида бонг урилаётган инсон ҳуқуқлари, инсон қадри каби тушунчаларнинг X-XIII асрдаёқ бизнинг ўлкаларда такомиллашиб бўлганлигини кўрсатади.

Инглиз исломшуноси Босвортнинг фикрича, ўрта асрларда Мовароуннахрда фаолият юритган қозилик маҳкамалари ҳукуматнинг таянч идоралари ҳисобланиб, эркин фаолият юритишдан йирок бўлган<sup>308</sup>. Юқорида келтирилган илмий таҳлил ва далиллар инглиз олимининг фикрига зид ўлароқ, қозининг жавобгарга нисбатан инсонийлик даражасидаги муносабати, асосли ҳуқуқий мезонлар билан иш юритгани ва қозилик маҳкамаларида юритилган фаолиятнинг ижтимоий ҳаётда эркин ва адолатли бўлганлигини исботлайди.

Ас-Садр аш-Шахид “ал-Адаб ал-қози” аасарининг ўттиз биринчи бобидан то бир юз йигирманчи бобигача бўлган қисмда жиноят масалаларига тўхталиб, унда қозилик маҳкамалари иш фаолиятига доир масалалар, жиноятчиларни ҳибс этиш ва гувоҳлар, турли ижтимоий муносабатларга доир даъво турлари, вакил бўлиш, нафақа, савдо-сотиқ келишувлари, гувоҳлик ва унинг турларини атрофлича таҳлил этган<sup>309</sup>.

Ас-Садр аш-Шахид жиноят ва гувоҳлик қилиш масаласида Шамсу-л А’имма ас-Сарахсийнинг фатвосини келтиради, яъни катта ёки кичик гуноҳ *إرتکاب (иртиқоб)* содир этган шахс кўпчиликка ибрат учун конунда кўрсатилган жазога тортилиши шарт бўлиб, акс ҳолда жамият адолати қарор топмайди, дейди<sup>310</sup>. Қозилик маҳкамасида жиноятни очиш учун тўғри сўз, покдил, холис ёндашувчи гувоҳлар масаласига катта эътибор қаратади. Ас-Садр аш-Шахид қозининг биринчи галдаги мақсади ҳам адолатдир, деб таъкидлаб, куйидаги таърифни келтиради:

العدل من لم تظهر عنه ريبة، لذلك عدنا لا تقبل الشهادة اذا كان  
فاسقا، و اضاف شمس الانمة الحلوانى أن يقل لغوه.

<sup>308</sup> Қаранг: С.Е. Bosworth. Abu Abdallah al-Khwarazmi on the technical terms of the secretary's art (a contribution to the administrative history of mediaeval Islam) // Journal of the Economic and Social History of the Orient, Vol. 12, № 2, (Apr., 1969). – pp. 113-164.

<sup>309</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.3. – 205 – 497 бетлар., Ж. 4. – 3-564 бетлар.

<sup>310</sup> Қаранг: Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 3. – Б. 5.

Таржимаси: *Адолат шундай нарсаки унда шубҳага ўрин бўлмаслиги керак. Шунинг учун бизнинг диёrlарда гувоҳ бўлаётган шахс агар фосиқ бўлса, гувоҳлиги қабул қилинмайди. Шамсу-л А'имма ал-Ҳалвоний қўшиимча шарт қилиб, гувоҳнинг беҳуда гапи кам бўлишини ҳам уқтиради*<sup>311</sup>.

Маълумки, исломда етим ҳаққига эҳтиёtkорлик билан муносабатда бўлинган. Мовароуннахр ўлкасида ҳам ушбу масалага жиддий эътибор берилганини кўриш мумкин. Ас-Садр аш-Шаҳид етимнинг молини бус-бутун сақланишилигига биринчи галда қози масъул, деб ҳисоблайди. Қози етимнинг молини ўз назоратига олиб, ундан ўзи фойдаланган ҳолатда етимга ҳам фойда чиқариб бериши лозим. Агар бу ишга ўзи кодир бўлмаса, албатта, солиҳ мўминлардан бирини етимга васий қилиб тайинлаб, етимнинг молини унинг ихтиёрига ўтказади. Бу ўринда васий етимни ҳар тарафлама фойдалантириб туриш эвазигагина ўзига вақтинчалик берилган мол-мулқдан маълум миқдордагина фойдаланиши мумкин. Қози васийга ўтказилган етим мулкини қонуний ва расмий тарзда қозилик маҳкамасидаги сакк ҳужжатлари сақланадиган архивга тикиб кўйган. Ушбу ҳужжат етим вояга етиб, ўз мол-мулқидан мустақил фойдаланунга қадар юридик аҳамиятга эга бўлган<sup>312</sup>. Агар васий ўтказилган мулкни талон-тарож қилса ёки эътиборсиз қолдирса, қози хоҳлаган пайтда уни васийликдан маҳрум килган. Ас-Садр аш-Шаҳид қозиларнинг алоҳида васийлар папкаси – خربطة الوصباء (*xarijta al-awsiasiya*) бўлганлиги ҳақида хабар беради<sup>313</sup>. Унга васийликка даъвогар шахслар ҳақидаги маълумотлар ёзилган.

Кўриб ўтилгандек, етимларга бефарқ бўлмаслиқ, уларга ғамхўрлик қилиш Мовароуннахр халқлари жумладан, ўзбекларга тарихдан қолган удум, миллий қадриятдир.

Ушбу бўлимга хulosа қилиб айтиш мумкинки, Мовароуннахрда қозилик тизимиning равнақ топишида Ироқ факихлари яратган тамойиллар, хусусан, Хассофф томонидан илгари сурилган ҳанафийлик мазҳаби таълимотларининг ўрни катта бўлди. Мовароуннахрда шаклланган давлатчилик тажрибалари ва кўплаб алломаларнинг фикҳ илмида эришган юксак мувоффақиятлари натижасида Ироқ мактабида мавжуд бўлмаган қатор масалалар янада такомиллаштирилиб, Мовароуннахр қозилик маҳкамаларида татбиқ этилди.

<sup>311</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 3. – Б. 16.

<sup>312</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 3. – Б. 77.

<sup>313</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж. 3. – Б. 78.

## **Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “ал-Мұхит ал-бұрхоний” асари – қозилар фаолиятини тартибга солувчи мұхим құлланма**

Фақиҳнинг түлиқ исми Бурхонуддин Маҳмуд ибн ас-Садр ас-Са‘ид Тожуддин Ахмад ибн ас-Садр ал-Кабир ‘Абд ал-‘Азиз ибн ‘Умар ибн Моза ал-Бухорий ал-Марғинонийдир (Бундан кейин Бурхонуддин Маҳмуд номи билан келади). У Бухоро ва Самарқандда яшаб ижод этган бўлса-да, алломанинг ўз асарларида келтирилган маълумотларга таяниб, уни 551/1156 йили ҳозирги Марғилон шахрида таваллуд топғанлиги аниқланди. Жумладан, “ал-Мұхит ал-бұрхоний” (Бундан кейин. “ал-Мұхит” номи остида келади) асарининг Миср қўлёзма нусхалари муқаддимасида хаттотлар томонидан битилган қуйидаги фикр бунга асос қилиб олинди:

مرغینان هو مسقط رأس الإمام برهان الشريعة محمود بن  
احمد الصدر السعید والبلد الذي ولد بها خرج منها جماعة من  
الفضلاء<sup>314</sup>.

**Таржимаси:** “Марғинон имом Бурхону-и-шари‘а Маҳмуд ибн Ахмад ас-Садр ас-Са‘ид тугилган жой бўлиб, бу шаҳардан қўплаб фозил одамлар етишиб чиққанлар”.

Демак, Бурхонуддин Маҳмуднинг бобоси, Оли Моза оиласининг асосчиси Бурхону-л-Кабир Султон Санжарнинг Мовароуннахрга уюштирган ҳарбий юришларида ҳамроҳлик қилиши натижасида Бухорога келиб ўрнашган. Аллома таваллудининг айнан, Марғилон шахри билан алоқадорлиги ҳам шу ҳарбий юришларга боғланади. Асли марвлик бўлган Оли Моза оиласидан чиққан садрлар ва фақиҳлар, жумладан, Бурхонуддин Маҳмуднинг ҳам асосий фаолияти Бухорода кечгандыги боис аллома исмига ал-Бухорий ва түлиқ аталганда ал-Марғиноний нисбасини қўшиш мақсадда мувофиқдир.

Бурхонуддин Маҳмуднинг вояга етиши, фикҳ илми соҳасида машҳур бўлишида унинг Бухоро ва Самарқандда садрлар номи билан машҳур бўлган оиласи мұхим роль ўйнади.

<sup>314</sup> Маҳмуд ибн Ахмад ал-Бухорий. Ал-Мұхиту-л-бұрхоний. – Қохира: Дор ал-китуб ал-мисрий // Қўлёзма № 471. – В. 1а; Маҳмуд ибн Ахмад ал-Бухорий. Ал-Мұхиту-л-бұрхоний. – Қохира: Ал-Азҳар кутубхонаси // Қўлёзма № 482, 774, 3054 – В. 1а.

Бурхонуддин Маҳмуднинг факих сифатида танилишида унинг Самарқанддаги фаолияти муҳимдир. Бухорода Оли Моза оиласи билан маҳаллий олимлар ва сўнгги Қорахонийларнинг хони ҳисобланган Қилич Арслонхон Усмон (хукм дав. 599/609-1202/1212 йй.) ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви оиланинг Самарқандга келиб ўрнашишига сабаб бўлди<sup>315</sup>. Жумладан, Бурхонуддин Маҳмуд ўзининг “аз-Захирату-л-бурхониййа” асарида мазкур масалага оид куйидаги фикрларни келтирган:

..... وقد جمعت و أنا في حداثة سنى و عنوان عمرى' و  
صدر أمرى فى الافتاء ما رفع الى من مسائل الواقعات و ضمنت  
إليها أجناسها من الحوادث و جمعت ايضا اخر ما استقى فيه مدة  
مقامى بسم رقى<sup>316</sup>.

**Таржимаси:** “Умримнинг гуллаган ёшлик даврида фатво берини бошлаганимда мендан сўралган кундалик масалаларни тўплай бошлидим. Уларга турдош ҳодисаларни қўйидим. Шунингдек, Самарқандда турган муддатимда сўралган бошқа фатволарни ҳам тўпладим”.

Оли Моза ва маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескин бўлганлигини ўша даврда зарб этилган танга ёки пул бирликларида ва турли муҳр хужжатларида садрлардан чиқсан бирорта ҳам олимнинг номи ёки куняси акс этмаганлигига ҳам кўриш мумкин<sup>317</sup>.

Демак, Оли Моза оиласи Бухородаги зиддиятлардан ҳимояланиш учун Самарқанд олимлари ва сиёсий муҳити билан алоқаларни мустаҳкамлаган бўлиши табиийдир. Бурхонуддин Маҳмуд ҳам Бухородаги ички зиддиятлардан қочиб, Самарқандда узоқ муддат қозилик ва муфтийлик фаолиятини ҳам олиб борган. Натижада у Самарқанд ва Бухоро фиқҳ мактаблари ўртасидаги фарқларни умумлаштириш имконига эга бўлган.

Манбалар унинг асарлари, асосан, Самарқандда битилгани “ал-Муҳит” асарининг илк нусхалари ҳам шу шаҳар хаттотлари томонидан кўчирилганлигини тасдиқлайди. Масалан, хаттот Абу-л-Фатҳ

<sup>315</sup> Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 389; Муминов А.К. Роль и место ханафитских ‘улама’ в жизни городов Центрального Мавараннахра (II-VII/VIII-XIII вв): Дисс. ... докт. ист. наук. – Т.: ТИУ, 2003. – Б. 199 (Бундан кейин. Муминов, 2003).

<sup>316</sup> Мамдух Ҳасан Бағавий. Китоб ас-солат мин аз-Захират ал-бурхонийя. – Қоҳира: Қоҳира университети, 1992. – Б. 7.

‘Абдулқохир ибн Аби Бакр ибн ‘Али ал-Марғиноний 660-663/1262-65 йилларда Самарқанддаги ал-Амирийя мадрасасида “ал-Мұхит”ни китоб шаклиға келтирған<sup>318</sup>.

Бурхонуддин Маҳмуд 616/1219 йили 63 ёшида Бухоро ҳимояси учун мұғуллар билан бўлган жангда шаҳид бўлади<sup>319</sup>.

Бухорода “Садр” ва “Қози ал-қузот” мансабига 495/1101 – 02 йилда илк бор Бурхонуддин Маҳмуднинг бобоси Бурхону-л-Кабир тайинланган<sup>320</sup>. Оли Моза оиласининг Бухородаги маданият, фан ва таълим ҳамда фиқҳ илми ривожидаги хизматини уларнинг “Сиккат ад-дехқон” маҳалласида “Хизонат ал-қутуб” кутубхонасини ташкил этишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тадқиқот жараёнида бугунгача “ал-Мұхит” асари бир неча марта нашрга тайёрлангани маълум бўлди. Покистоннинг Исломобод шаҳридаги “Идара ал-Қуръон ва-л-‘улум ал-исламийя” ислом тадқиқотлари маркази тадқиқотчиси Луйи ‘Абдуррауф ал-Халилий 1424/2003 йилда “ал-Мұхит” асарининг “Китоб ал-музораба”

<sup>317</sup> Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 390.

<sup>318</sup> Ушбу қўлёзма ЎзР ФА ШИ фондида № 3102 ракам остида сакланади.

<sup>319</sup> Исмо‘ил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадия ал-‘орифин. 2 жилдли. – Кохира: Дор ал-қутуб ал-‘илмийя, 1981. Ж.2. – Б. 404 (Бундан кейин. Ҳадия ал-‘орифин.); Хайрудин аз-Зириклий. Ал-А‘лом комус тарожим ли-ш-шуҳури ар-рижол ва-н-нисо’ мин ал-‘араб ва-л муста’рибин ва-л-мусташрикин. 10 жилдли. – Кохира: Дор ал-‘илм ли-л-малайин, 1998. Ж.8. – Б.161-244 (Бундан кейин. Ал-А‘лом.); Захабий Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Үсмон ибн Қоймоз. Сиyr а‘лом ан-нубало. 23 жилдли / Шу‘айб ал-Арноут ва Мұхаммад Наъим ал-Арқусий таҳрири остида. – Байрут: Мавсү‘а ар-рисола, 1412/1992, Т. XVII. – Б. 322 (Бундан кейин. Аз-Заҳабий); Каҳхола ‘Умар Ризо. Мў‘жам ал-муаллифин. 15 жилдли. – Байрут: Дор ихъо ат-туррос ал-‘арабий, 1980. Ж.2. – Б. 147 (Бундан кейин. Ризо. Мў‘жам.); Абу Са‘д ‘Абдулкарим ас-Сам‘оний. Китоб ал-ансоб. 5 жилдли / ‘Абдуллоҳ ‘Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-жинон, 1408/1988. Ж.3. – Б. 123 (Бундан кейин. Ал-Ансоб.); Тақийиуддин ‘Абдулқодир ат-Тамими. Ат-Табакот ас-саннийа фи тарожим ал-ҳанафийя. 2 жилдли / ‘Абдулғаттоҳ Мұхаммад таҳрири остида. – Кохира: Ал-Маҳалли ал-а‘ло ли-ш-шу’ун ал-исламийя, 1390/1970. Ж.2. – Б. 85 (Бундан кейин. Ат-Тамими.); Тоҳо Аҳмад Ҳасан Ҳафиий ал-Мағозий. Мин аввали Китоб ас-салот ило охир ал-фасл ал-хомис минҳ мин Маҳтут ал-Мұхит ал-бүрхоний. – Кохира: Ал-Азҳар университети, 2003. – Б. 36, 41 (Бундан кейин. Тоҳо. “Ал-Мұхит”); Мұхаммад Сагир Ҳасан Ма‘сумий. Бүрхон аш-шари‘а ва китобуҳ “ал-Мұхиту-л-бүрхоний”. – Исломобод: Осор ал-исламийя (Исломобод ислом университети), 1967. – Б. 67 (Бундан кейин. Ма‘сумий. “Ал-Мұхит”).

<sup>320</sup> Садруддин Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн Носир ал-Ҳусайний. Зубда ат-таворих: Ахбору-л-умаро ва-л-мулук ас-Салжуқийа. – Байрут: Дор иқра’, 1985. – Б. 137 – 139 (Бундан кейин. Ал-Ҳусайний.).

бўлимини “Китоб ал-музораба мин “ал-Мухит ал-бурҳоний” номи остида 344 бетлик китоб шаклида нашр эттирган<sup>321</sup>. Шунингдек, ушбу марказда “ал-Мухит” асарининг йигирма беш жилдлик кўлёзма нусхалари ҳам сақланади. Ҳиндистонлик Сайид Ҳошим ан-Надвий томонидан ҳам асар тадқиқ этилган, лекин нашр қилинмаган. Мазкур олим тадқиқотида Сахаранапурдаги “Мазохир ал-‘улум”, Рампур шаҳридаги “Ридо” кутубхоналари ва Ражпутана шаҳрида “Са‘идийя” араб кўлёзмалар фондида сақлананаётган кўлёзмаларга таянилган<sup>322</sup>.

“Ал-Мухит” асарининг илк йирик нашрини Аҳмад ‘Иззу ‘Иноя (Қохира-2003)<sup>323</sup> ҳар бири ўртacha 500-550 бетдан иборат бўлган ўн жилдлик китоб ҳолида амалга оширган. Нашр “Таҳорат” бўлими билан бошланиб, “Ал-Маҳозир ва-с-сизиллот” бўлими билан тугайди. Унда жами 64 та бўлим зикр қилинади. Аҳмад ‘Иззу ‘Иноя мазкур нашрда асарнинг Байрут кўлёзма нусхасига таянади. Бироқ чоп этилган жилдларда кўрсаткичлар ва зарур изоҳлар йўқ. “Кириш” қисмida Бурхонуддин Маҳмуд ҳақидаги маълумотлар берилмаган. Кўп ўринларда форс тилидаги иборалар чалкаштириб юборилган. Нашр нусхаси ЎЗР ФА ШИ 2861 ракам остида сақлананаётган кўлёзма билан солиштирганда, унда “шурут” ва “хунса” бўлимларининг мавжуд эмаслиги аниқланди.

“Ал-Мухит” нинг иккинчи йирик нашри муаллифи ‘Абдулкарим Сами ал-Жундий бўлиб, у асарни тўққиз жилдда ( ҳар бир жилди ўртacha 500-550 бетни ташкил қиласи) нашрга тайёрлаган<sup>324</sup>. Бу Аҳмад ‘Иззу ‘Иноя тайёрлаган нашрга нисбатан анча мукаммалластирилган. Нашрнинг муқаддимасида ҳанафийлик мазҳаби тарихи ва ривожланиш босқичлари, сўнгра муаллиф ҳақида қисқача маълумот берилади. Жиллар “Таҳорат” бўлими билан бошланиб, “Ал-Маҳозир ва-с-сизиллот” бўлими билан тугайди. Ушбу нашр “ал-Мухит” асарининг Ҳалаб (Сурия) шаҳрида жойлашган “Аҳмадийя” мадрасасида сақлананаётган тўрт жилдлик нусхасига асосланган. Асарда учраган

<sup>321</sup> <http://www.aslein.net/archive/index.Php/t-5361.htm1> сайтига каранг.

<sup>322</sup> Ма‘сумий. “Ал-Мухит”. – Б. 71.

<sup>323</sup> Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Мухиту-л-бурҳоний фи-л-фикҳ ан-нў‘моний. 11 жилдли / Аҳмад ‘Иззу ‘Иноя таҳрири остида. – Қохира: Дор ихой ат-турс ал-‘арабий, 2003.

<sup>324</sup> Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Мухиту-л-бурҳоний фи-л-фикҳ ан-нў‘моний. 9 жилдли /‘Абдулкарим Сами ал-Жундий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийя, 2004 (Бундан кейин. Ал-Мухит. Сами ал-Жундий).

олимларнинг исмлари, улар қолдириган асарлар ва ҳадисларнинг қайси турга оид эканлиги, Куръон оятлари ҳакидаги маълумотлар нашрнинг тадқиқ қисмида бериб борилган. Нашрдан жами 41 та бўлим ўрин олган. Аммо ‘Абдулкарим Сами ал-Жундий чоп эттирган нашрда ҳам “Шурут” бўлими тушириб қолдирилган.

Номзодлик диссертацияси<sup>325</sup>ни ёзища ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган “ал-Мухит” асарининг 10 та кўлёзма нусхалари<sup>326</sup>, шунингдек, ал-Азҳар кутубхонаси (Миср), Сулаймония кутубхонаси (Туркия) кўлёзмалар фондида сақланаётган “ал-Мухит” асарининг кўплаб кўлёзма нусхалари<sup>327</sup>дан асарнинг кодикологик хусусиятларини очиб беришда бирламчи манба сифатида фойдаланилган. Манбашунослик нуқтаи назаридан ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган “ал-Мухит” асарининг №2861 инвентар рақамли нусхасидаги қозилик ҳужжатларига оид бўлиmlар асосий манба сифатида илмий таҳлил этилган.

Бурхонуддин Маҳмуд ўзидан олдин қозилик ҳужжатларига оид асарлар ёзган Абу Жа’фар ат-Таҳовий, Абу Наср ас-Самарқандий, Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шахид каби факиҳлардан фарқли ўлароқ қозилик ҳужжатларига оид масалаларни ўзининг “ал-Мухит” асари таркибиغا киритади.

Факиҳ “Ал-Мухит” асарининг “Китоб аш-шурут” (كتاب الشروط) (Шартномалар тузиш қоидалари китоби, бундан кейин “шурут” номи остида келади) бўлимида шартномаларни ўттизта қисмга бўлиб ўрганади<sup>328</sup>.

<sup>325</sup> Қаранг: Бекмирзаев И.И. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “ал-Мухит” асари ва унинг Мовароуннахр қозилигига тутган ўрни: Дис. ... тарих фан. номз. – Т.: ТИУ, 2009. – 203 б.

<sup>326</sup> ЎзР ФА ШИ // Кўлёзмалар № 5835. – 675 в; № 5982. – 955 в; № 9532. – 727 в; № 8781. – 340 в; № 7814. – 180 в; № 5945. – 924 в; № 2861. – 1241в; № 3167. – 314 в; № 3102. – 196 в; № 3161. – 543 в.

<sup>327</sup> Миср Араб Республикаси. – Қоҳира: Ал-Азҳар кутубхонаси. – Ҳанафий фиқхи кўлёзмалар бўлими // Кўлёзмалар № 774. – 602 в; № 3054. – 894 в; № 471. – 890 в; № 482. – 720 в; Туркия. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Аё София бўлими // Кўлёзмалар № 001406. – 206 в; № 001407. – 188 в; № 001408. – 211 в; № 001409 – 193 в; № 001410. – 207 в; № 001411 – 225 в; № 001412. – 235 в; № 001413. – 174 в; № 001414 – 199 в; № 001415. – 271 в; Мурод Мулла бўлими // Кўлёзмалар № 001042. – 427 в; № 001043. – 511 в; № 001044. – 459 в; № 001045. – 409 в; № 001046. – 275 в; № 001047. – 835 в; № 001048. – 622 в .

<sup>328</sup> Ушбу қисмлар куйидагилар: савдо-сотик “ашрий” (اشرييَّة), никоҳлар “анкиҳа” (نكحة), талок “талок” (طلاق), кул озод этиш “иток” (عناق), хожанинг ўлими би-

“Шурут”ни илмий таҳлил қилиш жараёнида маълум бўлдики, Бурхонуддин Маҳмуд “ал-Мухит”да мисол тариқасида, асосан, Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “Зоҳир арривойа”<sup>329</sup> асарларида берилган қоидалардан намуналар келтиради<sup>330</sup>. Бунга савдо-сотиққа тегишли қоидаларни мисол қилиш мумкин. Чунки Муҳаммад аш-Шайбоний “Зоҳир арривойа”да биринчи бўлиб, олди-сотдига тегишли қоидаларни зикр қиласи. Шамсу-лАи’мма ас-Сарахсий ҳам ўзининг “ал-Мабсут” асарида мазкур қоидаларни алоҳида бобда шарҳлаб ўтган<sup>331</sup>.

“Ал-Мухит” китобидаги қоидаларни, асосан, уч гурухга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Улар оиласи, мулкий ва қулчилик муносабатларига тегишли шартнома тузиш қоидаларидир.

Асарда оиласи, муносабатларга, асосан, никоҳ тузиш ва уни бекор қилиш тўғрисидаги битимлар киритилган.

“Шурут”да оила ва никоҳ масалаларига тегишли бир неча шартнома тузиш қоидалари келтирилади. Жумладан, никоҳга тегишли қоидалар ўнга яқин бўлиб, уларнинг барчаси никоҳланувчи томонлар номидан яқин қариндошларининг *валий* (ولی) ёки қул ва чўри бўлса хожа *сайид* (سید) ларининг никоҳлашига бағишиланади<sup>332</sup>. Никоҳга оид шартнома хужжатларини мақсад-моҳиятига қараб қуйидагича гурухлаш мумкин:

---

лан кулнинг озод бўлиши “тадбир” (تدبر)، хожасидан бола түккан жориялар “уммаҳоту-л-авлод” (امهات الأولاد), ёзма келишув асосида кулни озод қилиш “китоба” (كتابه), озод қилган кишининг химоясида қолиш “мувалот” (موالات), омонат “вади‘а” (وبيعه)، вақтгина фойдаланиш “аворий” (avarri)، карз мужбуриятидан сокит бўлганига гувоҳлик бериш “ишход ‘ала-л-исқот” (إشهاد على الإسقاط), хадя ва садака “хиба ва садака” (جبا و صدقة), вақфлар “авқоф” (أوقاف), васиятлар “васайо” (وصاية), имтиёзли сотиб олиш хукуки “шуф‘а” (شفعه), мулкни тақсимлаш “кисма” (قسمة), ижаралар “ижарот” (اجارات), руҳсатлар “ақорир” (اقارير), ваколат “вакола” (حوالة), кафиллик “кафола” (كفالة), мажбуриятни бошқага ўтказиш “хавола” (حولا), ярашув асосида низони ҳал қилиш “сулх” (صلح), мажбуриятдан сокит бўлиш “баро‘а” (براءة), гаров “роҳн” (رهن), музора‘а ва му‘омала ширкатлари “музорба‘а ва му‘омала” (懋زاربة و معاملة), музораба шерикчилиги “музораба” (懋زاربة), шерикчиллик “шарикот” (شركات), алокани узиш шартлари “муқото‘от” (مقاطعات), халқаро шартномалар ва омонлик (хориждан келиб бошпана сўраш) меъёрлари “мувода‘от” ва кутуб ал-омон” (مودعات و کتب الامان) зеб зийнатлар “хуллий” (حلی).

<sup>329</sup> Зоҳир ар-ривойа, Муҳаммад Ҳасан аш-Шайбонийга тегишли асарлар жамланмасидир.

<sup>330</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА. ШИ // Қўллэзма № 5835. – В. 4426.

<sup>331</sup> Шамсу-л-Аи’мма ас-Сарахсий. Ал-Мабсут. Ж.15. – Б. 448.

<sup>332</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Қўллэзма № 5835. – В. 465а.

- балоғатта етган қызни отаси никохлаши;
- балоғатта етмаган қызни отаси никохлаши;
- балоғатта етмаган қызни бобоси никохлаши;
- балоғатта етмаган қызни акаси никохлаши;
- балоғатта етмаган қызни амакиси никохлаши;
- валийи йўқ қизнинг никохланиши;
- қулни никохлаш;
- чўрини никохлаш.

Ушбу ҳужжатларнинг тузилишини қуидаги тартибларда кўриш мумкин. Дастреб, никохланувчи эрга қиз ким томонидан никохланиши кўрсатилади ва вакил кишининг қиз томондан розилик олганлиги, маҳр миқдори белгиланади. Сўнгра гувоҳларнинг борлиги, эрнинг никоҳ шарти ва талабларига жавоб бера олиши алоҳида эътиборга олинади. Бунда тенглик “*кафо’а*” ва аёлни моддий таъминлай олиш салоҳияти “*ийфау’-н-нафақа*”ни (إيفاء النفقة) белгилаш, томонларда никоҳни бекор қилиш ёки кейинчалик бузилишига олиб келувчи сабабларнинг мавжуд эмаслиги каби жиҳатлар эътиборга олинган:

...هذا ما تزوج فلان فلانة بتزويج ولبها فلان إيه بإذنها ورضاهما وأمرها  
إيه بمهرها كذا نكاحا صحيا جائزنا نافدا

حضره جماعة من العدول وزوجها هذا كفؤ لها في الحسب وغيره قادر على إيفاء مهرها ونفقتها ليس بينهما سبب يؤدي إلى نقض النكاح أو فساده والمهر المسمى فيه مهر مثلها وهي أمراته بهذا النكاح الموصوف فيه وهذا الصداق لها عليه حق واجب دين لازم، وذلك كله في تاريخ كذا.

**Таржимаси:** “Бу фалончининг фалон аёлга уйлангани ҳақидаги (хужжат)дир. Аёлнинг валийси фалончи аёлнинг изни, розилиги ва унга берган буйруғи асосида фалон миқдордаги маҳр эвазига аёлни унга саҳиҳ ва жоиз никоҳ билан никохлади.

Никоҳ вақтида бир гуруҳ адолатли кишилар гувоҳ бўлдилар. Унинг ушбу эри унга ҳасаб ва боишаларда куфу’(тенг) бўлиб, маҳрини ва нафақасини беришига қодирдир.

Улар ўртасида никоҳни бекор қилишига ёки бузилишига ҳеч қандай сабаб йўқ. Шартномадаги келишилган маҳр (маҳри мусамма), маҳри мислийдир.

*У (аёл) ушибу баён қилинган никоҳ туфайли унинг хотинидири.*

*Ушибу маҳр аёлнинг эри зиммасидаги вожиб ҳақ ва мажбурий қарзидир.*

*Буларнинг барчаси \_\_\_\_\_ куни содир бўлди. (қозининг муҳри билан тасдиқланади)"*<sup>333</sup>.

“Шурут”да диккатга молик яна бир жиҳат мавжуд. Бу Мовароуннахрда юзага келган маҳр масаласи билан боғлиқ баъзи одатлардир. Масалан, ўрта асрларда Бухоро ва Самарқанд мавзела-рида одат бўйича эр ёки унинг ота-оналари аёлга муайян микдорда кўчмас мулк беришган ва бу маҳр ўрнига ўтган. Буни олди-сотди шартномаси сифатида расмийлаштиришган. Шартноманинг охирида аёл сотиб олувчи сифатида пулни топширгани ва эр сотувчи сифатида пулни олгани ҳамда ўзининг зиммасидаги маҳр мажбуриятини адо қилиш мақсадида аёлга пулни қайтариб бериб, ўз мажбуриятидан сокит бўлгани зикр этилган.

Агар олди-сотди маҳрнинг муайян қисмини қопласа, бу тўйдан аввал нақд тўланиши шарт бўлган маҳрнинг бир қисми ҳисобланган ва бу форсчада “*даст паймон*” ибораси билан ифода қилинган<sup>334</sup>. Шартномада мулкнинг нархи нақд берилиши шарт қилинган мулк сифатида баҳоланиб, аёл олди-сотдидаги мулкни топшириш мажбуриятидан қутилгани ҳамда эр мулкнинг қийматини тўлаб ўз мажбуриятидан қутилгани, шу билан бирга маҳр мажбурияти зиммасида қолгани қайд қилинган. Олди-сотдини эрнинг ўзидан ташқари унинг отаси ҳам тузиши мумкин бўлган.

“Шурут”да никоҳни бекор қилишда бир неча усул мавжуд. Улар, асосан, “*талоқ*” (طلاق), “*хул*” (خلع), “*тафриқ*” (تقریق) асосида амалга оширилган.

Мулкий муносабатларга оид шартнома тузиш қоидаларига “шурут” бўлимида жуда катта қисм ажратилган бўлиб, мисол тариқасида уларнинг 52 та тури келтирилади. Жумладан, ўрта аср Мовароуннахр марказий шаҳарларида амал қилган йирик шартнома мулк олди-сотди қоидаларига алоҳида тўхталиб, куйидагилар унинг муҳим жиҳатлари сифатида кўрсатилган:

1. Томонлар;
2. Мулк ва унга кирувчи барча нарсалар;

<sup>333</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5835. – В. 471а.

<sup>334</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА. ШИ // Кўлёзма № 5835. – В. 466б.

3. Мулкга эгалик хуқуқи;
4. Мулкнинг жойлашган манзили ва шакли;
5. Мулкнинг эвазига бериладиган пул миқдори;
6. Мулқда бошқаларнинг ҳаққи бўлмаганлиги;
7. Харидорнинг мулкни қабул қилиб олганлиги;
8. Томонларнинг ўз розилиги билан, бошқаларнинг аралашувисиз шартномани тузганлиги;
9. Сана<sup>335</sup>.

Булар умумий қоидалар сифатида барча олди-сотди шартномаларида кўрсатилиши талаб қилинган. Уларнинг баъзилари шартноматури, мулк ҳамда пулга караб ўзгариб турган.

“Шурут”да юқоридаги мулкий муносабатлардан сўнг давлат ишларини юритишда амал қилган давлатларо шартномалар ва чет эл фуқароларига мусулмон давлатига киришга омонлик бериш каби ма-салалар ҳам кўриб чиқилган<sup>336</sup>.

Мовароуннаҳр тарихида кенг тарқалган битимлардан яна бири ижара ҳисобланади. Киши ўз мулкидан ажралмаган ҳолда даромад кўришни истайди. Шунинг учун ҳам мулклар ижарага берилади. Бурхонуддин Маҳмуд узок муддат Бухорода яшаганлиги боис ўз асарида шаҳарда кенг тарқалган ижара шартномаларидан қатор на-муналар келтиради. Фақиҳ яшаган даврда Бухорода узок муддатли ижаралар мавжуд эди. Шунинг учун ҳам кўп ўринларда уй ижарага берилганда, ижара шартномаси ўттиз бир йилга мўлжаллаб тузилган. Лекин ҳар йилнинг бошидаги ўн кун истисно қилинган. Бу олдинги ўттиз йилга тегишилдири. Муддатнинг бошланиши шартнома тузилган кундан кейинги кун қилиб белгиланган<sup>337</sup>.

Ўттиз бир йиллик ижара муддатининг ҳар уч ойи охирида уч кун истисно қилинган 360 кун бир йиллик муддатни ташкил этади. Бу ҳолатда мулк аслида, ўттиз йил муддатга ижарага берилган ҳисобланади. Кўриниб турибдики, мазкур даврда гарчи ўттиз бир йил ижарага шартнома тузилса-да, ижарага қўювчи томонидан ўттиз йиллик вақт учун ҳақ олинган<sup>338</sup>.

<sup>335</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўллэзма № 5835. – В. 474б.

<sup>336</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўллэзма № 5835. – В. 474а.

<sup>337</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўллэзма № 5835. – В. 492а.

<sup>338</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўллэзма № 5835. – В. 492а.

Бухорода мулкларнинг айнан ўттиз ва ўттиз бир йил муддатда ижарага берилишининг сабабини Бурхонуддин Маҳмуд шундай баён қиласди: “Ўттиз йил инсон умрининг ярми ҳисобланади. Чунки Муҳаммад (а.с.) умматининг ўртача ёши олтмиш йилдир. Агар муддат ўттиз йилдан ошса, бу абадийликни ифодлайди ва бу мулкнинг, ижарага олган шахсга ўтиб кетиш эҳтимолини кучайтиради. Шунинг учун ижарада аниқ муддат керак, энг юқори муддат эса ўттиз йилдир”<sup>339</sup>.

“Алмаҳозир ва-с-сижиллот” “ал-Мухит” асарининг йирик бўлимларидан ҳисобланиб, унда 63 та қозилик маҳкамаларида иш юритиш билан боғлиқ ҳужжат тузиш тартиби таҳлил этилган. Ушбу бўлимидаги *маҳзар* (баённома – протокол) ва *сижил* (рўйхатга олиш – регистрация)нинг ёзилиш шартлари ҳакида умумий қоидалар, оилавий, мулкий ва жиноят масалалари бўйича кўрилган ишлар қайд қилинган ҳужжатлардан намуналар, баъзи даъволарга қарши даъво қилиш йўл-йўриклири ва улардан намуналар, шунингдек, даъво иши кўрилаётганда жавобгарнинг маҳкамага келмаганлиги юзасидан даъвогарнинг қозига қай тартибда мурожаат қилиши, мазкур масала бўйича қози томонидан жавобгар шахс истиқомат қилиб турган ёки сафарда бўлиб турган шаҳар қозисига йўллаган расмий хат, мурожаатлар – “хўжмий китоб”дан (كتاب حكمي) намуналар келтирилган. Бундан ташқари китобда васийлик ёки етим ва мискинларга нафақа тайинлаш тўғрисидаги қозининг қарорлари ҳам келтирилган. Бўлим сўнгидаги, шунингдек, гувоҳларни текшириш бўйича масъул шахслар, яъни музаккийга йўлланган хатдан намуналар, бирор камчилик туфайли рад қилинган расмий ҳужжатлар бўйича берилган хulosалар ҳам келтириб ўтилган (“ал-Мухит” асарининг “алмаҳозир ва-с-сижиллот” бўлимидаги келган масалалар билан танишиш учун -<sup>4</sup>иловага қаранг).

“Ал-Мухит” асарида кўплаб маҳзар ва сижил ҳужжатларидан намуналар келтирилган бўлиб, улардаги умумий қоидалар куйидаги тартибда таълиф этилган:

1. “Басмала” ёзилган;

2. Қозилик мажлиси “мажлис ал-қазо” (مجلس القضاء) раислик қилувчи қози таништирилган. Бу ўринда ҳужжатга қозининг лақаби исми ва насаби қайд этилган;

<sup>339</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5835. – В. 4926.

3. Қозилик мажлиси бўлиб ўтаётган жой кўрсатилган. Бу ҳолатда давлатнинг субъекти ҳисобланган вилоят “кура” (کر), вилоятнинг таркибий субъектлари ҳисобланган туман “ноҳия” (ناحیة) сўзлари келтирилган;

4. Ҳужжатларда қозининг кимдан ваколат олганлиги, агар вақтинча қозилик ваколатида бўлса ёки бош қози ўрнига унинг ношиби ишни кўриб чиқаётган бўлса, шарти ва эгаллаб турган вазифаси аниқ кўрсатилиши талаб қилинган;

5. Қози хукмининг қайси ҳудудда амал қилиши қайд этиб қўйилган;

6. Иш кўрилган ва хукм чиқарилган сана кўрсатилган.

Ушбу қоидалар Мовароуннахрлик факихлар томонидан ишлаб чиқилганинги Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг номларини зикр қилишларида кўриш мумкин:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

...حضر مجلس القضاء في كرية بخارى قبل القاضي فلان بذكر لقبه واسمها  
ونسبة المتولى لعمل القضاء والأحكام ببخارى نافذ القضاء والإمضاء بين  
أهلها من قبل فلان في يوم كذا من شهر كذا ومن سنة كذا.

### Таржимаси:

“Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

— йил — ойнинг — куни Бухоро музофоти (кура) да Султон томонидан Бухорода қозилик қилиши ва ҳукм чиқарии иши топширилган ва музофот аҳли ўртасида ҳукми амал қилувчи қози \_\_\_\_\_ томонидан маҳкамама мажлиси бўлиб (*лақаби, исми ва насаби*) ўтди. Сана ”<sup>340</sup>.

“Ал-Муҳит” асарида зикр қилинган кейинги йирик қозилик маҳкамаси ҳужжати – бу ҳукмий китобдир. Ҳукмий китоб, юкорида айтиб ўтилганидек, қозилик маҳкамаси иш жараёнида юритилган ҳужжат бўлиб, маҳзар ва сижилдан фарқли равишда бу расмий қоғоз қозилик маҳкамасидан ташқарига чиқариладиган қозининг мурожаатномасидир. Асарда мазкур ҳужжат номи баъзи ўринларда *китоб деб ҳам* зикр қилинган<sup>341</sup>. Ҳукмий китоб ёзилгандан сўнг ундан бир

<sup>340</sup> Ал-Муҳит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

<sup>341</sup> Ал-Муҳит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 417.

нусха күчирилиб, гувоҳларга берилиши лозим бўлган ва бу нусха форс тилида “кушоднома” деб аталган<sup>342</sup>.

“Ал-Мұхит” асарида бир неча турдаги ҳукмий китоблардан на-  
муналар келтирилган. Уларни қуидагича гурухлаш мумкин:

1. Даъво қўзғалган пайтда жавобгарнинг даъво қўзғалган шаҳарда эмаслиги боис даъвогарнинг талабига кўра, ишнинг яширин кўрилгани ва унинг тугалланиши учун даъвони кўраётган қозининг жавобгар турган шаҳар қозилик маҳкамасига йўллаган мурожаати<sup>343</sup>.

2. Иккинчи турдаги ҳукмий китоб бу вақф мулкларига мутаваллийларни тайинлаш бўйича ёзиладиган хужжатдир. Унинг ҳам икки хил шаклда ёзилганлигини кўриш мумкин. Биринчиси, қозининг бевосита ўзи масжид аҳлининг талаби ва ишончига кўра мутаваллийни тайинлаганлиги ҳақидаги ҳукмий китоб бўлса, иккинчиси туманлардаги вақф мулклари бўйича шикоятлар тушганда, туман қозисига мутаваллий тайинлаш тўғрисидаги *кура* қозисининг буйруғи қайд этилган хужжатдир. Бу турдаги ҳукмий китобларнинг сўнгидаги туман қозисидан келган жавоб ҳам илова қилинган<sup>344</sup>.

3. Бу турдаги ҳукмий китоб вояга етмаган болалар ишларига тааллуқли масалалар бўйича тузилган хужжатдир. Унинг ҳам икки турдаги кўриниши мавжуд бўлган. Мазкур турдаги ҳукмий китобнинг биринчи шаклида отаси вафот этган, вояга етмаган болага амакисини васий қилиб белгилаш бўйича қўрсатмалар ва васийлик шартлари қўрсатиб ўтилган<sup>345</sup>. Иккинчисида бирор қишлоқдан келиб тушган шикоятга кўра, етим қолган, вояга етган ва вояга етмаган икки боланинг ишлари бўйича туман қозисига вилоят қозисининг берган қўрсатмалари ифодаланган. Мазкур хужжатда, шунингдек, меросни тўғри ва адолатли шаклда тақсимлаш ва уларга васий тайинлаш ҳақидаги *кура* қозиси буйруғи ҳамда болаларга тақсимланган мерос ва уларга васий белгилаш ишининг тартиби қайд қилиниб, тузилган хужжат тасдиқланиши учун вилоят қозисига жўнатилиш шарти қўрсатилган<sup>346</sup>.

4. Мазкур ҳукмий китобда туман маҳкамаларига қози тайинлаш бўйича қўрсатмалар берилган. Бунда салоҳиятли бир факихни, муай-

<sup>342</sup> Ал-Мұхит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 472.

<sup>343</sup> Ал-Мұхит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 417.

<sup>344</sup> Ал-Мұхит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 473.

<sup>345</sup> Ал-Мұхит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 8781. – В. 54а.

<sup>346</sup> Ал-Мұхит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 8781. – В. 54а.

ян туманга қози қилиб тайинлаш түғрисидаги ваколатни берувчи шахс буйруғи ёзилган. Ҳужжатда белгиланишига кўра, туман қозисига низолашувчи томонларни керакли шартларга риоя қилган ҳолда ярашув “сулҳ” асосида низоларни ҳал қилиш, агар яраштира олмаса, вилоят қозисига чиқариш, никоҳлаш, вақф мулкларига мутаваллий тайинлаш, етимларнинг мол-мулкларига васий белгилаш ваколатлари топширилган<sup>347</sup>.

5. Ушбу турдаги ҳукмий китоб ҳам қозилик маҳкамаси ишларига тегишли бўлиб, маҳкама жараёнида гувоҳ сифатида келтирилган номаълум бир шахснинг кимлигини аниқлаш учун туманлардаги музаккийларга йўлланган хат ва унинг жавобидир. Шунингдек, музаккий томонидан гувоҳларнинг адолатлилиги ҳамда гувоҳлик бера олиш салоҳиятини кўрсатиш бўйича ёзиладиган жавоб хатида уларнинг алоҳида хусусияти ҳам кўрсатиб ўтилиши лозим бўлган. Бунда гувоҳлар уч хусусиятга кўра қайд этилган. Биринчи тоифадаги кишига гувоҳлик бериши мумкин “жоиз аишаҳода” ёки адолатли “’адл” деб, иккинчи тоифадагисига “мастур”, яъни ишончли, лекин белгилангандан сабаблар туфайли гувоҳлиги қабул қилинмайдиган киши деб ёзиб қўйилган.

Демак, бу ҳолат Мовароуннахрда қозилик маҳкамаларида кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган ҳукмлар бошқа худуд қозилари ва маҳаллий фақиҳлар томонидан назоратга олинган деган хulosани беради.

“Ал-Муҳит” асарини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, қозихона ишларини юритишида ва кўрилган даъволар бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар қозилар хоҳиш-истакларига кўра тасдиқланмаган. Яъни даврининг машҳур уламолари қозихона расмий қоғозлари ва ҳукмларни доимий равишда кузатиб бориб, ҳужжатларда бирор хатоликка йўл қўйилган ёки адолат тамойиллари бузилган ўринларга эътиroz билдириб туришган. Жумладан, Бурхонуддин Маҳмуд “ал-Муҳит”да Абу Ҳафс ‘Умар ан-Насафийдан нақл килган кўйидаги фикрни келтиради: “Мен мерос бўйича (ҳужжатларни расмийлаштириши тартиби ҳақида) фатво ёзган эдим. Унда шартларни жуда қаттиқ қилиб белгиладим. Сўнг уни шайху-л-ислом Али ибн ‘Ато ибн Ҳамза ас-Сўғдийга кўрсатганимда, у тўғри деб билмади. У “оҳирига “” ҳарфини қўшиб, ترکه میراڭا, яъни “уни мерос сифатида қолдирди” деб ёзсанг, тўғри деб ҳисоблайман”, деди”<sup>348</sup>.

<sup>347</sup> Ал-Муҳит. ЎзР ФА ШИ // Қўлёзма № 8781. – В. 54а.

<sup>348</sup> Ал-Муҳит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 507.

Демак, хуқуқий хужжатлар бўйича берилган фатволар ҳамиша кенг илмий жамоатчилик эътиборида бўлган. Мазкур тартибдаги назоратлардан қозилик маҳкамаларида юритиладиган ҳужжатларнинг муфассал таълиф этилишини, қозига тушган даъволар юзасидан кўрилган ишлар тафсилотининг маҳзар ва сижилда тўлиқ акс этиши ва чиқарилган хукмлардан кейинчалик илм ахли шубҳага бормаслигини таъминлаш мақсад қилинган.

Асарда муаллиф йирик олимлар томонидан кўрилган ва баъзи эътиrozлар билдирилган ҳужжатларни келтириб, уламоларнинг танқид ва фикрларини асослашга уринган. Жумладан, кўп ўринларда Абу Ҳафс ‘Умар ан-Насафийнинг юқоридаги масала бўйича қарашлари келтирилади.

Бурхонуддин Маҳмуд “ал-Мухит”да танқидга учраган маҳзар ёки сижилларни келтириб ўтганда, ҳужжатлар матнини тўлалигича бермайди. Балки эътиrozга сабаб бўлган жумлалар ва улардаги камчиликлар “халал”ни (خلال) санаб ўтади.

Олим ҳужжатларга танқидий ёндашишда, мажхул нисбатдаги феълларни қўллаган. Жумладан, “рудда” (روده), яъни “қайтарилди” феъли келган гапларда эътиrozларнинг муаллифга тегишли эканлигини аниқлаш қўйинлашади. Маълумки, Бурхонуддин Маҳмуд мансуб бўлган сулола Бухородаги қозилар устидан назорат олиб борган. Шунингдек, факихнинг ўзи ҳам Самарқандда яшаган кезлари қози мансабида фаолият юритган. Ушбулардан келиб чиқиб, эътиrozли ҳужжатларга нисбатан мажхул феълларнинг кўлланишини аллома устозларидан ташқари оиласидан чиқсан факихлар қарашларидан келиб чиқиб ҳам танқидий фикрлар билдирган, деган фараз билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари факих ўзидан олдин Самарқандда қози мансабини эгаллаган факих томонидан расмийлаштирилган бир ҳужжат юзасидан ҳам эътиroz билдириб, буни куйидагича изоҳлайди:

“Иккинчидан, унда “Подшоҳ Санжар томонидан тайинланган Самарқанд қозиси”, дейилган. Бу тўёри эмас. Балки Самарқанд қозиси хоқон Муҳаммад томонидан тайинланган эди. Хоқон Муҳаммад эса подшоҳ Санжар томонидан тайинланган эди”<sup>349</sup>.

Шунингдек, асарда Хоразм ва Марвда расмийлаштирилган баъзи ҳужжатлар бўйича ҳам танқидий қарашлар билдирилган.

<sup>349</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 8781. – В. 616.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, аллома яшаган даврда Бухоролик уламоларнинг Хоразм ва Марв аҳли илмлари ва қозилари билан ўзаро ҳамкорлик ришталари мустаҳкам бўлган.

Бундан ташқари ўрга асрларга келиб давлатнинг ваколатли мансабдорлари бўлган садрлар, қозилар, шайху-л-исломлар халқ орасида нуфузга эга бўлган йирик олимлар томонидан назорат қилиб турилган. Мазкур ҳолатда томонлар хукуқларининг поймол бўлмаслиги ва кўрилаётган ишларда адолат тамойилига тўлиқ амал қилиниши мақсад қилинган.

Асарда келган маҳзар ва сижилларнинг барчасини мулкка тегишли даъволар дейиш мумкин. Жумладан, уларда васият, мерос, шерикчилик, кафолат, мулк даъвоси, етказилган заарни қоплаш, олди-сотди, ижара, қарз, музораба, омонат, вақф каби масалалар юзасидан кўрилган ишлар ёритилган. Бундан ташқари китобда қул ва чўриларга тааллуқли олтида маҳзар ҳам мавжуд бўлиб, давр нуқтаи назаридан қаралганда, уларни ҳам мулкка оид ҳужжатлар сирасига киритиш мумкин. Зеро, ўрга асрларда қул ва чўрилар хожасининг мулки ҳисобланган. Шунингдек, оиласвий муносабатлар бўйича кўрилган ишларнинг аксарияти мулк билан боғлиқdir. Тан жароҳати етказилиши билан боғлиқ иккита даъвода ҳам етказилган заарнинг қопланиши эвазига мулк талаб қилинган.

Асарда ҳужжатлар юзасидан билдирилган танқидларни қуидагида кўрсатиш мумкин.

1. Ҳужжатда баён этилаётган ҳар бир ходиса асосли бўлиши керак. Жумладан, шартномалар, мажбуриятлар, мулкнинг қиймати ва ходисаларнинг қайд этилиши қоида асосида бўлиши лозим. Масалан, қарз, ўлим, васийлик, қози томонидан бирор ишга ваколат берилиши, даъвода келтирилган ходисалар бўйича гувоҳларнинг гувоҳлиги мос келиши ва даъвонинг ҳар бир сўзини тасдиқлаши керак.

2. Кўрилаётган масалалар бир неча соҳага тааллуқли бўлган ҳолатларда уларнинг, айнан, қайси соҳалар экани аниқлаштириши лозим. Масалан, бирор кишига васийлик ваколати берилса, унинг мулкни олиш ва бошқариш соҳаси ёки даъво бўйича ишларнинг қай тартибда кўрилгани мукаммал баён этилиши лозим.

3. Сижилнинг охирида хукм қилганлиги ва унинг қайси худудда жорий бўлиши кўрсатилиши шарт қилинган<sup>350</sup>.

---

<sup>350</sup> Ўша асар. – В. 616.

4. Ҳужжатларда расмий нутққа хос аниқ сўзлар фикрни тўлиқ ифода этиши керак. Жумладан, вафот этган кишининг мулки борлиги маълум қилиниб, у кимгадир мерос қолдирганлиги айтилса, айнан, ўша мулкнинг мерос сифатида қолдирилганлиги кўрсатилиши лозим.

5. Ишлар шариат аҳкомларига биноан кўрилиши жоиз.

6. Даъво кўчар мулк бўйича бўлса, у мажлисга олиб келиниши лозим. Агар олиб келинмаган ва ишда аниқ кўрсатилмаган бўлса, бу камчилик ҳисобланган.

7. Томонлардан бири йўқ бўлса, иш кўрилмаган.

8. Кўчар мулкларнинг чегарасини белгилаш жоиз бўлмаган. Фақат кўчмас мулкларнинг чегараси кўрсатилган.

9. Ижара ва бошқа мулкларни топширишга оид шартномаларда улар тузилгандан бир кун ўтгач, мулкнинг топширилиши шарт қилинган. Агар ҳужжатда битимни расмийлаштириш ва амалга киритиш бир кунда жорий этилиши белгиланса, у тўғри ҳисобланмаган.

10. Ижара шартномасида мулк қабул қилиб олинган кун ва муддати аниқ кўрсатилиши лозим.

11. Қарз ва шунга ўхшаш масалалар, уларнинг сабаблари аниқ асослар билан кўрсатилган. Масалан, умумий тарзда қарзи бор дейилса, ҳужжат нотўғри ҳисобланган.

12. Бирор одамнинг вафот этгани кўрсатилса, асос келтирилиши ва гувоҳлантирилиши шарт<sup>351</sup>.

Фақих уламолар томонидан билдирилган мазкур эътиrozларни келтирас экан, фақих сифатида уларнинг барчасини ҳам қабул қиласермаган. Кўп ўринларда танқидларни рад этиб, булар ҳалал эмас, деган фикрларни берган.

Масалан, бир аёлга нисбатан никоҳ даъвоси бўйича қўзғалган иш юзасидан баъзи олимлар эътироz билдирилган маҳзарни келтириб, бу танқиднинг асоссиз эканини қуидагича таъкидлайди: “*Бир одам бир аёлни ўзини никоҳлаши асосида одил гувоҳларни олдида маълум маҳр асосида никоҳлагани сабабли ўз никоҳида ва ҳалоласи экани ҳамда эрига итоат қилишидан бош торттаётгани ва никоҳ ҳукмига кўра бўйисиниши лозимлигини даъво қилди. Аёл жавобан ўзининг итоат қилиши лозим эмаслиги, сабаби, эри уни уч талоқ қилгани ва ушибу уч талоқ туфайли унга ҳаром бўлганини айтди. Ҳамда аёл буни ҳужжатлар билан исботлаб, никоҳида экани бўйича қилинган*

<sup>351</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 8781. – В. 646.

*даъвога қарши даъво қўзгади. Эр эса унинг қарши даъвосига қарши даъво қилди ва аёлнинг қарши даъвоси асоссиз ҳамда эътиборга олинмаслигини айтиб, қарши даъво қилишдан олдин уч талоқдан сўнг ‘идда муддатида ўтиргач, боишқа эрга тегиб, у билан яшагандан сўнг талоқ қилиниб, ‘идда муддатида ўтирганига иқрор бўлган эди. У ‘идда муддати тугагандан сўнг ўзиға қайтадан одил гувоҳлар олдида маълум маҳр асосида никоҳланганини ва ҳозирги кунда никоҳида эканини даъво қилди. Самарқанд уламолари ва уларнинг катталари бу маҳзарни тўғри деб билишиди.*

Бухоро уламолари маҳзарнинг тўғри эмаслигига иттифоқ қилдилар Бунинг сабабини қуийдагича тушинтиридилар: эр аёлнинг мазкур ишларга иқрор бўлганини даъво қилди. Даъвогар томонидан жавобгар шахсга қарши унинг бирор нарсага иқрор бўлганини даъво қилиши тўғри эмас. Бу амаким ас-Садр аи-Шаҳиднинг *Хассофининг “Адаб ал-қози” асарига ёзган шарҳида* келган.

Менинг фикримча, даъвонинг нотўғрилиги борасидаги Бухоро уламоларининг фикрлари тўғри эмас. Чунки эр аёлнинг иқорори асосида никоҳида эканини даъво қилаётгани йўқ. Балки умумий ҳолда никоҳида эканини даъво қилмоқда. Иқрор бўйича даъво эса аёлнинг қарши даъвосини бекор қилаётганини кўрсатиш учун қилинган. Бу тўғридир. Имом Муҳаммаднинг “ал-Жоми‘ ал-кабир” асарининг охирида ҳам бунга ишора бор”<sup>352</sup>.

Демак, Бурхонуддин Маҳмуд ўрта асрларда қозихоналарда амал қилган оила ва мулкчиликка оид хужжат тузиш қоидаларини асарида таҳлил этар экан, биринчи галда мазкур даврда қозиларнинг катта ваколатларидан ҳисобланган битимларни расмийлаштириш борасидаги фаолиятини ёритишни мақсад қилган бўлса, иккинчидан ўзидан кейинги давр қозилик маҳкамалари иш юритиш тизимида катта аҳамият касб этган йирик ҳажмдаги услубий кўлланма яратишга мувоффақ бўлган. Чунки “ал-Муҳит” асари ўлкамизда кенг ривожланган фикҳ илмининг барча муҳим соҳаларини қамраб олган асар бўлиши билан бирга узок давр мобайнида бу соҳанинг етакчи уламолари ва қозихоналар учун асосий илмий, услубий манба сифатида хизмат қилган. Чунки Мовароуннаҳрда ёзилган кўплаб ҳуқуқий асарлар, гарчи уларнинг шуҳрати қанчалик юқори бўлмасин,

<sup>352</sup> Ал-Муҳит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 8781. – В. 65а.

қозиларнинг шариат масалаларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондира олмас эди. Жумладан, аллома билан бир даврда яшаган иирик факих Бурҳонуддин ал-Марғинонийнинг ислом оламида машхур “ал-Ҳидойа” асарида ҳам “шурут”, “ал-маҳозир ва-с-сижиллот” каби масалалар ёритилмаган<sup>353</sup>. Қолаверса, “ал-Ҳидойа” асари асосан илмий-услубий йўналишда тузилган қўлланма бўлиб, биз ўрганаётган манба “ал-Муҳит”да кўпроқ илмларни амалий-дастурий йўналишда бериш кузатилади.

### **Маждууддин ал-Уструшанийнинг “Китоб ал-фусул асарида келган қозилик ҳужжатларига оид масалалар**

Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Маждууддин ал-Уструшаний XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахрда яшаб, фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир. У Уструшанада туғилиб, кейин оиласи билан Самарқандга кўчиб ўтади ва шу ерда ижодий фаолият олиб боради. Маждууддин ал-Уструшанийнинг ҳаётлик даври Самарқанд фикҳ мактаби ривожининг сўнгги даври ва мўғуллар истилосининг дастлабки босқичига тўғри келади.

Шарқ мусулмон мамлакатларида яратилган табакот туркумидаги манбаларда Маждууддин ал-Уструшаний илмий-маънавий мероси ҳақида умумий маълумотлар бериб ўтилган. Жумладан, ‘Абдулқодир ибн Аби-л-Вафо ал-Қураший (ваф. 775/1373 й.), Ҳожи Ҳалифа (ваф. 1067/1657 й.), Муҳаммад ‘Абдулҳай ал-Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.) ва Хайруддин аз-Зириклий каби биографларнинг асарларида Маждууддин ал-Уструшанийнинг таржимаи ҳоли ва унинг икки асари ҳақида маълумотлар келтирилган<sup>354</sup>.

<sup>353</sup> Қаранг: Бурҳонуддин ал-Марғиноний. Ал-Ҳидойа: Шарҳ бидойат ал-мубтади. 4 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийя, 1990.

<sup>354</sup> Ал-Қураший. Ж.3. – Б. 366., – Ж. 4. – Б. 243; Кашф аз-зунун. Ж.1. – Б. 55., Ж.2. – Б.93; Муҳаммад ‘Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фаво’ид ал-бахийя фи тарожим ал-ханафийя / Аҳмад аз-Захабий таҳрири остида. 1-нашри. – Байрут: Дор ал-арқам ибн ал-арқам, 1418/1998. – Б. 200 (Бундан кейин. Ал-Фаво’ид); Хайруддин аз-Зириклий. Ал-А’лом қомус тарожим ли-ш-шуҳури ар-рижол ва-н-нисо’ мин ал-‘араб ва-л муста’рибин ва-л-мустанширик. 10 жилдли. – Қохира: Дор ал-‘илм ли-л-малайин, 1998. Ж.7. – Б.86 (Бундан кейин. Ал-А’лом);

Туркиялик Аҳмед Узел ўз тадқиқотида Маждуддин ал-Уструшаний илмий мероси түғрисидаги маълумотларни баён этган<sup>355</sup>. Яна бир туркиялик олим Холит Унал эса Маждуддин ал-Уструшанийнинг қисқача таржимаи ҳоли ва унинг “ал-Фатово” асари бўйича дастлабки маълумотларни келтирган<sup>356</sup>.

Хорижий Шарқ мусулмон мамлакатлари замонавий тадқиқотчилари ‘Абдулҳамид ‘Абдулхолик ал-Байзали, Абу Мус‘аб ал-Бадри хамда Махмуд ‘Абдурраҳмон ‘Абдулмун‘им кабилар Маждуддин ал-Уструшанийнинг “Жоми‘ аҳком ас-сифор” асарини янгидан нашр килганлар<sup>357</sup>.

Ўзбекистонлик дин арбобларидан бири муфтий Усмонхон Алемов ва тадқиқотчи Атаев Муслим биргаликда ушбу асарнинг ЎзР ФАШИ фондида сақланаётган бешта нусхасини Мисрнинг “Дор ал-фазийла” нашриётида чоп этилган нусхасига қиёслаб илмий таҳирда араб тилида нашрга тайёрладилар<sup>358</sup>.

Саудиялик тадқиқотчилар Фаҳд ибн Носир ибн Фаррож ал-Фаридий, ‘Абдурраҳмон ибн ‘Усмон ал-Муршид, Сулеймон ал-Хамис кабилар алломанинг “Китоб ал-Фусул” асари асосида тадқиқот иши олиб борганлар<sup>359</sup>.

Тадқиқотчи Аширбек Мўминов ўзининг номзодлик диссертациясида Маждуддин ал-Уструшанийнинг илмий меросига қисқача тўхталиб ўтган<sup>360</sup>.

Тадқиқотчи Муслим Атаев Маждуддин ал-Уструшанийнинг ҳаёти ва ижодини комплекс равишда тадқиқ қилган<sup>361</sup>.

<sup>355</sup> Özal A. Hanefi fikih alimleri. Ankara, 1990. – Б. 63.

<sup>356</sup> Ünal. H. Mâverâünnehir fakihlerinden el-Usrüsemî // Erciyes Üniversitesi İlahiyat fakültesi Dergisi. – Kayseri. № 3. – Б. 243-249, 415-427.

<sup>357</sup> Усмонхон Алемов, Муслим Ризқи Ато. Жоми‘ Аҳком ас-сифор ли аби-л-Фатҳ Мухаммад ибн Махмуд ибн ал-Хусайн ал-Уструшаний ал-Ҳанафий. – Т.: “Дор ан-нашр ват-тиба‘а ли жами‘ати Тошқанд ал-исламийа”, 2010. – 495 б (Бундан кейин. Жоми‘ аҳком ас-сифор.).

<sup>358</sup> Жоми‘ аҳком ас-сифор. – Б. 5 – 19.

<sup>359</sup> Фаҳд ибн Носир ибн Фаррож ал-Фаридий. “Китоб ал-фусул” асарининг 17 – 20 фасллари: Докторлик диссертацияси. Саудия Арабистони, Мадина ал-Мунаввара: Уммул куро университети, 1426/2005. – 731б (Бундан кейин. ал-Фаридий. “Китоб ал-фусул”).

<sup>360</sup> Муминов, 2003. – Б. 85.

<sup>361</sup> Атаев М.Р. Маждуддин ал-Уструшанийнинг мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида тутган ўрни: Дис. ... тарих фан. номз. – Т.: ТИУ, 2011. – 215 б.

Маждуддин ал-Устршанийнинг “Китоб ал-фусул” асари тадқиқот учун аҳамиятлидир. Бу асар ўз даврининг қозилик маҳкамалари фаолияти ва ҳужжатларига оид қимматли маълумотларни ўзида мужассам қилган. Мазкур манба бўйича биринчилардан бўлиб тадқиқот олиб борган олим Бадруддин Маҳмуд ибн Исро’ил ал-Ҳанафийдир (ваф. 823/1420 й.). У Маждуддин ал-Устршанийнинг “Китоб ал-фусул” асарини Абу-л-Фатҳ Жамолуддин ибн ‘Имодиддин ал-Фарғонийнинг 40 фаслдан иборат, 651/1253 йилда ёзилган “ал-Фусул ал-‘имоди”<sup>362</sup> асарига қиёсий тарзда ўрганиб, мазкур қиёсий-тахлилий изланишларини ўзининг “Жоми‘ ал-фусулайн” асарида жамлади. “Жоми‘ ал-фусулайн” фақих томонидан 814/1411 йилнинг 20-июнида ёзиб тугалланган<sup>363</sup>.

“Китоб ал-фусул” асарининг бальзи бўлимлари араб давлатларида қиёсий тадқиқ этилган. Жумладан, саудиялик тадқиқотчилардан Фахд ибн Носир ибн Фаррож ал-Фариидий асарнинг “ал-Азҳар” (Миср) университети қўлёзмалар хазинасида 235 ва 384 инвентар ракамлари остида сақланётган қўлёзма нусхаларига таяниб, “Китоб ал-фусул”нинг ўн еттинчи бўлими “Ноконуний фойдаланиш ва унинг ҳукмлари баёни”дан то йигирманчи бўлими “Зарурий таъминот ва кафолатлар ҳамда уларнинг шакллари” (في الضمانات الواجبة و كييفتها) гача илмий таҳлил этган<sup>364</sup>.

‘Абдураҳмон ибн ‘Усмон ал-Муршид асарнинг дастлабки ўн бўлими – “Ҳукм ва суд ишларига оид масалалар” (في مسائل القضاء و الحكومة) дан то “Даъвони ва насабни ойдинлаштириш бўйича тавсиялар” (في الإشارة و النسبة و التعريف الدعوي) бўлимигача тадқиқ этган<sup>365</sup>. Сулаймон ал-Хамис “Китоб ал-фусул”нинг “Қози ҳужжатларини архивлаштириш ва рўйхатга олиш бўйича мавжуд камчиликлар баёни” (في بيان الحال الواقع) деб номланган ўн биринчи бўлимидан “Қарз, мерос ва марҳумдан қолган мулкка оид масалалар” (في التركة و الورثة و الدين) деб аталувчи бўлимигача ўргангандар<sup>366</sup>.

Демак, араб тадқиқотчилари асарни атрофлича тадқиқ этишга уринганлар. Лекин юқоридаги изланишларда Мовароуннахр тарихи,

<sup>362</sup> Кашф аз-зунун. – Ж. 2. –Б. 1270.

<sup>363</sup> Кашф аз-зунун. – Ж. 1. –Б. 566.

<sup>364</sup> ал-Фариидий. “Китоб ал-фусул” (фиҳрист бўлимига қаранг:).

<sup>365</sup> ал-Фариидий. “Китоб ал-фусул”. – Б. 14.

<sup>366</sup> ал-Фариидий. “Китоб ал-фусул”. – Б. 15.

фикҳ илми ривожи ва географик жойлашуви ҳақидаги маълумотлар бироз мунозаралидир. Масалан, Сулаймон ал-Хамис Уструшана ўлкаси жойлашган худуд деб ҳозирги Хоразм ва Дашиб қипчоқ ерларини келтиради<sup>367</sup>. Бундай хато маълумотларнинг илгари сурилиши Мусулмон шарқ дунёсида илмий фаолият олиб борадиган тадқиқотчиларнинг нотўғри илмий хulosаларга таяниб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ал-Уструшанийнинг “Китоб ал-фусул” асари бўйича комплекс тадқиқот олиб бориш ва араб тадқиқотчилари томонидан йўл қўйилган баъзи мубоҳасали фикрларни тузатиш ёки тўлдириб ўтиш ўзбек исломшунослари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқотчи Муслим Атаев ўзининг изланишларида асарнинг аниқланган кўлёзма нусхалари ҳақида маълумот бериб ўтган. Унинг келтирган хulosаларига кўра кўлёzmанинг тўртта нусхаси Тошкентда<sup>368</sup> ва қолган олтиласи Россия<sup>369</sup>, Туркия<sup>370</sup>, Миср<sup>371</sup>, Ҳиндистон<sup>372</sup> давлатларидаги кўлёзмалар фонdlари ва кутубхоналарда сакланади. Кўриниб турибдики, тадқиқотчи асарнинг жами ўнта нусхасини аниқлаган<sup>373</sup>. Бироқ бу фикр асар кўлёзма нусхалари ҳақидаги энг сўнгги хulosани бермайди. Чунки тадқиқотчи Фаҳд ибн Носир ибн Фарроҳ ал-Фариидий келтирган маълумотларга кўра “Китоб ал-фусул”нинг 16 та турли ҳажмдаги ва турли даврларда кўчирилган кўлёзма нусхалари ал-Азҳар” (Миср) университети кўлёзмалар фондининг ҳанафий фикҳи бўлимида сакланмоқда<sup>374</sup>.

<sup>367</sup> ал-Фариидий. “Китоб ал-фусул”. – Б. 35.

<sup>368</sup> ЎзРФА ШИ.да № 3245: Ҳажми 338 варак. Хати – насх. Нусха Маҳмуд ибн ‘Умар ибн Мухаммад номли хаттот томонидан 664/1266 йил 5 февралда кўчирилган; № 2805: Ҳажми – 301 варак. Хати – насх. Нусха 974/1567 йилда кўчирилган. Кўчирувчиси номаълум; № 6141: Ҳажми – 429 варак. Хати – ним насх. Тўлиқ эмас; Алишер Навоий номли адабиёт музейининг кўлёзмалар фондиди № 199: Ҳажми – 328 варак. Хати – насх. Нусха 749/1349 йилда Фаҳр ибн Мухаммад ибн Мақ‘уд ал-Хоразмий томонидан кўчирилган.

<sup>369</sup> Санкт-Петербург: Шарқшунослик институти // Кўлёзма № 743/4.

<sup>370</sup> Истанбул: “Тўпқопи” кутубхонаси // Кўлёзма № 1772/III., “Вахбий” кутубхонаси // Кўлёзма № 570, “Жоруллоҳ” кутубхонаси // Кўлёзма № 822.

<sup>371</sup> Қоҳира: Миср миллий кутубхонаси // Кўлёзма № I, 452.

<sup>372</sup> Ҳиндистон: Рампур кутубхонаси // Кўлёзма № 446/7.

<sup>373</sup> Атаев М.Р. Маждуддин ал-Уструшанийнинг мовоароннарх фикҳ илми тарихида тутган ўрни: Дис. ... тарих фан. номз. – Т.: ТИУ, 2011. – Б. 87 (Бундан кейин. Атаев. Ал-Уструшаний).

<sup>374</sup> ал-Фариидий. “Китоб ал-фусул”. – Б. 16.

Агар ал-Фаридийнинг маълумотларига таянадиган бўлсақ, “Китоб ал-фусул” асарининг қўлёзма нусхалари тадқиқотчи Муслим Атаев айтганидек ўнта эмас, балки ундан кўпроқ эканлиги ойдинлашади. Шунинг учун асар қўлёзма нусхалари бўйича кодикологик тадқиқотлар олиб бориб, асар доирасидаги илмий хуносаларни бойитиш муҳимдир.

Муслим Атаевнинг “Маждуудин ал-Уструшанийнинг фиқҳ имидаги асосий хизмати шундан иборат бўлганки, аллома ўз замонасигача ёзилган назарий асарларда келтирилган фиқҳий масалаларни амалий ҳаётга тадбиқ этишига хизмат қилган”<sup>375</sup>, деган фикри бироз мунозарали. Боиси ал-Уструшанийгача Мовароуннахрда етишиб чиққан кўплаб фақихлар фиқҳий масалаларни мунтазам равишида ҳаётга тадбиқ қилиб боргандар. Жумладан, Марвдан келган Оли Моза фақихлар оиласи то Махмуд Торобий қўзгалонига қадар юз йилдан зиёд давр оралиғида Бухорода ҳукмрон доира ҳисобланган. Самарқандда эса Бурхонуддин ал-Марғиноний сулоласи вакиллари қарийб тўрт асрлик вақт мобайнида (906/1500 йилга қадар) шайху-л-ислом вазифасини эгаллаб келгандар. Демак, улар мунтазам равишида фиқҳий масалаларни жамиятдаги тутган мавқеларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга тадбиқ этиб боргандар<sup>376</sup>.

“Китоб ал-фусул” ёки “Фусул ал-Уструшаний”<sup>377</sup> асари ўттиз фаслдан иборат бўлиб, олимнинг биринчи таълиф қилган асарлари сирасига киради. Аллома сўзлари билан айтганда: “Асаримни “Китоб ал-фусул” деб номладим. Уни ёзишига мени ундалган нарса илму-фазлимини ортиб кетгани эмас, балки уни ўзим учун латиф бир манба сифатида тайёрладим. ...умримнинг навқиронлик ишларини мазкур уламоларнинг мумтоз тўпламлари ва дурдона мавзуларини кўриб чиқшига сарф этдим. Уларнинг бу соҳада чуқур ва чироили иши қилиб, латиф ва нафис из қолдиргандарини кўриб, бу хазинадан бир ҳамён олиши ва бу илм денгизидан бир дона гавҳарни ўзлаштириб, улардан мазкур илмлар ўйлига бошловчи усуллар, улар юрган изларга етакловчи фаслларни бир китобга жамлаб қўйшига азму қарор этдим. Мақсадим – шумайдонда бир кўчат қолдириши ва подага бир қўзичоқни

<sup>375</sup> Атаев. Ал-Уструшаний. – Б. 88.

<sup>376</sup> Тўлиқрок маълумот учун қаранг: Бекмирзаев И.И. Бурхонуддин Махмуд ал-Бухорийнинг “ал-Мухит” асари ва унинг Мовароуннахр козилигига тутган ўрни: Дис. .... тарих фан. номз. – Т.: ТИУ, 2009. – Б. 157.

<sup>377</sup> Ҳадия ал-‘орифин. – Ж. 2. – Б. 113; Ризо. Мўжам. – Ж. 11. – Б. 317-318.

қўшиб қўйши эди”<sup>378</sup>. Маждууддин ал-Уструшанийгача қозилар учун тааллуқли масалалар юзлаб фикҳий асарларда тарқоқ ҳолда мавжуд бўлиб, аллома уларни тартиблаштириб, мълум бир тизимга солишига харакат қилган. Мазкур тизим асосида фикҳий масалаларни амалиёт билан боғлаган ҳолда баён қилган.

Маждууддин ал-Уструшаний ўзидан олдинги уламолар ҳақида шундай дейди: “... умримнинг навқиронлик ийларини мазкур уламоларнинг мумтоз тўпламлари ва дурдана мавзуларини кўриб чиқшига сарф этдим. Зоро, уларни ислом дини асосларини ҳимоя этувчи шундай уламолар тартибга солиб ёзганларки, Аллоҳ таоло уларга илм денгизлари ва тўлқинларидан огоҳ бўлишидек неъматлар билан уларни мукаррам қилган ва илмнинг муаттар шабадаси ҳидларидан уларни насибадор этган”<sup>379</sup>.

Асарнинг муқаддима қисмида Аллоҳга ҳамду сано ва пайғамбарга салавот айтилгандан сўнг муаллиф ўзи ҳақида: “Ўзимни мураккаб масалаларни мутолаа қилишига ва дақиқ (эътиборга молик) далилларини мушоҳада этишига ўргатиб, тасниф этилган ажойиб китоблардан баҳраманд бўлишига ва аҳком соҳасида таълиф этилган ҳалол ва ҳаром нималиги баён қилинган гаройиб асарлардан тўғри йўл излаб топишига ҳимматимни жалб қилдим”, – дейди.

Уламоларнинг фикҳий асарларида фатволар мавзу нуқтаи назаридан тизимлаштирилмаган бўлиб, бу ҳол фатво чиқарувчи қози ва муфтийларга катта қийинчиликлар туғдирап эди.

Муаллиф ушбу масалаларга шундай изоҳ беради: “Зоро, булар ҳам ҳаётда кўп учрайдиган ва қозиларга кўп мурожсаат қилинадиган масалалардир”.

Маждууддин ал-Уструшанийнинг асари мусулмонлар ҳаётида кўп учрайдиган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг қозилар томонидан қандай ҳал қилиниши лозимлиги масалаларига бағишланган.

Маълумки, фикҳий асарларда ислом ҳуқуқининг асослари уч бўлимга бўлиб ўрганилган. Булар, *ибодот, муомолот ва жиноят* масалаларига бағишланган бўлимлардир.

<sup>378</sup> Маждууддин ал-Уструшаний. Китоб ал-фусул. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 3245. – В. 1а.

<sup>379</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 1а.

Одатда қозихоналарга одамлар ибодатга тааллукли масалаларни сўраш учун эмас, балки *муомолот ва жиноят* бўлимларида учрайдиган оилавий, молиявий масалалар ҳамда ўз ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш каби талаб ва даъволар билан мурожаат қилгандар. Халқ томонидан сўралган ушбу муҳим ижтимоий масалалар Маждуддин ал-Уструшанийгача бўлган олимларнинг асарларида тарқоқ ҳолда берилган. Сўралган саволга жавоб бериш учун қози ёки муфтий ўнлаб, ҳаттоқи юзлаб фикҳий асарларни кўриб чиқиши керак бўлган. Маждуддин ал-Уструшаний деярли барча фикҳий асарлардаги қозиликка доир масалаларни тизимлаштириб, бир жойга жамлаб, бундай масалаларнинг мазмунига қараб ўз асарини ўттиз фаслга бўлган (ушбу фасллар билан танишиш учун 8-иловага қаранг).

Алломанинг “Китоб ал-фусул” асари ҳақида шундай хуносага келиш мумкин: маълумки, мўғуллар даврида илм-маърифат ва одамларнинг савияси турғунлик ҳолатига тушиб қолди. Мана шундай бир қийин шароитда одамларга енгиллик бўлиши учун ҳам мана шундай турдаги асарларни ёзиш давр талаби эди. Бу асар мўғуллар даврида қозиларнинг ишини ислоҳ қилиш ва уларга илмий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида юздан ортиқ машҳур мужтаҳид ва факиҳларнинг асарларидан фойдаланган ҳолда қози ва муфтийларга амалий кўлланма сифатида тайёрланди. Муаллифнинг таъкидлашича, бу асар 625/1228 йилда ёзиб тугатилган<sup>380</sup>.

Мўғуллар истилоси даврига келиб қозихоналарда оилавий, мулкий ва жиноий масалалар бўйича кўрилган масалаларнинг барчаси маҳсус расмий котиб томонидан ёзиб борилган. Қозихоналарда ишни ташкил этишда жиноий иш қўзгаш, даъволашиб, ўзини ҳимоя қилиш, исботлаш, қасам ичириш, ҳукм чиқариш каби институтлар ҳам ривожланган. Мабодо даъвони кўриш асносида қўшимча ва зарурий маълумотлар олиш лозим топилса, қозининг жавобгар шахс истиқомат қилиб турган ёки сафарда бўлиб турган шаҳар қозисига расмий ҳужжатлар билан мурожаат қилгани ўрта асрларга келиб қозилар иш фаолиятининг кенг миқёсда олиб борилганидан далолат беради. Мовароуннаҳр қозихоналарида жиноят ва жазо, даъво ва хусуматларни ҳал қилишдан ташқари вояга етмаган қаровсиз болалар, вакф ёки эгасиз мулкларни бошқариш ишлари юзасидан ҳам ҳукм қилиш хукуки жорий этилган.

<sup>380</sup> Китоб ал-фусул. – Қўллўзма № 3245 – В. 337б.

Маждуддин ал-Уструшанийнинг “Китоб ал-фусул” асари асосида XIII асргача ҳамда мўғуллар истилосининг дастлабки йилларида қозилик маҳкамаларида қўйидаги муносабатлар бўйича ишлар кўрилганлиги маълум бўлади. Яъни асарда қўйидаги хукукларга доир мунозарали масалаларга ечим топиш йўллари бериб ўтилган<sup>381</sup>:

*Шахсий хукуқлар* бўйича қасам ичтиришга алоқадор ҳолатлар, бирон бир ҳолат юзасидан устидан даъво тушган шахснинг қасам ичиши, қозининг бирон бир ҳолат юзасидан қасам ичмаслиги, ҳар хил ҳолатларда қози хузурида қасам ичиш, бирор нарса-га боғланган қасамни бекор қилиш, даъвогардан қасам ичишнинг талаб қилиниши, қасамдан бош тортишга асосланиб хукм қилиш, жавобгар шахс қачон қасам ичиши, нима билан қасам ичиши ке-раклиги, қасам ичиш одоблари, бир гувоҳ шоҳидлигига ва қасамга биноан хукм чиқариш, ҳужжат келтирган бўлишига қарамай даъ-вогар ва гувохларга қасам ичириш, қасамдаги хато ва унтиш<sup>382</sup>, ўз ҳақ-хукуқларини талаб қилиш юзасидан масалаларни ечиш йўл-йўриклиари ўрганилган<sup>383</sup>.

*Жавобгарлик* масаласи ва жавобгарликка тортиш юзасидан хукм чиқаришга доир масалалар<sup>384</sup>, ўзи йўқ кишининг устидан хукм чиқариш ва жиноий иш қўзғаш, оилавий ажрим масалаларида даъ-вогар ёки жавобгарнинг иштирокисиз қозининг ўзида бор маълумотга қараб хукм қилиш, мажбурланган кишига тегишли хукмлар, мажбурланаётган кишининг бош тортиш имкониятига эга бўлиши, жиноятчи қочиб кетган пайтда унинг устидан хукм чиқариш, жи-ноятчи тутилгандан сўнг аввалги чиқарилган хукмни қайта кўриб чиқиши қоидлари, ўзи йўқ кишининг устидан қозихонага арз килиш, ўзи йўқ кишининг устидан чиқарилган хукмнинг бекор бўлиш ҳолатлари, гойиб шахснинг озодлиги ҳақидаги даъволар, қулнинг озод қилган киши ҳимоясида қолиши, шартнома асосида озод бўлиш, жавобгарлик ва жавобгар бўлиш сабаблари ҳақида ба-тафсил маълумотлар берилган<sup>385</sup>.

<sup>381</sup> Мазкур масалаларни тахлил қилишда ЎзР ФА ШИда сакланаётган “Китоб ал-фусул”нинг № 3245 инвентар ракам остидаги кўлёзмаси асос қилиб олинди.

<sup>382</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 7 – 136.

<sup>383</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 46а – 656.

<sup>384</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 22 – 356 .

<sup>385</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 267б – 300б.

*Фуқаролик ҳуқуқи билан боғлиқ даъво қилиш асносида халақит берадиган сабаблар, даъволарнинг бир-бирига зид келиб қолиши ва унга тааллуқли масалалар, қилинган даъвога қарши даъво қилишини исботлаш, қулнинг озод қилинганлиги ҳакида мулкдорга қарши даъво, мулкдорга қарши бегона кишининг қул озод қилинганлиги ҳакидаги даъвоси, даъвода ва гувоҳликда хилма-хиллик масалалари ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари, гувоҳларсиз ва даъво қилмасдан иш кўриш тўғрисидаги масалалар, одамлар орасида тарқалган гаплар асосида иш кўриш ва ҳукм чиқариш, тақиқланган тасарруфлар тўғрисидаги масалалар, талон-торож қилиб олинган, гаров қилинган ва ижарага олинган нарсаларни сотиб юбориш масалалари, гаровга қўйиш масалалари, ҳаётда кўп учрайдиган турли фиқҳий масалалар таҳлил этилган<sup>386</sup>.*

*Фуқароларнинг мулкий ҳуқуқлари бўйича баъзи ҳақдор кишининг даъво ва хусуматларини кўриб чиқишининг баёни, бир кишининг қози ҳукмига таяниб, даъвогар томонига сотилган ёки сотиб олинган ҳовли учун даъво қилиши, икки шахснинг бир жой учун эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш борасидаги даъволари, даъво судида ўзаро норозилик, қарама-каршиликлар, бир шахснинг бошқа бир шахсадан бир жой ёки тижорат молини ижарага олиб, сўнг ушбу жой ёки тижорат молини ўғлининг тасарруфидаги мол-мулк эканлигида даъво қилиши, қилинган даъвони рад ёки бекор этиш ҳолатлари, бирон бир мулкни ота-онанг менга сотган, деб даъво қилиш, отадан қолган уйнинг мероси борасидаги даъво, ер ва уни чегаралаш, унга даъво қилиш ва унга гувоҳлик бериш масалалари, қозининг ҳукми билан менга ушбу ҳовлини сотган, деб даъво қилиш, ерни талон-торож қилиб босиб олиш, вояга етмаган шахсга ёки вақф мулкига тегишли ерга зўравонларча эгалик қилган, деб хисобланган шахсга бериладиган жазо, вақф мулкларига масъул тайинлаш бўйича қозиларнинг иш юритишлари, даъволарнинг турлари ва уларнинг дуруст ёки дуруст бўлмаслиги, мол эгаси манфаатини кўзлаб юритилган тайри қонуний даъволар, бегона кишининг мулкий тасарруфлари ва уларга доир ҳукмлар, кўчмас мулк даъвоси юзасидан кўрилган масалалар, меросни тақсимлаш бўйича ҳукмий далиллар, эр қолдирган меросдаги маҳр даъвоси, шартнома ва битим тузишда харидорга бериладиган танлов ҳуқуқи масалалари, битим ва шар-*

<sup>386</sup> Китоб ал-фусул. – Қўллўзма № 3245. – В. 3006 – 3376.

тномаларга ноўрин шартларни киритиш, чиқарилган ҳукмлардаги эътиrozга сабаб бўлган жумлалар ва улардаги камчиликлар, мулкнинг икки кишига тегишли бўлиши ҳақидаги масалалар, бегона одамнинг мулк даъво қилиши, унинг даъвоси ва гувоҳи тарихининг зикри ҳақидаги масалалар кўрилган<sup>387</sup>.

*Ворислик ҳуқуқи* юзасидан бошқа кишининг устидан даъвогар бўлишга салоҳиятли ва салоҳиятсиз кишилар масаласи, даъвогарнинг вояга етмаган бола билан даъволашганда қозидан васий тайинлашини талаб қилиши, вояга етмаган боланинг даъво судида ва ўзи учун бирон бир васий тайин этилишида иштирок этиши, даъвогарнинг телба киши устидан даъво қилиши, мутаваллининг бирон бир вакф мулки юзасидан тегишлилик ҳуқукини асоссиз эътироф этиши, ижарага олинган молни аслида меники, деб даъво қилиш, марҳум мулкига ёки унинг ўзига ворисликни даъво қилиш ва исботлаш ҳақидаги масалалар, ота, васий, қози, мутавалли ва маъмурларнинг мерос таксимидағи тасарруфлари (бошқарувлари) масалалари ёритилган<sup>388</sup>.

*Никоҳ ва оила ҳуқуқига* оид масалаларда никоҳ, маҳр, нафақа, ўй жиҳозлари устидан даъво қилиш, никоҳлаш бўйича ҳукмий далиллар, аёлга нафақа тайинлаш, нафақадан ожизлик сабабли эрхотинни ажратиш даъвоси, аёл ўзининг ҳаққи бўлган маҳр ва иддада ўтирадиган пайдидаги нафақа мажбуриятини эридан соқит қилиш эвазига ажрашиши, никоҳ битими чоғида оқил, болиғ бўла туриб, мен валийга никоҳни тузиш учун рухсат бермаганман, деб даъво қилиниши, хул‘ масалалари ҳал этилган<sup>389</sup>.

*Фуқаролик процессуал ҳуқуқи* бўйича ўз ҳуқукини бошқага ўтказиш, низолашувчи томонлар ўртасида низони ҳал қилиш учун козига юборилган ҳукмий далиллар, ярашув асосида низони ҳал қилиш, қози томонидан жавобгар шахс истиқомат қилиб турган ёки сафарда бўлиб турган шаҳар қозисига юбориладиган расмий ҳужжатлар, даъвода ва гувоҳлик беришда имо-ишора қилиш, бирор кишига нисбат бериш ва уни таърифлаб бериш, (ноаник) калималар ва ишоралар, қандай ҳолатларда ишора қилувчининг даъвоси, меросхўрлар ва қарз, қарзнинг турлари, қарз берувчи ва қарздорнинг

<sup>387</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 1296 – 137a.

<sup>388</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 204a – 213б.

<sup>389</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 1926 – 204a.

ҳақ-хукуқларига доир масалалар, вақф мулкини шахсий мулк деб даъво килиш ва унга гувоҳ келтиришга оид ишлар кўрилган<sup>390</sup>.

“Китоб ал-фусул” асарида қозилик мансаби ва шахсиятига доир замона қарашлари атрофлича баён қилинган. Уламолар қозилик мансабини жуда масъулиятли касб ҳисоблаб, бу ишни қабул қилиш жоиз ёки жоиз эмаслиги хусусида фикр билдирганлар.

Маждууддин ал-Уструшаний қозилик мақомига тўхталиб шундай дейди: “Қозининг адолатли бўлиши шарт эмас. Ҳанафийларга кўра адолатли бўлиш афзал, лекин шарт эмас. Ҳатто фосик (гуноҳ ишларни қилувчи одам) ҳам қозиликка ярайверади. Лекин “Наводир” китобида қози этиб тайинлангаётган вактида адолатли бўлиши шарт. Одиллик пайтида қозиликни қабул этиб, сўнгра фосиқликка ўтса, уни ишдан бўшатиш шарт бўлиб қолади. Лекин ўз-ўзидан бўшаган бўлмайди. Яъни то бўшатилмагунча қози ҳисобланади. Мовароуннаҳрлик фақихлар ушбу фатвони қабул қилганлар”<sup>391</sup>.

Фақих Абу-л-Лайс ас-Самарқандий<sup>392</sup> “Навозил” номли китобининг “Қозилик одоблари” бобида ёзиб ўтадики, зўрлик билан шаҳарни босиб олган ҳоким томонидан тайинланган қози ихтилофли масалаларга суюнган ҳолда хукм чиқарган бўлса, мазкур хукм ундан кейин тайинланган қози томонидан маъқулланса, қолдирилади. Маъқулланмаса, бекор қилинади. Яъни кейинги қози аввал чиқарилган ҳукмлар учун ҳакам вазифасини ўташ ваколатига эга бўлади<sup>393</sup>.

Таъкидлаш жоизки, қозилик маҳкамалари ёки минтақаларда фаолият юритган ҳар бир қозига ўзига хос ҳукуқ ва ваколатлар берилган. Бу каби ваколатлар бевосита сultonнинг фармони билан амалга оширилган. Яъни сulton томонидан тайинланган қозининг ҳужжатига “фalon шаҳар қозиси” тарзida ёзилган ибора унинг фақат мазкур шаҳар ҳудудидагина фаолият олиб боришини таъминлаган. Яъни ҳужжатда кўрсатилган шаҳар атрофидаги қишлоқларда фаолият юритиш тайин этилган қозининг ваколатидан ташқаридир.

<sup>390</sup> Китоб ал-фусул. – Кўллўзма № 3245. – В. 1226 – 1296.

<sup>391</sup> Китоб ал-фусул. – Кўллўзма, № 3245. – В. 26

<sup>392</sup> Абу Лайло ас-Самарқандий – Наср ибн Мухаммад ибн Ахмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий (ваф. 375/986 й). Ҳанафий мазҳаби фақихларидан биридир. Маълумот учун қаранг: Ал-Кураший. – Ж. 2. – Б. 196; Ал-Фаво’ид. – Б. 220.

<sup>393</sup> Китоб ал-фусул. – Кўллўзма, № 3245. – В. 3 б.

Агар султон томонидан берилган қозилик ёрлиғига шаҳар атрофидаги қишлоқлар худудида ҳам фаолият юритиш ваколати қўшиб ёзилган бўлса, бу қозига мазкур ваколатга эгалик хуқуқини берган. Шунингдек, султон бир минтақа учун бир пайтнинг ўзида икки кишини қозиликка тайин этса, улардан ҳеч қайсиси бир-биридан мустақил равишда қарор қабул қила олмаган. Яъни кўрилган бирор масала юзасидан ҳар иккаласининг ҳам чиқарилган хукмга розилиги ва муҳри босилмаган хужжат аслига тўғри бўлмаган. Борди-ю, султон ҳар икки қозига ҳам алоҳида хукм чиқариш ваколатини берган бўлса ва бу унинг қозилик ёрлиғида ёзиб қўйилган ҳолатларда бу масала хусусида ривоят йўқ. Қозининг ўринbosар олиш билан боғлиқ ваколати ҳам султоннинг унга берган хуқуқи билангина амал қилган. Масалан, қози бетоб бўлган ҳолатларда ёки сафарда бўлган кезларида ҳам ишни ўринbosарга топширишга қодир хисобланмаган. Агар султоннинг изни билан қози ўзига ўринbosар сайлаган ҳолатларида унинг ишдан олиниши фақат султоннинг фармони билангина амалга ошган. Яъни қозининг ўринbosари бевосита султоннинг изни билан тайин этилган ва вазифасидан четластилган. Аммо султон томонидан қозига ўзига ўринbosар тайинлаш ва уни ишдан бўшатиш ваколати берилган бўлса, қози мазкур ваколатга тўла эгалик хуқуқини қўлга киритган<sup>394</sup>.

Ўринbosар олишга рухсати бўлмаган қози ўринbosар олган тақдирда, у қози хузурида хукм чиқарсагина, хукми амалга ўтган. Бу ҳолат ҳудди савдодаги вакил масаласига ўхшайди. Яъни савдолашаётган кимса тузилган савдо келишувида ўзи гувоҳ бўлади, айни дамда тайинлаган вакили савдо битимини унинг гувоҳлигига тузади. Агар ўринbosар қози хузурида хукм чиқарса ва бу хукмга қози розилик билдирса, хукм амалда татбиқ этилган.

Бурхонуддин Махмуднинг “аз-Захирату-л-бурхониййа” асарида ёзилишича, султон бир кишига “мен сени қози қилдим” деса, у оддий қози бўлади ва ўз ўрнига ўринbosар тайин эта олмайди. Аммо “мен сени қози ал-қузот, яъни бош қози қилдим” деса, у бошқа оддий қозиларни тайинлаш ва ишдан озод қилиш хуқуқига эга бўлади<sup>395</sup>.

<sup>394</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 5 а

<sup>395</sup> Бурхонуддин Махмуд. Аз-Захирату-л-бурхонийя. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Аё София бўлими // Кўлёзма № 001170. – В. 244а.

Агар султон бир кишига “Сенга фалон вилоятни бердим” деса, у ҳам қози тайин этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Зеро, бу мол-дунёни қабул қилиб олиш ихтиёрини топширишидир.

Агар султон кимнидир бир вилоятга амир этиб тайнинлаб, у ернинг хирожи (ер маҳсулотидан олинадиган солик)ни ҳам унинг ихтиёрига топшириб, аҳолини умумий тарзда тасарруф этишни очиқ айтган бўлса, шундагина у ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Агар халифа бир мамлакат шоҳига “кимни хоҳласанг, унга қозилик мансабини бер” деса, бу тўғри ҳисобланган. “Аз-Захиратул-бурҳонийй” асарида зикр этилишига кўра, агар султон “бирор кишига мансаб бер” деса, бу мансаб бериш ҳуқуқига эга кимсага қози тайнинлаши учун асос бўла олмайди. Шунингдек, бир мамлакат аҳолиси бир кишини султон этиб сайлаб, унга байъат қилсалар, у султон ҳисобланади. Лекин қозиликни бунга таққослаш мумкин эмас. Зеро, олдингиси зарурат, кейингиси аксинча, унга тобе масаладир<sup>396</sup>.

Султон бир кишини бир вилоятга қози этиб тайнинлагандан бир неча кун кейин иккинчи кишини ҳам ўша ерга қози этиб тайнинласа, иккинчи қози тайнинланиши билан биринчи қози ўз-ўзидан бўшаб қоладими ёки йўқми, деган масалада уламолар турлича фикр билдирганлар. Лекин то фармони олий бўлмагунича биринчи қози ишдан бўшаган ҳисобланмаслиги аниқроқ ва ҳақиқатга яқинроқдир<sup>397</sup>.

Ислом дини амал қилган минтақаларда ҳар бир даврнинг ўзига хос талаби ва шароитлари таъсирида қозилик маҳкамаларида иш юритиш тизими факиҳлар томонидан доимий тартибга солиб борилган. Мовароуннаҳрлик қозилар иш юритишларидан орттирган тажриба ва кўникмаларини қайд қилиш билан қозилик ишларини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса кўшганлар. Жумладан, Маждудин ал-Уструшаний яшаган даврга келиб, қозилик маҳкамалари ишчи тузилмаларининг ташкил топганлиги ва улар даъво ишларини кўриш ҳамда ҳал этиш жараённида бажарган муайян вазифаларнинг ҳуқуқий тамойиллар асосида белгиланганлиги, қозихона фаолияти-

<sup>396</sup> Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Захиратул-фатово ал-машхура би-захират ал-бурҳонийя. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 3102. – В. 421.

<sup>397</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма, № 3245. – В. 6 а.

нинг шариат аҳкомлари билан бир қаторда шахс эрки ва ҳуқуқий тенглик талаблари асосида шаклланганлигига, қозихоналар ишини ташкил этишда даъво қўзғатиш, ўзини ҳимоя қилиш, исботлаш каби институтларнинг ҳам мавжуд бўлганлигига амин бўлишимиз мумкин.

Мовароуннахрда ҳам қозилик маҳкамаси ишларининг шариат аҳкомларига кўра фаолият юритишида ҳанафий мазҳаби таълимоти асос қилиб олинган. Ҳанафий мазҳабига амал қилган мусулмон оламидаги қозихоналар ишини юритишда ироклик факиҳлар ёзган бир қатор манбалар асосида иш кўрилган. Лекин бу манбаларнинг ҳаммаси ҳам ўзга ислом минтақалари ижтимоий турмушида юзага келган муаммоларнинг ечими учун жавоб бера олмас эди. Мана шу юқоридаги сабабларни инобатга олиб, мовароуннахрлик факиҳлар қатори, Маждууддин ал-Уструшаний ҳам минтақа қозилик маҳкамалари учун қўлланма сифатида “Китоб ал-фусул” асарини яратди. Аллома мазкур китобни тузишда аксарият маҳаллий факиҳларнинг асарларига мурожаат қилди. Қозилик масалаларини ўрганган Абу Жа'фар ат-Таҳовий, Абу Наср ас-Самарқандий, Бурҳонуддин Маҳмуд, Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид каби факиҳларнинг қозиликка оид қарашлари олдинги бўлимларда таҳлил этилди.

Шуларни эътироф этган ҳолда хулоса килиш мумкинки, Маждууддин ал-Уструшаний мӯғуллар босқинидан кейин қийин турғунлик шароитига тушиб қолган Мовароуннахр жамияти ва қозихоналари ишини енгиллаштириш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган.

Қозихоналарда ибодатга тааллуқли масалалар кўрилмаган, балки жамиятда мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммолар кўриб чиқилган ва ҳал қилинган. Шаклан ўзгача бўлса ҳам, моҳият ва мазмун, кўзланган адолат меъёрлари бир хил бўлганлиги боис факиҳларнинг фаолияти замонавий судлар фаолиятига ўхшаш бўлиб, уларда умумий ҳукуқлар билан шахсий ҳукуқлар ўртасида мувозанат, ижтимоий ҳукуқ масалаларида қозига мурожаат этувчи-ларнинг адолатли ҳукмга бўлган ҳукуқини таъминлаш асоси ётади.

\* \* \*

Аббосийлар даврида илк қози ал-қузот лавозимига ҳанафийлик мазҳаби асосчиларидан саналган Абу Юсуф (ваф. 182/798 й) ҳамда Муҳаммад ибн Саммо‘алар (ваф. 233/848 й) тайинланганлиги боис, ўрта асрларда асосан ҳанафий олимлари “шурут” ва “ал-маҳозир ва-с-сийхилот” йўналишида йирик асарлар ёздилар. Бунга сабаб, мазҳаб асосчиларининг ушбу соҳада етакчилик қилиб, кўплаб ҳанафий олимларининг ўрта асрларда қозилик лавозимларида ишлаб, бу соҳада кўпроқ тажрибага эга бўлғанлигидир.

Ҳанафийлик мазҳабида кўплаб “шурут” ва “ал-маҳозир ва-с-сийхилот” йўналишида йирик асарлар ёзилди. Лекин бизгача етиб келган илк “шурут” асари Абу Жа‘фар ат-Таҳовийнинг “ал-Жоми‘ ал-қабир фи-ш-шурут” ва “ал-Жоми‘ ас-сағир фи-ш-шурут” асарларидир. Ат-Таҳовий ўзидан илгари ёзиб қолдирилган хужжатшуносликка оид асарларни чукур ўрганиб чиқкан алломадир. Шунингдек, унинг ўзи томонидан шу йўналишда яратилган қўлланмалар кейинги давр ҳанафий фақихлари учун асос сифатида хизмат қилиш билан бирга Мовароуннахр фикҳ мактаби ривожида муҳим ўрин тутган.

Мовароуннахрлик фақихлар азалдан ўзаро ҳуқуқий муносабатларини қайд этиб боришига алоҳида эътибор берганлар. Шу боис ўтмиш ёзма меросимизнинг анчайин катта қисмини расмий матнлар, васиқалар ва хужжатшуносликка оид бўлган асарлар ташкил этади. Абу Наср ас-Самарқандийнинг ислом хужжатшунослиги борасидаги “Аш-Шурут ва ‘улум ас-сүкук” ҳамда “Илм аш-шурут ва-л-васоик”, “Русум ал-Қузот” номли асарлари ўрта асрлар Мовароуннахрдаги ижтимоий муносабатлар тарихига доир қўмматли маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир. Чунки у ҳанафий фақихи бўлишига қарамасдан бизгача унинг асосан, қозилик ишларини юритишга доир асарларигина етиб келган.

Оли Моза фақихлар оиласи вакили ас-Садр аш-Шаҳид Мовароуннахрнинг икки йирик фикҳ мактаби ҳисобланган Бухоро ва Самарқанд фикҳ мактабларининг кўп йиллик анъаналарини бир жойга жамлаган. Шу боисдан ҳам фақих Оли Моза оиласининг Бухоро ва Самарқандда танилишига катта хисса кўшди. Мовароуннахрлик фақихлар томонидан Хассофнинг “Адаб ал-қози” асарига олтига шарҳ ёзилди. Таъкидлаш жоизки, ас-Садр аш-Шаҳид томонидан

битетлган шарх улар ичида энг мукаммали ва бизнинг давримизгача тўлиқ ҳолатда етиб келганидир.

Оли Моза оиласининг Бухородаги маданият, фан ва таълим ҳамда фикҳ имми ривожидаги хизматида Бурхонуддин Маҳмуднинг ўрни каттадир. Фақих ўзидан олдин қозилик ҳужжатларига оид асарлар ёзган Абу Жа‘фар ат-Таховий, Абу Наср ас-Самарқандий, Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид каби фақиҳлардан фарқли ўлароқ қозилик ҳужжатларига оид масалаларни ўзининг “ал-Муҳит” асари таркибиға киригади. Ушбу масалаларни фақиҳ оилавий, мулкий ва қулчилик муносабатларига тақсимлаб ўрганади.

Маждууддин ал-Устрұшанийнинг қозилик ишларига бағишлиланган “Китоб ал-фусул” асари илк мүғул босқини давридаги ҳужжатшунослик анъаналарига оид қимматли маълумотларни ўзида мужассам қылган. Фақиҳни мүғуллар босқинидан кейин қийин турғунлик шароитига тушиб қолган Мовароуннаҳр жамияти ва қозихоналари ишини енгиллаштириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган олим сифатида баҳолаш мумкин.

## **ІІІ БҮЛІМ ИСЛОМ ДУНЁСИ ДАВЛАТЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ РИВОЖИДА ҚОЗИЛИК МАҲКАМАЛАРИНИНГ ЎРНИ**

### **X–ХІІІ асрларда қозилик маҳкамаларининг ривожланиш босқичлари**

Исломда маҳкама-хуқуқ масалалари ҳар доим давлатчиликнинг ва жамиятдаги муносабатларнинг ривожланиш даражаси билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун қозилик фаолияти ҳар бир даврда ўзига хос даражада ривожланиб борган.

Ўрта асрларга келиб Мовароуннаҳрда таълиф этилган фикҳий асарларда исломдаги қозилик фаолиятининг ilk ривожланиш босқичи Мұхаммад (а.с.) нинг пайғамбарлик даври (610 – 632 йй) билан боғланади. Ривожланишнинг кейинги босқичлари сифатида ал-Хулафой ар-рошидун (тўғри йўлдан борган халифалар даври: 632 – 661 йй.), Умавийлар (661 – 750 йй.) ва Аббосийлар даври (750 – 1258 йй.) белгиланади.

Исроиллик тадқиқотчи Ирит Билигх Абрамский исломдаги қозилик ишларини атрофлича ўрганган. Унинг фикрича, дастлаб Мадина шаҳри ислом дини қоидаларига асосланган давлатнинг маркази сифатида шаклланар экан, қозилик фаолиятини амалга ошириш, мамлакат ҳаёти юзасидан мухим қоидаларни кабул қилиш ва улар ижросини назоратга олиш, давлатни бошқариш каби ваколатлар ягона шахс Мұхаммад (а.с.) кўлида бирлашган эди<sup>398</sup>. Жумладан, бу даврда ҳали қатор ижтимоий масалалар юзасидан қозига мурожаат қилиш тартиби, қозининг даъвони кўриб чиқиш ва муаммо ечимини ҳал этиши билан боғлиқ жараённинг муайян қоидалари ҳам ишлаб чиқилмаган. Бу турдаги қозилик амалиётини ҳозирги кундаги ҳакамлик судларига қиёслаш мумкин.

<sup>398</sup> Irit Bligh-Abramski. The judiciary (Qādīs) as a governmental – administrative tool in early Islam. Journal of the Economic and Social History of the Orient, Vol. 35, № 1. (1992). – Б. 41(Бундан кейин. Irit Bligh-Abramski. The judiciary (Qādīs).

Суриялик тадқиқотчи Мұхаммад Ваҳба аз-Зұхайлиниң хulosаларига күра, ислом давлатининг чегаралари кенгайганидан сүнг вилюятлар ва муайян катта шаҳарларга ҳоким (*волий*) тайинланар экан, унга ижро этиш ваколати билан бирга қозилик ишини олиб бориш ваколати ҳам қўшиб берилган. Натижада ҳар бир вилоят раҳбари ҳам *волий*, ҳам қози сифатида фаолият юритган<sup>399</sup>. Мазкур амалдорлар сирасига Али ибн Аби Толиб (Яман), Муоз ибн Жабал (Яманнинг бир қисми), Му‘қал ибн Ясор (Яманнинг иккинчи қисми), Абу Мусо ал-Аш‘арий (Куфа), ал-Ало ибн ал-Ҳадрамий (Баҳрайн), Аттоб ибн Усайдни (Макка) киритиш мумкин. Бундан ташқари, Мұхаммад (а.с.) томонидан айрим ҳолатларда бир неча шахсларга муайян масалалардагина бир маротаба қозилик ваколатини бериш ҳоллари ҳам учраб турган<sup>400</sup>. Агар юқоридаги шахслар томонидан чиқарилган ҳукм та-рафлардан бирининг норозилигига олиб келса, бундай ҳолатларда даъвони қайта кўриб чиқишины сўраб Мұхаммадга (а.с.) мурожаат қилиш мумкин бўлган<sup>401</sup>.

Демак, бу жиҳатдан олиб қаралганда, Мұхаммадни (а.с.) юқори инстанция, қолган қозиларни эса қуий инстанция қозилари деб тавсифлаш тӯғри бўлади.

Илк ислом давлатчилиги даврида қозилик ишлари юритиладиган маҳсус маҳкамалар мавжуд бўлмаган. Шу боис даъвогар қаерда мурожаат қилса, ўша ерда даъво кўрилган, ҳал қилинган. Бундан кўринадики, Мадина шаҳар - давлатида қозилик дастлабки йиллари муайян тизим сифатида тўлақонли шаклланиб улгурмаган, қозилик амалиёти ўзида қабилачилик тузумидан қолган анъаналарни сақлаб келмоқда эди. Яъни даъволар ва ажрим билан боғлик масалалар тез ва содда тартибда, ҳеч бир расмий хужжатларсиз фақатгина Куръон ва пайғамбар кўрсатмаларига асосан ҳал этилаверган.

Бирор ўзаро жиддий низолар ечими, масалан, Мұхаммад (а.с.) билан Мадинанинг туб аҳолиси (*ансор*), маккалик мусулмонлар (*мухожир*) ва Мадина атрофидаги яхудий қабилалар ўртасида тузил-

<sup>399</sup> Мұхаммад аз-Зұхайли. Тарих ал-казо фи-л-ислам. – Дамашк: Дор ал-Фикр, 1416/1995. – Б. 45 (Бундан кейин. Мұхаммад аз-Зұхайли. Тарих ал-казо).

<sup>400</sup> Muhammad Khalid Masud, Rudolph Peters and David S. Powers (eds.). Dispensing Justice in Islam: Qadis and their judgments. – Boston: E. J. Brill, 2006. – Б. 10 (Бундан кейин. Dispensing Justice in Islam ).

<sup>401</sup> Мұхаммад аз-Зұхайли. Тарих ал-казо. – Б. 65.

ган “Мадина шартномаси”нинг (*Маниур ал-Мадина*) 42-моддасига кўра шартномани имзоловчи томонлар ўртасида юзага келган ҳар қандай низо Муҳаммад (а.с.) томонидан ҳал қилиниши лозим эди<sup>402</sup>. Ислом оламида бу каби даъволар деярли кам учраганлиги билан характерланади. Шунга қарамай, улар баъзи фақиҳлар томонидан соҳаларига кўра алоҳида китоб ҳолига келтирилган. Мисол тарикасида моликий мазҳабига мансуб Ибн Тала‘ Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Фараж (ваф. 497/1104 й.) ва ханафий мазҳабига мансуб Захируддин Али ибн ‘Абдулазиз ибн ‘Абдурраззоқ ал-Марғинонийнинг (ваф. 506/1113 й.) “Ақзият Расулллаҳ” (Расулллоҳ чиқарган ҳукмлар) номли асарларини келтириш мумкин<sup>403</sup>. Имом Бухорийнинг “ал-Жоме‘ ас-саҳих”<sup>404</sup> ва Имом Термизийнинг “ас-Сунан”<sup>405</sup> асарларида ҳам Муҳаммад (а.с.) томонидан кўриб, ҳал қилинган қатор даъволар қайд этиб қўйилган. Бу каби даъво ишлари давлат, инсон ҳаёти ва соғлиғи, шахс мулкига қарши қаратилган, оиласи муносабатлар, тижорат ишлари, мулкий муносабатларга тааллукли жиноят ва фуқаролик ишлари юзасидан ҳал этилган.

*Ал-Хулафои ар-рошиудун даврида ҳам Муҳаммад (а.с.) давридағи каби қозилик амалиётининг оддий ва енгил тартибда даъволарни кўриш ва ҳал этиш жараёнлари тез суръатда ўтказилиши кузатилади. Бу даврга хос муҳим тадбир сифатида кучли давлатчилик сари қадамлар қўйилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.*

Халифа Умар даврига келиб қозилик мансабига алоҳида шахслар тайин этила бошланди. Жумладан, унинг ҳукмронлиги даврида Зайд ибн Собит ва Абу Дардоларнинг Мадинада<sup>406</sup>, ‘Абдуллоҳ ибн Мас‘уд<sup>407</sup>,

<sup>402</sup> Dispensing Justice in Islam. – Б. 6.

<sup>403</sup> Кашф аз-зунун. Ж.1. – Б. 130.

<sup>404</sup> Маълумот учун қаранг: Эшонжонов Б. И. IX аср Мовароуннахр маданий ҳаётида Имом ал-Бухорийнинг мавкеи ва унинг “Ал-Жоме‘ ас-саҳих” асаридаги фикҳий масалалар: Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2001. – 30 б; Абу ‘Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 4 жилдлик. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. – Б. 402.

<sup>405</sup> Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра. Ал-Жоме‘ ас-саҳих ва хува сунан ат-Термизий. 5 жилдли. – Бейрут: ал-Ихъя ат-тирос ал-арабий, 1995.

<sup>406</sup> Ваки‘ Муҳаммад ибн Халаф. Ахбор ал-кузот. – Бейрут: Тасвир олам ал-кутуб, 1414/1994. – Б.108 (Бундан кейин. Ваки‘. Ахбор ал-кузот.).

<sup>407</sup> Аҳмад ал-Ҳасирий. ‘Илм ал-қазо: адиллат ал-исбат фи-л-фикхи ал-исламий. 2 жилдли. – Бейрут: Дор ал-кутуб ал-‘арабий, 1406/1986. Ж.2. – Б. 269 (Бундан кейин. Аҳмад ал-Ҳасирий. ‘Илм ал-қазо).

Шурайх ибн ал-Хорис ал-Киндий<sup>408</sup> ва Убайда Салмонийларнинг<sup>409</sup> Куфада, Убода ибн Сомитнинг Химс ва Қансаринда<sup>410</sup> қози сифатида фаолият юритганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, халифа қозилик тизимини ижро этувчи ҳокимиятдан ажратган. Натижада қозиларнинг бевосита халифа билан боғлиқлиги улар обрўсининг кўтарилишига сабаб бўлган.

Шунга қарамай, бу каби ислоҳотлар мамлакатнинг барча нуқталарида тўлиқ татбиқ этилди, деб бўлмайди. Баъзи бир вилоятларда волийлар ҳамон қози сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда эдилар.

Халифа Усмон ибн Аффон даврида ҳам қозилик амалиёти мустақил ва волийлик билан бир пайтда олиб борилган. Жумладан, Я‘ло ибн Умайя Сан‘о шаҳрига ҳам қози, ҳам волий этиб тайинланган, Басрада Ка‘б ибн Сур қозилик лавозимидан бўшатилгач, қозилик иши Басра волийсига юклатилган<sup>411</sup>.

Халифа Али ибн Аби Толиб даврига келиб пойтахт Куфада қозилик вазифасини халифанинг ўзи бажарган. Вилоятлардаги қозилар эса вилоят волийлари томонидан тайинланган<sup>412</sup>.

Демак, қозиларни тайинлаш ҳар бир халифанинг ўз сиёсатидан келиб чиқиб амалга оширилган. Лекин диққатга молик томони шундаки, қозиларни тайинлаш тартиби ва қозилик амалиётини ташкил этиш жараёни давр ўтган сайнин муайян бир тизимга солиб борилган.

Илк ислом даврида қозилик давлат мансаби бўлганлиги учун одатда давлат ҳисобидан уларга маош тўланган. Илк ислом давлати тарихида қозиларнинг давлат томонидан моддий қўллаб-куватлаш масаласини қуйидагича баҳолаш мумкин:

Мухаммад (а.с.) даврида қозиларга алоҳида ойлик маош тайинланмаган<sup>413</sup>. Мухаммаддан (а.с.) сўнг келган халифа Абу Бақр

<sup>408</sup> Ваки‘. Ахбор ал-қузот. – Б.198 – 199.

<sup>409</sup> Аз-Захабий. Ж.4. – Б.40.

<sup>410</sup> Аҳмад ал-Ҳасирий. ‘Илм ал-қазо. Ж.2. – Б.146.

<sup>411</sup> Арнус Маҳмуд ибн Мухаммад. Тарих ал-қазо фи-л-ислам. – Қоҳира: Ал-матба’а ал-мисрийя ал-ҳадиса ал-аҳлийя, 1353/1934. – Б. 179 (Бундан кейин. Арнус. Тарих ал-қазо).

<sup>412</sup> Арнус. Тарих ал-қазо. – Б. 179.

<sup>413</sup> Мухаммад аз-Зуҳайли. Тарих ал-қазо. – Б. 71.

хам қозилик мансаби учун маош белгиламаган эди. Маош факат вазифаси масъулиятли ва оғир деб ҳисобланган амалдорларга (яни ҳам волий, ҳам қози вазифасини бажарувчилар) ҳамда халифанинг ўзигагина тайин этилган эди. Халифа Умар даврига келиб қозилик вазифаси алоҳида шахсга юклатила бошлангандан сўнггина бир турдаги вазифа юклатилган кишиларга ҳам маош тайинланган<sup>414</sup>.

Ал-Хулафои ар-рошидун даврининг илк босқичида қозилик ишлари ихтисослашмади. Бу даврда қозилик ривожининг кейинги даври ва ҳозирги кунда бўлганидек фуқаролик (мулкий ва оиласвий) ҳамда жиноят (ҳад, қасос ва та ‘зир) ишлари ажратилмаган ва қозилар барча турдаги ишларни қўришлари мумкин бўлган. Халифа Умар даврига келиб қозилиқда ихтисослашув кузатилади. Халифа Умар Соиб ибн Язид ибн Ухт ан-Намирга қаратади: “Мендан бир-икки дирҳам борасидаги ишларни олгин”, деб буюрган<sup>415</sup>. Шу билан қозилар мулкий ва оиласвий ишлар бўйича низоларни қўриб чиққанлар. Жиноят ишларини эса халифа ёки вилоят волийлари кўрган ёки уларнинг розиликлари билан жиноят ишлари бўйича хукм чиқарилган. Кейинчалик жиноят ишларида ўлим жазосини ижро этиш учун факат халифанинг розилиги талаб қилинган. Вилоят волийларида эса қасос ишлари учун розилик бериш ҳукуки қолган<sup>416</sup>.

Ал-Хулафои ар-рошидун даврининг илк босқичларида ишлар, асосан, уйлар ёки масжидда қўрилган. Қўп ҳолларда масжидда қўрилган<sup>417</sup>. Чунки масжид барча шаҳарларда ҳамма биладиган, ҳатто мусофиirlар учун ҳам топиш қийин бўлмаган ягона марказ ҳисобланган. Халифа Усмон давридан бошлаб қозилик ишлари учун алоҳида бино ажратилган. Лекин бу барча майдада ишлар муайян жойда қўрилганлигини билдирамайди. Балки расмий ва асосий қозилик ишларигина муайян жойда қўрилган.

Халифа Умар давригача жавобгар шахс ёки айбланувчини ушлаб туриш чоралари қўрилганлигига қарамай, бу иш такомиллаштирилма-

<sup>414</sup> Арнус. Тарих ал-қазо. – Б. 188.

<sup>415</sup> Ас-Саид ал-Жумайли. Қазо Росулulloҳ ва ахкамуху. – Кохира: Марказу-л-китаб ли-л-нашр, 1418/1997. – Б. 39.

<sup>416</sup> Ашроф Манно‘ ал-Қаттон. Авлийот ал-форук фи-л-идора ва-л-қазо. 2 жилдлик / Фолиб Қурашиб таҳрири остида. – Байрут: Муассаса ал-кутуб ас-сақофи亞, 1410/1990. Ж.1. – Б. 521 (Бундан кейин. Ашроф Манно‘ ал-Қаттон).

<sup>417</sup> Ашроф Манно‘ ал-Қаттон. Ж.1. – Б. 399.

ган. Бунда айбланувчи шахс масжид ёки муайян жойга боғлаб қўйилган ёки бирор мусулмоннинг назорати остида унинг уйига жўнатилган. Белгиланган вақт келганда эса айбланувчининг қозилик мажлисида иштироки шу йўл орқали таъминланган. Халифа Умар даврида *сижн(қамоқхона)* жорий этилиб, қози ушлаб туриши жоиз топилган шахслар мазкур қамоқхонада сақланган<sup>418</sup>.

*Умавийлар даври.* Ислом тарихида Умавийлар салтанати қисман дунёвийлиги билан ҳарактерланади. Бу, албатта, ушбу сулоланинг ўз даврида давлат ишларини юритишида диний ҳарактерга эга бўлган баъзи хатти-харакатлардан тийилганликларида кўринади. Ушбу давр қозилик маҳкамаларининг ривожланиш ҳолатини истроиллик ислом-шунос Ирит Блигҳ Абрамский атрофлича таҳлил этган. Унинг фикрича, Умавийлар ва илк Аббосийлар даврига келиб ислом дунёсидаги уламолар табакаси ихтисослашиб, қози (судья), муҳтасиб (бозор ва жамоатчилик жойларда тартиб сақладиган шахс), сарой факиҳлари каби янги пайдо бўлган мансабдорлар табакаси дунёвий ҳарактер касб эта бошлади<sup>419</sup>. Абрамский илгари сурган хулоса ўзини тўлиқ оқламайди. Чунки факиҳлик диний мансаб эмас, факиҳлар ҳам мансабдор шахслар ҳисобланмай, балки ислом ҳукуқшунослиги билан шуғулланадиган олимлар жамоасидир. Шунингдек, диндор олимлар саройда фаолият юритган ёки султон томонидан сарой факиҳи этиб тайинлаган тақдирда ҳам уларнинг фаолияти сиёсий эмас, балки ижтимоий жабҳаларда аҳамият касб этган.

Ал-Хулафои ар-рошидун даврида давлат раҳбари сайлов ёки тавсия асосида таҳтга ўтирган бўлса, умавийлар халифани тайинлашда мерос эгалиги масаласига таянганлар. Диний-хукуқий масалалар ал-Хулафои ар-рошидун даврида давлат миқёсида ҳал қилинган. Умавийлар даврига келиб бундай ишлар факиҳлар ихтиёрига топширилган, халифалар бу каби муаммолар ечимига аралашмаганлар. Чунки ҳукмдорнинг диний-хукуқий масалаларда етарли билим ва кўнилмаларга эга эмаслиги ушбу борадаги ҳар қандай муаммоларни адолатли ҳал этишга йўл бермас эди. Мазкур ҳолатда давлат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалада мустақил иш олиб бориб, диний-хукуқий муаммолар ечими факиҳлар ихтиёрига ўтади.

<sup>418</sup> Муҳаммад аз-Зухайли. Ал-Қазо фи-л-ислам. – Дамашк: Дор ал-мактабий, 1419/1998. – Б. 106107 (Бундан кейин. Муҳаммад аз-Зухайли. Ал-Қазо).

<sup>419</sup> Irit Bligh-Abramski. The judiciary (Qādīs). – Б. 45.

Юқоридаги ҳолатлар умавийлар даврига келиб қозиликнинг алоҳида ҳокимият сифатида шаклланишига олиб келди. Энди ҳоким ёки халифалар асосан, қозиларни тайин этиш, уларнинг амалий фолияти ва чиқарган ҳукмларини кузатиб бориш, маҳкама қозиси ва ходимларига ойлик маош тайинлаш, ўз вазифасидан четлатиш ҳамда мансабдор шахслар устидан қилинган шикоятларни бевосита кўриш каби масалалардагина қози ишларига аралашар эдилар<sup>420</sup>.

Умавийлар даври қозилари икки гурухга – пойтахт қозилари ва вилоят қозиларига бўлингандар. Пойтахт қозилари шахсан халифа томонидан, вилоят қозилари эса ҳокимлар томонидан тайинланган. Қозиларни тайинлашда уларнинг шахсияти, илмий салоҳияти ва ахлоқига алоҳида эътибор билан қаралган. Бироқ мазкур қоида ҳар доим ҳам амалда бўлмади. Чунки кейинчалик халифанинг қариндошлари юқори мансабларни эгаллаб, мамлакатда уруғаймоқчилик авж олиб кетади. Қозилик масалаларида ижобий ислоҳотлар асосан ҳалифа Умар ибн Абдулазиз (хукм. дав. 717–720 йй.) давридагина олиб борилган.

Умар ибн Абдулазиз ал-Хулафои ар-рошидуннинг бешинчиси номини олган. У юритган ислоҳотлар умавийлар сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш, диний-ҳуқуқий масалаларни давлат миқёсида татбиқ этишга қаратилганлиги билан характерланади. Айни дамда ҳалифа олиб бораётган барча ислоҳотлар оддий ҳалқ ва илм аҳли томонидан яхши қабул қилинди. Бундан кўринадики, умавийларнинг тарихий китобларида келтирилган мақтовлар барча умавий ҳалифаларга эмас, балки Умар ибн Абдулазизнинг ўзига тегишилдир.

Умар ибн Абдулазиз қозиларни тайинлашда қўйидаги ғояга амал қилган, яъни: “Козида беш хислат бўлса, у мукаммал бўлади: ўзидан олдингилар ҳакида илм, таъмадан сақланиш, томонларга нисбатан юмшоқлик, имомларга ‘иктидо қилиш ва аҳли илм билан маслаҳатлашиш”<sup>421</sup>.

Умавийлар даврида баъзи ҳолларда олдинги қозининг номзод кўрсатиши асосида ўринбосар қозилар тайинланган. Пойтахт қозиси Ҳишом ибн Абдулмалик (қозилик дав. 724–743 йй.) Намир ибн Авсни қозиликдан бўшатганда, айнан Авснинг тавсиясига кўра унинг ўринбосари Язид ибн Аби Молик алҲамадонийни қозиликка тайинлаган<sup>422</sup>.

<sup>420</sup> Мұхаммад аз-Зухайли. Ал-Қазо. – Б. 106-107.

<sup>421</sup> Мұхаммад аз-Зухайли. Ал-Қазо. – Б. 111.

<sup>422</sup> Мұхаммад аз-Зухайли. Ал-Қазо. – Б. 114.

Мисрлик тадқиқотчи Маҳмуд аш-Шарбиний фикрича, қозилар даъволарни асосан, ал-Хулафои ар-Рошидун даврида бўлганидек, жоме' масжидларда кўришган. Бунда қозилик жараёнлари одамларнинг топиши осон бўлган жойларда бўлиши эътиборга олинган. Иёс ибн Муовия каби қозилар бозорларда қозилик ишларини бажаришган. Чунки бозорда ҳамма йиғилиб, одамлар бу ерни топишда қийналишмаган. Басра қозиси Абу Бурда эса қозилик ишларини ўз уйида юритишини лозим деб билган<sup>423</sup>.

Умавийлар даврида биринчи марта қозилик ишлари қайд қилинадиган ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мазкур тадбирни дастлаб Муовия ибн Абу Суфён даврида Миср қозиси Сулайм ибн 'Итир атТажибий амалга оширган. Сулайм ибн 'Итир қозилик ҳукмлари бўйича қайдларни амалга оширишни куйидаги воеа сабабидан йўлга қўяди: қачонлардир мерос масаласида даъвони ютқазган киши ишнинг ўз фойдасига ҳал этилишини кўзлаган ҳолда кайта даъво кўтаради. Даъвогарнинг қозини алдаган ҳолда ҳукмни ўз фойдасига ўзгартирмоқчи бўлгани Сулаймга аён бўлгач, у ўз котибига қўрилган барча ишларни ва чиқарилган ҳукмларни бирма-бир қайд этиб боришни буюради<sup>424</sup>.

Мусулмон ўлкаларида, хусусан, Мовароуннахрда ҳам қозилик тадрижийлик асосида ривожланиб борганлигини кузатиш мумкин. Қозилик ишлари давр талаби, шароит тақозосига кўра такомиллашиб борган. Мухаммад (а.с.) даврида қозилик ишини фақат қози олиб борган бўлса, ал-Хулафои ар-Рошидун даврига келиб *котиб* лавозими таъсис этилган ва бу кейинчалик бутун мамлакат қозихоналарида кенг тарқалган.

Умавийлар даврида қозилик маҳкамаларида яна бир қанча янги лавозимлар таъсис қилинган. Айтиш жоизки, мазкур лавозимлар шароит тақозосига кўра жорий этилди. Бундай лавозимлардан бири *мунодийдир*.

Мунодий қозилик мажлисларида мунтазам иштирок этувчи лавозим эгаси ҳисобланиб, унинг асосий вазифасига даъвогарларга қозининг келганини билдириш ва уни таништириш, ҳусуматчиларни

<sup>423</sup> Маҳмуд аш-Шарбиний. Ал-Қазо фи-л-ислам. – Қохира: Ал-хай'а ал-мисрийя ал-'амма ли-л-китаб, 1420/1999. – Б. 122 (Бундан кейин. Маҳмуд аш-Шарбиний. Ал-Қазо).

<sup>424</sup> Маҳмуд аш-Шарбиний. Ал-Қазо. – Б. 145.

қози мажлисига чакириш каби юмушлар кирган. Бу лавозим қозиликка доир бир қатор манбаларда “аллаzий ‘ала ра’с алқози” ва “соҳиб ал-мажлис” номи остида ҳам зикр қилинади<sup>425</sup>.

Даъволар кўпайиб борган сари одамларни тартиб асосида қозихонага киритиб, қозихонанинг тинчлигини таъминловчи ҳожиб лавозими юзага келди. Ҳожиблик вазифасини баъзан мунодийлар ҳам бажаришган. Аксар ҳолларда ҳожиблик жисилвазларга юклатилган. Жилвоз (миршаб) шаҳар шуртасидан (миршаблиги) қозихонада тартиб-интизомни сақлаш мақсадида тайинланган ёки уни қозининг ўзи ҳам шу қозихонанинг миршаби сифатида мансабга тайин этиши мумкин бўлган<sup>426</sup>.

Мамлакатда араблар билан бир қаторда араб бўлмаган мусулмонлар ва бошқа динга мансуб шахслар ўртасида низолар келиб чиқа бошлагандан сўнг қозилик маҳкамаларида таржимонларга эҳтиёж сезилган ва айнан умавийлар давридан бошлаб маҳкамаларда ушбу лавозим таъсис этилган.

Умавийлар даврида бошбошдоқлик кучайган, мансабдор шахслар ва халифанинг қариндошлари томонидан ноконуний ишлар содир этилганлиги, мусулмонлар ўртасида бўлинишлар юзага келганлиги учун жиноят ишлари авж олиб кетади. Бу давр, жумладан мансабдор шахслар ўртасида ноконуний хатти-ҳаракатларнинг кўплаб кузатилиши билан ҳам характерланади. Жабрланувчиларнинг қозидан адолат истаб келиши, адолатли ҳукм чиқарилган ҳолларда ҳам уларнинг жойлардаги амалиётини таъминлайдиган волийларнинг йўқлиги ёки қози ҳукмининг волий томонидан ижро этилмай қолиши мамлакатдаги ижтимоий-хукукий ҳаётни издан чиқариб юборди. Бунинг натижаси ўлароқ, халифа хузурида мазолим қозилик маҳкамаси ташкил этилган. Бу маҳкама, асосан, мансабдор шахслар ва қозилар устидан қилинган шикоятларни кўрган. Мазкур маҳкамани ташкил қилган умавий халифа Абдулмалик ибн Марвон ҳисобланади. Мовардийнинг хабар беришича, у шу хусусда келган шикоятчиларни эшлиши учун алоҳида кун ажратган. Агар бирор масалада иккиланса

<sup>425</sup> Ибн Аби Дам. Адаб ал-қазо ав ад-дуарал ал-манзу маат фи-л-қозийя ва-л-хукумаат /'Абдулқодир 'Ато таҳқики остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-'илмийя, 1407/1987. – Б.215 (Бундан кейин. Ибн Аби Дам. Адаб ал-қазо).

<sup>426</sup> Ибн Аби Дам. Адаб ал-қазо. – Б. 218.

ёки түғрироқ ҳал қилинишини истаса, ишни ўзининг хос қозиси Абу Идрис алАздийга топширган<sup>427</sup>.

Мовардий ўзининг “ал-Аҳком ас-султониййа” асарининг еттинчи бобини тўлиқ исломдаги мазолим қозилик маҳкамалари фаолиятига бағишлайди<sup>428</sup>. Ушбу маҳкама бошқа қозихоналар билан бир хил тартиб-қоида асосида иш юритган. Жумладан, икки турдаги маҳкамада ҳам дъявони кўриш бўйича келтириладиган далил ва исботлар бир хил талаб асосида қабул қилинган. Умар бин Абдулазиз даврига келиб мазолим маҳкамасида далиллар борасидаги қаттиққўлликдан воз кечилган. Шариат қонунлари бўйича етарли далил бўлмаса-да, озгина ишора ёки билвосита далилларнинг борлиги хукм чиқариш учун асосли деб топилган<sup>429</sup>. Буни бир қатор мансабдор шахслар ва умавийлар сулоласи етакчиларининг танобини тортиб кўйишига қаратилган сиёsat сифатида изоҳлаш мумкин.

Демак, шу йўл билан қозилик тарихида икки инстанциялик юзага келди. Биринчи, қуи инстанция – қозилик ва иккинчи, юқори инстанция – мазолим бўлади. Чунки айни ушбу даврга келиб қозилиқда чиқарилган хукм устидан мазолим маҳкамасига шикоят қилиш (апелляция) хукуки амалда бўлган.

Маҳкама қозилари ўз мажлисларида даъво ишини кўриш ва иш юзасидан хукм чиқариш борасида эркин бўлишган. Чунки мамлакатда қозилик амалиётини олиб бориш бўйича ҳалифа Умарнинг йўриқномасидан ташқари муайян қонун-қоида ва тартиб белгилаб берилмаган бўлиб, қози, асосан, Қуръон, сунна, сахобаларнинг қарашлари, олдинги қозилар чиқарган хукмлар (прецедент) ва урф асосида хукм чиқариши лозим ҳисобланган. Бироқ қозининг хукм чиқариш борасидаги эркинлиги унинг ўз мансабини сунистеъмол килишига олиб бормаслиги шарт этилган. Ушбу борадаги ишларни тартибга солиш мақсадида давлат раҳбарлари томонидан белгиланган масъуллар ва мазолим маҳкамалари қозилар амалий фаолиятини мунтазам равишда кузатиб борганлар<sup>430</sup>.

<sup>427</sup> Ибн Ҳабиб ал-Мовардий. Ал-Аҳком ас-султониййа ва-л-валойат ад-диниййа / Ходидад ал-‘илмий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-китоб ал-‘арабий, 1410/1990. – Б. 78. (Бундан кейин. Мовардий. Ал-Аҳком).

<sup>428</sup> Мовардий. Ал-Аҳком. – Б. 121.

<sup>429</sup> Мовардий. Ал-Аҳком. – Б. 124.

<sup>430</sup> Мовардий. Ал-Аҳком. – Б. 128.

Маҳкама қозиларининг турли илмий савияда бўлиши ва манбалар билан ишлашдаги ўзига хос ёндашувлари уларнинг амалий фаолиятида яққол кўзга ташланган. Яъни бир даврнинг ўзида бир масала юзасидан бир қозининг чиқарган ҳукми ва адолати бошқасиникидан фарқ қила бошлаган. Мазкур ҳолат қозилик амалиётини олиб боришда ўз ёндашувларини маъқуллайдиган турли мактабларнинг юзага келишини таъминлади. Жумладан, Мадинада ҳукм чиқариш борасида ёзилган манбалардан четга чиқмасликка ҳаракат қиласидиган мактаб – *аҳли ҳадис* юзага келган бўлса, Ироқ, Хуросон ва Мовароуннахрда манбалардан хуносалар чиқариб, уларга қиёсий нуқтаи назардан ёндашадиган, ҳукмларни янгилашга уринувчи мактаб – *аҳли раъи* майдонга чиқди. Шунга қарамасдан, қозиликда амалиёт эркин олиб борилган. Бу қозининг ҳукумат сиёсати таъсиридан холи тарзда адолатли ҳукм чиқаришига имконият яратган. Бироқ баъзи давлат раҳбарлари қозидан ўзаро маслаҳат асосида иш юритишни талаб этганлар.

Абу Жа‘фар ат-Таҳовий қозиларни султон сухбатидан ўтказиб тайинлашни илгари суради. Чунки фосиқ ёки қозиликка ярамайдиган одамни таниш-билиш орқали қози бўлиши фитнага сабаб бўлади. Агарда бу каби қози ҳукм қилган ёки жазо тайинлаган тақдирда ҳам факихлар унинг ҳукмини тан олмаганлар. Чунки, жоҳиллик ёки фосиқлик билан чиқарилган ҳукм адолатнинг оёқ ости бўлишига сабаб бўлади.

Ҳарбий соҳанинг кенгайтирилиши аскарлар орасида ички тартиб-интизомни сақлаш, ҳарбий жиноят ишларини адолатли ҳал этишни талаб этар эди. Шу боис мамлакат армияси ҳузурида ҳарбий қозилик маҳкамалари жорий этилди. Бу каби маҳкамаларда фаолият олиб борган қозилардан Зиёд ибн Аби Лайло алҒоний, Кулсум ибн ‘Абдуллоҳ алҲикамий ва Мұхаммад ибн алАсламийлар машҳур саналади<sup>431</sup>.

Умавийлар даври қозилик маҳкамаларида ўтказилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, мамлакат қозилари зиммасига янги вазифалар юқлатила бошланган. Адолатли, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мансабдор сифатида уларнинг ҳуқуқий асосда иш юритиши таъминланган. Яъни қозиларга ҳозирги кундаги прокурор вазифасини бажарувчи

<sup>431</sup> Мұхаммад ‘Абдулқодир Абу Форис. Ал-Қазо фи-л-ислам. – ‘Амман, ал-Урдун: Дор ал-фурқон, 1411/1991. – Б. 207208.

мансадборга берилган имтиёзлар, вазифаларни бажариш ҳам юклатилган. Жамият ҳаётида кўп кузатиладиган етимнинг молини ейиш, вақф мулклари ва байту-лмолни (давлат бюджети) ноқонуний ишлатиш каби жиноятларга барҳам бериш мақсадида бу турдаги мулкларни назорат қилиш хуқуқи ҳам қозиларга берилган.

Баъзи вилоятлар қозиларида шуртага (миршаблик) раҳбарлик қилиш ваколати ҳам мавжуд бўлиб, жумладан, қатор манбаларда Мадина қозиси Мус‘аб ибн Абдурраҳмон ибн ‘Авф, Миср қозилари Обис ибн Са‘ид, Юнус ибн ‘Атийя ал-Хадрамий, Абдурраҳмон ибн Муовия ибн ал-Худайж ал-Киндий, Имрон ибн Абдурраҳмон ал-Ҳасанийларнинг номлари шурта раҳбарлари сифатида ҳам зикр қилинган<sup>432</sup>. Айтиш жоизки, юкорида ўтказилган ислоҳотларнинг барчаси қозилик маҳкамаларининг том маънодаги хуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида шаклланишини таъминлаган.

Ислом тарихида аббосийларнинг хукумат тепасига келиш даври давлатчилик, хуқуқшунослик, тил ва адабиёт, исломий фанларнинг ривожланиши, мазҳабларнинг вужудга келиши, диний-ақидавий қарашларнинг сиёсийлашуви, араблар билан ислом эътиқодидаги бошқа ҳалқлар ўртасида тенгликнинг таъминланиши каби ўта муҳим тарихий жараёнлар билан кечади ва ўз навбатида, бу давр ислом маданияти тарихида классик давр сифатида эътироф этилади.

Ўрта асрлар тарихида ислом ҳукмрон бўлган ўлкаларда қозилик маҳкамаларини тубдан ислоҳ қилиш жараёни халифалик таҳтига аббосийларнинг (хукм дав. 133 – 656/750 – 1258 йй.) чиқиши билан боғланади. Аббосийларнинг давлатчилик борасида амалга оширган кўплаб ислоҳотлари замирида умавийлар даврида заифлашган давлат аппаратини мустаҳкамлаш мақсади ётарди. Қозилик маҳкамаларини қайта такомиллаштириш борасида жорий этилган қатор амаллар ҳам мазкур ислоҳотлар сирасига киради.

Жумладан, халифа Абу Жа‘фар Мансур (хукм дав. 132 – 136/750 – 754 йй.) қозиларни тайинлашга фақат халифа ҳақли деб хисоблаб, ҳокимларни бу ваколатдан маҳрум этди. Шунингдек, унинг ҳукмронлик даврида мазолим маҳкамаси (мансадбор шахслар устидан иш кўрадиган маҳкама) ривожлантирилди ва бу маҳкама учун алоҳида бино ажратилди<sup>433</sup>.

<sup>432</sup> Мовардий. Ал-Аҳком. – Б. 238.

<sup>433</sup> Зоғир ал-Қосимиј. Низом ал-хукм фи-ш-шари‘а ва-т-тарих ал-исламиј. 2 жилд-лик. – Байрут: Дор ан-нафо‘ис, 1992. Ж.2. – Б. 423; Ашроф Манно‘ ал-Қаттон.

Хорун ар-Рашид (хукм дав. 170 – 193/786 – 808 йй.) даврига келіп қозилик расмий-хуқуқий мақомға эга бўлди. Халифаликда “Қози алқузот” (قاضی القضاة) лавозими таъсис этилди. Дастреб, қози ал-қузот қозиликка тайинлаш мумкин бўлган номзодни хукмдорга тавсия этиш ваколатига эга бўлган бўлса-да, кейинчалик у қозиларни танлаш ва тайин этиш имконини тўлиқ қўлга киритди<sup>434</sup>. Ушбу воқеа боис қозилик маҳкамалари тизими тўла мустақилликка эришиди.

Эндиликда қози алқузотга мамлакатдаги қозилик маҳкамаларини эркин бошқариш ваколати топширилган эди. Ибн Ҳалликоннинг таъкидлашича, мамлакат қози ал-қузоти Абу Юсуф биринчи бўлиб қозилар учун маҳсус кийим (униформа) жорий этади. Мазкур либос қора салла ва тайласон (либос устидан елкага ташлаб кийиладиган кенг ва узун кийим)дан иборат бўлган<sup>435</sup>.

Қози алқузотнинг алоҳида девони бўлган. Унда ҳожиб, котиб, ҳукмларни арз қилувчи ва сақловчи мансабдор шахслар фаолият юритган.

Дастреб бутун ҳалифаликда қози ал-қузотликка Бағдод шаҳридан тайинланган қози пойтахтнинг ўзида жойлашган девонида мамлакат қозилари устидан назорат юритган. Кейинчалик бу лавозим мамлакат миқёсида қўлланила бошлаган. Ҳалифаликдан мустақил ажраби чиққан давлатларнинг алоҳида қози алқузотлари бўлган. Баъзи ҳолларда ҳар мамлакатда ҳар бир мазҳаб бўйича алоҳида қози алқузотлар фаолият юритганлар. Фотимийларда қози алқузот лавозимиға факат шиа мазҳабида бўлган факихлар тайинланган<sup>436</sup>.

Ўрта аср қозилик маҳкамаларида қозидан ташқари қуидаги лавозимдаги шахслар ҳам фаолият юритишган:

*Hou'b al-қози* (نائب القاضي). Қози ўринбосари бўлиб, маҳкамама мажлисида қози иштирок этолмаган ҳолатларда унинг ўрнига қозилик вазифасини бажариб турадиган шахсадир. Бу ҳолатга манбаларда ис-

---

Авлайиот ал-форук фи-л-идора ва-л-қазо. 2 жилдлик / Ғолиб Кураший таҳрири остида. – Байрут: Муассаса ал-кутуб ас-сақофиийа, 1990. Ж.2. – Б. 58; Мухаммад аз-Зухайли. Қазо ал-мазолим фи-л-фикҳ ал-исламий. – Дамашқ: Дор ал-мактаби, 1998. – Б. 7-9; Мухаммад ‘Абдулкодир Абу Форис. Ал-Қазо фи-л-ислам. – ‘Амман. Дор ал-фуркон, 1991. – Б. 225.

<sup>434</sup> Арнус. Тарих ал-қазо. – Б. 97.

<sup>435</sup> Мухаммад аз-Зухайли. Тарих ал-қазо. – Б. 271.

<sup>436</sup> Мухаммад аз-Зухайли. Тарих ал-қазо. – Б. 301.

*тихлоф* (استخلاف) деб таъриф беришган. Аббосийлар даврида “Қози алқузот” лавозими жорий этилгач, ҳеч бир қози қози алқузотнинг рух-сатисиз истихлоф килишга ҳақли бўлмаган<sup>437</sup>.

*Котиб ал-маҳқама* (كتاب المحكمة). Қозилик маҳкамасидаги бу лавозим ал-Хулафои ар-Рошидун даврида таъсис этилган. Аббосийлар ҳукмронлигида халифалик ҳудудларининг кенгайтирилиши, мамлакатда хусумат ва жиноят турларининг ортиши котиблик масъулиятини янада оширди. Унинг вазифасига дастлаб икки хусуматчи томон, гувоҳлар, қози гапларини ёзib боришгина кирган бўлса, аббосийлар даврига келиб котиблар, шунингдек, навбатда турган хусуматчилар даъвосини қозига олиб кириш ва уларни эшитиш, мусофири даъвоси ва кечиктириб бўлмас даъволарни тўғридан-тўғри қози олдига олиб кириш, ижро этилган ҳукмларни архивга тикиб бориш каби ишларни ҳам амалга оширган<sup>438</sup>.

*Мунодий* (منادي). Умавийлар давридан мавжуд бўлган бу лавозим соҳиби ваколатига қозининг келганлигини хабар бериш, хусуматчиларни чақириш каби вазифалар кирган<sup>439</sup>.

*Ҳожиб* (حاجب), *жилвоз* (جلواز) ва *шурта* (شرطة) каби қўрикчилар қози хузурига келган даъвогарлар интизомини сақлаб турувчи ходимлар ҳисобланган. Булар асосан қози хузурига кириш, унинг олдидаги ўтириш каби ҳолатларда даъвогарлар томонидан тартибга риоя қилинишини таъминлаганлар. Шу билан бирга маҳкамадан ташқари қозининг юклаган вазифаларини бажарганлар<sup>440</sup>.

*Соҳиб ал-масо’ил* (صاحب المسائل). Бу аббосийлар даврида юзага келган лавозимлардан бири. Соҳиб алмасо’илнинг асосий вазифаси қозининг қўрилаётган иш бўйича билиши керак бўлган маълумотларни мукаммал тўплаб, унга етказиш бўлган. Мазкур маълумотлар, асосан, гувоҳлардан йигиб олинган. Чунки қозилик маҳкамаси ишларида гувоҳларнинг гувоҳлик беришга ҳақлилик масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу лавозим манбаларда *музаккий* (مذکی) номи билан ҳам қайд қилинади. Биринчи бўлиб бундай хизматдан фойдаланган қози Абдураҳмон ибн Аби Лайлo (VII–VIII асрлар) дир<sup>441</sup>.

<sup>437</sup> Тароблусий Алоуддин Али ибн Халил. Му‘ин ал-хуккам. – Дамашқ: Дор ал-Фикр, 1419/1998. – Б. 24.

<sup>438</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – Б. 243-244, 314.

<sup>439</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.1. – 243, 244, 314 бетлар.

<sup>440</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.2.– Б. 79-84.

<sup>441</sup> Georg Matern. Ibn Abi Laila Ein Jurist und Traditionarier des frühen Islam. Bonn: Rheinischen Friedrich-Wilhelms-Universität zu Bonn, 1968. – Б. 55-68.

*Қассом* (فَسَام). Бу лавозим эгаси низолашилаётган мулкни тақсимлаш, ерларни бўлиб бериш ва шу каби тақсимлаш масала лари билан шугулланган. Баъзи адабиётларда у *ҳассоб* (حساب) деб ҳам аталган<sup>442</sup>.

*Амин* (أَمِين). Булар омонатни сақлаб берувчи масъуллардир. Бу ваколат эгалари қозилар томонидан тайинланган. Улар, асосан, етим, бокувчисини йўқотган ва бедарак кетганлар молини ва мерос мулкни сақлаб бериш мажбуриятини олганлар<sup>443</sup>.

*Хозин девону-л-ҳукм*. Бу қозилик архиви ва ҳужжатларини сақловчи шахсdir. Бу ваколат масъулларига, асосан, қозига тегишли бўлган ҳужжатлар хавфизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган<sup>444</sup>.

Аббосийлар даври *мазолим* маҳкамасида мажлис иштирокчиларини қуйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1. Мажлис раиси: халифа, бош вазир ёки қози алкузот бўлиши мумкин.

2. Кўп шикоят тушган қози ёки ҳокимлар ва шикоят эгалари.

3. Фақихлар ва сарой олимлари.

4. Мажлис ҳulosаларини ёзib турувчи халифа котиблари.

5. Гувоҳлар<sup>445</sup>.

Ушбу кишилар тўлиқ йигилсаларгина, мазолим маҳкамаси ўз ишини бошлай олган. Мазолим маҳкамаси ваколатлари қуйидаги синфларга бўлинган:

—*истишорий*, яъни шариат аҳкомларининг татбиқ этилишини назорат килиш;

—маъмурний, яъни амалдорлар ишларини назорат қилиш;

—хукуқий, яъни ҳокимлар ва халқ ўртасидаги ёки халқнинг ўз ичидаги низоларни ҳал қилиш<sup>446</sup>.

Аббосийлар даврида *ҳисба* институти пайдо бўлган. Бу институт аслида ҳукуқни муҳофаза қилувчи ташкилот бўлса ҳам, кўпчилик уни қозилик тизимига киритган.

<sup>442</sup> Ас-Самноний. Равзат ал-кузот ва-т-тарик ан-нажот. 4 жилдлик / Салоҳуддин ан-Наҳай таҳрири остида. – ‘Амман, ал-Үрдун: Дор ал-Фурқон ли-н-нашр ва ат-тавзий’, 1404/1984. Ж.3. – Б. 7.

<sup>443</sup> Зоғир ал-Қосимий. Ж.2. – Б. 418.

<sup>444</sup> ‘Абдулкарим Зайдон. Низом ал-қазо’и фи-ш-шари‘а ал-исламийя. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 1417/1997. – Б. 32.

<sup>445</sup> Dispensing Justice in Islam. – Б. 11.

<sup>446</sup> Муҳаммад аз-Зухайли. Тарих ал-қазо. – Б. 88.

Мазкур соҳа халифа Умар давридаёқ амалда бўлганлигига қарамай, бу ваколат эгасининг кенг кўламдаги фаолияти аббосий ҳалифаларидан Маҳдий (хукм. дав. 775–786 йй.) даврида шаклланди. Ҳисба иши билан шуғулланувчи киши муҳтасиб деб номланиб, у, асосан, оммани яхши ишлар қилишга буюриб, ёмон амаллардан қайтариб турган<sup>447</sup>. Бу билан у шариат аҳкомларининг ижросини таъминлаган. Шунингдек, одоб, фазилат ва омонат каби хислатларни муҳофаза қилиш, бозор, тоштарози, нарх-наволар мутаносиблигини назорат қилиш, санитария ишлари билан шуғулланиш, йўлларни таъмирлаш, кемага юклатиладиган молларни назорат қилишлик масалалари билан ҳам ҳисбалиқдан тайинланган масъул шуғулланган.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳисбанинг жамиятдаги асосий вазифаси шариат қонунларига риоя қилинишини таъминлаш ва жиноят профилактикаси билан машгул бўлиш эди.

Муҳтасибинг мусулмон, болиғ, эркак, ақли расо, шаръий масалаларни яхши биладиган, одил, қудратли ва иш юритишга имом ёки волий томонидан рухсат олган бўлиши шарт қилинган.

Муҳтасиб бирон-бир даъвони кутиб ўтиргмаган. У очиқ ноқонуний ҳаракатларни кўриши биланоқ ўз ишини бошлаган. Лекин қарз ва қўшниларнинг бир-бирига қилган ҳусуматлари каби масалаларда қозилик маҳкамасида даъво қўзғалмасдан туриб муаммога аралаша олмаган.

Ҳисба вакили жиноят ишларини кўриб чиқишига ҳақли бўлмаган. Лекин баъзи истисно ҳолатларида тез ҳал қилиниши керак бўлган майда жиноятларни адолатли ҳал этиши мумкин ҳисобланган. Бирок бу каби ҳолатлар унга мавжуд муаммо юзасидан қатъий ҳукм чиқариш ваколатини бермаган. Демак, муҳтасиб фақатгина тез ярашириш йўли билан масалани ҳал қилган. Унинг иши куч ишлатиш ва тез ҳал қилишга асосланган.

У ўз ишини танбех бериш, яхши сўз билан насиҳат қилиш, баъзи бетартибликларни, қонунга зид бўлган амалларни қўли билан тўхтатиш, уриш билан таъзир бериш ва масалани қозига олиб чиқиш каби босқичларда олиб борган.

Аббосийлар даврига келиб исломдаги барча мазҳаблар шаклланган бўлишига қарамай, мамлакат бош қозиси Абу Юсуф барча

---

<sup>447</sup> Муҳаммад аз-Зуҳайли. Тарих ал-қазо. – Б. 90.

маҳкама қозиларини ҳанафий мазҳабидан тайинлаган. Кейинчалик минтақаларда турли мазҳабларнинг тарқалиши инобатга олиниб, ҳар бир мазҳаб бўйича алоҳида қозилар тайинланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўрганилаётган даврда қозилик маҳкамалари иерархия (босқичли, даражали) асосида ишлаган. Маҳзар ва сижил хужжатларини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, қозилик хужжатларида икки босқич маҳкамалари ҳақида гап юритилган. Булар вилоят қура ва туман *ноҳия* маҳкамаларидир. Вилоят қозилик маҳкамаларининг қозилари қози, туман қозилик маҳкамаси қозилари ҳоким деб аталган. Туман ҳокими вилоят қозиси томонидан тайинланган. Ҳокимнинг ваколатлари, асосан, низолашувчи томонларни яраштиришга уриниш, томонларни рози қиласиган шаклда хукм чиқариш, никоҳларни қайд қилиш, вакф мулкларига мутавallийлар тайинлаш, васийларни белгилаш бўлган. Агар иш жиддий муаммога олиб келса, вилоят қозилик маҳкамасига жўнатилган.

Туман аҳлидан тушган шикоятлар ҳар доим ҳам қози томонидан кўрилмаган. Балки ишлар кўриб чиқилиши учун ҳокимларга туширилган. Иш ҳоким даражасида ҳал қилинишининг иложи бўлмаган тақдирдагина, вилоят қозиси томонидан кўрилган. Мазкур тадқиқотда қозилик маҳкамалари тизимини уч босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ топилди. Улар туман қозилик маҳкамаси, вилоят қозилик маҳкамаси ва олий қозилик маҳкамасидир. Туман қозилик маҳкамасини “ҳоким” (حاکم), вилоят қозилик маҳкамасини “қози” (قاضي) ва олий қозилик маҳкамасини “қози ал-қузом” (قاضي القضاة) бошқарган.

## Қозилик фаолиятининг ташкилий-ҳукуқий таъминланганлиги

Ислом тарихида қозилик маҳкамаларининг ривожланишида билвосита Куръон ва Муҳаммад (а.с.) билдирган ҳадисларда келган адолат меъёрлари мухим аҳамият касб этди. Ислом манбаларида келган “қозилик” атамаси араб тилидаги *қазо* ( قضى ) ва ҳакама ( حکم ) феълларидан олинган. Маълумки, илк шаклланаётган ислом жамиятини Муҳаммад (а.с.) адолат меъёрлари асосида мустаҳкамлашни бош мақсад қилиб олган.

“Қози” сўзи араб тилидаги “қазо” ( феълидан олинган бўлиб, ўзбекчага таржима қилганда “кешиш”, “ажратиш” ва “ҳукм қилиш”

деган маъноларни англатади. Ҳанафий уламоларининг таърифига кўра ўзига хос йўл билан ҳусуматларни ажратиш ва низоларни кесиш “қазо”, яъни қозилик қилишдир. Замонавий тадқиқотларда қозилик маҳкамаларининг фаолияти ҳозирги судлар фаолиятига қиёслаш мумкин. Яъни қозихоналар бу замонавий суд ва судлов тизимининг тарихий шаклидир<sup>448</sup>. Турк тилида қози “ёруғчи” деб аталган<sup>449</sup>.

Куръон оятларида адолат масалаларининг мусулмон жамияти учун муҳим эканлиги уқтирилган. Куръонда қози ёки қозилик сўзлари учрамаса-да, лекин унга далолат қилувчи ҳукм қилишга чакиравчи оятлар мавжуд. Ушбу оятлар исломдаги қозининг мақомини белгилаб беради. Куръони каримнинг “Нисо” сурасида келган қуйидаги оятлардан қозилик касби билан шуғулланиш шарафли касб эканлигини аниқлаб олиш мумкин:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا

شَجَرَ بِيَنْهُمْ شَمْ لَا تَجْدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا

قضَيْتَ وَإِنَّمَا تَسْأَلُمُوا أَنْ سَلِيمًا



**Маъноси:** “Бас, Раббингиз ҳаққи, улар ўрталаридан чиққан низоларга Сизни ҳакам қилмагунларича ва сўнгра чиқарган ҳукмингиздан дилларида танглик сезмай, тўлатаслим бўлмагунларича, зинҳор иймон келтирмагайлар”<sup>450</sup>.

Ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаби қуйидаги воқеа билан боғланади: Зубайр ибн Авом билан мадиналиқ бир киши (ансорий) экинзорларини суғориш пайтида сув навбатини талашиб қолдилар. Сўнг мазкур масалада ҳакам бўлишларини сўраб Мухаммад (а.с.) ҳузурига келишади. Пайғамбар (а.с.) биринчи бўлиб Зубайр, иккинчи бўлиб ансорий суғориб олишига буюрадилар. Шунда ансорий: “Зубайр аммангнинг ўғли бўлгани учун унга биринчи навбатни бердингми?”,

<sup>448</sup> Қаранг: Karman Hayrettin. The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence. The great Ottoman-Turkish civilisation.vol.3. – Ankara: Philosofiy, science and institutions. Editor-in-chief Kemal Gigeck. Yeni Türkiye, 2000. – Б. 666-675 (Бундан кейин Karman Hayrettin. The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence).

<sup>449</sup> Karman Hayrettin. The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence. – Б. 666-675.

<sup>450</sup> Куръон: 4:65-оят.

деб норозилик билдиради. Ансорийнинг сўзларидан Пайғамбар (а.с.)нинг юzlари қизариб кетади ва Зубайрга: “Сен биринчи бўлиб экинзорингни сугор. Сув деворларнинг остигача чиқсан” дедилар. Шу ҳадисга илова қилиб, Имом Бухорий айтади: “Муҳаммад (а.с.) ҳар икки даъвогарга ҳам енгиллик бўлсин деб, Зубайрга, гарчи у биринчи бўлиб сугорса ҳам, тезлик билан навбатни ансорийга беришини буюрган эдилар. Ансорий норозилик билан ножӯя сўз айтганидан кейин Зубайрга тегишли сув ҳаққидан мукаммал фойдаланишга, беодоблиги туфайли ансорийни узоқ навбат кутишга буюрганлар<sup>451</sup>.

Ушбу суранинг бошқа бир оятида Аллоҳ адолатли ҳукмнинг фазлини куйидагича баён этади:

إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتُحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرَأَكَ  
اللَّهُ وَلَا تَكُنْ لِلْخَائِنِينَ حَصِيمًا

**Маъноси:** “Албатта, Биз Сизга ушбу Китоб (Куръон)ни одамлар орасида Аллоҳ қўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун барҳақ нозил этдик. Хиёнатчиларга эса, ҳимоячи бўлманг!”<sup>452</sup>.

Ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаби куйидагича: Тўъма ибн Убайриқ ўз қўшниси Қатода ибн Нўймоннинг совутини ўғирлаб, Зайд ибн Самин деган бир яхудийнинг уйига олиб бориб яширди. Тўъма ибн Убайриқ совутни ун солинган қоп ичига солиб яхудийнинг уйига келган эди. Бироқ қоп тешиклиги боис ундан йўл-йўлакай ун ҳам тўкилиб борди. Совутнинг эгаси ўғрилиқда Тўъмадан шубҳаланиб, уни сўроқ қиласи. Бироқ Тўъма бу айбни бўйнига олмай, қасам ичади. Қатода ибн Нўймон қўшниси кўттарган қопдан тўкилган ун қолдиклари бўйлаб бориб, совутни Зайднинг уйидан топади. Зайддан совут ҳақида сўралганида у совутни Тўъма қўйиб кетганини айтади. Бунга бошқа яхудийлар ҳам гувоҳлик берадилар. Шундан сўнг ушбу оят нозил бўлади<sup>453</sup>.

<sup>451</sup> Ас-Саид ал-Жумайли. Қазо Росулуллоҳ ва ахкамуҳу. – Кохира: Марказу-л-китаб ли-л-нашр, 1418/1997. – Б. 59 (Бундан кейин. Ас-Саид. Қазо Росулуллоҳ).

<sup>452</sup> Куръон: 4:105-оят.

<sup>453</sup> Ас-Саид. Қазо Росулуллоҳ. – Б. 68.

Маълумки, Қуръонда аҳли китоблар билан бўладиган муомолот масалалари ҳам аниқ ва равшан қилиб берилганлигини кўриш мумкин. Адолатли ҳукм чиқаришда Аллоҳ ҳақни биринчи ўринга олиб чиқиши буоради:

سَمَعُونَ لِكَذِبِ أَكَلُونَ لِسُجْنٍ فَإِنْ جَاءُوكَ فَأَحْكُمْ  
بَيْنَهُمْ أَوْ أَغْرِضْ عَنْهُمْ وَإِنْ تُعْرِضْ عَنْهُمْ فَلَنْ يَضْرُوكَ شَيْئًا  
وَإِنْ حَكَمْتَ فَأَحْكُمْ بَيْنَهُمْ بِالْقِسْطِ  
إِنَّ اللَّهَ تُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴿١٥﴾

**Маъноси:** “(Улар) ёлғон (тўқиши учун Сиз)га қулоқ соладиган ва ҳаромни (порани) ейдиганлардир. Агар Сизга (ҳукм сўраб) келсалар, ўрталарида ҳукм чиқаринг ёки улардан воз кечинг! Агар улардан воз кечсангиз (ҳам), Сизга сира зарар етказмайдилар. Агар ҳукм қилсангиз, ўрталарида адолат билан ҳукм қилинг! Албатта, Аллоҳ одилларни севади”<sup>454</sup>.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Пайғамбар (а.с.)га аҳли китоблар у зотдан Аллоҳнинг ҳукмини сўраб қолсалар, Қуръони карим ҳукмлари асосида жавоб беришлари ёки жавоб бермасликлари ҳам мумкинлиги таъкидламоқда. Борди-ю, яхудий қавмлар Расулуллоҳдан

<sup>454</sup> Қуръон: 5:42-оят. Мойда сурасининг кейинги икки оятида ҳукм қилишда Аллоҳ инсонни эҳтиёткор бўлишга ҳавоий нафсга эргашиб кетмасликка чакиради: Маъноси: “Сизга (эса, эй, Мухаммад!) ўзидан олдинги Китоб(лар)ни тасдиқ этувчи ва у (китобларни мувофиқлаштирувчи сифатида Китоб (Қуръон)ни ҳақиқатан нозил килдик. Бас, улар ўртасида Аллоҳ нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилинг. Сизга келган ҳақиқатдан (четлаб), уларнинг ҳавоий (фикрлари)га эргаша кўрманг! Сизлардан хар бир (уммат) учун (алоҳида) шариат ва йўл (таъйин) қилиб кўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа эди, сизларни бир уммат (бир хил шариатда) қилиб кўйган бўлур эди. Лекин Ўзи берган нарса (шариатлар)да сизларни синаш учун (бир хил килмади). Бас, хайрли (савобли) ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқингиз! Ҳаммангизнинг қайтадиган жойингиз Аллоҳнинг хузуридир. Ўшандо (У) сизларга келиша олмай юрган нарсаларингизнинг хабарини беражак” (48-оят). “Улар ўртасида Аллоҳ нозил этган нарса (оятлар) билан ҳукм қилинг. Уларнинг ҳавоий (фикрлари)га эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил килган (ҳукмлари)нинг баъзиларидан Сизни чалғитишларидан эҳтиёт бўлинг! Агар юз ўғирсалар, билингки, Аллоҳ уларга баъзи гуноҳлари туфайли мусибат етказишни истайди. Албатта, одамларнинг кўпчилиги фосиқ (итоатсиз)дирлар”(49-оят). Маълумот учун карагн: Қуръон: 5:48, 49-оятлар.

ўз ихтиёрлари билан ҳукм сўраб қолсалар, уларга нисбатан одилона ҳукм баён қилишларини буюрмоқда<sup>455</sup>.

Куръоннинг “Нур” сурасида ҳам қозилик маҳкамасига далолат қилувчи оятлар нозил бўлган:

إِنَّمَا كَانَ قَوْلَ الْمُؤْمِنِينَ إِذَا دُعُوا إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ  
لِيَحُكُّمَ بَيْنَهُمْ أَن يَقُولُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا  
وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

**Маъноси:** “Аллоҳ ва Унинг пайгамбарига ўрталарида ҳукм чиқарии учун чорланган вақтларида мўминларнинг сўзи “эшиитдик ва бўйин сундик” (демоқдир). Ана ўшаларгина нажот топувчилардир”<sup>456</sup>.

Маънавиятимизнинг ажралмас бир қисми ҳисобланган Куръони каримда келган адолат меъёrlарини ўзида жамлаган оятлар таъсирида ислом ҳуқуқида янги бир қозилик одоблари (اب القاضى) йўналиши пайдо бўлди. Бу йўналишда асар ёзган фақихлар асосий эътиборни қозилик лавозими ва унинг ваколатларига қаратгандар. Қозилик одоблари ҳукм юритиш одоблари мавзусига бағишлиган соҳа бўлиб, унда қози қандай бўлиши, ўзини қандай тутиши кераклиги, ҳукмни қандай юритиши, бошқа қозилар ва аҳоли билан муомаласи, қозихонанинг қаерда бўлиши, қози ва қозихона мулизимларининг вазифалари каби масалалар таҳлил этилади. Ислом тарихида бу соҳага асос солган фақих Абу Юсуф бўлиб, унинг “Адаб ал-қози” асари кейинги даврда яратилган манбаларга дастурул амал бўлиб хизмат қилган.

Ҳанафий уламоларининг қозилик одоблари йўналишида яратган икки йирик фикхий асарлари алоҳида эътиборга молик бўлиб, улар бўйича янги илмий изланишлар олиб бориш максадга мувофиқ саналади. Буларнинг биринчиси Бурхонуддин ал-Марғинонийнинг невараси Абу-л-Фатҳ Жамолуддин ибн ‘Имодиддин ал-Фарғоний қаламига мансуб, 651/1253 йилда ёзилган “Фусули имодий” (тўлик

<sup>455</sup> Ас-Саид. Қазо Росууллоҳ. – Б. 111.

<sup>456</sup> Куръон: 24:51-оят.

номланиши “Фусул ал-аҳқом ли-усул ал-аҳқом”,<sup>457</sup> таржимаси “Хукмларнинг асослари учун хукмларни ажратиш”) асари бўлса, иккинчиси Алоуддин Абу-л-Ҳасан Али ибн Халил ат-Тароблусий (ваф. 844/1440 й.) қаламига мансуб “Му‘ин ал-хуккам” (тўлиқ номланиши “Му‘ин ал-хуккам фи ма ятараддаду байна ал-ҳасмайни мин ал-аҳқам”, таржимаси “Икки ҳасм орасида хукмлардан иккиланган нарсалари борасида ҳокимларга ёрдамчи”) асариидир<sup>458</sup>.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида маълум бўлдики, қозилик одоблари йўналишида яратилган асарлар XIII асргача ёзиг бўлинган. Бундан хуоса қилиш мумкинки, қозилик фаолиятига оид муаммолар XIII асрга қадар ҳал қилиниб, қозилик мақоми тўлиқ ва мукаммал тарзда ишлаб чиқилган. Иккинчи тарафдан эса мўғуллар истилоси мусулмон шарқ ўлкаларида, жумладан, диёrimизда амалда бўлган кўплаб суд-хукуқ тизими анъаналарига ўз таъсирини кўрсатган<sup>459</sup>. Фарбда Усмонийларнинг фарбга томон силжиши бу ердаги қозилик маҳкамалари фаолиятида Фарб анъаналарининг таъсирини кучайтириб борди<sup>460</sup>.

XIII асргача ёзилган қозилик одоблари йўналишидаги асарларда фақихлар эътиборни дастлаб, қозилик мақомининг белгилаб беришга, ундан сўнг эса қозилик маҳкамалари фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш билан боғлиқ масалаларга қаратганлар. Бунда аввало, турли ҳолатларда жавобгарга қасам ичтириш масаласи чукур таҳлил этилган. Фақихлар иттифоқ қилган ҳолатда қасам ичишни жавобгар (*мулда‘и ‘алайҳ*), ҳужжатни эса даъвогар (*мулда‘и*) келтиришини шарт қилганлар. Қасам ичиш арабий истилоҳда *йамин* (پیمن) деб аталиб, ислом динининг биринчи манбаси Қуръонни ушлаган ҳолда Аллоҳ номи билан жавобгарга нисбатан қилинаётган даъвонинг тўғрилиги ёки зиддига қасам ичилган<sup>461</sup>. Қасам ичтириш (*استخلاف*)

<sup>457</sup> Кашф аз-зунун. – Ж. 1. – Б. 566; Махмуд ибн Исмо‘ил ибн Қози Симовех ал-Ҳанафий. Китоб ал-фусуайн. 2 жилдли. Қоҳира: Ал-Азҳарийя, 1318/1897. – Ж.1. – Б. 22 (Бундан кейин. Симовех ал-Ҳанафий. Китоб ал-фусуайн).

<sup>458</sup> Тароблусий Алоуддин Али ибн Халил. Му‘ин ал-хуккам.–Дамашқ: Дор ал-фикр, 1419/1998. – 448 б (Бундан кейин. Тароблусий. Му‘ин ал-хуккам).

<sup>459</sup> Қаранг: Аҳмедова М. Т. Қўқон хонлигининг ташкил топиши, давлат тизими ва хукуқ манбалари: Юридик фан. номз. дис. ... автореф. – Т.: ТошДЮИ, 2010. – 30 б.

<sup>460</sup> Karmam Hayrettin.The Sectarian preference in the Ottoman jurisprudence. – Б. 672.

<sup>461</sup> Ҳамавий Ибн Аби ад-Дам. Адаб ал-қазо / Мұхаммад Зухайлій таҳрири остида. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1402/1982. – Б. 48 (Бундан кейин. Ҳамавий. Адаб ал-қазо).

услуби қозининг ижтиҳодига қараб белгиланган. Агар жавобгар халқ орасида яхши хулқи билан танилган бўлса, у факат Аллоҳ номи билан қасам ичиши кифоя қилган. Акс ҳолда эса қози жавобгарнинг шани ва иймонига таъсир қилувчи сўзлар билан қасам ичтиришни шарт қилган<sup>462</sup>.

Ҳанафий факиҳлари олти нарсани аниқлашда жавобгарга қасам ичтиришни шарт ҳисобламаганлар. Булар: 1) *никоҳ*, 2) *риж'a* (رجعة) – яъни талоқ қилинган хотин билан қайта никоҳланиш, 3) *рик'* (رق) – қулчилик, 4) *фай'* (في) – ўлжа тақсимоти, 5) *ийла'* (إيلاء) – эгалик қилиш ҳукуки, вало' – (وعلة) ҳомийлик, қариндошлиkdir. Ушбу масалаларда гувоҳ келтиришлик бирламчи далил қилиб белгиланган<sup>463</sup>.

Ҳанафийлик мазҳабида қасам ичишни тарқ этиш ҳолатлари фақат икки томон сулҳга рози бўлган ҳолдагина мумкин ҳисобланган. Жавобгарнинг сулҳдан бошқа ҳолатда қасам ичишдан бош тортиши қатор тадбирларни амалга оширишни талаб этган. Яъни у бундай шароитда ўзининг айбсиз эканлигини исботлаш учун далил ва гувоҳлар келтириши лозим бўлган. Агар айбланаётган кимса ҳам қасамдан бош тортиб, ҳам ўзини оқловчи дадил ёки гувоҳни келтирмаса, ундай ҳолатда иш қозининг жавобгарга нисбатан қаттиқ огоҳлантириш бериши ва уч кун ҳибса тутиб туриш жараёни билан якунланган. Юқоридаги тадбирлардан сўнг ҳам жавобгар бажариш лозим бўлган мажбуриятларни амалга оширмаса, қози кўрилган масалани даъвогарнинг фойдасига ҳал этиб берган. Факиҳлар жавобгар ичган қасамнинг ёлғонлиги аниқланса ёки исботланса унга химоя учун ўта ишончли далил келтиришни фарз қилиш лозим, деган фикрда келишгандар.

Ҳанафий факиҳлари қасам ичтиришга доир масалалардан кейин кафил<sup>464</sup> ёллаш шартларини атрофлича таҳлил этганлар. Ҳанафийлар иттифоқ қилиб, ҳад жазолари<sup>465</sup> таъйин қилинган жиноятчиларнинг

<sup>462</sup> Ҳамавий. Адаб ал-казо. – Б. 128.

<sup>463</sup> Ҳамавий. Адаб ал-казо. – Б. 136.

<sup>464</sup> Кафолат сўзи араб тилида “қўшиш”, “таъминлаш”, “кафолатламок”, “ўз зиммасига олмок” каби маъноларни англатади. Ислом ҳукукида эса, икки томоннинг муносабатлари ишончли бўлиши мақсадида кафолат, ҳакни талаб қилишда, ҳакни тўлаши керак бўлган одамга иккинчи бир бошқа одамни кафил бўлишилиги яъни гарант эканлиги тушунилади Маълумот учун қарант: Edward William Lane. Arabic-English lexicon. – Beirut, 1968. Vol. 6. – Б. 365.

<sup>465</sup> Ҳад жазолари – Қуръон ва Суннага кўра, одоб – ахлоқ ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун бериладиган жазолар. Бу турдаги жазолар кўпроқ 20 тадан то 100 даррагача уриш билан оширилади.

кафил олишларини тақиқлаганлар. Чунки бундай ҳолатда жазони айбдорнинг ўзи ўташи керак. Унинг айбини деб кафилни жазолаш мантиққа номувофиқдир. Иккинчи томондан эса кафил бўлиш расмийлаштириш билан амалга оширилса, ҳад жазолари дарра миқдори билан белгиланади. Қозилик маҳкамасида жавобгар кафил ёллашга мажбурланмайди, балки таклиф килинади. Қозилик маҳкамасида кафил олиш муддатини ҳанафийлар энг ками уч кун, кўпичка эса чегараланмаган деб ҳисоблайдилар. Ҳассоғ фикрича, кафолат муддати жиноят иши ёпулгунга қадар ҳисобланади<sup>466</sup>. Шунингдек, кафил ёллаган киши ёки кафилнинг вафоти билан кафиллик хукуки тугайди. Шу ўринда агар кафил ёллаган киши вафот топиб, унинг меросхўри бўлса, у кафиллик шартномасини давом эттириши мумкин. Агар жавобгар кимса оғир ётган бемор ёки ёлғиз аёл бўлса, қози у ҳолда ўз ўринбосарини ёхуд бир тўғри сўз, садоқатли кишини топиб, икки ишончли гувоҳ ҳамроҳлигида уларнинг уйига жўнатган. Ҳанафий фақихларининг фикрича, қози ўринбосари қилинаётган даъво бўйича касал ёки ёлғиз жавобгар аёлга кафил олиш ёки қасам ичишни уч маротаба таклиф қиласди, жавобгар бош тортган тақдирда, қози ўринбосарлари ўзлари мустақил хукм қила олмаганлар. Бу ўринда қозининг жавобгар номидан бир вакил тайинлаши шарт қилинган.

X–XIII асрларда фаолият юритган қозилик маҳкамаларида жиноячиларни ҳисб этиш ишлари аниқ хукукий тизимга солиб чиқилғанлигини кўриш мумкин. Ислом тарихида *سیjsن* – камоқхоналарга халифа Али (р.а.) даврида асос солинган<sup>467</sup>.

Аббосийлар даврига келиб қамоқхоналар фаолияти таомиллашди. Қози томонидан маҳбуслар учун алоҳида рўйхат китоби ёзилиб, унда маҳбуснинг исми, насл-насаби, ҳисб этилиш сабаби, ҳисб этилган куни, ойи, иили аниқ кўрсатиб қўйилган. Ҳанафийлар ҳисб муддатини бир ойдан олти ойгача деб белгилаганлар.

Қозилик маҳкамаларининг асосий ишларидан яна бири бу ҳажр<sup>468</sup> жорий қилиш бўлиб, у асосан ёши балофатга етмаган етимга васий тайин этишдир. Ўз-ўзидан маълумки, агар меросхур вояга

<sup>466</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.2. – Б. 278.

<sup>467</sup> Ас-Саид. Қазо Росулulloҳ. – Б. 121.

<sup>468</sup> Ҳажр – бу бирор нарсадан фойдаланиш ёки бир касб билан шуғуланишни тақиқлашдир.

етмаган гүдак бўлса, унда мулкка эгалик қилиш ва уни тасарруфлаш кўнилмалари шаклланмаган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ёш гўдаклар бундай масалаларга ёши ва тажрибасидан келиб чиқиб, лаёқатсиз саналадилар. Бундай вазиятда, шубҳасиз, тайин этилган васий ёки болани ўз тарбиясига олган яқин қариндошигина муаммога ечим бўла олади. Аниқланишича, X-XIII асрларга келиб Мовароуннарх қозихоналарида васийликка муносиб кишилар рўйхати тузилиб, улар сирасига одатда, ишончлилиги узоқ тажрибадан ўтган кишиларгина киритилган. Мовароуннархлик ҳанафийлар ҳажрни мажнун ва мажруҳ кимсаларга нисбатан ҳам жорий қилганлар. Чунки уларни ўз тасарруфларида молни ишлатишда исрофга йўл кўйишликни эҳтимоли катта бўлганлигидир. Агар улар балоғатга етган тақдирда ҳам шифо топмасалар, қози ҳажр қилинган васий муддатини чўзиб берган ёки бошқа омонатдорга топширган. Мовароуннархлик қозилар қарамоғига олган васийни рағбатлантириш ишларини ҳам ҳал этганлар. Жумладан, васийга омонат ушлаб турган молдан ўз эҳтиёжига яраша фойдаланишга руҳсат берганлар<sup>469</sup>.

Мовароуннархлик қозилар ҳажр ҳукмини бошқа қатор масалаларни ҳал этиш учун ҳам қўллаганлар. Жумладан, бепарво муфтий, жоҳил табиб, касодга учраган даллол, савдогар ёки кирачини қози ҳажрга маҳкум этган. Маҳкум этилганлар маълум муддатгача ўз касби билан шуғуллана олмаган. Бу турдаги тақиқнинг қўлланиши эси кирди-чиқди бўлиб қолган муфтийни номақбул фатво беришидан, жоҳил табибни билмаслиги туфайли одамларга зарар келтириб кўйишлигидан, касодга учраган даллол, савдогар ёки кирачини одамларга фириб беришидан тўсиш мақсадида амалга оширилган. Мовароуннархлик фаҳихлар ўз касбига нолойик топилган ҳар қандай кимсани ўша касб билан шуғулланишлигини манъ қилишликка иттифоқ қилганлар.

Бошқа ҳукукий мактаблар каби қозилик маҳкамаларида ҳам гувоҳларсиз бирор жиноий иш кўрилмаган. Дастреб, ўлкамиз фаҳихлари гувоҳлик беришга лаёқатли ва ҳақли деб топилган кишилар тоифаси борасида мулоҳаза юритганлар. Масалан, қози кўраётган иш юзасидан гувоҳлик берган кимсанинг ёлғончи тоифадан эканлиги аниқланса, унинг кўрсатмалари инобатга олинмаган. Шунингдек,

<sup>469</sup> Симовех ал-Ҳанафий. Китоб ал-фусулайн. Ж.2. – Б. 82.

аввал ҳад жазоси олган ёки динида ва эътиқодда мустаҳкам бўлмаган кимсалар ҳам гувоҳликка номуносиб топилган. Аллома Сарахсий мазкур масала юзасидан қўшимча қилиб, ҳад урилган кишининг жазо турига қараш лозимлигини таъкидлайди. Жумладан, агар гувоҳлик бераётган шахс таъзир юзасидан ҳад жазосига тортилган бўлса, унинг гувоҳлигини қабул қилиш мумкин. Шунингдек, мовароуннахрлик факихлар золим, оиласига бефарқ, кунларини карвонсаройларда ўтказадиган, риёкор, судхўр, беҳуда сўзловчи, мажнун, беникоҳ туғилган бола, масҳарабоз, машшоқ, хонанда, ит ёки хўрз уриштирувчи кишиларни ҳам гувоҳликка номуносиб тоифа сифатида таъкидлаганлар. Чунки бу турдаги кишиларнингadolatидан фитнаси устунроқ, деб хисобланган. Абу Юсуфнинг фикрича, кул ва аёлларнинг гувоҳлигини фақат хуфёна ҳолатда қабул қилган маъқул. Боиси ошкора гувоҳлик кул ёки чўрига хўжайинлари ёки бегоналар томонидан зарап етказилишига олиб келиши мумкин.

Х–XIII асрларда хаёт тарзи ва феълида мусулмонлик сифатлари кўриниб турган ва гапида лағв ва беҳуда сўзлар бўлмаган жиддий кишиларнинг гувоҳлиги қабул қилинган. Абу Юсуфнинг фикрига кўра, гувоҳликка ўтишдан муродadolatни рўёбга чиқариш бўлиб, гувоҳнинг гуноҳ ишларидан хайрли ишлари кўп бўлиши шартdir. Чунки хайрли ишлари кўпнинг гувоҳлиги ҳам ҳакни рўёбга чиқаришга хизмат қиласиди<sup>470</sup>.

Демак, қозилик маҳкамаларида кўрилган даъво ва муаммоли масалаларни ечишдан асосий мақсад ҳозирги замонавий судлар фаолиятида бўлгани кабиadolatни рўёбга чиқариш, ҳакни қарор топтириш эди. Чунки гувоҳликка ўтган кимсанинг тўғри сўзлиги ваadolatли эканлигига кишилар кафил бўлган тақдирда ҳам, агар у берган гувоҳлик шубҳали ёки аниқ далилларга асосланмаса қози унинг гувоҳлигини қабул қилмаган. Яъни гувоҳдаги намозхонлик ёки художўйлик хислатлариadolatли қарорни қабул қилиш учун етарли эмас. Гувоҳлик кўрилаётган бирор бир даъво юзасидан асосли далилларга таянилган ҳолатда келтирилиши лозим.

Ҳанафий факихлари қозининг гувоҳларсизadolatни рўёбга чиқариши ва ҳукм қилиши нотўғри эканлигига иттифоқ қилганлар.

Гувоҳликка ўтаётган киши ўз хоҳишига кўра яширин ёки ошкора тарзда гувоҳлик берган. Гувоҳлар сони кўпайиб кетган

<sup>470</sup> Симовех ал-Ҳанафий. Китоб ал-фусурайн. Ж.2. – Б. 102.

такдирда қози рүк‘а ташлаш усулидан фойдаланган. Яъни ташланган рукъя нишони кимга биринчи тушса шу тартиб бўйича қози хузурига киритилган. Гувоҳларнинг гувоҳлик беришга лойиқ ёки нолойиқлигини даъво маҳкамада кўриладиган кунга қадар яширин тарзда қозихона мастьуллари томонидан аниқлаштирилган. Масалан, гувоҳ истиқомат килиб турган қишлоқ ёки маҳалла катталаридан у ҳақдаги маълумотлар йигилган ва қозига тақдим этилган. Ҳанафий фақиҳларининг мулоҳазасига кўра маҳкамада бир гувоҳнинг бўлиши етарли, икки ёки ундан ортиқ экани афзалроқдир. Гувоҳ томонидан келтирилган фикр ва далилларни қози “*Китоб ал-тазкия*” (كتاب الترکية)، яъни гувоҳлар ҳақидаги китобига киритиб борган. Юқори бўлимларда келтирилганидек, маҳкамада гувоҳларни аниқлаш ва маълумот йиғиш бўйича алоҳида лавозим таъсис этилган бўлиб, бу лавозимдаги шахс *музаккий* (مزکی) деб аталган<sup>471</sup>.

Маҳкамама жараёнида даъвогар ўзи соҳта гувоҳ ёллашни ёки ўзига яқин бўлган қариндошлари, масалан ўғил ўз отасини ёхуд отаси ўз ўғлини гувоҳ қилиши мумкин бўлмаган. Даъво юзасидан гувоҳларни аниқлаш ва уларни маҳкамага келтириш вазифаси ҳам музаккийга юклатилган.

Қозилар маҳкамама жараёнида даъво хужжатларига ҳам алоҳида эътибор қаратгандар. Агар бир киши маҳкамага даъво билан келса, ундан албатта, кўғалган даъвоси юзасидан хужжат ёки далил келтириши талаб қилинган. Жавобгарнинг икрори ҳам хужжат ўрнига ўтган. Ушбу хужжат ҳақлигини гувоҳлар ҳам тасдиқлаши керак бўлган. Даъвогарнинг далили бўлса-да, лекин гувоҳлари бўлмаса, унинг даъвоси қози томонидан қабул қилинмаган. Кўчмас мулкка нисбатан даъво қилинган ҳолатда қози маҳкамада гувоҳлардан ҳовлини ёки ернинг умумий майдони қанчалигини сўраган. Шундан сўнг қози даъво қилинаётган ерга бориб гувоҳлар ва даъвогардан кўчмас мулкнинг тўрт томондан чегараларини кўрсатиб беришни талаб қилган<sup>472</sup>.

Ҳар қандай қозилик маҳкамаси хужжатини расмийлаштиришда қозининг ёзма қарори ва ҳукми муҳим бўлиб, у муҳрланиши ва ҳошиясига ёзма қарор таянган далил ёки фатво ёзиб қўйилиши шарт бўлган. Кўп ўринларда қози таянган далили устига ўз муҳрини қўйган.

<sup>471</sup> Симовеҳ ал-Ҳанафий. Китоб ал-фусулайн. Ж.2. – Б. 126.

<sup>472</sup> Тароблусий. Му‘ин ал-хуккам. – Б. 222.

Ёзма ҳукм омонлик олган аҳли китоб ёки мусофирикда кўп юрадиган савдогарлар учун эркин ҳаракатланиш кафолатини берган. Ўзининг ваколат чегарасидан келиб чиқиб, қози мусофири савдогар ва омонлик олган аҳли китоблар учун муқим яшаб турадиган жойлар қозиларига мурожаат шаклида ҳам ўз ёзма қарорларини расмийлаштириб берган. Ушбу ёзма қарорлар битта давлат ёки кўшни мусулмон давлатлари доирасида юридик кучга эга бўлган<sup>473</sup>.

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг фикрича, қозининг ёзма қарори ҳақиқий юридик кучга эга бўлиши учун унда қуидаги талабларга жавоб бериши шарт:

- ҳужжатга қозининг лавозимини тасдиқловчи султон томонидан берилган хоттм *ас-султон* (*султон мухри*) ва қозининг исми ва қозилик ҳукми ўтадиган худуд (*кура*) номи ва шахсий муҳр туширилган бўлиши керак;

- ёзма қарор ёки ҳукм ҳошиясида юридик жиҳатдан асосланадиган далил-хужжат, олинган манба ва шахс номи кўрсатиб кўйилиши керак;

- ёзма қарорда кўрилган ишнинг ёки бошқа худуд қозисига йўлланаётган мурожаатноманинг қисқача мазмуни ва сабаблари кўрсатиб кўйилиши керак;

- ёзма қарор кўзғатилган маҳкама иши бўлиб, унда албатта, гувоҳларнинг исми шарифи ва даъвогарларнинг даъвоси қози томонидан асослаб ёзиб кўйилиши шарт ;

- ёзма қарорда ҳужжат ёки даъво ишни кўрилган жой, сана, ой, кун ва қози маҳкамаси котибининг исми-шарифи кўрсатилиши шарт<sup>474</sup>.

Бундан кўринадики, ёзма қарор ёки ҳукм юқоридаги шартлардан бирортаси тушиб қолган тақдирда, тўлиқ юридик кучга эга бўлмаган. Шунингдек, ёзма қарордаги талаб бошқа худуд қозиси томонидан бирданига амалга оширилмаган. Ёзма қарорнинг ҳақиқийлиги аниқланган тақдирдагина, бошқа худуд қозиси унга нисбатан юридик иш кўзғатган.

Қозилик маҳкамаларида имтиёзга эга бўлиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Буни фикҳий истилоҳда *шуф'a* (شفعه) – яъни имтиёзлардан фойдаланиш ҳукуки деб аталиб, бу ҳукуқдан

<sup>473</sup> Тароблусий. Му‘ин ал-хуккам. – Б. 236.

<sup>474</sup> Тароблусий. Му‘ин ал-хуккам. – Б. 314

фойдаланиш кўп ҳолларда низоларга сабаб бўлгани боис унинг берилиши ёки бекор қилиниши қозилар томонидан амалга оширилган. Шуф‘а хукуқидан *муласиқ* (ملاصق) – яъни ёнма-ён яшайдиган ҳовлиси, бирор кўчмас мулки бир-бирига туташ жойлашган ёхуд кўча эшиги энг яқин бўлган қўшни ёки бирор бир савдо ёки келишувда шерик бўлганлар фойдаланган<sup>475</sup>.

Х–XIII асрларда шуф‘а – мулкни имтиёзли сотиб олиш ёки қўшиб олиш хукуқига куйидаги ҳолатларда эга бўлинган:

- ёнма-ён уйни сотиб олишда;
- ҳовли ёки томорқани қўшиб олишда;
- сув ёки умумий фойдаланиш йўлига эгалик қилишда<sup>476</sup>.

Шуф‘а хукуқидан воз кечган тақдирдагина мулк бошқасига сотилган ёки берилган. Қози маҳкамаларида кўчмас мулк савдоси бўйича тузилаётган савдо битимларига қўшни ёки шерикнинг гувоҳлар олдида имтиёздан воз кечганлик сабаблари киритиб кетилган. Шуф‘а хукуқидан ҳар қандай эътиқоддаги одам фойдаланиш хукуқига эга бўлган. Чунки бу савдо битими бўлиб, икки томоннинг келишуви муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ҳеч ким икки эгадор ёки манфаатдорни бу хукуқдан маҳрум қила олмаган. Дастреб қози шуф‘а хукуқини даъво қилаётган шахсдан у сотиб олмоқчи бўлган кўчмас мулк қаерда жойлашгани, аввалги эгалари ким бўлгани ва энг камида мулк эгасининг учта аждоди исмини номма-ном айтиб бериши, умумий майдони қанча эканлиги, ушбу мулкка эҳтиёжи қай даражада эканлиги, сотувчини мажбурланмаганлигини аниқлаб олган. Музаккийни ўша ерга юбориб, барча саволлар ўз тасдиғини топгандан кейингина гувоҳлар олдида шуф‘а савдо битимини расмийлаштирган. Мулкнинг нархини сатаётган томон белгилаган. Агар мулкнинг баҳоси имтиёздан фойдаланувчига макбул келса сотиб олган ёки воз кечган. Имтиёзли мулкни сотиб олиш муддати уч кундан бир ойгача бўлган. Пулни бериш муддатини сотувчи белгилаган<sup>477</sup>.

Қозилик маҳкамасининг муҳим вазифаларидан яна бири бу қосимлик, яъни мол-мулкларни одамлар орасида адолатли тақсимлаб берувчи бўлиб, қози бундай одамларни ишончли, омонатга хиёнат қилмайдиган, порага ўч бўлмаган, охиратини дунёсидан устун

<sup>475</sup> Тароблусий. Му‘ин ал-хуккам. – Б. 318.

<sup>476</sup> Тароблусий. Му‘ин ал-хуккам. – Б. 322.

<sup>477</sup> Тароблусий. Му‘ин ал-хуккам. – Б. 324.

қўядиган одамлардан танлаган. Қосимлар ҳам маҳкамадаги котиблик ва музаккийлик хизматлари каби *байту-л-молдан*, яъни ҳозирги кун тили билан айтганда давлат бюджетидан маош олганлар. Мовардийнинг фикрича, Шом, Ироқ, Хурсонда фаолият юритган котиб, музаккий ва қосимлар 500 дирҳам ёки 200 диноргача давлат хазинасидан маош олиб турганлар<sup>478</sup>. Бу ҳақдан ташқари қози маҳкама хисобига ўзлаштирилган мулклардан ҳам уларга рағбатлантириш ҳақлари ажратиб турган.

Қосимлар томонидан тақсимланган мулклар эътиrozлар бўлмаган тақдирда қози томонидан расмийлаштирилган ва икки нусхада кўчирилиб, бири иштирокчиларга ва иккинчиси қози маҳкамаси архивида саклаб қўйилган.

Демак, котиб, музаккий, қосимларга юқори ҳақ тўланиши қозилик маҳкамаларининг адолатли фаолият юритишига ва уларни пора, таъмага қизиқмай ўз вазифасига маъсуллият билан ёндошишига сабаб бўлган.

Қозиларга нафақаларни белгилаш вазифаси ҳам юқлатилган бўлиб, бу ҳолат кўпинча нафақасиз қолдирилган қариялар, аёллар ва ёш болаларга нисбатан белгиланган. Агар уй бокувчиси бўлган эркак сафарда бўлган тақдирда қози унинг оила аъзоларига нафақани эркакнинг молидан ундириб берган ёки эр номидан қарз олишга рухсат берган. Эр кайтиб келган ҳолатда қарзни тўлаш эрнинг зиммасига юқлатилган. Агар эр ҳарбий юришларда бўлса, ҳарбий учун байту-л-молдан ажратилган ойлик иш ҳақи қози томонидан унинг хонадонига ўз вақтида етказиб турилган. Агар эр кимгадир *вадий* ‘а, яъни омонат мол қолдириб кетган бўлса, қози омонат молни қабул қилиб олган кишини нафақага кафил қилиб омонат молдан оиласига ажратган.

Нафақанинг миқдорини Тароблусий ҳар бир киши учун ҳар ойига энг ками 15 дирҳам қилиб белгилаган<sup>479</sup>. Абу Лайло эса, қозилар бозордаги нарх-навони ўзгаришига қараб ҳам нафақа миқдорини белгилаши керак деган. Қамоқдаги маҳбуснинг қаровсиз қолган оиласига қози мусодара қилинган молидан ёки байту-л-молдан нафақа ажратган. Эрнинг вафоти билан нафақа бериш ҳам

<sup>478</sup> Мовардий. Ал-Аҳком. – Б. 221.

<sup>479</sup> Тароблусий. Му’ин ал-хуккам. – Б. 366.

тўхтатилган<sup>480</sup>. Хассоф ўз уйига аразлаб кетиб қолган *наашиза* (نأشر), яъни жанжалкаш аёлга нафақа йўқ аксинча эр уйидаги қолсагина унга нафақа бериш жоиз деб ҳисоблаган. Ҳанафий мазҳабига кўра агар аёл эрининг уйидаги тузалмас касалга дучор бўлган тақдирда унга нафақа бериш шарт қилинган. Агар нафақа ўртача ойлик эҳтиёжлар учун етмаган тақдирда аёл қозига арз қилиб нафақа миқдорини кўтариши мумкин бўлган. Шунингдек нафақага маблағ топилмаган тақдирда қози эрнинг моли ёки кўчмас мулкини соттириб бўлса ҳам аёлнинг нафақасини ундириб берган<sup>481</sup>.

Агар эр бирор сабаб билан бошқа шаҳарга кўчиш зарурати туғилса ва аёл кўчишга рози бўлмаса, аёл нафақа олиш хукуқидан маҳрум бўлган. Ҳур, никоҳланган чўри ёки зиммий аёл бўлсин уларга нафақа тенг белгиланган. Нафақа эрнинг бой ёки камбағаллигига караб белгиланган. Агар бой эрнинг аёли қозига нафақасига қўшиб уй ишларига яроқли хизматкор ёллаб беришини талаб қилиб келса, қози аёл фойдасига ишни ҳал қилган. Камбағал эрнинг аёли нафақадан ташқари қўшимча шароитларни даъво қилса, қози аёлга таъзир жазоси белгилаган ёки уч ойгача нафақадан маҳрум қилган. Қаровсиз қолган оиласа закот берилиши ва талоқ бўлган, эрининг уйидаги ‘идда сақлаб ўтирган аёлга нисбатан нафақа тўхтаб қолмаган. Талоқ қилинган аёлнинг фарзандлари бўлса улар отаси билан қолган бўлсалар қози эрга тегмаган онасига фарзандларнинг улуши ҳисобидан нафақа белгилаган. Фарзанд катта бўлгач, онага белгиланган нафақа тўлиқ ўғил фарзанд зиммасига юклатилган<sup>482</sup>.

Ота-она кексайиб ёки касаллик туфайли бир ишга ярамай қолган холатда қози уларнинг нафақасини ўғил фарзандлар зиммасига юклаган. Агар ота вафот этган бўлиб, бобо ёки момо ҳаёт бўлса уларнинг нафақаси ҳам ўғил набиралар зиммасига юклатилган. Агар ота-она ёки бобо-момолар ахли зимма бўлган тақдирда ҳам уларнинг нафақасини фарзандлар бериши қози томонидан шарт қилиб қўйилган. Сарахсий фатвосига кўра бир мусулмоннинг икки ўғли бўлиб, бири мусулмон ва иккинчиси зиммий бўлса уларга нафақа тайинлашда тенглигикка риоя қилиши шарт дейди<sup>483</sup>.

<sup>480</sup> Georg Matern. Ibn Abi Laila Ein Jurist und Traditionarier des frühen Islam. – Bonn: Rheinischen Friedrich-Wilhelms-Universität zu Bonn, 1968. – Б. 88.

<sup>481</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 252.

<sup>482</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 256.

<sup>483</sup> Шамсу-л-Аимма ас-Сарахсий. Ал-Мабсут. 28 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмийя, 1413/1993. – Ж. 24. – Б. 348.

Агар ота мұхтож бўлиб ва унинг вояга етмаган фарзандлари бўлса, уларнинг нафақасини қози оила бошлигининг ака-ука ёки яқин қариндошларидан ундириб берган. Агар ота балоғатга етган ўғлидан нафақа талаб қилса, лекин ўғил нафақа беришга кодир бўлмаса, қози ўғилни нафақа беришга мажбурламаган. Мовароуннаҳрлик фақихлар ўғил мажбурланиши керак деб хисоблаганлар чунки, ота ўғилни боқиши йўлида қарилек ёшига етган. Агар ўғил отага молиявий кўмак беришга кодир бўлмаса кучи, меҳнати ва ота-онасиға ёрдами билан манфаати тегиши керак дейдилар. Бева қолган сингил ёки опа ўз ака-укасидан нафақа талаб қилиши мумкин бўлган. Амаки, тоға, амма, ҳолаларга нафақа беришда қози нафақа берувчини мажбурламайди балки унга ихтиёр беради<sup>484</sup>.

Қозиликка оид манбалар кўпинча *та ‘зир* (تعزير) – яъни маънавий зарар билан боғлиқ жиноятларга доир масалалар билан якун топган. Мовароуннаҳрлик фақихлар маънавий зарар билан боғлиқ жиноят деб бир кишини исботланмасдан, кўрмай туриб, эй фосиқ, эй фожир, эй фосиқнинг ўғли, эй фоҳишшанинг ўғли ёки қизи ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан ҳакорат қилишини тушунгандар. Ҳакорат қилганни таъзирини бериш 20 даррадан то 75 даррагача уриш бўлган.

Илк мустақиллик даврларидан бошлаб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бош қомусидан тортиб то миллий давлатчиликни мустаҳкамлашга хизмат қиласиган қонунларимизни назарий асосларини ишлаб чиқишида шубҳасиз миллий давлатчилигигиз тарихида эришилган бой ҳуқуқий ва давлат бошқарувига оид таж-рибалар, дунёнинг тараққий этган давлатларининг бой қонунчилик ва давлатчилик борасидаги ютуқлари ва халқаро қонун ҳужжатларига таянмоқликни таъкидлаб келмоқда.

Хозирги босқичда Марказий Осиё минтақасида анча мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий вазият юзага келган. Ушбу шароитда юридик нормалар, диний мажбуриятларни билиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси нафақат ислом ҳуқуқи соҳасидаги илмий билимлар ва тадқиқотларни кенгайтириш ҳамда чукурлаштиришни, балки Марказий Осиёда шаклланган ҳуқуқнинг миллий ва анъанавий шакллари ҳамда қоидаларини қайта тушуниб етишни тақозо қиласиди.

Хозирги даврда мусулмон мамлакатларининг аксариятида ислом ҳуқуқи меъёрлари алоҳида аҳамиятга эга. Ислом ҳуқуқининг ажрал-

<sup>484</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 266.

мас қисми ҳисобланган қозилик маҳкамалари фаолиятини илмий таҳлил этиш, маънавий-маданий, тарихий-хуқуқий қадриятларимизни қайта тиклашга ҳамда Ўзбекистонга хос миллий давлатчилик анъаналарини ислом дунёси ва ҳалқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланишига хизмат қилади.

## **Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларида иш юритишнинг ўзига хос жиҳатлари**

Мовароуннаҳрда шаклланган судда иш юритиш тажрибалари ва илм аҳлиниң янгиликка интилиши натижасида фәқиҳларимиз маҳкамама амалиётига Ироқ мактабида мавжуд бўлмаган, минтақадаги ижтимоий шароитга мос тадбирларни жорий қила бошладилар. Бу, албатта, фуқароларнинг қозига мурожаат қилиши, ҳакни исботлаш йўлларини осонлаштириш мақсадида келиб чиқкан.

Мовароуннаҳр қозилик маҳкамалари тарихдан бошқа дин вакилларига нисбатан муроса йўлини тутганингини кузатиш мумкин. Қози маҳкамасида бир мажусий, яхудий ёки насоро маст ҳолида келтирилса, унга ўз динида белгиланган ҳалол ва ҳаром нарсага қараб ҳад жазоси белгиланган. Зино билан тушган ҳар қандай динга эътиқод қилувчига эса, қозилар юз дарра ҳад жазоси белгилаганлар. Чунки, Мовароуннаҳрда бундай гуноҳ қанақа динга эътиқод қилмасин, оғир маънавий жиноят ҳисобланган<sup>485</sup>.

Зиммийларнинг гувоҳларсиз ва маҳрсиз никоҳланишларини қозилар саҳиҳ никоҳ сифатида қабул қилганлар. Талоқ масаласида қозилик маҳкамаларига ҳул‘, яъни ажрашиш хуқуқини талаб қилиб келган зиммий аёлга Мовароуннаҳр қозилари ҳул‘ шартномасини расмийлаштириб берганлар. Бу ҳолат зиммий эркак ўз аёлига нисбатан бефарқ ёки зулм қилган ҳолатда амалга оширилган<sup>486</sup>.

Илк исломлашув даврида Мовароуннаҳрда яшаган зардуштийлик, монийлик, христианлик, буддавийлик динларига эътиқод қилувчилар мерос, савдо-сотиқ масалаларида тортишиб қолган ҳолатларда қозилик маҳкамаларига мурожаат этганларида, қози уларнинг масаласини ислом динида мавжуд ҳукмлар асосида ҳал этиб берган.

<sup>485</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5835. – В. 474а.

<sup>486</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5835. – В. 474б.

Мовароуннахр қозилик маҳкамаларига хос ҳусусиятлардан яна бири қозилар Зиммийларни ўғирлик қилган ҳолатларида уларга нисбатан мусулмонлар каби ҳад жазосини белгилаганлар. Аммо ўзини танимайдиган маст ҳолатда қозилик маҳкамасига келтирилса, уларга ҳад жазоси белгиланмаган балки, кўчада мусулмонларнинг нафратига учрамаслиги учун маҳкамама хизматчиси кузатувида уйига элтиб қўйилган. Зиммий ва унинг оила аъзоларига жамоат жойларда ичмаслик шарти уч карра огохлантирилган тартибни бузган тақдирда зиммий ўн беш кундан бир ойгача сижн қилинган ва унга нисбатан тарбиявий ишлар олиб борилган. Зиммий шундан кейин ҳам тартибни бузган ҳолатда уларга нисбатан омонлик шартномаси бекор қилиниб, ислом ўлкаларидан чиқариб юборилган<sup>487</sup>.

Мовароуннахр қозилик маҳкамаларидан маҳр масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Агар эр бокира кизга уйлангандан сўнг унга талаб қилинган маҳрни беришдан бош тортса ва аёл ушбу масала юзасидан қозига арз қилса, қози эрни маҳрни тўлиқ кайтармагунча хибс этган. Эри хибс бўлиб турган пайтда аёлнинг нафақасини эр хонадони вакиллари зиммасига юклаган. Эр маҳрни бермасдан вафот этиб қолган тақдирда, эрнинг меросидан аёлга маҳр ундириб берилган<sup>488</sup>.

X–XIII асрларда Мовароуннахрда қиз болани балоғатга етмаган пайтда яхши бир йигитга никоҳлаб қўйиш урф бўлганлигини кўриш мумкин. Қози бу турдаги никоҳни никоҳ *as-sogiiyo* (نكاح الصغيرة) – яъни кичикни никоҳлаб қўйиш деб атаган. Бу рамзий маънога эга бўлиб, икки ёш балоғат этиб оила курмагунича қизнинг маҳрини олдиндан бериб қўйиш ихтиёрий бўлган<sup>489</sup>.

Аёл эркак ‘иннин (عَنْيَنْ), яъни жинсий заиф бўлганлиги сабабли, қозига арз қилиб келса, қози эркакга даволанишлиги учун бир йил муҳлат берган. Шундан сўнг ҳам ўзгариш бўлмаса, қози аёлнинг ихтиёрига кўра уларни ажратиб юборган<sup>490</sup>.

Мовароуннахр қозилик маҳкамаларига оила аъзоларининг зулмидан арз қилиб келган аёлнинг даъвоси исботланса ва бу ерда эрнинг қариндошлари ноҳақ бўлса қози эрнинг розилиги билан

<sup>487</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 100.

<sup>488</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 142.

<sup>489</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 127.

<sup>490</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 168.

уларга алоҳида уйда яшашга ёки ховлида уйлар кўп бўлган тақдирда эр-хотин яшайдиган уйни қулф-калитлик қилишга рухсат берган.

Хаттоки қози эрнинг розилиги билан эр-хотин яшайдиган уйга эрнинг қариндошларидан бўлган ота, она ёки ака-укаларнинг изн сўраб киришларини шарт қилиб қўйган. Шартни бузган тақдирларида қози уларга таъзир жазосини белгилаган<sup>491</sup>. Чунки эр-хотин яшаётган уй уларнинг мулки бўлиб, мулк даҳлсизлигини қози химоя қилган. Лекин уйга назар солишга ота-онанинг келин ёки ўғли билан гаплашишига қози монеълик қилмай аксинча шарт қилган. Ёш оилани эски хонадон аҳллари билан меҳр-оқибатини узиши қози томонидан уларни жазоланишига сабаб бўлган. Чунки бу ерда оиласвий меҳр-оқибат муносабатларини сақлаш мусулмон оилалари учун муҳим саналган.

Демак бу ерда эрнинг қариндошлари билан муросага кела олмаган аёлга мустақил оила бўлиб яшаш хукукининг берилиши оиласвий муносабатларнинг диёrlаримизда қадрланганлигидан далолат беради.

Х-XIII асрларда Мовароуннахр марказий шаҳарлари Бухоро ва Самарқандда ўз ажали билан ўлган киши у қайси динда бўлишидан катъий назар, икки киши унинг ажали билан ўлганлигига гувоҳ бўлиши шарт қилинган. Қози уларнинг гувоҳлигидан сўнгина майитни кўмишга рухсат берган.

Мовароуннахр қозилик маҳкамаларининг шаклланишида ҳакамлик судларининг ҳам ўрни катта бўлди<sup>492</sup>. Ушбу судлар қазо *at-taҳkum* (قضاء التحکیم) ёки замонавий араб тилидаги истилоҳ билан айтганда *laжна at-taҳkum* (لجنة التحکیم) – яъни ҳакамлик суди ёки ҳакамлар ҳайъати деб юритилган<sup>493</sup>.

Ҳакамлик қилишга доир масалалар арабларда шаклланган бўлса-да, Мовароуннахрда ҳам бу соҳа ўз ривожини топди. Абу Наср ас-Самарқандий ўзининг “Русум ал-қузот” номли асарида ҳакамлик қилиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. Унинг фикрича, икки

<sup>491</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 57.

<sup>492</sup> Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида “Ҳакамлик Судлари тўғрисида”ги (2006 йил 16 декабрда кабул қилинган) конунга кўра давлат ҳокимият ва бошқарув органларидан ташқарида ҳакамлик суди ташкил этиш мумкин. Ушбу суд фуқаролик хукукий муносабатларидан, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низоларини ҳал этади.

<sup>493</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 59.

хусуматчи келишолмай қолганда уларнинг розилиги билан ўртага бир муҳаккam (محکم) – яъни ҳакамлик қилувчи шахс аралашади. Ҳакамлик қилиш бўйича, мовароуннаҳрлик факихлар Куръондан қуидаги оятни далил қилиб келтирадилар:

وَإِنْ حَفْتُمْ شِقَاقَ بَيْنَهَا فَابْعَثُوا حَكَمًا مِنْ أَهْلِهِ

وَحَكَمًا مِنْ أَهْلِهِ إِنْ يُرِيدَا إِصْلَحًا يُوْفِقُ اللَّهُ

بَيْنَهُمَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَيْهِمَا حَبِيرًا

**Таржимаси:** Агар улар (эр-хотин) оралари бузилиб кетишидан кўрксандиз, эр оиласидан бир ҳакам, хотин оиласидан бир ҳакам юборингиз. Агар (эр-хотин) ислоҳи хоҳласалар, Аллоҳ ўрталарини мувофиқлаштиргай. Албатта, Аллоҳ билимдон ва хабардор зотдир<sup>494</sup>.

Бу ерда эр-хотиннинг ораси бузилиб кетишини олдини олиш бош мақсад қилиб олинган бўлса-да, факихлар бу ердан умумий маъно чиқариб ҳар қандай ижтимоий келишмовчиликларни адолатли ҳал қилиб берадиган бир одамни ҳакамликка олиш мумкин деган қоидани илгари сурадилар.

Мовароуннаҳрда муҳаккамлик қилиш ҳуқуқи шахсан султон ёки шаҳар ҳокими, қози ал-қузот ёки қози томонидан берилган. Икки киши ўртасида шундан кейингина ҳакамлик қилиш юридик кучга эга бўлган. Ҳакамлик қилаётган шахснинг ҳукмини адолат меъёrlарига мос тушган ҳолатда султон, ҳоким, қози ал-қузот ёки қози ўз муҳрлари билан тасдиқлаб берганлар. Шундан сўнг султон, ҳоким, қози ал-қузот ёки қози ўзгарган тақдирда ҳам ҳакамнинг чиқарган қарорини хеч ким ўзgartира олмаган. Агар ҳакамлик қилаётган ҳолатда хусуматлашаётган томоннинг бири чиқарилган ҳакам қароридан норози бўлса, ҳукм тасдиқланишидан олдин бузишга ҳакли бўлган. Тасдиқланган қарорни даъвогар ўзgartириши мумкин бўлмаган. Мовароуннаҳр марказий шаҳарларида қози ишдан бўшатилган пайтда ҳакамлар қози мажлисларини юритиб турганлар.

Мовароуннаҳрда муфтийлик, шамсу-л аи'иммалик исломдаги энг юқори даража бўлиб, ҳалқ оммаси ва ҳатто давлат раҳбарлари ҳам уларнинг фикрларини эътиборга олганлар. X-XIII асрлар Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида бешта шамсу-л аи'имма машҳурдир. Ас-Садр

<sup>494</sup> Куръон: 4:35.

аш-Шаҳид уларнинг энг машҳурларини куйидагилар деб беради; Шамсу-л Аи'мма ас-Саҳаҳий, Шамсу-л Аи'мма ал-Ҳалвоий (ёки ал-Ҳалвоний), Шамсу-л Аи'мма аз-Заранжарий ва Шамсу-л Аи'мма Бурхон ал-Қабир ва Шамсу-л Аи'мма ал-Қардариylардир. Агар қозининг ҳукми билан ҳакамнинг фикри зид келиб қолган ҳолларда ҳукм даврининг етакчи фақиҳларининг эътиборига ҳавола қилинган улар иттифоқ қилиб қайси ҳукмни ҳақ деб топсалар, ёзма ҳукм устига ўз муҳрлари ёки фатволарининг қисқача мазмунини ёзиб қўйғанлар<sup>495</sup>.

Демак, бу ерда одил маҳкамам жараёнини кузатиш мумкин. Ўрта асрларга оид қози ҳужжатларининг аксариятида муҳрларнинг икки ва ундан ортиқ бўлиши жамиятда адолат меъёрларини устунлигини таъминлаш йўлида чиқарилган қарорлар бир неча киши назоратидан ўтганлигини билдиради. Мовароуннаҳрда номи чиққан фақиҳларнинг аксарияти ҳакамлик билан шуғулланганлар. Ҳакамлик билан ном чиқарган машҳур фақиҳларнинг номига кўп ҳолларда ҳоким куняси кўшилган. Юқорида илмий таҳлил этилган, ал-Ҳоким Абу Наср ас-Самарқандийни бунга мисол қилиш мумкин.

Абу Наср ас-Самарқандий ҳакамлар ҳакида яна куйидаги фикрни беради:

المحكم بين خصمین لا ينفذ، بل يتوقف .

Таржимаси: Ҳакам икки хусуматчи орасида ҳукм ижро этмайди балки, уларни келиштириб қўяди<sup>496</sup>.

Демак, ҳакамларнинг жамиятдаги асосий вазифаси томонлар устидан ҳукм ижро этиш эмас, балки уларни яраштириб ёки келиштириб қўйиш бўлган.

Мовароуннаҳрлик фақиҳлар иттифоқ қилиб, ҳакам чиқарган қарор ҳад жазолари, қотиллик ва қососга оид масалаларда юридик кучга эга бўлмаслигига, ҳакамлик факат оиласвий ва мулкий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилишига иттифоқ қилганлар.

Мовароуннаҳр қозилари маҳкамам ишларини юритишида котиблик ишларига алоҳида аҳамият берганлар. Бухоро қозилик маҳкамаларида қозилар котиб билан бирга унинг ёрдамчиси *мусо 'ид* (مساعد) лавозимидаги шахс хизматидан ҳам фойдаланганликларини кузатиш мумкин. Кўрилаётган бирор иш юзасидан дайво қўзғатилганда, котиб

<sup>495</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 62.

<sup>496</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.4. – Б. 62.

ёки мусо‘ид томонидан ҳар бир фуқаронинг қози олдига даъво билан кириш куни хужжатга қайд этиб қўйилган. Даъвогар қўлига берилган мазкур қайднома – хужжат руқо‘ни (رُقْأ) белгиланган кунда қозилик маҳкамасига олиб бориши лозим бўлган. Қозининг олдига ким, қайси куни даъво билан кириши олдиндан қайд дафтарчаси *тазкирага* (تَذْكِرَة) ёзиб борилган. Бу ҳар бир фуқаронинг белгиланган муддатда даъво иши юзасидан қози ҳузурида бўлишини чалкаштираслик учун амалга оширилган. Тазкира алоҳида хужжатлар сақланадиган жой қимматрага қўйилган<sup>497</sup>.

Мовароуннахрда ҳам ҳукумат қозиларга ойлик маош белгилаган. Бироқ қозиларга дам олиш кунлари учун ҳақ тўланиши масаласи бўйича бир-қатор фикрларни билиш мумкин. Балх факихлари дам олиш кунида қозининг иш билан банд бўлмаслигини инобатга олиб, уларга меҳнат ҳақи тўламаслик таклифини берганлар. Бухоро факихлари дам олишнинг бошқа иш кунларига ижобий таъсири бор, деган мақсадда қозига маҳкама юмушидан ҳоли кунлари учун ҳам ҳақ тўланиши керак деб ҳисоблаганлар. Ишдан ташқари дам олиш қозининг иш кунларида тўғри ҳукм чиқаришига, даъво ишларини дикқат билан ўрганишига ёрдам беради, деганлар<sup>498</sup>. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг билдиришича, ўрта асрларда Ироқда шанба, Шомда душанба, Бухоро ва Самарқандда сешанба кунлари қозининг дам олиш куни сифатида белгиланган. Шунингдек, бошқа минтақалардан фарқли ўлароқ, фақатгина Самарқанд ва Бухорода қозининг дам олган кунидаги иш ҳаққи тўлиқ сақланган. Минтақа қозилари ихтиёрида дам олиш кунини ўз иш жадвалларига қараб мустақил белгилаш имкони ҳам бор эди. Шунга қарамай, кўплаб қозилар сешанбада ишдан дам олганлар<sup>499</sup>.

Х–XIII асрларда Мовароуннахр марказий шаҳарлари ҳисобланган Самарқанд ва Бухоро қозилари олти юз ғитриф ёки беш юз тамғочий<sup>500</sup> танга ҳақ олганлар. Буни ўша давр учун энг катта ойлик маошлардан

<sup>497</sup> Самарқандий. Русум ал-кузот. – Б. 222.

<sup>498</sup> Самарқандий. Русум ал-кузот. – Б. 176.

<sup>499</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 2861. – В.772a.

<sup>500</sup> тамғочий (طَمَاعِجِي) ўрта асрларда Мовароуннахрда амалда бўлган пул бирлигининг аталишидир. Ғитрифий – Хуросон амири Ғитриф ибн Ато’ томонидан 185/801 – 02 йили зарб эттирилган танга. Қаранг: Му‘ин ал-фуқаро. Тарихи Муллазода. / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов, Б. Аминов. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. 95-изоҳ.

дайиши мумкин. Мовароуннахрлик факиҳлар қозиларга ҳақ факат давлат бюджети бўлган байтул молдан тўланишига ижмоъ қилганлар ва қозига ишдан манфаатдор шахслар томонидан ҳадялар берилишилиги ни ҳаром ҳисоблаганлар.

Мовароуннахрда ҳар бир қози “сак ал-‘ақор” (кўчмас мулк), “аддиийа” (чорбог, йирик худудларга оид мулклар), “ал-‘уруద” (улгуржи моллар), “ал-вақф” (вақф мулклари) бўйича маҳсус китоб тутган. Бу китобларда етимларга, вақфга, меросга ва бошқа масалаларга тегишли мулкларнинг рўйхати бўлган<sup>501</sup>.

Мовароуннахрда қозилар хон, амир ёки бошқа худудий бирлик бошлиқлари томонидан тайинланган. Янги тайинланган қози фаолиятини йўлга қўйиш масаласида Мовароуннахр факиҳлари бир катор фикрларни берадилар. Жумладан, қози дастлаб вилоят худудидаги йирик факиҳ, олим ва солиҳлар билан яхши муносабатни йўлга қўйиши лозим. Бу ҳолатда икки фойдали жиҳатни кўриш мумкин:

Биринчидан, қозига ўз фаолиятида адолатли ҳукм ижро этишда юқоридаги тоифа одамларнинг кўмаги керак бўлган.

Иккинчидан, қози янги ишга келган пайтда халқ унинг зиёратига ошиқади. Бу ўринда қозининг халқ орасидаги зиёлиларни таниб олиши ўзи учун фойдадир. Чунки қози мансабидан бўшаган пайтда унинг девони ҳукумат томонидан тафтиш қилинган. Бухоро факиҳлари тафтиш муддатини камида бир ой деб белгилаганлар ва шу боис қози амалда бўлган даврида халқ орасидан муносиб омонатдорларни (хуфиёна) танлаб олишини шарт қилганлар.

Даъво аризаларининг тузилишига келадиган бўлсак, аксарият аризаларда даъвогар ва жавобгар шахс исмлари тўлиқ кўрсатилган. Аризалар содда ёзилиб, исм кўрсатилгандан сўнг факат даъвога сабаб бўлган воқеъликкина баён этилган. Масалан: “Ана адда‘и ‘ала Фулан бин Фулан лианна ҳува қазафани фи-с-сууқ” (менинг фалончи бин фалончига даъвоим бор, чунки у менга бозорда тухмат қилди), агар даъво юзасидан гувоҳлар бўлса, номлари аризага киритилган. Шунга ўхшашиб даъво аризалари 50 – 100 тага етгач, қози уларни тўплаб алоҳида бир идишга (манбаларда бу идиш “бундуқа” деб юритилган) солиб қуръа ташлаш йўли билан хусуматчи томонларнинг қайси куни қози қабулига келишлари аниқлаган<sup>502</sup>.

<sup>501</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 2861. – В.7716.

<sup>502</sup> Самарқандий. Русум ал-кузот. – Б. 88.

Бурхонуддин Маҳмуд фикрича, Бухоро қозилари шаҳардаги жомеъ масжидининг бир қисмини ўзларига “мавкеъ” (қароргоҳ) қилган. Бундан мурод, хусуматчилар учун қозининг иш жойини то-пишларида қулайлик яратишдир. Шунингдек, бухоролик фақиҳлар, ёш ўспириналарни қозиликка муносиб кўрмаган. Уларнинг наздида ўспирин йигит шаҳват сабабидан аёл-қиз хусуматчиларга ён бериб қўйиши эҳтимолга яқиндир<sup>503</sup>.

Мовароуннаҳр ва бошқа ислом ўлкаларида фаолият юритган расмий идораларнинг давлат ва фуқаро ишларида ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига алоҳида ургу берганликларини кузатиш мумкин. Бунда Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларининг ташкилий-хукукий жиҳатларини ўрганиш мухим аҳамият касб этади. Дунёдаги бошқа хукукий тизимлар каби исломда ҳам илк даврлардан бошлаб, ҳужжатни юридик кучга эга экани, унинг легитимлигини тасдиқлаш орқали амалга оширилган.

Қозилик маҳкамаларида, ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги “тамға”, “муҳр”, “нишон”лар билан қонунийлаштирилган. X–XIII асрларда Мовароуннаҳр марказий шаҳарларида расмий ишларда кўлланилган муҳр-тамғаларнинг кўриниши бир неча хил – доирабичимли, бодомбичимли ёки уч, тўрт, олти, саккиз бурчакли кўринишга эга бўлганлигини кузатиш мумкин<sup>504</sup>.

Муҳрлар орасида тўртбурчак кўринишдаги муҳрлардан ҳам ҳужжат юритиш амалиётида қўпроқ фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Айниқса Мовароуннаҳр худудида муҳрнинг бундай тури кенг тарқалган.

X–XIII асрларда Мовароуннаҳрда расмий матнларни туркий, арабий, форсий сўзлардан олинган “амир”, “кутлуғ”, “хоқон” каби сўзлар ёки сultonнинг исми шарифини ва у эгалик қилаётган худуд ва шунга ўхшаш сўзлар ўйиб ёзилган. Тил нуқтаи назардан ушбу сўз ва иборалар араб, форс туркий тилларда битилган<sup>505</sup>.

Бурхонуддин Маҳмуд “ал-Муҳит” асарида, ўрта асрларда расмийлаштирилган Самарқанд тарихига оид вакф ҳужжатлари ҳақида

<sup>503</sup> Ал-Муҳит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 2861. – В. 775а.

<sup>504</sup> ЎзР ФАШИ. Мажма‘ ал-васо’ик. // Кўлёзмалар № 9490, № 9491, № 9492, № 9493 тўпламларига қаранг

<sup>505</sup> Содиков Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010. – Б. 178.

ҳам маълумот беради. Чунки бу вакф шартномалари фақих танинг Самарқанд қозилари томонидан тузилган. Мазкур хужжатлар хусусида, туркиялик тарихчи ‘Умар Сонер Ҳункан ўзининг “Турк ҳоқонлиги. (Қораҳонийлар)” номли асарида маълумот бериб ўтган. Ушбу хужжатлар Ғарбий Қораҳонийлар давлати (хукм дав. 433/1041-608/1212 йй.) ҳоқонларидан бири Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср Қораҳоннинг (хукм дав. 1052-1068 йй.) Самарқандда мадраса ва шифохона учун ажратган вақфлари тўғрисида тузилган<sup>506</sup>. “Ал-Мухит” асарининг “шурут” бўлимида бу хужжатларнинг тўлиқ матни келтирилади<sup>507</sup>. Мазкур вақфлар ўша даврдаги ҳукмдор табақанинг Самарқанддаги таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига ижобий муносабатда бўлғанлигини исботлайди (мадраса очиш учун ёзилган вакф хужжатининг тўлиқ матни ва таржимаси билан танишиш учун 9-иловага қаранг).

Демак ушбу вакф хужжатларини ўрганиш бизга ўзбек халқининг илм ахлига бўлган ҳурмати ва ҳозирги кунда давлатнинг таълим соҳасини ривожлантириш йўлида, педагог кадрларнинг моддий-маънавий таъминотини кўтариш, янги ўқув бинолар қуриш, кутубхоналар қуришга бўлган эътибори ўн асрдан зиёд бой тарихий тажрибага таянишлигидан далолат беради.

Рус тарихчиси О.Г.Большаков ҳам Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Наср Қораҳон даврида ёзилган ушбу вакфномаларни муфассал ўрганган<sup>508</sup>. Лекин у ўз тадқикотида юқоридаги тарихий хужжатлар хақида дастлаб маълумот берилган “ал-Мухит” асарига тўхтамаган. Тадқикотда маълум бўлдики, ‘Умар Сонер Ҳункан, О.Г. Большаков ва Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг зикр этилган вакф хужжатлари борасидаги қарашларида ўзаро фарқлар мавжуд. Аввалги икки тадқикотчи бу хужжатларни XII асрда Мовароуннаҳрда ёзилган вакф хужжатлари сифатида эътироф этади. Бурхонуддин Маҳмуд уларни Самарқанд қозилари тажрибаларидан бир намуна ва бошқа қозиларга ўрнак сифатида “ал-Мухит” асарининг вакф бўлимида эмас, “шурут” бўлимида келтиради<sup>509</sup>.

<sup>506</sup> Ömer Soner Hunkan (Karahanlılar). – Б. 492.

<sup>507</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5835. – В.472а – 473б.

<sup>508</sup> Карап: Большаков О.Г. Два вакфа Ибрагима Тамгач-хана в Самарканде по хронологии и генеалогии / Пер.с англ. и примеч. П. А. Грязневича. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1971. – Б. 56.

<sup>509</sup> Ал-Мухит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5835. – В. 4866 – 491а.

Немис исломшунос олимаси Моника Гронке Туркистон ўлкасига алоқадор X–XIII асрларга оид араб тилида ёзилган ноёб қозилик хужжатларни ўрганган. Ушбу хужжатлар ҳозирги шарқий Туркистон худудларида Ёркент шаҳрида ёзилган<sup>510</sup>. Шунинг учун ушбу хужжатларни Ёркент хужжатлар тўплами деб ҳам юритилади. Ушбу хужжатларнинг сони 15 та бўлиб, уларнинг еттитаси араб тилида ва саккизтаси уйғур тилида ёзилган. Хужжатларнинг фото нусхалари Лондон давлат музейида сақланади. Хужжат матнларини инглиз тилига Владимир Минорский таржима қилган. Туркияда ушбу матнларнинг уйғур тилида ёзилганларини Текин Шинас ўрганган<sup>511</sup>.

Шарқий Туркистон хусусан Ёркент X–XI асрларда исломлашиди. Жамият муаммолари янгича ёндошув ва қоидалар асосида ҳал этила бошланди. Бу соҳада албатта қозилар мухим рол ўйнади. Мовароуннаҳр тарихига оид ушбу тарихий-хукукий хужжатлар савдосотик масалаларини тартибга солишга бағищланган. Турли ислом ўлкаларида яратилган хужжатлар каби Мовароуннаҳр хужжатлари ҳам *инвокация* – ҳамду санолар, оятлар, ҳадислар ёки диний муқаддас калималар билан бошланган<sup>512</sup>. Бунда асосан хужжатлар *басмала* билан бошланишлиги аҳамиятлидир. Мовароуннаҳр худудлари доимий оқиб турадиган дарёлар ва унумдор ерларга бой бўлганилиги сабабидан, алоҳида *сикоя* (سقاية), яъни сув билан таъминлаш бўлимида суфориш, сувни адолатли тақсимлашнинг хукукий асослари ишлаб чиқилган ва бундай масъулиятли вазифа қозилик маҳкамаларига топширилган<sup>513</sup>.

Х–XIII асрлар Мовароуннаҳр хужжатшунослик анъаналарида ўша давр учун расмий тил ҳисобланган араб тили матнларини туркийлашиш-форсийлашиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Масалан: арабча *муборак-қутлуг*, *а’зам-буюк*, *شاҳр-моҳи*, *ибн-ўғли*, *китабабитиг* каби сўзлар ёнма-ён ишлатилганлигини кўриш мумкин. Лекин

<sup>510</sup> Monika Gronke. The Arabic Yarkand documents. Bulletin of the School of Oriental and African Studies, University of London, Vol. 49, № 3. (1986), pp.454 – 507 (Бундан кейин. The Arabic Yarkand documents.).

<sup>511</sup> Tekin Şinas. Bilinen en eski İslami Türkçe metinler. Selçuklu Araştırmaları Dergisi, №4, 1975, pp. 157-186.

<sup>512</sup> The Arabic Yarkand documents. – Б. 463.

<sup>513</sup> The Arabic Yarkand documents. – Б. 466.

хужжатларда бундай сўзларнинг келиши матндаги асосий араб тили қоидаларига салбий таъсир кўрсатмаган<sup>514</sup>.

Булардан ташқари Мовароуннаҳр хужжатларида гувоҳ, дъявогар ёки жавобгар номи зикр қилинаётганда унинг ким эканлигига ҳам ургу бериб кетилган. Масалан: *Насриддин ўтоқбоши – Насриддин ҳонадон каттаси, Маҳмуд субоши – Маҳмуд қўмондон, Иброҳим саробдор – Иброҳим ичимлик тарқатувчи, Козим силоҳдор – Козим ҳарбий, Идрис халлоҷ – Идрис пахта титувчи* каби ибораларга ўхшаш<sup>515</sup>.

Моника Гронке хulosасига кўра, Қорахонийлар даврида расмий қозилик ишларини икки хил мансаб эгалари бажарган, булар қози ва ҳоким бўлиб, қозилик ишлари билан фикҳ илмидан хабари бўлган факих шуғулланган бўлса, расмий давлат томонидан тайинланган ҳоким ҳам қозилик ишлари билан шуғулланган. Лекин Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳокимлар қўпроқ сиёсий характерга эга бўлиб, қозиларнинг ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги мавқеи ҳокимнидан устун бўлиб қолаверган.

Демак, бу ўринда Моника Гронке матнлардаги қози ва ҳоким номлари остидаги мансабдорларни бир хил вазифаларни бажараётганлигини кўриб уларнинг иккисини ҳам расмий ва норасмий қозиларга бўлган. Лекин бу ердаги ҳокимни ҳакамлик қилаётган қози сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Х–XI асрлар Сомоний амирларининг Бухородаги бошқарув институтлари ва уларнинг вазифалари ҳакида Абу ‘Абдуллоҳ ал-Хоразмий (ваф. XI) ўзининг “*Мафотиҳ ал-‘улум*” асарида маълумот бериб ўтади<sup>516</sup>.

“*Мафотиҳ ал-‘улум*” асари XX аср ўрталарида немис олими Босворт томонидан ўрганилган. Босворт Сомонийлар давридаги давлат бошқаруви ўзида форс, араб ва турк анаъналарини бирлаштирган деб хулоса беради<sup>517</sup>.

<sup>514</sup> The Arabic Yarkand documents. – Б. 472.

<sup>515</sup> The Arabic Yarkand documents. – Б. 478.

<sup>516</sup> C.E. Bosworth. Abu Abdallah al-Khwarazmi on the technical terms of the secretary’s art (a contribution to the administrative history of mediaeval Islam) // Journal of the Economic and Social History of the Orient, Vol. 12, № 2, (Apr., 1969). – pp. 113 – 164  
(Бундан кейин. C.E. Bosworth. The administrative history of mediaeval Islam).

<sup>517</sup> C.E. Bosworth. The administrative history of mediaeval Islam. – Б. 113-114.

Абу ‘Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўша даврда Мовароуннахрда күйидаги алоҳида соҳаларни бошқарадиган девонлар фаолият юритганлиги ҳақида хабар беради:

- Девон ал-харож (давлат солик қўмитаси);
- Девон ал-хазн (давлат ғазнаси);
- Девон ал-барид (давлат почта-алоқа хизмати);
- Девон ал-жайш (давлат армияси ва аскарлик хизмати);
- Девон ад-дийя ва-н-нафақот (давлат ижтимоий таъминот хизмати);
- Девон ал-ма’ (давлат сув таъминот хизмати);
- Девон куттаб ал-иншаа (давлат котибияти хизмати);
- Девон ал-казо (давлат қозилик маҳкамаси);
- Девон аш-шувро (давлат маслаҳат кенгаши)<sup>518</sup>.

Ушбу бўлимга хуоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ҳудудида яшаган ҳалқларнинг маънавий мероси қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, уни бирламчи манбалар асосида ўрганиш бугунги кунда долзарб муаммолар қаторида туради. Чунки, Ўзбекистон давлати ва ҳукукининг пойдевори – миллий давлатчилигимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкамдир. У бир неча минг йиллик тарихга эга. Қадимий Турон, Мовароуннахр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган. Бошқа ислом диёrlари каби, Марказий Осиё ҳалқлари ҳам ўлкага илк ислом дини анъаналари кириб, маҳаллий кўриниш олган даврларданоқ ўзларининг баъзи расмий фаолиятларини ислом конун қоидаларига асосан ҳужжатлаштириб борганлар. Афсуски, Сомонийлар, Қораҳонийлар, Салжуқийлар даврида тузилган кўплаб ҳужжатлар ва формуляр тузишга оид асарлар мўғул истилоси сабабли бутунлай йўқ бўлиб кетган. Баъзи ҳужжатлар эса шахсий архивларда сакланган бўлиб, ҳар хил оғатлар сабабидан ёки ҳукукий жиҳатдан ўз аҳамиятини йўқотганлиги туфайли бизгача етиб келмаган ёки баъзи сабабларга кўра мамлакатдан четга олиб чиқилган.

\* \* \*

Исломдаги қозилик фаолиятининг илк ривожланиш босқичи Мухаммад (а.с.)нинг пайғамбарлик даври (610 – 632 йй) билан боғланади. Ривожланишнинг кейинги босқичлари сифатида ал-

<sup>518</sup> C.E. Bosworth. The administrative history of mediaeval Islam. – Б. 120-164.

Хулафои ар-рошидун (тўгри йўлдан борган халифалар даври: 632 – 661 йй.), Умавийлар (661 – 750 йй.) ва Аббосийлар даври (750 – 1258 йй.) белгиланади. Демак, бу жиҳатдан олиб қаралганда, илк ислом даврида Пайғамбар (а.с.) ва халифаларни юқори инстанция, қолган қозиларни эса қуий инстанция қозилари, деб тавсифлаш тўғри бўлади. Давр ўтган сайн қозиларни тайинлаш ҳар бир халифанинг ўз сиёсатидан келиб чиқиб амалга оширилган. Лекин диққатга молик томони, қозиларни тайинлаш тартиби ва қозилик амалиётини ташкил этиш жараёни давр ўтган сайн ихтисослашиб борди.

Диний-хуқуқий масалалар ал-Хулафои ар-рошидун даврида давлат миёсида ҳал қилинган. Умавийлар даврига келиб бундай ишлар фақиҳлар ихтиёрига топширилган, халифалар бу каби муаммолар ечимиға аралашмаганлар. Чунки хукмдорнинг диний-хуқуқий масалаларда етарли билим ва қўникмаларга эга эмаслиги ушбу борадаги ҳар қандай муаммоларни адолатли ҳал этишга йўл бермас эди. Мазкур ҳолатда давлат сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалада мустақил иш олиб бориб, диний-хуқуқий муаммолар ечими фақиҳлар ихтиёрига ўтади. Натижада, умавийлар даврига келиб қозилик маҳкамаси алоҳида ҳокимият сифатида шаклланиши бошланди. Энди ҳоким ёки халифа асосан қозиларни тайн этиш, уларнинг амалий фаолияти ва чиқарган ҳукмларини кузатиб бориш, маҳкама қозиси ва ходимларига ойлик маош тайинлаш, ўз вазифасидан четлатиш ҳамда мансабдор шахслар устидан қилинган шикоятларни бевосита кўриш каби масалалардагина қози ишларига аралашар эдилар.

Ўрта асрлар тарихида ислом хукмрон бўлган ўлкаларда қозилик маҳкамаларини тубдан ислоҳ қилиш жараёни халифалик таҳтига аббосийларнинг (хукм.дав. 133 – 656/750 – 1258 йй.) чиқиши билан боғланади. Аббосийларнинг давлатчилик борасида амалга оширган кўплаб ислоҳотлари замирида умавийлар даврида заифлашган давлат аппаратини мустаҳкамлаш мақсади ётарди. Аббосийлар даврига келиб, қози ал-қузот лавозими таъсис этилди. Дастреб қози ал-қузот қозиликка тайинлаш мумкин бўлган номзодни хукмдорга тавсия этиш ваколатига эга бўлган бўлса-да, кейинчалик у қозиларни танлаш ва тайн этиш имконини тўлиқ қўлга киритди. Ушбу воқеа боис қозилик маҳкамалари тизими тўла мустақилликка эришиди.

Маънавиятимизнинг ажралмас бир қисми хисобланган Қуръони каримда келган, адолат меъёрларини ўзида жамлаган оятлар таъси-

рида ислом ҳуқуқида янги бир қозилик одоблари йўналиши пайдо бўлди. Бу йўналишда асар ёзган факиҳлар асосий эътиборни қозилик лавозими ва унинг ваколатларига қаратганлар. Қозилик одоблари ҳукм юритиш одоблари мавзусига бағишлиланган соҳа бўлиб, унда қози қандай бўлиши, ўзини қандай тутиши кераклиги, ҳукмни қандай юритиши, бошқа қозилар ва ахоли билан муомаласи, қозихонанинг қаерда бўлиши, қози ва қозихона ишчиларининг вазифалари каби масалалар таҳлил этилган. Ислом тарихида бу соҳага асос солган факиҳ Абу Юсуф бўлиб, унинг “Адаб ал-қози” асари кейинги даврда яратилган манбаларга дастурул амал бўлиб хизмат қилди.

Мовароуннахрда шаклланган судда иш юритиш тажрибалари ва илм аҳлининг янгиликка интилиши натижасида фақиҳларимиз маҳкамама амалиётига Ирок мактабида мавжуд бўлмаган, минтақадаги ижтимоий шароитга мос тадбирларни жорий қила бошладилар. Бу, албатта, фуқароларнинг қозига мурожаат қилиши, ҳақни исботлаш йўлларини осонлаштириш мақсадида келиб чиқкан. Мовароуннахрда муфтийлик, шамсу-л аи’иммалик исломдаги энг юқори даража бўлиб, ҳалқ оммаси ва ҳатто давлат раҳбарлари ҳам уларнинг фикрларини эътиборга олганлар. Мовароуннахр қозилик маҳкамалари тарихдан бошқа дин вакилларига нисбатан муроса йўлини тутганлигини кузатиши мумкин.

## **IV БҮЛІМ Х-ХІІІ АСРЛАРДА МОВАРОУННАХР ҚОЗИЛИК МАЖЛИСЛАРИДА ЙОРИТИЛГАН ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **Х-ХІІІ асрларда ёзилған ҳужжатшуносликка оид манбаларнинг тарихий-хуқуқиي аҳамияти**

Күплаб тадқиқотчилар ислом хуқуқи тизимининг назарий ва амалий жиҳатлари ва улар ўртасидаги боғлиқлик томонларига алоҳида тадқиқот объекти сифатида аҳамият бериб келгандар. Х-ХІІІ асрларда ислом дунёсида ҳужжатшунослик мактаблари пайдо бўлди. Тадқиқ этилган манбалар ислом тарихида ҳужжатшунослик мактаблари милодий ХІІІ асрга қадар шаклланиб бўлгандигини тасдиқлайди. Шунингдек, қозилик девонлари томонидан расмийлаштирилган ҳужжат матнларида асосан, Бухоро, Самарқанд, Балх, Марв, Ардабил, Бағдод, Дамашқ, Кардова, Гранада, Қохира каби шаҳарларнинг исмлари зикр қилиниши, ислом дунёсидаги ҳужжатшунослик мактабларини қўйидаги худудларга тақсимлаб ўрганишни тақозо этади:

1. Мовароуннахр мактаби
2. Хуросон мактаби
3. Ироқ мактаби
4. Шом мактаби
5. Миср мактаби
6. Андалусия мактаби

Ислом дунёсида қозилик девонининг иш фаолиятига бағишлиланган биринчи манба Мұхаммад ибн Ҳалаф ал-Ваки‘ (ваф. 306/918 й.) томонидан ёзилған бўлиб, у Миср, Ироқ ва Сурия қозиларининг хронологик ҳаритасини тушиб чиқади. Орадан эллик йил ўтиб, Мисрда Фотимийлар ҳукмронлиги даврида яшаган Мұхаммад ал-Киндий (ваф. 362/972 й.) ўзининг “Китоб ал-вулат ва китоб ал-қузот” номли асарини қозилик иш юритиш фаолиятига бағишлиайди. Ушбу асар илк

Миср ислом жамиятидаги қозилик ишларига бағишиланганлиги билан ахамиятлидир<sup>519</sup>.

Исломда қозилик маҳкамалари ишларини расмий қайд қилиш Умавийлар халифалигининг илк даврида Миср қозиси бўлган Сулейм ибн ‘Итир атТажибий томонидан амалга оширилди<sup>520</sup>. Шу билан қозилик маҳкамаларида кўрилган ишларни қайд қилиш, гувоҳлар ва уларнинг кўрсатмалари ёзилган хужжатлар пайдо бўла бошлаган.

Аббосийлар даврига келиб Абу Ҳанифанинг издошларидан бўлган Бағдоднинг қозиси Мухаммад ибн Саммо‘а (ваф. 223/847 й.) томонидан маҳзар ва сижилл ҳужжатлари мустақил илм сифатида фикҳ дунёсига киритилган. У Абу Юсуфдан (ваф. 182/798 й.) сўнг қози ал-қузот мансабини эгаллайди<sup>521</sup> ва қозилик маҳкамаси ишларини тартибга солишда расмий хужжатларга алоҳида эътибор бериб, ислом тарихида биринчи марта “Китоб алмаҳозир ва-ссижиллот” асарини ёзган<sup>522</sup>.

Ислом ҳужжатшунослигига оид манбалар Мовароуннахрда XI аср бошларидан пайдо бўлди. Тадқиқот жараённида Сомонийлар даврида Нишопурда яшаган ҳанафий олимларидан бири Маҳмуд ибн Музаффар ибн Маҳмуд ан-Нишопурийнинг (ваф. 401/1011 й.) “ал-Арба‘ин ал-мустатоба” (киркта ёқимли масала) номли асари Истанбул шаҳрида жойлашган Боязид кутубхонаси қўлёзмалар фондининг ҳадис бўлимида сақланашганлиги маълум бўлди. 24 саҳифалик бу қўлёзма тўлиқ шурут илмига бағишиланган ва унинг тадқиқотчилар назаридан четда қолишига сабаб асарнинг ҳадис бўлимида сақланашганлигига бўлиши мумкин. Бундан ташқари, Маҳмуд ан-Нишопурий ва унинг “ал-Арба‘ин ал-мустатоба” асари ҳақида ҳанафий олимлари шахсиятини ўрганувчи биографик манбаларда ҳам бирор маълумот учрамади. Демак, бу қўлёзманинг нодир нусхаси Боязид кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланади, деган хулосани беради<sup>523</sup>. Асарда

<sup>519</sup> Dispensing Justice in Islam. – Б. 88.

<sup>520</sup> Мухаммад аз-Зухайли. Тарих ал-қазо фи-л-ислам. – Байрут: Дор ал-Фикр, 1415/1995. – Б. 179-180.

<sup>521</sup> Kavakci Yusuf Ziya, XI ve XII Asrlarda Karahanilar devrinde Mavara’ al-Nahr Islam hukukculari. – Ankara, 1976. – Б. 231 - 234.

<sup>522</sup> Мустафо ибн Шайх Мухаммад. Равзат ал-қузот фи-л-маҳозир ва-с-сижиллот. – Истанбул, Баладийя кутубхонаси. – Муаллим Жавдат бўлими // Кўлёзма № 265. – В 157а.

<sup>523</sup> Ушбу қўлёзма, диссертант томонидан 2008 йил 9-апрелда, Боязид кутубхонасида ўрганилган ва тадқиқот учун тўлиқ микрофильм нусхаси кўчириб олинган.

ҳамд ва санодан сўнг муаллифнинг ўзи ҳақидаги қуидлари келади:

... وبعد فقد التمس مني بعض من يتردد إلى مستقيدا ويظهر في المودة إخلاصاً مفيها بأن أجمع له نيفا من علم الشرط وطرفا مما هو في الشرع مضبوط كي يكون تذكرة لديه وهدية مني إليه فلما تقرستُ إربه أنجحتُ إربه وجعلتها أربعين فصلاً كل واحد منها أصلاً وضمنتها عشرة أبواب وسميتها بالأربعين المستطابة لما فيه من الصواب والله المستعان وعليه التكلان  
فهذا فبرت (فهرس) الأبواب الباب الأول في الأقارب والاعترافات الباب الثاني في المبایعات الباب الثالث في الرهان والمقاسمات الرابع في الشركة والمضاربات الباب الخامس في التوكيلات الباب السادس في الإجرات الباب السابع في الأنكحة والتطليقات والتدبير والاعناتات الباب الثامن فيما تجري منه بين الخصم والخصومات الباب التاسع في الوقفيات والوصيات الباب العاشر قضاء القضاة الباب الأول في الأقارب وفيه فصول أربعة  
**الفصل الأول في الإقرار بالدين حالاً**

**Таржимаси:** “Мендан фойда истаб олдимга келиб турувчи ва са-  
мимий дўстлик кўрсатувчи бир киши шурут илми бўйича бир қанча  
масалаларни, шариатда аниқ бўлган жиҳатларни унга бир эслатма  
ва мендан совга бўлсин учун жамалаб беришимни илтимос қилганидан  
сўнг... Унинг истагига эътибор қаратдим ва истагини амалга оши-  
дим. Масалаларни қирқ фаслга бўлдим ва ҳар бирини асл (асос)  
қилдим. Ва уларни ўн боб қилиб бирлаштиридим.

Савоб умидида Аллоҳдан ёрдам сўраб ва Ўзигагина таваккул қилиб, уни қирқта ёқимли масала деб атаб, фиҳристнинг биринчи бўлимини, “Тан олии ва эътироф этиши”, иккинчи бўлимини “Савдо битимлари”, учинчи бўлимини “Гаров ва ўзаро тақсимланган моллар”, тўртинчи бўлимини, “Шериклик ва музораба”, бешинчи бўлимини “Ваколатлар бериши”, олтинчи бўлимини “Ижаралар”, еттинчи бўлимини “Никоҳлаш, талоқ қўйиш, қулни сиртдан озод қилиши”, саккизинчи бўлимини “Хусумат ва хусуматлашаётган то-  
монлар ўртасида содир бўладиган ҳолатлар”, тўққизинчи бўлимини “Вақфлар ва васиятлар”, ўнинчи бўлимини “Қозилик мажлиси” деб номладим...<sup>524</sup>.

<sup>524</sup> Маҳмуд ибн Музаффар ибн Маҳмуд ан-Нишопурий. Ал-Арба'ин ал-муstatoba. Истанбул: Боязид кутубхонаси // Кўлёзма № 2672. – В 246.

Ислом ҳукуқидаги *шурут* сўзини ҳам дастлаб ҳанафийлик мазҳаби асосчиларидан Мухаммад аш-Шайбоний (ваф. 189/805 й.) ўзининг “ас-Сияр ал-кабир” асарида илмий муомалага киритган. Шунинг учун *шурут* йўналишида асарлар ёзган кўплаб ҳанафий олимлари Мухаммад аш-Шайбонийдан кўплаб иқтибослар келтирганлар. Натижада XIII асргача ҳанафийлик мазҳабига доир асарларда ҳужжатшунослик илми *шурут* деб аталган.

Демак, ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, X–XIII асрларда ёзилган шартнома ҳужжатлари тузишга оид манбалар *шурут*<sup>525</sup> деб, қозилик девонида расмийлаштирилган ҳужжатлар эса, *маҳзар*<sup>526</sup> ва *сижил*<sup>527</sup> ҳужжатлари деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Ислом тарихида биринчи қози ал-кузот бўлган Абу Юсуф (ваф. 182/798 й.) даврида ўлкаларга таъйин этилган қозиларнинг барчаси ҳанафийлик мазҳабида бўлганлар. Ислом тарихида *шурут* асарларини ёзишни ҳам дастлаб, ироқлик ҳанафий олимлар бошлаб бердилар. Мухаммад ибн Исҳоқ ан-Надим (ваф. 387/997 й.) ўзининг “ал-Фихрист” номли асарида илк *шурут* асарлари ёзган ҳанафий ва шофи‘ий мазҳаби олимларининг номини зикр этиб ўтган<sup>528</sup>. Ислом тарихида илк *шурут* асари ёзган олим Аҳмад ибн ‘Умар ибн Мухир аш-Шайбоний ал-Хассоғ (ваф. 261/875 й.) бўлиб, у “Китоб аш-

<sup>525</sup> Шурут – атамаси ислом ҳужжатшунослигига оид асарлар ёзган ҳанафий факихлари томонидан киритилган илмий истилоҳ бўлиб, барча факихлар ушбу атамага иттифоқ қилганлар. Демак бу ўринда шурут атамасини ислом ҳужжатларига оид формулялар тузиш намунаси ёки андозаси деб тушиниш мақсадга мувофиқдир. Шурут – (شرط) араб тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “шарт, килинадиган талаб, коида, низом” бўлиб, қози томонидан турли оиласири ва мулкчиликка оид шартномаларни расмийлаштириш бўйича назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган коидалар мажмуасини англатади. Қаранг: Бекмирзаев И.И. “Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги” Монография, Т.: “Таълим” нашриёти, 2011. – Б. 73-82.

<sup>526</sup> Маҳзар – бу қозилик маҳкамаси иш жараённида юритиб бориладиган ҳужжат бўлиб, унда факат маҳкамада иштирок этувчи томонлар даъволари ва жавобгарниң даъвога муносабати ҳамда гувоҳларнинг мазкур даъво юзасидан берган кўрсатмалари қайд этиб кўйилган. Маҳзар инвокация, интигуляция, инскрипция ва салютациядан иборат бўлган.

<sup>527</sup> Сижил – бу қозининг ҳукми ёзилган расмий ҳужжат бўлиб, унда, кўтарилган даъво ҳам кўрсатиб ўтилган.

<sup>528</sup> Мухаммад ибн Исҳоқ ан-Надим (ваф. 387/997 й.). Ал-Фихрист / Мустафо аш-Шавими таҳқиқи остида. Тунис: Дор ат-тунисийя ли-н-нашр, 1405/1985. – Б. 264-268 (Бундан кейин. Ан-Надим. Ал-Фихрист.).

шурут ал-кабир” ва “Китоб аш-шурут ас-сағири” асарларини таълиф этган. Хассоғдан сўнг Шом, Куфа, Кархда қози бўлган Абу Ҳозим, ‘Абдулҳамид ибн ‘Абдулазиз Жалил ал-Қодарий (ваф. 271/884 й.), ‘Абдуллоҳ ибн Мувсал (ваф. 277/890 й.), Абу Зайд Аҳмад ибн Зайд аш-Шурутий (ваф. 284/897 й.)<sup>529</sup>, Яҳйо ибн Бакир ал-Бағдодий (ваф. 288/901 й.), ‘Абдуллоҳ ал-Фарҳий ал-Ироқий (ваф. 298/911 й.) каби ироқлик олимлар шурут илми билан боғлиқ қатор қўлланмалар яратганлар<sup>530</sup>. Лекин юкоридаги фақиҳлар асарларининг бирортаси ҳам бизнинг давримизгача етиб келмаган.

XIII асрдан кейин Усмонийлар давлатида шурут илми ““Илм ас-сакк” кейинчалик “қонуннома” ва ниҳоят “мажалла” истилоҳлари силсиласида қонун хужжатларининг назарий асослари сифатида ўрганила бошланди. Усмонийлар давлатида фаолият юритган фақиҳлар Иброҳим ал-Ҳалабий (ваф. 956/1549 й.), Ибн Нужайм (ваф. 970/1562 й.), Ибн Обидин (ваф. 1252/1836 й.) X–XIII асрларда яшаган ҳанафий фақиҳларнинг ислом хужжатшунослигига оид қарашларини умумлаштириб, қозилик девони фаолиятини такомиллаштиридилар<sup>531</sup>. Ислом дунёсида қонунлар тизимини тартибга солиши Усмонийлар империясида Султон Сулаймон Қонуний (хукм.дав. 1520–1566 й.) даврида бошланди. Ўша давр Усмонийлар давлати бош қозиси Имодий Мухаммад Абу Су‘уд Афанди кенг кўламли фаолият олиб бориб, Султон Сулаймоннинг энг машҳур “қонуннома”сини (қонунлар мажмуаси) тўплади. Манбаларда таъкидланишича, ўша даврда Абу Су‘уд Афандининг ёрдами ва раҳбарлигида тузилган қонунлар шариатдан олинган бўлса ҳам, уларнинг бир кисми, айниқса, давлат ерларига тегишли қоидалар кўпинча маҳаллий урф-одатларга асосланган эди<sup>532</sup>.

X–XIII асрларда қозилик маҳкамалари ислом дунёсида муҳим давлат органига айланди. Аббосийлар халифалиги давридан қозилик маҳкамаларига *девон бошқаруви* даражаси берилиб, ушбу қозилик

<sup>529</sup> Баъзи олимлар исмларининг сўнгига аш-Шурутий сўзининг кўшилиши ўша олимнинг шурут илмида етук мутахассис бўлганлигидан далолатdir.

<sup>530</sup> Аҳ-Надим. Ал-Фихрист. – Б. 264 - 268.

<sup>531</sup> Muhammad Khalid Masud, Rudolph Peters and David S. Powers (eds.). Dispensing Justice in Islam: Qadis and their judgments. – Boston: E. J. Brill, 2006. – 591 p (Бундан кейин. Dispensing Justice in Islam ).

<sup>532</sup> Uriel Heyd. Studies in old ottoman criminal law. Oxford at the Clarendon press. – London: Edited by V.L. Menage, 1973. – Б. 133.

девони давлатдаги барча расмий хужжатларни расмийлаштирадиган, юридик күч берадиган давлат идорасига айланди<sup>533</sup>.

Х–ХІІІ асрларда қозилик девонида расмийлаштирилган хужжатлар умумий номлар остида *шурут, маҳзар, сижил, сакк, китоб ҳукмий* деб аталиб, ушбу турдаги хужжатлар тўла қозилик девонлари томонидан расмийлаштирилган.

Демак ушбу турдаги расмий хужжатларни бирламчи манбалар асосида ўрганиш, ҳуқук тарихи ва давлатчилик анъаналарига оидilmий холоса ва қарашларни тубдан янгилашга имкон беради. Чунки, шу кунгача Farb ва Шарқда ёзилган кўплаб тадқиқотлар қозилик институтларини бир томонлама яъни шариат қонуниятлари асосида ишлаган ва шаклланган деган холосадалар. Ушбу тадқиқотдан кўзланган мақсад эса, қозилик девони томонидан юритилган хужжатлар динийликдан кўра кўпроқ дунёвий характер касб этганлигини илмий асослашдан иборатdir.

Х–ХІІІ асрлардаги ислом дунёсидаги қозилик девони ислом дини ва мусулмонларнинг маъмурий бошқарув шаклини ўзида акс эттиради.

Қозилик девони архивида сақланган *сижил* хужжатлар ўша даврда маҳкама томонидан кўрилган ишларнинг *номенклатура*<sup>534</sup> мажмуи ҳисобланган. Чунки сижилл ҳужжатлари таркибидан савдосотик, никоҳ, қулчилик, ижара, давлатлараро муносабатлар, вакф, иқтоъ мулклари бўйича тузилган хужжатлар ўрин олган. Тадқиқот учун аҳамиятли томони шундаки, X–ХІІІ асрларда Мовароуннахр ва ислом дунёсида ёзилган сижилл, маҳзар ва шурут ҳужжатларига бағишланган асарлар олти асрлик давр мобайнида қозилар ва ислом ҳуқуқшунослари таянадиган муҳим манбалар бўлиб келган. Ҳозирги кунда ушбу жанрда ёзилган манбалар Farb тадқиқотчilarininинг эътиборини тортаётгани ҳам бежиз эмас.

Қозилик девонида маҳкама жараёни *маҳзар* номи остида бўлиб, асосан икки қисмни ўз ичига олган:

1. Даъвогарларнинг қози ва гувоҳлар олдида сотгани ёки олгани ёхуд килган ишини тан олгани ҳақидаги эътирофи;
2. Қозининг даъво натижалари бўйича гувоҳлар олдидаги қарори ва тасдиги;

<sup>533</sup> Wael B. Hallaq. The qadi's diwan (sijill)). – Б. 415.

<sup>534</sup> Турли соҳаларга оид номлар-атамалар, терминлар мажмуи

Махзар хужжатининг шакли кенг бўлиб, қозининг қўрган иши бўйича барча тафсилотларини ўз ичига олган. Сижил эса фақат гувоҳлар учун ёки даъвогарлар учун кўчириб берилган суд қароридан кўчирма бўлган<sup>535</sup>.

Қозилик девонида кўриладиган хужжатлар уларнинг фаолият юритадиган ҳудуд ёки шаҳрига қараб белгиланган. Ўрта асрларда фаолияти кенг қамровли бўлган қозилар шаҳар қозилари деб юритилагн. Масалан, Бухоро, Самарқанд, Дамашқ, Бағдод, Қоҳира қозилик девонлари ўзида маҳзар, сижил, шурут хужжат турларидан ташқари Сукук – яни йирик ҳажмдаги кўчмас мулклар, сulton ҳадялари, вақф ерлар, ишлаб чиқариш объектларини расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган хужжатлар мажмуи; *китоб ал-музаккий*, яни қозининг вакили томонидан текширилган гувоҳлар рўйхати; *китоб ал-маҳбусин*, яни жиноий жавобгарликка тортилган маҳбуслар ҳақидаги хужжатлар; вақф ва етимларга қарашли мулклар бўйича тузилган хужжатлар; йирик мулк кўринишидаги васиятномалар; турли вилоят қозиларига йўлланган мурожаатномалар; кафолат хатлари, вакиллик хужжатлари алоҳида тўплам шаклида сақланган<sup>536</sup>.

Демак, ўрта асрларда ислом дунёсида фаолият юритган турли давлат девонларига қараганда қозилик девони ўзининг кенгқамровли фаолияти билан жамиятда муҳим ўрин эгаллаган. Шунинг учун ислом дунёсида фаолият юритган қозилик маҳкамаларини замонавий истилоҳдаги суд маҳкамаси ва судяларга қиёслаш нотўғридир. Чунки, X-XIII асрларда фаолият юритган қозилик девони ўзида кўплаб лавозимларни бўйсундургани ва бирлаштирганлиги (шурталиқ, музаккийлик, мухтасиблиқ, васийлик, вакиллик, вақф мулкларига жавобгар шахслар каби) ҳамда иккинчи томондан ижтимоий масалаларни ҳал қилиб беришни жамлаганлиги туфайли буларни *қозилик мажлислари* деб аташ мақсадга мувофиқдир.

X-XIII асрларда ёзилган хужжатлар юкори юридик савияда ёзилишига қозилик мажлисларида фаолият юритган котибларнинг ҳам хизматлари катта бўлган. Тадқиқ қилинган манбаларнинг барчасида котиблиқ мақоми бўйича алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, у қозининг адолатли ҳукм чиқаришига масъул ва кузатиб турувчи шахс сифатида

<sup>535</sup> Wael B. Hallaq. The qadi's diwan (sijill)). – Б. 419.

<sup>536</sup> Wael B. Hallaq. The qadi's diwan (sijill)). – Б. 420-421

қаралган. Шунинг учун котибнинг маҳкамадаги жойи айнан қозининг олдида бўлган. Баъзи холатларда қози маҳкама ишини яхши тушунсада, лекин чиқарган қарорини расмийлаштириш, хужжатлаштириш ишидан тажрибаси кам бўлганлиги кузатилади. Ибн ‘Аттор, Андалусия давлатида қозилик мажлисига таъйин этилаётган *котиб* шахсан султон томонидан сайланишлигини шарт қилиб қўйган<sup>537</sup>.

Абу Наср ас-Самарқандий Самарқандда XII асрда хужжатни расмийлаштириш *инстанция* (босқичли) шаклда амалга оширилганлигини айтади. Қози қўрилаётган ишнинг услугуб ва қоидасини факиҳлар кўрсатмасидан келиб чиқиб, оғзаки тарзда қарор чиқарган. Котиб эса, оғзаки қарорни хужжатлаштирган<sup>538</sup>.

Маждуддин ал-Уструшаний эса, қозилик девонининг асоси қарор эмас, балки у ерда тузиладиган ҳужжатлар деб ҳисоблаб, қозиликка номзод одам котиблик лавозимида ишлаган бўлишини шарт қилган<sup>539</sup>.

Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий эса, қозилик девонида ҳужжатларни расмийлаштираётган котиб муайян бир мазҳаб бўйича факиҳ бўлишлигини шарт қилган<sup>540</sup>.

Қозилик мажлисида қўрилган ҳужжатларни рўйхатга олиб қўйилишининг бош сабаби ушбу турдаги даъво иши қозилик маҳкамасига келиб тушган тақдирда, қозининг осон ҳукм чиқариши учун бўлган. Брҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ўзининг “ал-Муҳит” асарида Самарқандда мадраса учун ажратилган вақф ҳужжати ҳақида гапириб, уни расмийлаштираётган қози ва котибни султоннинг ишончли вакиллари деб атайди. Агар ажратилган вақф мулки бўйича қонунбузарлик рўй берган ҳолатларда ва вақф қилувчи вафот этиб кетган тақдирда ҳам қози, девондаги ҳужжатнинг асл нусхасига таяниб вақф мулкини қонуний тиклаш ҳуқуқига эга бўлган. Бундай ҳолатларда султон ёки волийнинг қозининг ишига аралашиши мумкин бўлмаган<sup>541</sup>.

Демак, қозилик девонида ҳужжатлардан бир нусхадан олиб колинишига кейинчалик қонунбузарлик рўй берган тақдирда, асл ҳақиқатни амалга оширишга асос деб қараш мумкин.

<sup>537</sup> Ibn al-Attar. Madrid. – Б. 22.

<sup>538</sup> Самарқандий. Шурут ва-л-васо’ик. – Б. 34.

<sup>539</sup> Китоб ал-фусул. – Кўлёзма № 3245. – В. 46а – 656.

<sup>540</sup> Ал-Муҳит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 498.

<sup>541</sup> Ал-Муҳит. ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5835. – В. 486б – 491а.

Баъзи тарихий ҳужжатларда уч тўрт муҳрни мавжуд бўлишилиги, унинг юридик кучини белгилаб беради. Қозилик девонидан чиқарилган ҳужжатда қози муҳри бўлган. Агар ҳужжатда кўрилган иш давлатга карашли бошқа девонларнинг фаолиятига алоқадор бўлса, ҳужжат ушбу девон муҳри билан ҳам тасдиқлаб қўйилган. Кўрилган иш қайси шаҳар, қишлоқ ёки вилоятда бўлганлигини тасдиқлаш учун волий ёки ҳокимнинг муҳри ҳам керак бўлган. Баъзи ўринларда кўпгина котиблар халқ ичидаги ҳурматга эга бўлган фақиҳлар бўлгани боис, уларнинг султон томонидан берилган шахсий тасдиқловчи муҳрлари бўлган.

Исломдаги маҳзар ва сижилл ҳужжатлари ҳозирги кун тили билан айтганда документалистика (хужжатшунослик) ва дипломатика<sup>542</sup> фанига яқин соҳалар дейиши мумкин. Чунки, мазкур фанлар ҳужжатларнинг ўрганилиш назарияси ва амалиётини кенг ёритиб беришга хизмат этади. Ўзбекистонда бу йўналишда О.Д.Чехович<sup>543</sup>, Б. Казаков<sup>544</sup>, шунингдек, қадимги турк ҳужжатшунослигига Қ.Содиков<sup>545</sup> ва бошқалар самарали илмий фаолият олиб борганлар.

<sup>542</sup> Дипломатиканинг манбашуносликда қўлланилиши алоҳида аҳамият касб этади. Расмий ҳужжатлар шаклидаги ёзма манбаларни ўрганиш илмий тадқикот учун муҳимдир. Ҳужжатнинг матни, дасхати, ҳарфлар ва жумлаларнинг ёзилиш тартиби, уларнинг ички ва ташқи белгилари, мавзуларини ўрганиш, ҳужжатнинг асл нусха ёки кўчирмалигини, унинг ёзилган вақтини ҳамда унга кейин киритилган ўзгартиришларни аниклаш ўрганилаётган обьект ҳақида аниқрок, батафсил маълумот олишга ёрдам беради. Дипломатика тарихий манбашуносликнинг маҳсус бўлими бўлиб, хукукий конунда белгиланган ҳужжатларнинг мазмунини ўрганади. Бу атама лотинча “diplomum” сўзидан олинган бўлиб, “иккиланган, иккилик” деган маъноларни беради. Актлар, ҳужжатлар, вакфлар, хукмдорларнинг фармойишлари, қозихона ҳужжатлари, давлат иш юритиш ҳужжатлари, васикалар, машҳур шахсларнинг мактублари ва бошқалар дипломатика фанининг обьекти хисобланади. Дипломатика термини XIV–XV асрларда муомалага киритилган. Дастлаб айрим ҳужжатларга нисбатан қўлланилган бўлса, XVIII асрга келиб, барча турдаги ҳужжатларни ўрганиш ҳам дипломатика деб юритила бошланди. Каранг: Каштанов С.М. Русская дипломатика. – Москва, 1988. – Б. 11.

<sup>543</sup> Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. – Т.: Наука, 1965. – 332 с; Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Выпуск 1. Акты феодальной собственности на землю XVII-XIX вв. – Т.: Наука, 1954. – 268 с.

<sup>544</sup> Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Т.: Узбекистан, 1987. – 87 с.

<sup>545</sup> Содиков Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010. – 191 б.

Хар қандай ҳуқуқий тизимда бўлгани каби, исломда “китоб ал-маҳозир ва-ссижиллот” ва “шурут” йўналишида яратилган асарлардан кўзланган мақсад, энг аввало, ислом ҳуқуқи нормаларига мос келувчи ва ҳужжатшуносликнинг барча талабларига жавоб бера оладиган ягона формуляр (таърифнома), намуна тизимини ишлаб чиқиб, фаолият юритаётган қозихона ва қозиларнинг иш фаолиятини ана шу тизим орқали бир тартибга солиш, ривожлантириш ва исломдаги ҳуқуқий нормаларни амалиётда қўллаш муҳанизмини мукаммаллаштириш эди.

Демак, шурут намунавий ҳужжатлар кўринишидаги ва ҳозирги кун тилидаги “Формуляр”лар бўлиб, улар куйидаги асосий тўрт тушунчани ўз ичига олган:

1. Шартли формуляр – ҳужжатларнинг яхлит умумий шакли;
2. Мавхум формуляр – ҳужжатларнинг ўзига хос шакли;
3. Аниқ формуляр – унча катта бўлмаган гурухларга ажратилган ҳужжатларнинг ички тузилиши;
4. Бир шахсга хос формуляр – алоҳида олинган ҳужжат матнининг тузилиш шакли<sup>546</sup>.

Ҳужжатшунослик тарихида формулярларнинг биринчи қисми куйидагиларни ўз ичига олган:

- *инвокация* – ҳамду санолар, оятлар, ҳадислар ёки диний мukадdas калималар;
- *интигуляция* – ҳужжат йўллаётган ёки тузаётган шахснинг исм-шарифи ва унинг насаби-ю ҳасабига ўхшаш мавқенини кўрсатадиган сифатлари;
- *инскрипция* – нома йўлланаётган кишининг исм-шарифи ва унинг дараҷа-мавқенини билдириб ёзилган сифатлар;
- *салютация* – саломлашув;

Формулярларнинг иккинчи қисми асосий қисм ҳисобланиб, у куйидагилардан иборат бўлган:

- *эксордиум* (ёки пролог) – тузилган ҳужжат ёки номанинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирувчи кириш сўзи (муқаддима);
- *публикация* – тарқатилаётган хабар ёки қарорнинг тузилиш жиҳатлари;
- *нarrация* – кўрилган ишнинг муфассал баёни;

---

<sup>546</sup> Григорьев А.П. Монгольская дипломатика XIV–XV вв. – Санкт Петербург, 1998.  
– Б. 22.

- *диспозиция* – ишнинг моҳиятини кўндаланг қўйиш;
- *санкция* – жазо хавфи билан қўрқитиб, жиноят қилишдан қайтариш;

– *корроборация* – хужжатнинг қадр-қимматини ошириш мақсадида муҳр, имзо ва шунга ўхшаш нарсалар билан бўладиган шаҳодатнома бўлими;

Формулярнинг учинчи қисми – эсхатокол ёки хотимавий баённома бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- *датум (дата)* – хужжат тузилган жой, вакт;
- *аппрекация* – хужжатнинг қониқарли хотималашнинг диний шакли (М: дуо, омин, истиффор каби);
- *субскрипция* – имзолар;
- *сигилла* – муҳрлар<sup>547</sup>.

Намунавий хужжатлар кўринишидаги шурут, яъни “формуляр”лар уч ҳуқуқий категорияларга бўлинган. Булар: Мулкка эгалик қилиш ва мулк савдоси бўйича тузилган шартномалар; Оилавий муносабатлар, никоҳланиш, ажралиш, нафақа белгилаш, аёлнинг ўз хоҳишига кўра ажралиши бўйича тузилган шартномалар; кулчиликка оид муносабатлар, кулни озод қилиш, кул ёки жория ва уларнинг хожалари ўргасида тузилган келишув шартномалар гурӯҳидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқоридаги аниқ қоидалар асосида шакллантирилган қозилик архиви хужжатлари ҳисобланган маҳзар, сижил ва формулярлар шаклидаги шурут хужжатлари ислом дунёси ва Мовароуннахрда X–XIII асрлардаёқ шаклланганлигини тарихий манбалар тасдиқлайди. Демак, ушбу хужжат намуналари оила ва мулкчилик муносабатларини ўз ичига оловчи ислом қонунчилиги ва қозилик ишларига оид хужжат турларини тузиш учун амалий тажрибадан ўтказилган қоидалар бўлиб, ҳозирда Фарб дунёсидан кириб келган ва амалда бўлган нотариат идоралари томонидан тузиладиган хужжат тузиш анъаналаридан фарқ қилмайди.

Ўтмиш аждодлардан мерос қолган тарихий ёзма манбалар қаторидан ҳақли равишда муносиб ўрин олган тарихий хужжатлар ва уларнинг ёзилиш тартибларига бағишлиланган кўлёзма манбалар Республика ва Жаҳон фонdlарида сакланаётганлиги маълум бўлди.

Ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий муносабатларга оид тарихий тажрибаларни ўрганишда исломнинг классик даври ҳисобланган

<sup>547</sup> Исломилов М. Хужжатшунослик ва Марказий Осиё дипломатикаси. – Т.: Академнашр, 2010. – Б. 37-38.

Х–XIII асрларда ёзилган қозилик девонида тузилган расмий хужжатларнинг ўрни каттадир. Қозилик хужжатларига оид манбаларни тарихий манбашунослик ва ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан ўрганишнинг аҳамияти шундаки, формуляр матнларида келтирилган маълумотлар, жумладан, ёзилган саналар, географик номлар ва топонимик жойлар кўплаб тарих ва жўғрофияга оид асарларга қараганда ҳам аниқ ва изчил ёритиб берилганлигини кузатиш мумкин. Ҳуқуқий иш юритишга оид хужжатларда исмларнинг аниқ келтирилганлиги, даъвогарларнинг аниқ ташқи белгилари, масалан, бўйи, юзининг ранги, сочи, соқоли кабиларнинг баён килиниши хужжатларнинг бошка тарихий манбаларга нисбатан аҳамиятли ва аниқ фактларга эга эканлигини кўрсатади.

### **Мовароуннахрда ёзилган хужжатшуносликка оид манбаларда даъво ва низоларнинг расмийлаштириш шартлари**

Ўзбекистон тарихининг манбашунослик ва ҳуқуқий масалаларини ёритища қозилик хужжатларига бағишлиланган манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. X–XIII асрлар ислом тарихида қозихона ишлари ва улардаги хужжат юритиш тартиблари соддалиқдан мураккабликка қараб ўзгариб борди. Қозилик девонларини такомиллаштириш борасида ҳанафийларнинг хизмати катта бўлди.

Ҳанафий олимлари ёзиб қолдирган қозилик хужжатларини юритишга доир манбаларни илмий таҳлил этиш орқали, уларда кўрилган даъво ва низоларни қуидаги тартибда расмийлаштирилганини кўриш мумкин:

а) Маҳзарнинг кириш қисми бўлиб, у қуидаги тартибда ёзилган;  
حضر مجلس القضاء في كورة بخارى قبل القاضي فلان بذكر لقبه واسمه  
ونسبة المتولى لعمل القضاء والأحكام ببخارى نافذ القضاء والإمضاء بين  
أهلها من قبل فلان في يوم كذا من شهر كذا ومن سنة كذا.

**Таржимаси:** ... иили ... ой ... кунида Фалончи номидан Бухорода қозилик ва ҳукмларни бошқарувчи ва Бухоро аҳолиси орасида қозилик иши ва имзо ишларини бажсарувчи фалончи (исми, лақаби ва насаби) қозидан олдин Бухоро вилояти қозилик мажлисига келган...<sup>548</sup>

<sup>548</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

Даъво ва низо расмийлаштирилаётган маҳзар ҳужжатларнинг кириш қисми котиблар томонидан ёзилган. Котиб биринчи даъвони ёзганда қуидаги жиҳатларга эътибор қилиш шарт қилинган:

- даъвонинг вақти ўзгариши мумкин бўлганлиги боис, санага жой қолдирилган;
- жавобгарнинг эътироф жавоби ҳам бўш қолдирилган;
- даъвогарнинг гувоҳлари бўлса уларнинг исми, қуняси, яшаш манзили, асосий ибодат қиласиган масжидининг номи тўлиқ ёзилган. Икки гувоҳ исмлари ёзилганда уларнинг орасида бўш жой қолдирилган. Бунга сабаб, шу ерга гувоҳларнинг кўрсатмалари ёзилиш керак бўлган. Котиб томонидан очик қолдирилган ерларни қозиннинг ўзи тўлдирган.

Сўнг котиб бу ҳужжатга маҳкамамуҳрини қўйган ва ҳужжат ҳошиясига ёки устига даъвогар ва жавобгарнинг исми ҳамда ижро куни санасини ёзиб қўйган. Бу ҳужжатлар алоҳида ҳужжатлар сақланадиган жой қиматрага солиниб, ҳар қиматрада сақланадиган ҳужжатни бир ой давомида қайта кўриш имкони бўлган. Бир ойдан ўтган ҳужжатлар, қози архивига тикиб борилган.

Умар ан-Насафий даъво ҳужжатлари туркумига кирувчи маҳзарда барча жараённи кўрсатиш ва гувоҳлик лафзлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, маҳзар ҳужжатларни қуидаги жумлалар билан бошлишни таклиф этади:

...يقول القاضي فلان يذكر لقبه ونسبة واسمه أدام الله توفيقه المتولى لعمل  
القضاء والأحكام ببخارى ونواحىها نافذ القضاء بين أهلها من قبل الخاقان  
فلان ثبت الله قواعد ملكه وأعز نصره.

**Таржимаси:** Фалончи хоқон (Аллоҳ унинг подшоҳлигини мустаҳкам қиласин ва ғалабасини азиз қиласин) номидан Бухорода қозилик иши ва ҳукмларни бошқарувчи ва Бухоро ва унинг атрофида яшовчи аҳоли орасида қозилик ва имзо ишларини бажарувчи фалончи (исми, лақаби ва насаби) қози (Аллоҳ унинг тавфиқини бардавом қиласин) айтадики...<sup>549</sup>

Ҳужжатшуносликка оид манбаларда келтирилган намуналарда қозилик маҳкамаси мажлисида қатнашган тарафлар: даъвогар “мудда‘ии” (мدعى عليه) ва жавобгар “мудда‘о ‘алаих” (шахслар

<sup>549</sup> Ал-Муҳит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 414.

ҳақида маълумот берилган. Бу ўринда фақиҳ қози таништириши лозим бўлган иборани қуидагича ифодалайди:

- умумий кўринишда;

حضر رجل ذكر أنه يسمى فلان بن فلان، وأحضر مع نفسه رجلاً ذكر  
أنه يسمى فلان بن فلان.

**Таржимаси:** Ўзини фалончи ўғли фалончи деб таништирган киши келди ва у ўзи билан фалончи ўғли фалончи деб айтган кишини олиб келди...<sup>550</sup>

- аниқ вақтни кўрсатган ҳолда;

حضر في مجلس قضائي ببخارى يوم كذا من شهر كذا من سنة (كذا)  
رجل ذكر أنه يسمى فلان، وأحضر معه رجلاً ذكر أنه يسمى فلان.

**Таржимаси:** ... или ... ой ва ... куни Бухородаги қозилик мажлиси га ўзини фалончи деб таништирган киши келди ва у ўзи билан фалончи деб айтган кишини олиб келди<sup>551</sup>.

- ихтиёрий ҳолатда;

رجل ذكر أنه يسمى فلان، وأحضر مع نفسه رجلاً ذكر  
أنه يسمى فلان

**Таржимаси:** Бир киши ўзини фалончи деб таништирди ва у ўзи билан фалончи деб айтган кишини олиб келди<sup>552</sup>.

Шунингдек, маҳзар ҳужжатларда тарафлар кўрсатилганда уларни кўрсатиш олмоши билан кўрсатиш шарт ҳисобланган. Чунки, бу қоида ҳусуматлашаётган шахснинг ўзи эканлигини аниқлаштиради. Шу сабабли маҳзарга “المدعى علىه هذا”<sup>553</sup>, яъни “ушбу даъвогар” ва “المدعى عليه هذا”, яъни “ушбу жавобгар” деб ёзиш умумий қоида сифатида қабул килинган.

Демак, ҳужжатда даъвогар ҳам жавобгар ҳам зикр қилинганда “ҳаза” (ушбу) сўзи қўшиб ёзилишини шарт қилган. Ушбу тартиб ҳам ҳужжатларни қайд этишдаги умумий қоидалардан бири ҳисобланган.

<sup>550</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

<sup>551</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

<sup>552</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

<sup>553</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

Гувоҳларнинг кўрсатмаси ҳақида гап кетганда ҳужжатда агар *وأشاروا إلى المتداعين* “агар ҳужжат тўғри тузилмаган. Балки ҳужжатда гувоҳлар тарафлардан факат бирини кўрсатиши керак бўлгандан иккаласини умумий қилиб қайд этиш ноаниқликка олиб келиши мумкин. Шу сабабли козилар котиблардан гувоҳларнинг кимни кўрсатганлигини аниқ ҳолда ёзишларини талаб қилганлар<sup>554</sup>.

Агар қози ва котибга тарафлар таниш бўлсалар матнда *फुलन* (фалончи) кўринишида берилган. Агар тарафлар нотаниш бўлса, *फुलन* исми олдига араб тилидаги *йусамма*, яъни ...*دَبَ اَمَالُوهِي* феъли кўшиб кўйилган<sup>555</sup>. Тарафлар таништирилгандан сўнгина уларнинг даъволари қуидаги тартибда келтирилган:

...فَادْعِيْ هذَا الْذِي حَضَرَ عَلَى هذَا الْذِي أَحْضَرَهُ مَعَهُ أَنْ لَهُذَا الْذِي حَضَرَ عَلَى هذَا الْذِي أَحْضَرَ مَعَهُ كَذَا كَذَا دِيْنَاراً نِيسَابُورِيَّةً حَمَراً جَيْدَةً مَنْاصَفَةً مَوْزُونَةً بُوزَنَ مَثَقِيلَ مَكَةً دِيْنَارًا لَازِمًا وَحْقًا وَاجِبًا بِسَبِّ صَحِيحٍ.

**Таржимаси:** Келган бу одам ўзи билан олиб келган одамнинг устидан шикоят қилиб, у Макка мисқоли вазнида “шунча миқдорида” соғф ва яхии Нийсабур динорини қарзга олганини саҳиҳ сабаб билан даъво қилди<sup>556</sup>.

Махзар ҳужжатларида даъво қайд қилинганда мулкнинг тегишлилиги “حق” – ҳақ ва “ملك” – мулк сўзлари билан ифодаланган. Мовароуннахрлик фақихлар ушбу сўзларнинг ҳужжатлардаги нозик жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор берганлар.

Агар даъво мулк ҳақида бўлса даъвогар ва жавобгар ҳам форс тилидаги ибора билан “این مدعا به حق منست و ملك منست” – ушбу даъво қилинаётган нарса менинг ҳаққим ва мулкимdir, дейиши шарт қилинган. Матнларда гапнинг кесими аниқ кўрсатилиши лозим бўлган. Ўрта асрларда Мовароуннахр марказий шаҳарларида расмий тил форс тили бўлганлиги боис, бу ерда форс тили қоидасидан келиб чиққан ҳолда кесимни билдирувчи “است” (аст) – *dir* қўшимчасини билдирувчи сўз ҳақида гап кетади.

Агар “*dir*” қўшимчаси мулк сўзига қўшилиб, ҳақ сўзига қўшилмасдан – “این مدعا ملك منست، حق من” – “ушбу даъво қилинган

<sup>554</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

<sup>555</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

<sup>556</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 411.

нарса менинг мулкимдир ва менинг ҳаққим”, дейилса, Фахрулислом Паздавий буни нотүгри деб ҳисоблаган. Чунки, ушбу гапнинг охирига инкорни билдирувчи “и”, яъни “эмас” деган сўз қўшилиб қолса маъно ўзгариб кетади<sup>557</sup>.

Шу билан бирга Бурхонуддин Маҳмуд даъвогар, жавобгар ва гувоҳлар мулкнинг тегишлилигини шу тарздаги сўзлар билан ифодалаган ҳолатда баъзи фақиҳлар ушбу услубни тўғри деб қабул килишини ҳам таъкидлаган<sup>558</sup>.

Агар “dir” қўшимчаси мазкур икки сўз боғловчи орқали ифодаланиб, иккинчи сўзнинг охирига қўйилса, барча фақиҳлар наздида тўғри ҳисобланган: “ملک و حق منست” – “*менинг ҳаққим ва мулкимдир*” дейилса, барча қозилар наздида бу тўғри расмийлаштирилган ҳужжат ҳисобланган<sup>559</sup>.

Маҳзарларда кейинги ўринларда қилинган даъвога иқрор бўлиш ҳолати зикр этилади. Абу Наср ас-Самарқандий иқрорнинг қуйидаги мисолини келтиради:

...و هكذا أقر هذا الذي أحضر معه في حال جواز إقراره طائعاً بجميع  
هذا المال المذكور مبلغه وجنسه و عدده في محضر الدعوى ديناً لازماً  
لهذا المدعى الذي حضر عليه، و حقاً واجباً بسبب صحيح إقراراً صحيحاً،  
وصدقه هذا الذي حضر بهذا الإقرار وطالبه بأداء جميع ذلك إليه و سأله  
مسئلته عن ذلك، فسئل فأجاب.

**Таржимаси:** Шунингдек, олиб келинган одам мазкур молнинг маблаги, жинси ва ададини зиммасидаги қарз сифатида эътироф этган ҳолда даъвогар унга саҳиҳ сабаб билан даъво қилганига тўлиқ иқрор бўлди. Бу иқрорни даъво қилган буларнинг барчасини тўлашини талаб қилган, савол билан мурожсат қилган ва жавобини олган одам тасдиқлади<sup>560</sup>.

Агар даъводан сўнг жавобгар шахс даъвода кўрсатилган ишларни тан олса, иш тугалланган ҳисобланиб, қозининг даъвогар фойдасига ҳукм чиқаришини фақиҳ “алМухит” асарида қуйидаги шаклда беришни таклиф этади:

<sup>557</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 410-411.

<sup>558</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 411.

<sup>559</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 411.

<sup>560</sup> Самарқандий. Шурут ва-л-васо’ик. – Б. 35.

...فواجِبٌ عَلَىٰ هَذَا الَّذِي أَحْضَرَهُ مَعَهُ أَدَاءُ هَذَا الْمَالِ الْمُذَكُورُ فِيهِ إِلَىٰ هَذَا  
الَّذِي حَضَرَ، وَطَالِيهِ بِالْجَوَابِ وَسَأْلِ مَسْأَلَتِهِ.

**Таржимаси:** “Даъво қилинаётган одам савол билан мурожсаат қилиб, жавоб талаб қилиб, даъво қилган одамга мазкур молни тўлаши шарт”<sup>561</sup>.

Агар жавобгар шахс қарши томон даъвосини рад қилса ва тан олмаса, даъвогар далил келтириши лозим бўлган. Далил эса, Бурҳонуддин Махмуднинг фикрига кўра, мазкур даъво юзасидан гувоҳ келтиришдир. Факих жавобгар шахс даъвони рад қилган тақдирда гувоҳлар хақидаги маълумотларни расмийлаштириб қўйишни шарт қилган:

فَأَحْضَرَ الْمَدْعَى هَذَا نَظَرًاً ذَكَرَ أَنَّهُمْ شَهُودٌ، وَسَأْلَ الْاسْتِمْاعَ إِلَيْهِمْ فَأَجَبُتُ،  
وَهُمْ فَلَانْ بْنُ فَلَانَ وَفَلَانَ.

“Даъвогар бир неча кишиларни олиб келиб, уларнинг гувоҳ эканликларини айтди ва уларни эшиитишими сўради. Мен рози бўлдим. Улар фалон ибн фулон ва фалончилардир”<sup>562</sup>. Шунингдек, уларнинг исмлари, насаблари, сифатлари, яшаш жойлари ва намоз ўқийдиган жойлари ҳам ёзиб қўйилган.

Мовароуннахрда ёзилган маҳзарларнинг катта қисми гувоҳлар ва гувоҳлик масалаларига багишланганлиги билан ажralиб туради. Маҳзарда гувоҳларнинг гувоҳлигини қўйидаги тартибда бериш қабул қилинган:

..فَأَحْضَرَ (الْمَدْعَى) عَلَىٰ الْمَدْعَى (عَلَيْهِ) نَفْرًا ذَكَرَ أَنَّهُمْ شَهُودٌ، وَسَأْلَ  
الْاسْتِمْاعَ إِلَيْهِمْ، فَأَجَبْتُ إِلَيْهِ وَاسْتَشَهَدْتُ الشَّهُودَ وَهُمْ فَلَانْ بْنُ فَلَانَ بْنُ فَلَانَ  
حَلَيْتُهُ كَذَا وَسَكَنْتُهُ كَذَا، وَمَصْلَاهُ مَسْجَدٌ كَذَا.

**Таржимаси:** Даъвогар даъво қилинаётган кишига қарши гувоҳ сифатида бир нечта кишини олиб келди ва уларнинг сўзларини эшиитишни сўради, мен рухсат бердим. Гувоҳлардан гувоҳлик сўралди. Улар қўйидагилар: фалончи ўғли фалончи (кийими, яшаш жойи ва намоз ўқийдиган масжиди кўрсатиб ўтилган)<sup>563</sup>.

<sup>561</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 411.

<sup>562</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 412.

<sup>563</sup> Самарқандий. Шурут ва-л-васо’иқ. – Б. 35.

Қозилик мажлисида гувоҳларнинг гувоҳлиги қуидаги тартибда расмийлаштиришни кўриш мумкин:

فَشَهَدَ هُؤُلَاءِ الشَّهُودُ عِنْدِي بَعْدَمَا اسْتَشَهَدُوا عَقِيبَ دُعَوِيَ الْمُدْعَى هَذَا،  
وَالْجَوابُ بِالْإِنْكَارِ مِنَ الْمُدْعَى عَلَيْهِ هَذَا شَهَادَةٌ صَحِيقَةٌ مُتَقْرَّبَةٌ إِلَى الْأَلْفَاظِ  
وَالْمَعْنَى، شَهَادَةٌ مُسْتَقِيمَةٌ مِنْ نَسْخَةٍ قَرِئَتْ عَلَيْهِمْ بِالْفَارَسِيَّةِ، وَهَذَا مَضْمُونٌ  
تَلَكَ النَّسْخَةُ الَّتِي قَرِئَتْ عَلَيْهِمْ كَوَاهِي مِيدَهُمْ ...  
فَأَتَوْا كَذَلِكَ بِهَذِهِ الشَّهَادَةِ عَلَى وُجُوهِهَا وَسَاقُوهَا عَلَى سَبَبِهَا، وَأَشَارُوكُلُّ وَاحِدٍ  
مِنْهُمْ فِي مَوْضِعِ الإِشَارَةِ، فَسَمِعْتُ شَهَادَتَهُمْ هَذِهِ، وَأَثْبَتَهُمْ فِي الْمَحْضُرِ الْمَجْلِدِ  
فِي خَرِيطَةِ الْحُكْمِ.

**Таржимаси:** Даъвогарнинг даъвоси ва даъво қилинаётган одамнинг инкорига берган жавобидан сўнг гувоҳлардан гувоҳлик сўралди ва улар менинг ҳузуримда тўғри ва аниқ гувоҳлик беришиди. Гувоҳлар айтган сўзларнинг лафз ва маънолари бир-бирга мувофиқ. Гувоҳликнинг форсча нусхаси уларга ўқиб берилиди. Уларга ўқиб берилган нусханинг мазмуни қуидагича:

“Гувоҳлик бераманки...” Гувоҳлар гувоҳликни тўғри беришиди ва сабабларига ҳам риоя қилишиди. Уларнинг кўрсатмалари бир хил бўлди ва гувоҳликлари тингланди. Мен бу гувоҳликни шу мажлиснинг ўзида ҳукмлар рўйхатига тикиб қўйдим<sup>564</sup>.

Қозилик мажлисида гувоҳларнинг тўғрилиги ва уларнинг кўрсатмалари қанчалар адолат меъёрларига тўғри келиши борасида қози қуидагиларга амал қилган:

وَقَبِلتَ شَهَادَتَهُ لِكُونَهُمْ مَعْرُوفِينَ عِنْدِي بِالْعَدْلِ، وَجَوازَ الشَّهَادَةِ

**Таржимаси:** Уларнинг гувоҳлигини қабул қилдим. Чунки уларнинг одиллиги ва шаҳодати тўғрилигини биламан<sup>565</sup>.

ورجعت في التعرف عن أحوالهم إلى من إليه رسم التعديل والتزكية بالناحية

**Таржимаси:** Уларнинг ҳолатларини ўрганишида адолатлиликни аниқлаш ва оқлаш ишлари билан шугилланадиган шахсларга мурожсаат қилдим<sup>566</sup>.

<sup>564</sup> Самарқандий. Шурут ва-л-васо’ик. – Б. 35.

<sup>565</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.3. – Б. 205.

<sup>566</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.3. – Б. 206.

**فنسروا جميعاً إلى العدالة وجواز الشهادة فقبلت شهادتهم لإيجاب العلم قبولها**

**Таржимаси:** Гувоҳларнинг барчаси адолатли ва гувоҳлиги тўғри деб топилди. Уларнинг гувоҳлигини қабул қилиши мумкинлигини билганим учун гувоҳликларини қабул қилдим<sup>567</sup>.

**فنسب آتيان منهم إلى العدالة وهم الأول والثاني**

**Таржимаси:** Келган гувоҳлардан иккитаси адолатли деб баҳоланди. Улар биринчиси ва иккинчисидир<sup>568</sup>.

وأثبتها في المحضر المخلد في خريطة الحكم قبله، ولم يطعن المدعى عليه هذا في هؤلاء الشهود ولم يتلمس التعرف عن أحوالهم من المذكين بالناحية، فلم أشتغل بالتعرف عن حالهم من المذكين بالناحية واكتفيت بظاهر عدالتهم عدالة الإسلام عملاً بقول من يجوز الحكم بظاهر العدالة من أئمة الدين وعلماء المسلمين رحمهم الله أجمعين، فقبلت شهادتهم قبول مثلها؛ لإيجاب الشرع قبولها من الوجه الذي بين فيه.

**Таржимаси:** Мен шу мајслиснинг ўзида буни ҳукмлар рўйхатига тикиб қўйдим. Даъво қилинаётган шахс бу гувоҳларга эътиroz билдиrmади ва оқловчи томонидан уларни текширишини сўрамади. Мен гувоҳларнинг ислом адолатига мувофиқ берган ошкора адолати билан кифояландим. Зоро, дин имомлари ва мусулмон уламолар (Аллоҳ уларнинг барчасини раҳматига олсин) ошкора адолат билан ҳукм чиқаришни тўғри деб ҳисоблашган. Мен уларнинг гувоҳлигини ошкора гувоҳлик сифатида қабул қилдим. Чунки шариат бундай гувоҳликни қабул қилишини лозим топган<sup>569</sup>.

ثبت عندي من الوجه الذي يثبت به الحوادث الشرعية، والنوازل الحكمة بعد دعوى صحيحة من خصم حاضر على خصم حاضر أو جب الحكم بالإصغاء إلى ذلك ببينة عادلة قامت عندي، أو بشهادة فلان وفلان، وقد ثبت عندي عدالتهم وجواز شهادتهم أن فلاناً أقر أن لفلان عليه كذا كذا ديناً لازماً، وحقاً واجباً بسبب صحيح ثبوتاً أو جب الحكم به.

<sup>567</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.3. – Б. 208.

<sup>568</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.3. – Б. 208.

<sup>569</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.3. – Б. 209.

**Таржимаси:** *Хузуримда шаръий ҳодисалар ва масалаларга мувофиқ ҳусуматчиларнинг бир-бирига қилган даъвоси қайд этилди. Хузуримда келтирилган адолатли ҳужжатлар ёки фалончи ва фалончининг гувоҳлиги асосида уларнинг сўзлари тингланди. Хузуримда уларнинг адолатлиги ва гувоҳлигининг тӯғрилиги исботланди. Яъни, фалончининг икror бўлишига кўра, унинг фалончидан саҳиҳ сабаб билан шунча қарзи бор. Шунга ҳукм қилинди*<sup>570</sup>.

Қози ўзи чикарган ҳукми ва ижтиҳодининг тӯғри эканлигини билиш учун қозилик қилиб турган вилоят ёки шаҳар факихларига кўрилган ишлар бўйича, қуидаги тартибда мунтазам мурожаат этиб турган:

...وَعَرَضَ الدُّعَى وَلِفْظَةُ الشَّهَادَةِ عَلَى الْأَئْمَةِ الَّذِينَ عَلَيْهِمُ الْمَدَارُ فِي الْفَتْوَىِ  
بِالنَّاحِيَةِ، فَأَفْتَوْا بِصَحْتَهَا وَجَوَازَ الْقَضَاءِ بِهَا.

**Таржимаси:** Даъво ва гувоҳлик лафзлари тумандаги фатво ишларига масъул имомларга тақдим қилинди. Улар бу ишини тӯғрилигига ва бу иши асосида ҳукм чиқарии тӯғрилигига фатво бершиоди<sup>571</sup>.

Х-XIII асрларда Мовароуннахр марказий шаҳарларида жавобгарга қози томонидан ўзини ўзи ҳимоя қилиш имконияти ҳам берилганлигини кузатиш мумкин:

فَأَعْلَمْتُ الْمَشْهُودَ عَلَيْهِ هَذَا وَأَخْبَرْتُهُ بِثَبَوتِ ذَلِكَ عَنْدِي، وَمَكْنَتْهُ مِنْ إِبْرَادِ  
الدُّفْعِ وَلَا أَتَى بِالْمُخْلَصِ وَظَهَرَ عَنْدِي عَجَزُهُ عَنْ ذَلِكَ.

**Таржимаси:** Гувоҳлик берилган одамга буни билдиридим ва бу ишлар менинг ҳузуримда исботланганини айтдим ҳамда ўзини мудофаа қилиши учун имкон бердим. У ўзини ҳимоя қилмади. Менда у ўзини ҳимоя қилишидан ожиз, деган фикр пайдо бўлди<sup>572</sup>.

Тем Сألني هذا المدعى المشهود له الحكم له على هذا المشهود عليه بما ثبت  
عندى له، ومن ذلك في وجه خصمته هذا المشهود عليه، وكتابه سجل له  
فيه والإشهاد عليه ليكون حجة له في ذلك، فأجبت إلى ذلك واستخرت الله  
تعالى في ذلك، واستعصمته عن الزيف والزلل والوقوع في الخطأ والخلل،

<sup>570</sup> Шарҳ адаб ал-қози. Ж.3. – Б. 210.

<sup>571</sup> Самаркандий. Русум ал-кузот. – Б. 118.

<sup>572</sup> Самаркандий. Русум ал-кузот. – Б. 119.

واستوفقته لإصابة الحق وحكمت لهذا المدعى على هذا المدعى عليه بثبتوت إقرار هذا المدعى عليه بالمال المذكور مبلغه وجنسه وصفته وعده في هذا السجل ديناً لازماً عليه، وحقاً واجباً بسبب صحيح لهذا المدعى، وتصديق هذا المدعى عليه إيه لهذا الإقرار خطاباً على الوجه المبين لي في هذا السجل.

**Таржимаси:** Сўнг даъвогар мендан ҳукм натижаларини сўради. Чунки у даъво қилинаётган одам устидан шикоят қилган ва унинг шикояти ва гувоҳликлар ўзига ҳужжат бўлиши учун ёзib қўйилган. Мен Аллоҳга истихора қилган ҳолда ҳато, адашии ва камчиликлардан сақлашини ва ҳақ жавобни топишими сўраб, бу саволга жавоб бердим ва даъвогарнинг фойдасига ҳукм қилдимки, даъво қилинаётган одам даъвогардан маблаги, жиснси, сифати ва адади зикр қилинган молни қарз сифатида саҳиҳ сабаб билан олганига икror бўлди. Мен бу икrorни аниқ далиллар билан сизсига ёзib қўйдим. Даъвогар ҳам буни тасдиқлади<sup>573</sup>.

Хукм ижро этишда агар гувоҳ адолати билан танилган бўлса, хужжатда қўшимча адолатли деб танилган шахсларнинг гувоҳлигида (بشهادة هؤلاء المعروفين بالعدالة) (دېب ёзилган). Агар даъвогар ўзи билан оддий гувоҳлар олиб келган бўлса, хужжат матнида қўйида исми келтирилган гувоҳларнинг ичидан шу икки гувоҳнинг гувоҳлиги билан (بشهادة هذين) (الشاهدين المعذلين من هؤلاء الشهود المسميين فيه) (الشاهدين المعذلين من هؤلاء الشهود المسميين فيه) деб келтирилган<sup>574</sup>.

Агар қози уларнинг адолатли эканликларида ишонч ҳосил қилмаса ёки билмаса “музаккий”га мурожаат этганлигини қайд этиб қўйиш лозим:

...ورجعت في التعرف عن أحوالهم إلى من إليه رسم التعديل والتزكية  
بالناحية.

“Уларнинг ҳолларини аниқлаш учун тумандаги (ноҳия) адолатлиликни аниқлаши ваколати берилган кишиларга мурожаат қилдим”<sup>575</sup>.

Агар жавобгар шахс гувоҳларга ва уларнинг гувоҳликларида эътиroz билдирмаса, бу ҳодиса куйидагича ёзилган: “Гувоҳликларини эшийтдим. Буни олдимдаги “ижро қилинган ҳукмлар архиви”да

<sup>573</sup> Самарқандий. Русум ал-кузот. – Б. 119.

<sup>574</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 415.

<sup>575</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 415.

түппланған маҳзарлар сақланадиган китобга қайд қилдим. Уибұ жавобгар уибұ гувоҳлар буйича әътиroz билдиримади ва улар ҳақида тумандаги музаккийлар орқали текширишини ҳам сұрамади. Мен ҳам тумандаги музаккийлардан улар ҳақида суриштириб ўтирумадим, балки дин имомлари ва мусулмон уламоларидан – Аллоҳ уларнинг барчасини раҳматига олсин – аён бўлган адолатга қўра ҳукм қилишига рухсат берганларнинг сўзига амал қилиб, аён бўлган адолат билан кифояландим ва белгиланган тартибда шариатнинг гувоҳликларини қабул қилишини тақозо қилганлиги учун бошқалари сингари гувоҳликларини қабул қилдим. Уибұ гувоҳларнинг берган гувоҳликлари буйича \_\_\_\_\_ собит бўлди ҳамда қайта даъво қилиши (*ийрод аддаф'*) мумкинлигини айтдим. У қайта даъво қилмади ва қутқазувчи далиллар ҳам келтирмади. Мен унинг бунга қурби етмаслигини билдим.

Сўнг уибұ даъвогар собит бўлган маълумотга қўра жавобгар зарарига, унинг фойдасига ҳукм чиқазишими ҳамда иш буйича ҳужжат бўлиши учун кўрилган иш юзасидан сижил ёзиб беришини ва уни гувоҳлантиришини сўради. Бунга рози бўлдим ва Аллоҳга истихора қилган, адашишидан ва хатога тушиб қолишидан сақлашини ва ҳақиқатни топшига муваффақ қилишини сўраган ҳолда уибұ жавобгар шахс зарарига ва уибұ даъвогар шахснинг фойдасига уибұ сижилда кўрсатилган шаклда одамлар орасида эълон қилиши ўйли билан Бухоро музофотида маҳкамама мажлисида даъвогар ва жавобгарни юзма-юз қилган ҳолда \_\_\_\_\_ асосида қонунийлик шартларини жамлаган \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ деб аталаувчи ҳукмни чиқардим”(сана кўрсатилган)<sup>576</sup>.

Агар гувоҳлар иштирок этган бўлса, “Уибұ сижилда кўрсатилган шаклда” жумласидан сўнг “уибұ гувоҳларнинг кўрсатмалари билан”, деб ёзиб қўйилган. Агар гувоҳларнинг адолатлилиги маълум бўлса, мазкур иборанинг олдига “адолатлилиги билан танилган”, агар тазкийа орқали адолатлилиги исботланса, “му‘аддалин” (адолатли деб топилган) сўзларини ёзиб қўйишида хатолик бўлмаган. Агар баъзиси адолатли деб топилиб, қолганлари адолатли деб топилмаса, “мазкур гувоҳлар ичидан адолатли деб топилган икки гувоҳнинг кўрсатмалари билан” жумласи киритилган<sup>577</sup>.

<sup>576</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 416.

<sup>577</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 417.

Бу сижилни ёзишдаги умумий тартиб бўлиб, бошқа сижилларда фақат даъволар ўзгаририлган. Сижилнинг бошига қозининг мухри босилган ва санадан сўнг чап томонда куйидаги сўзни ёзиб қўйиш ихтиёрий бўлган:

...فَلَانُ بْنُ فَلَانٍ بْنُ فَلَانٍ، كَتَبَ هَذَا السِّجْلَ عَنِ الْأَمْرِيِّ، وَجَرِيَ الْحُكْمُ عَنِ  
مَا بَيْنَ فِيهِ عَنْدِيْ وَمَتِّيْ، وَالْحُكْمُ الْمَذْكُورُ فِيهِ حُكْمِيْ وَقَضَائِيْ، نَفْتَهُ بِحَجَةَ  
لَاحَتْ عَنْدِيْ وَكَتَبَ التَّوْقِيعَ عَلَى الصَّدْرِ.

“Фалон ибн фулон мени буйргумга кўра уишиб сижилни ёзди. Менинг наздимда унда баён қилинган шаклда ҳукм ижро этилди. Унда зикр қилинган ҳукм далиллар асосида ижро қилган ҳукмимдир. Бошига муҳримни босдим”<sup>578</sup>.

Маҳзарнинг кейинги қисмида ҳукм ижроси қуйидаги тартибда берилган:

...بِمَحْضِرِ مَدْعِيٍّ وَمِنْ مَدْعُوٍ عَلَيْهِ، هَذِينَ فِي وُجُوهِهِمَا يُشِيرُ إِلَى كُلِّ  
وَاحِدٍ مِنْهُمَا فِي مَجْلِسٍ قَضَائِيِّ بِكُورَةٍ بَخَارًا بَيْنَ النَّاسِ عَلَى سَبِيلِ التَّشْهِيرِ  
وَالْإِعْلَانِ حَكْمًا أَبْرَمْتُهُ، وَقَضَاءً نَفْتَهُ مُسْتَجْمِعًا شَرَائِطَ الصَّحَةِ وَالنَّفَاذِ.

**Таржимаси:** Даъвогар ва даъво қилинувчи Бухоро вилоятидаги қозилик мажлисида одамлар олдида ошкора тарзда юзма-юз қилиниб, барча шартларга риоя қилинган тарзда ҳукм чиқарилди ва амалга оширилди<sup>579</sup>.

Мовароуннахр қозилик мажлисларида тузилган маҳзар ҳужжатларининг сўнгига эса, ҳукмнинг шартлари қуйидагича баён қилинганлигини кўриш мумкин:

...وَأَلْزَمَتِ الْمَحْكُومَ عَلَيْهِ هَذَا الْمَالَ الْمَذْكُورَ مَبْلَغَهُ وَجَنْسَهُ وَصَفَتَهُ  
وَعَدَدُهُ فِيهِ إِلَى هَذَا الْمَحْكُومَ لَهُ، فَتَرَكَتِ الْمَحْكُومَ عَلَيْهِ هَذَا، وَكُلُّ ذِيْ حَقِّ  
وَحْجَتِهِ وَدَفْعَهُ وَدَفْعَهُ، وَأَمْرَتِ بِكِتَابَةِ هَذَا السِّجْلِ حَجَةً لِلْمَحْكُومِ لَهُ  
فِي ذَلِكَ وَأَشَهَدَتِ عَلَيْهِ حَضُورِ مَجْلِسٍ هَذَا مِنْ أَهْلِ الْعِلْمِ وَالْعَدْلِ وَالْأَمَانَةِ  
وَالصَّيَانَةِ، وَذَلِكَ فِي يَوْمٍ كَذَا مِنْ سَنَةٍ كَذَا.

**Таржимаси:** Айбдорга маблаги, жинси, сифати ва адади зикр қилинган бу молни даъвогарга тўлиқ тўлашини шарт қилдим. Айбдор

<sup>578</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 417.

<sup>579</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 415.

ва ҳар бир ҳақ ва ҳужжат әгасига имкон берилди. Мен қайдномага даъвогарнинг фойдасига ҳужжат қилиб ёзиб қўйдим. Бу ишга шу мажлисда қатнашган илм, адолат, омонат ва ишонч аҳлини гувоҳ қилдим. Бу иш ... иши .... ой.... кунда бўлиб ўтди<sup>580</sup>.

Ўрта асрларда Бухоро қозилик мажлисларида ишни қайта кўриб чиқиши яъни апелляцияга ҳам имкон берилгандигини кўриш мумкин:

وكلفت هذا المحکوم عليه قضاء هذا المال المذكور وترکته وكل ذي حق وحجة ودفع على حقه وحجته ودفعه متى أتى به يوما من الدهر، وأمرت بكتبة هذا السجل حجة في ذلك بمسألة هذا المحکوم له وأشهدت عليه حضور مجلس، وذلك في يوم كذا

**Таржимаси:** Айбдорга мазкур молни тўлашини буюрдим ва ҳар бир ҳақ ва ҳужжат әгасини қачон бўлмасин, ҳужжатини олиб келиб, ўз-ўзини ҳимоя қилиши учун имкон бердим. Бу ишини даъвогарнинг фойдасига унинг мурожсаати асосида ҳужжат қилиб ёзилишини буюрдим ва мажлис аҳлини бунга гувоҳ қилдим. Бу иш ... куни бўлиб ўтди<sup>581</sup>.

Маҳзар ҳужжатларда яна бир жиҳат тарафларни аниқ кўрсатилиши ҳужжат тузиш шартларидан бири бўлган.

Хэр флан مجلس الحكم وأحضر مع نفسه فلانا، “فادعى هذا الذي حضر عليه билان فالونчинى олиб келди ва келган киши унга қарши даъво қилди، дейилса ҳужжатнинг расмийлаштириш тартиби бузилган. Аксинча، “فادعى هذا الذي أحضره”， яъни уни олиб келган киши унга қарши даъво қилди деб кўрсатилсагина, ҳужжат фақиҳлар томонидан тўғри деб топилган<sup>582</sup>.

Демак, ўрта асрлар Мовароуннахр ҳужжатшунослик тарихида гувоҳлик масаласи жiddий бўлиб, уларнинг кўрсатмалари тўлиқ ҳолда ёзилиши талаб қилинган. Агар умумий ҳолда даъвога мувофиқ кўрсатма беришди, дейилса даъво заиф бўлиб, қабул қилинмаган. Шунинг учун кўрсатма тўлиқ ёзилиши шарт қилинган<sup>583</sup>.

Лекин китоб ҳукмий ва сижил ҳужжатларда даъвога мувофиқ кўрсатма беришди каби умумий лафзлардан фойдаланишга факиҳлар

<sup>580</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 416.

<sup>581</sup> Самаркандий. Шурут ва-л-васо'ик. – Б. 35.

<sup>582</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

<sup>583</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 409.

рухсат беришган. Чунки, Бурхонуддин Маҳмуднинг фикрича, маҳзар бу бирламчи хужжатдир. Унда кўрсатма бериш ва гувоҳлик ишлари тўлиқ расмийлаштирилиши лозим. Маҳзардан сўнг кўрилган иш бўйича ҳукм чиқарилиб, у сижил ҳужжатига умумий тарзда ёзиб кўйилади. Агар бошқа қозидан ушбу иш бўйича маълумот олиш ёки ишни унга ўтказиш мақсад қилинса, ушбу ҳужжатлар маҳзар асосида ёзилади. Қозихоналарга сижил ва китоб ҳукмий ҳужжатлар асосида мурожаатлар кўп бўлганлигини кузатиш мумкин. Қолаверса улар турли шаҳар ва қишлоқлардан келади. Шу сабабли қозининг ишни тўғри ташкил қилиб, кўрсатмани аниқ қайд қилганлигига ишонган ҳолда сижил ва китоб ҳукмий ҳужжатларида ишни умумий тарзда ифодалашга ва китобдаги ҳукмнинг хулоса қисмини ёзишгагина рухсат этилган<sup>584</sup>.

Ўрганилган ҳужжатларда гувоҳ кўрсатмалари даъвогарнинг даъвосидан сўнг ёзилган<sup>585</sup>. Абу Жа‘фар ат-Таҳовий гувоҳ кўрсатмалари жавобгарнинг даъвони рад этишидан сўнг ёзилишини таъкидлаб ўтган<sup>586</sup>. Аммо ушбу қоидага Бурхонуддин Маҳмуд эътиroz билдириб, гувоҳ кўрсатмалари жавобгарнинг даъвони рад этганидан сўнг ёзилиши табиий ҳолат бўлиб, буни қайд этиб ўтиришга эҳтиёж йўклигини таъкидлайди<sup>587</sup>. Россия подшоҳлиги истилосига қадар қозилик маҳкамаларида гувоҳ кўрсатмалари қофозга ёзилиб, хусуматлашаётган тарафларга котиб томонидан қози олдида ўқиб берилган<sup>588</sup>.

Бурхонуддин Маҳмуд, қози ҳар бир гувоҳнинг кўрсатмаларини эшигандан, уларнинг гувоҳликларини бир қофоз – қуртосга (قرطاس) ёзиб боришини таклиф қилган. Сўнг маҳкамама мажлисида ёрдамчилар – соҳиб ал-мажлис (صاحب المجلس) дан бири қози олдида гувоҳларга ўз кўрсатмаларини ўқиб беришини шарт қилган. Ҳужжатнинг ҳар бир бандида даъвогар ёки жавобгар шахснинг зикр қилиниши жоиз бўлганда, уларни ҳар гал исм ва насаби балан эмас, балки баъзи ўринларда ишора сўзлари билан ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин хисобланган. Гувоҳларнинг кўрсатмалари халқ истеъмолидаги форс тилида ёзилган. Кўрсатмалар ўқилгандан сўнг қози гувоҳлардан: “Сизларга ўқиб берилган ушибу гувоҳлик сўзларини эшигдинларми

<sup>584</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 410.

<sup>585</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 410.

<sup>586</sup> Wakin. – Б. 526.

<sup>587</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 410.

<sup>588</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 410.

ва ушбу сўзларнинг бошидан охиригача тўгри эканига гувоҳлик берасизларми?”, деб сўраган. Агар улар: “Эшиитдик ва гувоҳлик берамиз”, деб жавоб беришса, ҳар бир гувоҳнинг “соҳиб ал-мажлис бошидан охиригача ўқиб берганидек \_\_\_\_\_” деб айтиши талаб қилинган<sup>589</sup>. Бурхонуддин Маҳмуднинг фикрича, гувоҳлар томонидан ушбу сўзлар зикр этилганда, хужжатга улар қуидаги тартибда ёзилиши шарт бўлган:

فَشَهَدَ هُؤُلَاءِ الشَّهْوَدُ بَعْدَمَا اسْتَشَهَدُوا عَقِيبَ دُعَوِيِ الْمَدْعَى، وَالْجَوابُ  
بِالْإِنْكَارِ مِنَ الْمَدْعَى عَلَيْهِ شَهَادَةٌ مُسْتَقِيمَةٌ صَحِيقَةٌ مُتَقْدِمَةٌ لِلْأَلْفَاظِ وَالْمَعَانِي  
قَرِئَتْ عَلَيْهِمْ جَمِيعًا، وَأَشَارَ كُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمْ مَوْضِعَ الإِشَارَاتِ.

“Ушбу гувоҳлар даъвогарнинг даъвоси ва жавобгарнинг инкор билан жавоби кетидан кўрсатма беришлари сўралгач, уларнинг ҳаммасига ўқиб берилган нусханинг сўзлари ва маъноларига мос келадиган тарзда тўгри гувоҳлик бершиди ва уларнинг ҳар бири кўрсатиладиган ўринларни кўрсатишди”<sup>590</sup>.

Мовароуннахрда ёзилган хужжатшуносликка оид асарларда маҳзардан кейинги ўринда сижил хужжатининг ёзилиш тартиби берилган. Сижил, маҳзар, яъни қозилик маҳкамаси қарорининг хулоса қисми бўлиб, қуидаги иборалар билан бошланган:

يَقُولُ الْقَاضِيُ فَلَانُ بْنُ فَلَانٍ الْمُتَوْلِيُ لِعَمَلِ الْقَضَاءِ، وَالْحَكَامُ ...

**Таржимаси:** Қозилик иши ва ҳукмларни бошқарувчи қози фалончи ўғли фалончи айтадики...<sup>591</sup>

Бурхонуддин Маҳмуд ўз асарида сижилнинг уч хил кўринишини келтиради. Биринчи кўриниш қози асосан биринчи шахсда хужжатни қайд қилиши кўзга ташланади. Иккинчи кўринишда учинчи шахс томонидан баён этилади. Ушбу кўринишнинг ўзига хос жиҳати унда хужжат, тумандаги кўзга кўринган олимларнинг назаридан ўтганлиги қайд қилинган. Учинчи кўриниш эса, қисқартирилган шакл бўлиб, унда даъводан сўнг гувоҳлантириш жараёни умумий гаплар билан баён этилиб, аниқланган ҳолат билан хулоса қисмiga ўтилган<sup>592</sup>.

<sup>589</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 413.

<sup>590</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 414.

<sup>591</sup> Самарқандий. Шурут ва-л-васо’ик. – Б. 24.

<sup>592</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 415.

Ўрта асрларда қози маҳкамаларида амалда бўлган яна бир хужжат тури-бу хукмий китоб деб аталган, *китоб* фикҳий истилоҳда *хат*, *мактуб* деган маънони билдирган. Демак, хукмий китоб хукукий кучга эга бўлган *нома* ёки *мурожсаатнома* ҳисобланган.

Хукмий китоб ёзилганда хужжат охирида “*иншаalloҳ*” деган сўзни ишлатмаслик шарт бўлган. Чунки бу хужжат қозилик маҳкамасидан четга чиқаётган хужжат бўлиб, унда қатъий талаб акс этиши шарт қилинган<sup>593</sup>.

Хукмий китоб шундай жумлалар билан бошланган:

...بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، كَتَابِي هَذَا أَطْالَ اللَّهُ بَقَاءَ الْقَاضِيِّ الْإِمامِ ... إِلَيْهِ  
وَإِلَى كُلِّ مَن يَصِلُ إِلَيْهِ مِنْ قِضاةِ الْمُسْلِمِينَ وَحُكَّامِهِمْ، وَأَدَمَ عَزَّهُ وَعَزَّهُمْ،  
وَسَلَامَتُهُ وَسَلَامَتُهُمْ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، وَالصَّلَاةُ عَلَى رَسُولِهِ مُحَمَّدٌ  
وَآلِهِ أَجْمَعِينَ مِنْ مَجْلِسِ قَضَائِيِّ بَكُورَةِ كَذَا، وَأَنَا يَوْمَ أُمِرْتُ بِكِتابِتِهِ أَتُولِي  
عَلَى الْقَضَاءِ بِهَا وَنَوَاحِيهَا، وَقَضَائِي بِهَا وَنَوَاحِيهَا نَافِذَةٌ، وَأَحْكَامِي فِيهَا بَيْنَ  
أَهْلِهَا جَارِيَةٌ مِنْ قَبْلِ فَلَانٍ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى نِعْمَائِهِ الَّتِي لَا تُحْصَى، وَاللَّهُ أَعْلَمُ  
الَّتِي لَا تُسْقَصِي.

Таржимаси: *Бисмиллахир роҳманир роҳим, ушибу мурожсаатномам*,  
Аллоҳ қозилигини боқий қўлсин ҳалқ пешвоси бўлган фалончигаким,  
у ушибу мурожсаатни ўз аҳлиниг ҳаками ва мусулмон қозиларининг  
биридан деб билгай, унинг ва ҳалқининг ҳурмати ва саломатлиги  
бардавом бўлсин!!! ...<sup>594</sup>.

Шундан сўнг қози даъво ҳақида маълумот берган;

...أَمَّا بَعْدُ: فَقَدْ حَضَرَ حُضُورُ مَجْلِسِ قَضَائِيِّ بَكُورَةِ كَذَا يَوْمَ كَذَا، أَوْ وَالَّذِي اقْتَضَى  
تَحْرِيرَ هَذِهِ الْكِتَابَةِ إِلَيْهِ، وَإِلَيْهِمْ أَنْهُ حَضَرَ حُضُورُ مَجْلِسِ قَضَائِيِّ بَكُورَةِ كَذَا يَوْمَ كَذَا  
مِنْ شَهْرِ كَذَا، مِنْ سَنَةِ كَذَا،

Таржимаси: Ушибу кунда ва ушибу вилоятда қозилик мажлисини чакириб, ушибу расмий ёзишмани жавобгар турган ҳудуд қозисига ёзишига ҳукм қилдим. Чунки жавобгар менинг қозилик мажлисимда ушибу йилниг ушибу ойи ва ушибу куни, ушибу вилоятда қатнашганди<sup>595</sup>.

<sup>593</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 471.

<sup>594</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 469.

<sup>595</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 469.

Сүнг даъвогар ва жавобгар ҳақида ҳамда бўлиб ўтган жараён ёзилган<sup>596</sup>. Ҳукмий китобни иккинчи қози қабул қилиб олишда гувоҳлар олдида уни очиши лозим бўлган. Шу билан бирга, ушбу жараённи расмийлаштириб қўйган. Расмийлаштирилган ҳужжат ҳукмий китобни кўчириш деб аталиб, бу асосда тузилган ҳужжат ҳам ҳукмий китоб деб аталган<sup>597</sup>.

Одатга кўра ҳукмий китоб уч ёки ундан кўпроқ ярим ёки ундан кичик қоғоз парчасига ёзилган. Китобнинг ичига ва ташқарисига алоҳида ёзув ёзилган. Ташқаридан ўнг чеккасига китоб кимга жўнатилганлиги, чап томонига ким жўнатгани ёзилган. Яна ташқарисига гувоҳлар ҳақида маълумот ёзилган. Ичкаридан ўнг чеккасига “الْحُكْمُ لِلّهِ تَعَالَى” деб ёзилган. Китобнинг бошига қози ўз муҳрини босган.

Маълумки, ҳар бир даврнинг ўзига хос анъана ва шароитлари таъсирида қозилик мажлисларида иш юритиш тизими фақихлар томонидан доимий тартибига солиб борилган. Шунингдек, мовароуннахрлик қозилар иш услубларида орттирган тажрибаларини қайд қилиш билан қозилик мажлиси фаолиятини янада ривожлантиришга муносиб хисса қўшдилар. Жумладан, мазкур даврга келиб, қозилик мажлислари ишчи гуруҳининг тузилиши ва улар даъво ишларини кўриш ва ҳал этиш жараёнида бажарган муайян вазифаларнинг қонуний тамойиллар асосида белгиланганлиги, қозилик мажлислари фаолиятининг шариат ахкомлари талаблари билан бир қаторда, умуминсоний талаблар асосида шаклланганлигини, шунингдек, қозилик мажлиси ишини ташкил этишда даъво қўзгатиш, ўзини ҳимоя қилиш ва исботлаш каби институтларнинг ҳам мавжуд бўлганлигини кузатиш мумкин. Умавийлар давридан бошланган қозилик девонлари иш тартибини адолат тамойиллари асосида шакллантириш ҳаракатлари аббосий ҳалифалар ҳукмронлигига ҳанафийлик мазҳаби олимлари томонидан қайта ислоҳ қилинди. Мовароуннахрда ҳам қозилик мажлиси ишларини фаолият юритишида мазкур мазҳаб қонунлари асос қилиб олинган. Таъкидлаш жоизки, ҳанафийлик мазҳаби амал қилган мусулмон минтақаларидағи қозилик маҳкамалари ишини юритишда ироқлик фақихлар томонидан яратиган қатор манбалар дастуруламал сифатида хизмат қилган. Лекин уларнинг барчаси ҳам бошқа ислом ўлкалари

<sup>596</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 470.

<sup>597</sup> Ал-Мухит. Сами ал-Жундий. Ж.9. – Б. 472.

ижтимоий турмушида юзага келган муаммоларнинг ечими учун жавоб бера олмас эди. Ушбуларни инобатга олиб, мовароуннахрлик олимлар ҳам, жумладан, тадқиқот ишида илмий мерослари ўрганилаётган фақиҳлар миңтақа қозилик мажлислари фаолиятини тўғри ташкил этиш учун муфассал қўлланмалар яратдилар. Бундан ташқари, мовароуннахрлик алломалар қозилик мажлиси ишларини юритишда қозилик хужжатларини қайд қилиш тартиб-қоидаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Чунки бу масала ўрта асрларда яшаган кўплаб фақиҳларнинг эътиборидан четда қолиб бораётган масалалардан бири эди. Шуларни эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, Абу Жа‘фар ат-Таҳовий, Абу Наср ас-Самарқандий, Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид, Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийлар нафақат ўз даври, балки кейинги давр Мовароуннахр қозилик мажлислари фаолиятини такомиллаштиришга улкан ҳисса қўшдилар.

## СҮНГСЎЗ ЎРНИДА

Ўзбекистон халқлари маънавий мероси қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, уни бирламчи манбалар асосида ҳар томонлама мукаммал ўрганиш бугунги кундаги долзарб масалалар қаторида туради. Зеро, бизгача етиб келган ёзма мерос ҳозирги тадқиқотлар учун муҳим илмий маълумотларни ўз ичига олади.

Аждодларимиз ўлкада илк давлатчилик кўринишлари пайдо бўлган даврларданоқ ўзларининг расмий фаолиятларини ҳужжатлаштириб боргандар. Биз буларни баъзи манбалар мисолида кўриб ўтдик. Тадқиқ қилинган ҳужжатларнинг аксарияти араб ва форс тилларида бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Умумисломий унсурлар ва миллий маданият жиҳатлари, қадриятлар ва ҳужжатшунослик анъаналари бир-бирларига мослашиши, янги маъно, шаклларга эга бўлиши бу минтақада исломнинг ҳукмрон дин, аҳолининг «ўз динига» айланишига, унинг барқарорлашишига олиб келди. Исломнинг янги шароитларга мослашиш, миллий маданиятнинг янги шакллар касб этиш жараёни инсонлар ва жамият ҳаётининг турли жабхаларида – тил, санъат, маориф, дин, сиёsat, ҳужжат юритиш, ахлоқ, майший ҳаёт ва бошқа соҳаларда юз бера бошлади. Бу алоқаларнинг бир аспекти – назарий ва оммавий даражаларидаги ҳолат алоҳида аҳамиятга эга. Доимо назарий ислом қоидалари ва оммавий дин вакиллари – аҳоли ўртасидаги алоқаларнинг узвийлигини таминлашда фахиҳларнинг роли багоят улкан бўлганлигига гувоҳ бўлдик. Ислом ватани – араблар элидан анча узоқликда жойлашган маданият ўчоги – Мовароуннахрда унинг табиат, ўз тарихига эга бўлган цивилизация, тил, маданият, ҳукуқ, турли халқ, қабила, элат урф-одатлари хусусиятлари мавжуд бўлган бир шароитда фахиҳ қозиларнинг роли бошқа минтақаларга қараганда ҳам юқори бўлди. Шунинг учун Марказий Осиёда ислом тарихини, хусусиятларини тадқиқ этишда қозилик маҳкамаларининг вужудга келиши, ривожланиши, буюк намояндаларининг ижоди, фа-

олияти, таълимотлари, улар ўртасидаги алоқалар, таълимотларидағи трансформация мухим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида Марказий Осиё ҳужжатшунослиги борасида эълон қилинган илмий нашрлар шуни күрсатадыки, бу соҳа кейинги ўн беш йилда анча ривожланди. Турли халқаро илмий лойиҳалар доирасида сифатли китоблар, каталоглар ўқувчилар омасига тақдим этилгани натижасида Ўзбекистон тарихининг ёритилмаган қисмларини бирламчи манбалар асосида ўрганиш имконияти анча кенгайган. Шундай экан, ушбу монографияда ҳанафий ва бошқа мазҳабларнинг буюк намоёндалари доираси – факиҳлар, қозилар, мужтахидлар, устозлар, мұyttабар матн, асарлар мұаллифларининг қозилик ҳужжатлари, нотариал ҳаракатларни юритиш борасидағи қарашлари ва уларнинг замонавий таҳлили ҳамда қози факиҳлар хақидағи маълумотлар түпланди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 39 б.

### ***1. Ўзбекистон Республикаси Президенти***

***И.А. Каримовнинг асарлари***

1.1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлими билан қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Т.7. – Б. 132 – 154.

1.2. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 160 б.

1.3. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Асарлар тўплами, – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Т.15. – Б. 214-215.

1.4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

1.5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 439 б.

1.6. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келаҗагимизнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.

1.7. Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.

## **2. МАНБАЛАР**

### ***Жаҳон фондларида сақланаётган қўлёзмалар:***

2.1. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурҳоний. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти. – Кўлёзмалар асосий фонди (Бундан кейин: ЎзР ФА ШИ) // Кўлёзмалар № 2861. – 1241 в., № 5982. – 955 в., № 9532. – 727 в., № 3161. – 543 в., № 7814. – 180 в., № 8781. – 340 в (1<sup>а</sup>- 61<sup>б</sup>), № 5835. – 675 в (442<sup>б</sup>- 494<sup>а</sup>), № 3167. – 314 в., № 3102. – 196 в., № 5945. – 924 в.

برهان الدين محمود البخارى. المحيط البرهانى.

2.2. Бурхонуддин Махмуд ал-Бухорий. Захирату-л-фатово ал-машхура би-захират ал-бурхониййа. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма №3102.–491 в.

برهان الدين محمود البخارى. ذخيرة الفتاوى المشهورة بالذخيرة البرهانية.

2.3. Бурхонуддин Махмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурхоний. – Коҳира: Дор ал-Кутуб ал-Мисрийя давлат кутубхонаси (ҳанафий фикҳи бўлими) // Кўлёзма № 471. – 890 в.

برهان الدين محمود البخارى. المحيط البرهانى.

2.4. Бурхонуддин Махмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурхоний. – Коҳира: Ал-Азҳар университети (асосий кутубхона, ҳанафий фикҳи бўлими) // Кўлёзмалар № 482. – 720 в., № 774. – 602 в., № 3054. – 894 в.

برهان الدين محمود البخارى. المحيط البرهانى.

2.5. Бурхонуддин Махмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурхоний. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Аё София бўлими // Кўлёзмалар № 001406. – 206 в., № 001407. – 188 в., № 001408. – 211 в., № 001409. 193 – в., № 001410. – 207 в., № 001411. – 225 в., № 001412. – 235 в., № 001413. – 174 в., № 001414. – 199 в., № 001415. – 271 в., Мурод Мулла бўлими // Кўлёзмалар № 001042.–427 в., № 001043. – 511 в., № 001044. – 459 в., № 001045. – 409 в., № 001046. – 275 в., № 001047. – 835 в., № 001048.–622 в.

برهان الدين محمود البخارى. المحيط البرهانى.

2.6. Бурхонуддин Махмуд ал-Бухорий. Аз-Захирату-л-бурхониййа. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Аё софия бўлими // Кўлёзмалар № 001170. – 392 в. – В. 212<sup>a</sup>–162<sup>b</sup>, № 001169. – 301 в

برهان الدين محمود البخارى. الذخيرة البرهانية.

2.7. Жалолуддин ибн Муҳаммад ал-Фатҳободий ал-‘Имодий. Ғурап аш-шурут ва дураг ас-сумут. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси.– Асад Афанди бўлими // Кўлёзма № 722. – 254 в.

جلال الدين ابن محمد الفتحابادي. غرر الشروط و درر السموت.

2.8. Зайнуддин ибн Нужайм ал-Мисрий. Рисола фи-л макотиб ва-с-сизиллот. – Истанбул: Истанбул университети марказий кутубхонаси // Кўлёзма. – 3 в.

زين الدين ابن نجم المصري. رسالة في المكاتب و السجلات.

2.9. Захируддин ал-Марғиноний. Ал-фатово аз-захирийя. – Бағдод: Ирек давлат кутубхонаси // Кўлёзма № 009654. – 692 в. – В. 162<sup>a</sup>-182<sup>b</sup>.

**ظهير الدين المرغيناني. الفتاوى الظهيرية.**

2.10. Ибн Ҳабиб ал-Ҳалабий. Китоб аш-шурут ва-л-васо'иқ.

– Истанбул: Сулаймония кутубхонаси. – Сулаймония қўлёзмалар бўлими // Кўлёзма № 00559. – 175 в.

**ابن حبيب الحلبي. كتاب الشروط و الوثائق.**

2.11. Маҳмуд ибн Музаффар ибн Маҳмуд ан-Нишопурӣ. Ал-Арба‘ин ал-мустатоба. – Истанбул: Боязид кутубхонаси // Кўлёзма № 2672. – 24 в.

**محمود ابن مظفر ابن محمود النشابوري. الأربعين المستطابة.**

2.12. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Қафавий. Като’иб а‘лом ал-ахйор.

– Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 91. – 375 в.

**محمود ابن سليمان الكفوي. كتاب اعلام الاخيار.**

2.13. Мустафо ибн Шайх Муҳаммад. Равзат ал-қузот фи-л-маҳозир ва-с-сизиллот. – Истанбул: Баладийя кутубхонаси. – Муаллим Жавдат бўлими // Кўлёзма № 265. – 157 в.

**مصطفى ابن شيخ محمد. روضة القضاة في المحاضر والسجلات.**

2.14. Маждуддин ал-Устрұшаний. Китоб ал-ғұсул. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзмалар № 3245. – 338 в., № 6141. – 429 в., № 2805. – 301 в.; Алишер Навоий номли адабиёт музейининг қўлёзмалар фонди // Кўлёзма № 199. – 328 в.

**مجد الدين الاستروشنى. كتاب الفصول.**

2.15. Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид. Ал-Жоми‘ ас-сағир фи-л-ғуру‘ ав жоми‘ ас-Садр аш-Шаҳид. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5815. – 302 в.

**حسام الدين الصدر الشهيد. الجامع الصغير في الفروع او جامع الصدر الشهيد.**

2.16. Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид. Ал-Ғатово ас-суғро ав фатово ас-Садр аш-Шаҳид. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 5934. – 221 в.

**حسام الدين الصدر الشهيد. الفتاوى الصغرى او فتاوى الصدر الشهيد.**

2.17. Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид. Ал-Ғатово ал-кубро. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 7857. – 529 в.

**حسام الدين الصدر الشهيد. الفتاوى الكبرى.**

2.18. Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид. Ал-Воқе‘от ал-ҳусомийя фи мазҳаб ал-ҳанафийя. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ // Кўлёзма № 7756. – 273 в.

**حسام الدين الصدر الشهيد. الواقعات الحسامية في مذهب الحنفية .**

**нашр этилган манбалар:**

- 2.19. Абу Жа‘фар ат-Таховий. Аш-Шурут ас-соғир. 2 жилдли / Рухий Ўзажан таҳрири остида. – Бағдод: Матба‘а ал-’оний, 1394/1974.  
ابو جعفر الطحاوي. الشروط الصغير. حقه روحی اوزجان. بغداد: مطبعة العاني، 1974/1394
- 2.20. Абу Наср ас-Самарқандий. Русум ал-қузот / Мұхаммад Жасим ал-Хадисий таҳрири остида. – Бағдод: Дор ал-хурийя ли-тиба‘а, 1405/1985. – 450 б.  
ابو النصر السمرقندی. رسوم القضاة. حقه محمد جاسیم الحدیثی. بغداد: دار الحرية للطبع، 1985/1405
- 2.21. Абу Наср ас-Самарқандий. Китоб аш-шурут ва-‘улум ас-сүкүк / Мұхаммад Жасим ал-Хадисий таҳрири остида. – Бағдод: Визарат ас-сақофа ва-л-и‘лам, Дор аш-шу’ун ас-сақоғийя ал-‘амма, оғоқ ‘арабийя, 1407/1987. – 620 б.  
ابو النصر السمرقندی. كتاب الشروط و العلوم اليسکوک. حقه محمد جاسیم الحدیثی. بغداد: وزارة الثقافة والاعلام، دار الشؤون الثقافية العامة، افاق عربية، 1407/1987
- 2.22. Абу Наср ас-Самарқандий. Китоб аш-шурут ва-л-васа’ик / Мұхаммад Жасим ал-Хадисий таҳрири остида. – Бағдод: Визарат ас-сақофа ва-ل-и‘лам, Дор аш-шу’ун ас-сақағийя ал-‘амма, оғоқ ‘арабийя, 1419/1998. – 226 б.  
ابو النصر السمرقندی. كتاب الشروط و الوثائق. حقه محمد جاسیم الحدیثی. بغداد: وزارة الثقافة والاعلام، دار الشؤون الثقافية العامة، افاق عربية، 1419/1998
- 2.23. Абу Са‘д ‘Абдулкарим ас-Сам’оний. Китоб ал-ансоб. 5 жилдли / ‘Абдуллох ‘Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-жинон, 1408/1988.  
ابو سعد عبد الكرييم السمعاني. كتاب الانصاب. اعتنى به عبد الله عمر البورودي. بيروت: دار الجنان، 1408/1908
- 2.24. Аҳмад ибн Мустафо Тошкубризода. Миғтоҳ ас-са‘ода ва масобих ас-сийода. 11 жилдли / Абдуллох ал-Мисрий таҳрири остида. – Кохира: Дор ал-қутуб ал-ҳадийя, 1412/1992.  
احمد ابن مصطفى تاشكوبيريزاده. مفتاح السعادة و مصابيح السعادة. حقه عبد الله المصري. القاهرة: دار الكتب الهدية، 1412/1992
- 2.25. Большаков О.Г. Два вакфа Ибрагима Тамгач-хана в Самарканде по хронологии и генеалогии / Пер с англ. и примеч. П.А. Грязневича. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1971. – 135 с.

2.26. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурҳоний фи-л-фикҳ ан-нӯ‘мони. 11 жилдли / Аҳмад ‘Иззу ‘Инойа таҳрири остида. – Қоҳира: Дор иҳёй ат-туроҳ ал-‘арабий, 1423/2003.

برهان الدين محمود البخاري. المحيط البرهاني في الفقه النعماني. تحقيق عبد الله عز عنابة.  
القاهرة: دار احياء التراث العربي، 1423/3200

2.27. Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурҳоний фи-л-фикҳ ан-нӯ‘моний. 9 жилдли / ‘Абдулкарим Сами ал-Жундий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘илмиyah, 1424/2004.

برهان الدين محمود البخاري. المحيط البرهاني في الفقه النعماني. اعنتى به عبد الكريم سامي الجندي. بيروت: دار الكتب العلمية، 1424/2004

2.28. Замбавор. Мўжам ал-ансоб ва-л-усурот ал-ҳакийма фи-т-тарих ал-исламий. Муҳаммад Ҳасанбек, Аҳмад Маҳмуд, Исмоил Кашибоф, Ҳофиз Аҳмад Ҳамдий, Аҳмад Мамдуҳ Ҳамдий каби таржимонлар гуруҳи томонидан Байрутдаги Фуат биринчи университети адабиёт факультетида француз тилидан араб тилига ўгирилган. – Байрут: Дор ар-ро‘ид ал-‘арабий, 1980. – 547 б.

2.29. Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафийя. – Бағдод: Матба‘ат ал-‘оний, 1381/1962. – 134 б.

زين الدين قاسم ابن قططوبغا. تاج الترافق في طبقات الحنفية. بغداد: مطبعة العائلي، 1381/1962

2.30. Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз (673 – 748 йй.). Сияр а‘лом ан-нубало. 23 жилдли / Шу‘айб ал-Арноут ва Муҳаммад На‘им ал-Арқусий таҳрири остида. – Байрут: Мавсу‘а ар-рисола, 1992.

ذهبی محمد بن احمد بن عثمان بن قیماز. سیر اعلام النبلاء. بيروت: موسوعة الرسالة. 1992/1412

2.31. Зоғир ал-Қосими. Низом ал-хукм фи аш-шари‘а ва ат-тарих ал-исламий. 2 жилдли. – Байрут: Дор ан-нафо‘с, 1412/1992.

ظافر القاسمي. نظام الحكم في الشريعة و التاريخ الإسلامي. بيروت: دار النفائس، 1412/1992

2.32. Зуҳайлӣ Ваҳба. Тарих ал-қазо фи-л-ислам. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1421/2001. – 590 б.

زحیلی و هبة. تاريخ القضاء في الاسلام. دمشق: دار الفكر، 1421/2001

2.33. Исмо‘ил Пошо ал-Бағдодий. Ҳадия ал-‘орифин. 2 жилдли. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-‘илмиyah, 1401/1981.

اسماعيل باشا البغدادي. هدية العارفين. القاهرة: دار الكتب العلمية، 1401/1981

- 2.34. Каҳҳола ‘Умар Ризо. Мў‘жам ал-муаллифин. 15 жилдли. – Байрут: Дор иҳё ат-турос ал-‘арабий, 1400/1980.
- حاله عمر رضا. معجم المؤلفين. بيروت: دار اهیاء التراث العربي، 1980 /1400
- 2.35. Маҳмуд Салим ал-Қазваний. Осор ал-билод ва ахбор ал-‘ибод. – Байрут: Дор ас-садр، 1425/2005. – 422 б.
- محمود سلیم القزوینی. اثر البلاد و اخبار العباد. بیروت: دار الصدر، 2005 /1425
- 2.36. Муҳаммад ‘Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фаво’ид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафийя / Аҳмад аз-Заҳабий таҳрири остида. – 1-нашри. – Байрут: Дор ал-арқам ибн ал-арқам, 1419/1998. – 422 б.
- محمد عبد الحي الكنوي. الفوائد البهية في تراجم الحنفية وعليه التعليقات السننية على الفوائد البهية. اعتنی به أحمد الزعبي. الطبعة الأولى. بیروت: شرکة دار الأرقام ابن الأرقام، 1419/1998
- 2.37. Муҳаммад ‘Абдулҳай ал-Лакнавий. Муқаддимат ал-‘умdat ар-ри‘ойа фи ҳалли шарҳ ал-виқоя. – Лакнав: Йусуфیй, 1284/1867. – 416 б.
- محمد عبد الحي الكنوي. مقدمة العمدة الرعائية في حلی شرح الوقاية. لکنو: یوسفی، 1284/1867
- 2.38. Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Надим. Ал-Фихрист / Мустафо аш-Шавимий таҳқиқи остида. – Тунис: Дор ат-Тунисийя ли-нашр, 1405/1985. – Б. 264-268.
- محمد ابن اسحاق النديم. الفهرست. تحقيق مصطفى الشومي. تونس: الدار التونسية لنشر، 1405/1985
- 2.39. Мустафо ибн ‘Абдуллоҳ ар-Румий ал-ҳанафий аш-шахир би-Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1656-57 й.). Каشف الظنون ‘ан асмо’ ал-кутуб ва-л-फунун. 2 жилдли. – Макка: Мактаба ал-файсаließия, 1401/1981.
- مصطفی ابن عبد الله الرومي الحنفي الشهير بخاجی خلیفة. کشف الظنون عن اسماء الكتب و الفنون. المکة المكرمة: مکتبۃ الفیصلیة، 1401/1981
- 2.40. Садруддин Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн Носир ал-Ҳусайній. Зубдат ат-таворих: ахбор ал-‘умaro ва-л-мулук ас-салжуқийя. – Байрут: Дор иқра’, 1405/1985. – 465 б.
- صدر الدين ابو الحسن علي ابن ناصر الحسيني. ذبدة التواریخ: اخبار العمراء و الملوك السلاجقیة. بیروت: دار اقراء، 1405/1985
- 2.41. Са‘ид ал-Ҳошим ан-Надвій. Тазкира ан-наводир. – Бағдод: Дор ал-‘араб, 1350/1931-32. – 492 б.
- سعید الهاشم الندوی. تذكرة النوادر. بغداد: دار العرب, 1350/1931-320531. ص 294

2.42. Ас-Самноний. Равзат ал-қузот ва ториқ ан-нажот. 4 жилдли / Салохуддин ан-наҳа’ий таҳрири остида. – ‘Амман, ал-Урдун: Дор ал-фурқон ли-л-нашр ва-т-тавзий’, 1404/1984.

السماني. روضة القضاة وطريق النجاة. اعنتى به صلاح الدين الناهي. عمان, الأردن: دار الفرقان للنشر والتوزيع، 1404/1984

2.43. Тақыйуддин ‘Абдулқодир ат-Тамимий. ат-Табақот ас-санийа фи тарожим ал-ҳанафийя. 2 жилдли / ‘Абдулғаттoх Мұхаммад таҳрири остида. – Қохира: Ал-Маҳалли ал-а’ло ли-шу’ун ал-исламийя, 1390/1970.

تقى الدين عبد القادر التميمي. الطبقات السننية في تراجم الحنفية. اعنتى به عبد الفتاح محمد. القاهرة: المطبعة العلمية لشئون الإسلامية، 1390/1970

2.44. ‘Умар ибн ‘Абд ал-‘Азиз. Шарх адаб-ал-қози / Абū-л-Вафо ал-авғоний таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-‘ilmийя, 1414/1994.– 662 б.

عمر ابن عبد العزيز. شرح أدب القاضي. اعنتى به أبو الوفا الأفغاني. بيروت: دار الكتب العلمية، 1414/1994

2.45. Факир Мұхаммад Жилоний. Ҳадоик ал-ҳанафийя. – Лакнов: ал-Иттиҳод, 1326/1908. – 403 б.

فقیر محمد جیلانی. حدائق الحنفیة. لکھاو: الاتحاد، 1326/1908

2.46. Ал-Фатово ал-ҳіндійя. 6 жилдли / ‘Абдуллоҳ Низомуддин таҳрири остида. – Байрут: Дор ихъо ат-турос ал-‘арабий, 1406/1986. الشیخ نظام الدین و جماعة من علماء الهند الاعلام. الفتاوى الهندية أو الفتاوى العالمكيرية.

بيروت: دار إحياء التراث العربي، 1406/1986

2.47. Хайдаруддин аз-Зириклий. Ал-А‘lam тарожим ли-ш-шүхури ар-рижол ва-н-нисо’ мин ал-‘араб ва-л муста’рибин ва-л-мусташриқин. 10 жилдли. – Қохира: Дор ал-‘ilm ли-л-малайин, 1419/1998.

خير الدين الزركلي. الاعلام قاموس تراجم لأشهر الرجال و النساء من العرب والمستعربين و المستشرقين. القاهرة: دار العلم للملايين، 1419/1998

2.48. Хидоя. Комментарии мусульманского права / Перевод с англ., под редакцией Н.И. Гродекова. – Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 480 с.

2.49. Қураший Абу Мұхаммад ‘Абдулқодир ибн Абильвафо Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Мисрий. Ал-Жавохир ал-музий‘а фи табақот ал-ҳанафийя. 5 жилдли / ‘Абдулғаттoх Мұхаммад ал-Хулв таҳрири остида. – Қохира: Ҳижр, 1413/1993.

2.50. Ҳусомуддин ас-Садр аш-Шаҳид. Шарх адаб ал-қози ли-л-Хассоф. 4 жилдли / Маҳий Ҳилол ас-Сарҳон таҳрири остида. – Бағдод: Дор ал-‘араб, 1397-1398/1977-78.

حسام الدين الصدر الشهيد. شرح ادب القاضي للخصف. اعتنى به محى هلال السرخان.  
بغداد: دار العرب, 1397-1398/1977-78

### *Fарб тилларида нашир қилинган манбалар:*

2.51. Ahmad B. Mugit al-Tulaytuli (m. 459/1067). Al-Muqni‘ fi ‘ilm al-Šurut (formulario notarial). ed. Francisco Javier Aguirre Sadaba. – Madrid, 1994. – 405 p.

2.52. Arabi Oussama. Contract stipulations (Shurut) in Islamic Law: the Ottoman majalla and ibn Taymiyya. International Journal of Middle East Studies, London: vol. 30. 1998. – pp. 29-50.

2.53. Chalmeta P., Carriente F. Formularo notarial Hispano-Arabe por elalfaqui y notario cordobes Ibn al-Attar (s X). Madrid: Academia Matritense del Notariado Instituto Hispano-Arabe De Cultura, 1983. – 675 p.

2.54. Imam Fakhr ad-din Hasan b. Mansur al-Uzjandi al-Fargani. Fatowo al-Qadihan. ed. Moulvy Wilayat Husein Vol. 1-2. – New Delhi: Kitob Bhavan, 1994/1986). – 343 p, 408 p.

2.55. Satoe Horii. Die gesetzlichen Umgehungen im islamischen Recht (hiyal) (Unter besonderer Berücksichtigung der Gannat al-ahkam wa-gunnat al-hussam des Hanafiten Sa‘id bin Ali as-Samarqandi (gest.12. Jhdt). – Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2001. – 201 p.

2.56. Siddiqui Mona. The concept of wilaya in Hanafiy Law: authority versus consent in al-Fatawa al-Alamgiri. – Vol.5.– London: Year book of Islamic and Middle Eastern Law, 1998-1999. – 175-185 p.

2.57. Joseph Schacht. Das kitob aš-Šuf'a aus dem al-gomi‘ al-Kabir fiš-Šurut des Abu Ga’far Ahmad ibn Muhammad at-Tahawi. – Heidelberg: Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1930. – 58 p.

2.58. Joseph Schacht. Das kitob adkor al-huqûq war-ruhûn aus dem al-gomi‘ al-Kabîr fiš-Šurût des Abû Ga’far Ahmad ibn Muhammad at-Tahowî. – Heidelberg: Carl Winter’s Universitätsbuchhandlung, 1927. – 38 p.

2.59. Jeanette A. Wakin. The Function of Documents in Islamic Law: The Chapters on Sales from Tahawi’s Kitab al-Shurut al-Kabir. State University of New York Press Albany, 1972. – 203 p.

### **3. АДАБИЁТЛАР**

#### **Ўзбек тилидаги адабиётлар:**

- 3.1. Бекмирзаев И.И. “Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги” Монография, Т.: Таълим нашриёти, 2011. – 200 б.
- 3.2. Жўзжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё факихлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.– 255 б.
- 3.3. Зиёдов Ш., Қориев О., Бекмирзаев И. Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожида ҳанафий таълимоти. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 232 б.
- 3.4. Ибн Баттута. Саёҳатнома. / Масъул муҳаррир ва муқаддима муаллифи академик Н. Иброҳимов – Т.: Шарқ, 2012. – 687 б.
- 3.5. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ. / З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003. – 313 б.
- 3.6. Исмоилов М. Ҳужжатшунослик ва Марказий Осиё дипломатикиаси. – Т.: Академ нашр, 2010. – 62 б.
- 3.7. Isxakov S., Topildiyev V., Raxmanov A. Rim huquqi. Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Ichki Ishlar Vazirligi, 2012. – 224 b.
- 3.8. Каримов Ф., Сартори П., Зиёдов Ш. Себзор даҳаси қозиси фаолиятига оид ҳужжатлар. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 176 б.
- 3.9. Муҳамедов Ҳ. Ислом ва давлат назарияси муаммолари. – Т.: Адолат, 1999. – 38 б.
- 3.10. Mu‘ин ал-Фуқаро. Тарихи Муллазода. / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, Б. Аминов. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 277 б.
- 3.11. Мўминов А. Мовароуннаҳр ҳанафий фикҳи // Имом ал-Бухорий сабоклари. – Тошкент, 2001. – № 1. – Б. 88-91.
- 3.12. Ан-На‘им: арабча-ўзбекча лугат. – Т.: Халқ мероси, 2003. – 960 б.
- 3.13. Прозоров С. Исломда олий ҳокимият масаласи // Ислом ва дунёвий-маърифи давлат (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Тошкент, 2003. – Б. 31-34.
- 3.14. Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти: Қисқартирилган нашр. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2002. – 203 б.

3.15. Саидов А. Бурхониддин Маргиноний – буюк ҳуқуқшунос (шариат ва ўзбек миллый маънавий-ҳуқукий мероси тарихидан лавҳалар). – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ, 1997. – 177 б.

3.16. Содиков Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010. – 191 б.

3.17. Ҳамидов Ф., Тоғаев С. Ўзбекистонда нотариат. – Т.: Адолат, 1998. – 365 б.

3.18. Мокшин А. В. Шартномалар тўплами. – Т.: “Norma”, 2011. – 196 б.

